

40ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

НЕЪМАТ УБАЙДУЛЛАЕВИЧ АБДУЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ

ТАРИХИ

ТОШКЕНТ 2007

Мундарижа.....	2
----------------	---

БИРИНЧИ БЎЛИМ
ҚАДИМГИ ДУНЁ САНЪАТИ

1-БОБ. ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИ САНЪАТИ.....	4
2-БОБ. ИСТЕЪМОЛЧИЛИКДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЎТИШ ВА ДАСТЛАБКИ ШАҲАР МАДАНИЯТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	5
3 БОБ.ЎЗБЕКСТОНДА ДИНИЙ ҚАРАШЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА УНИНГ САНЪАТДАГИ ИФОДАСИ.....	7
4 БОБ. ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК ШАКЛЛАНИШИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	31
5 БОБ. ДАСТЛАБКИ ИСТИЛОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНҚИРОЗИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	36
5.1. Ўзбекистон ахамонийлар давлати таркибида бўлган пайтидаги санъати.....	36
5.2. Македониялик Искандарнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши ва унинг вафотидан кейинги даврларда Ўзбекистон санъати.....	41
5.2.1. Салавкийлар даври	
5.2.2. Грек – Бактрия	
5.2.3. Қангха (кангюй) давлати (мил. авв. III аср – милодий I аср)	
5.2.4. Довон давлати (Паркана, Фарғона)	
5.2.5. Кушон давлати (милодий I – IV асрлар).....	54

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Ўрта асрлар санъати

1 БОБ. ЭФТАЛИТЛАР ВА ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	65
2 БОБ . АРАБ ИСТИЛОСИ ВА УНДАН КЕЙИН ПАЙДО БЎЛГАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	88
3 БОБ МЎҒУЛ ЛАР ИСТИЛОСИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ..	103
4 БОБ ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ САНЪАТИ.....	106
5 БОБ ТЕМУРИЙЛАРДАН КЕЙИНГИ ДАВРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЮЗАГА КЕЛГАН ХОНЛИКЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ..	139
5.1. ШАЙБОНИЙХОН ДАВЛАТИ	
5.2. АШТАРХОНИЙЛАР (ЖОНИЙЛАР) ДАВЛАТИ(1601-1753)	
5.3.БУХОРО АМИРЛИГИ	
5.4. ХИВА ХОНЛИГИ.	
5.5. ҚЎҚОН ХОНЛИГИ	
6 БОБ МАКАЗИЙ ОСИЁ РУСИЯ ТАРКИБИДА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	155

УЧИНЧИ БЎЛИМ

XX аср Ўзбекистон санъати

1 БОБ XX АСР БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....	179
2 БОБ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИ ТАКИБИДА (1925-1991) ДАВРИ САНЪАТИ.....	217
2.1. 20 -30 йиллар санъати	
2.2. 40 – йиллар санъати	

2.3. 50- йиллар санъати

2.4. 60-80 йиллар санъати

3 БОБ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ.....288

ХУЛОСА

БИРИНЧИ БЎЛИМ
ҚАДИМГИ ДУНЁ САНЪАТИ
I БОБ ИБТИДОЙ ЖАМОА ДАВРИ САНЪАТИ

Марказий Осиё минтақасидаги табиий шароитнинг қулайлиги, экологик муҳит бу ерларда инсониятнинг илк манзилларининг пайдо бўлиши ва ибтидоий жамоа тузумининг шаклланишига имкон берди. Шу заминнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон ҳудудида жуда қадим замонларданок одамзод истиқомат қилиб келган. Қадимшунослар фикрига кўра бу заминда миллион йилдан бери одам яшаб келмоқда. Турон заминининг Жайхун ва Сайхун дарёлари оралиғидаги ҳавзада кишилик жамиятининг илк шаклланиши, унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожини ўзига хос эволюцион тараққиётда бўлиб шу ерда ибтидоий тўда, қадимий тош асрининг ибтидоий жамоа хўжалиғи ва ниҳоят ибтидоий санъат ривожини мавжуд бўлди.


Ўзбекистон ҳудудида қадимий ибтидоий маданият тош асрининг илк босқичида мил. аввал 700 - 600 минг йилликдан 100 мингинчи йилларгача бўлган давр бориб тақалади ва бу маданият оддий меҳнат қуроллари – тошдан ишланган чопқичлар сифатида пайдо бўлган. Шундай қуроллар Суғ воҳасининг Селенгур ғоридан, Охангарон дарёси яқинида Кулбўлоқ манзили, Бойсун тоғлари ва Заравшон оазисида Омонқўтон, Зирабўлоқ, Қўтирбўлоқдан топилган. Бу топилган меҳнат қуролларининг илк намуналари асосан икки томонига ишлов берилган чопқичлар бўлиб унинг бир томони учли ва ўткир бўлишига эътибор берилган. Тош асрининг йирик манзили Селенгур ғоридаги ашёлар шундан далолат беради. Тош асрининг юқори босқичига келиб ҳозирги замон одам қиёфаси шаклланди, одамлар табиий ғорларни ўзлаштира бошладилар, ҳайвонлар терисидан кийимлар тайёрладилар. Улар эндиликда тошдан ташқари суяк, ёғочдан ўзлари учун керакли буюмларни ярата бошладилар, бигизлар пайдо бўлди. Бу даврга келиб оловни ихтиро этилиши одамлар жамоасини

яхлитлашишига олиб келди. Одамлар яшайдиган жойларда эса меҳнат куроллари ясайдиган устахоналар пайдо бўла бошлади. рассомлик, хайкалтарошлик, меъморчиликнинг дастлабки кўринишлари шакллана бошлади. Ибтидоий одамлар ўз меҳнат ва ов куролларга, кундалик турмушда ишлатадиган буюмларга турли белги ва чизиқлар чизиб уларни гўзаллигини орттира бошладилар, ўзлари учун безак-тақинчоқлар яратишга ҳаракат қилганлар Обишер (Фарғона), Мачой ғори (Бойсун)дан топилган суяк бигизлар, турли тақинчоқ-маржонлар, шунингдек аёл хайкаллари шу давр кишилари «нафосати» далилидир.


Аста-секин одамлар катта бўлмаган жамоаларга бирлаша бошладилар. Уларнинг тез бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиш, янги ерларни ўзлаштириш имкониятини берди. Бу имконият бир жойда пайдо бўлган ғояларни янги ерларга етиб боришига асос яратди. Инсон тафаккури ва у билан боғлиқ ижодий фаолиятни ривожлантирди. Балиқ тутиш тўри, овчилик учун камон, ўткир найзали камон ўқи ихтиро этилди, ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланди. Кўчиб юриш учун зарур сол қайиқлар яратилди. Мезолит асрига келиб (мил.ав.12-7 мингинчи йиллар) кўп жойларда йирик ҳайвонлар қирилиб кетди. Майда ҳайвонлар овига эса якка овчиликка олиб келди. Бу ўз навбатида шахсий мулк масаласига бориб тақалди. Энди ов қилинган майда ҳайвон гўштини катта жамоада тақсимлаш у ёқда турсин кичик жамоа учун ҳам камлик қила бошлади. Молларни қўлга ўргатиш кенгайди. Шу даврнинг машҳур ёдгороликлари Фарғонада Обишир, Тошкентла Бўзсув, Сурхандарёда Мачой ғорларидан топилган.

Тош асрининг дастлабки расмлари қоя тош юзалари, ғор девор ва шипларига, суяк юзаларига ишланган. Уларда турли ҳайвон ва қушлар тасвирини акс эттирилган. Ўзбекистон худудида шундай тасвирлар Тошкент, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё вилоятларида сақланиб қолган. Тасвирлар чақа қилиш (яъни қаттиқ тош билан уриб юзада чуқурчалар ҳосил қилиш), қаттиқ қурол билан юзани тирнаш ёки чизиш йўли ёки табиий бўёқлар (рангли тупроқлар)ни мол ёғи билан аралаштириш

асосида юзаларга расмлар ишланган. Обирахмат, Хўжакент (Тошкент), Сураутсой, Соймоли тош (Фарғона), Зараутсой (Сурхандарё), Така тош (Жиззах) расмлар машхур.



1



2

Бу тасвирларнинг кўпчилигида хайвонларнинг алоҳида турган ҳолати, хайвонлар тўдаси, аста, ов манзараларини акс эттирувчи расмлар учрайди, Шундай дастлабки расмлардан қояга чақалаб ва чизиб ишлаган хайвонлар расми тасвири эътиборли. Расм 1,2. Уларда ибтидоий расм хайвонга хос хусусиятларни қоя тош юзасига чақалаш услубида бажарган.



расм 3. Яраланган хайвон

тасвирига эътибор беринг. Унда ибтидоий расм яраланган хайвон тасвири орқали ўзини тушунча ва кечинмаларини тасвирлашга ўта бошлаганини кўриш мумкин. Инсон тафаккуридаги бу ўзгаришлар кейинги давр кишиларида янги пағонага кўтарила бошлаганини кўрамиз. Шу ўринда Зараутсой расмлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Зараутсой-Камар ғоридаги ов манзараси расми машхур. Зараутсой расмларининг бошланиш палеолит даврининг сўнги босқичига тўғри келади. Дастлабки расмлар алоҳида ёки бир неча ҳайвон тасвири ишланган. Ибтидоий расм бу ишларда ўзини кўзатувчан ва кўрган нарсасини имконияти бўйича тўлиқ акс эттиришга интилгани ҳолда жуда оддий ва содда шакллардан фойдаланади. Расм ҳайвонлардан буқани хусусиятларини яхши хис этган, уларнинг қудрати кучи ва ҳаракатдаги вақтини ишонарли ва ҳаққоний тасвирлаган. Зараутсой расмларидан «Ов қилиш» композицияси бирмунча мураккаб, мазмуни эса давр кишилари ҳаёти, яшаш тарзи ва фикр юритиш қобилиятини намоиш этади.



Расм 4 *Ов манзараси. Зараутсой расм парчаси. Мил. аввалги 12-10 мингинчи йиллар. Сурхандарё, Бойсун тумани.*


Одамлар кучли ҳайвонларни ов қилишда ўзлари учун нафақат камон балки, химояланиш, ҳайвон психологиясини билган ҳолда унинг олдига ниқобда яшириниб бориши мумкинлигини кўрсатади. Одамлар сомондан пичан ғарамини эслатувчи ниқоб ясаб олганликлари уларни ҳайвон олдига яқин бориш имкониятини берган. Овчиларнинг кўриниб турган оёқлари эса уларнинг ҳаракатини кўрсатса, итларнинг олдинга ташланган оёқлари шу ҳаракатни янада кўчайтиради. Композицияда тасвирланган буқа (навос)

хотиржам, бақувват, лекин зийрак ўз емиши билан банд. Бир қарашда содда, оддий бўлган ана шу ибтидоий санъат давр моҳияти, инсон тафаккури ривожини билишда ниҳоятда катта аҳамиятли эканлиги билан қимматлидир.

Нолит(мил. а.6-4 мингинчи йиллар) даври санъати

Ўрта тош асри(мезолит, мил.ав.12-7 мингинчи йиллар)нинг сўнги янги тош (неолит, мил. Ав.6-4 мингинчи йиллар) асрида деҳқончилик ва чорвачилик ўтиш тезлашди. Кўп ерларда ўтроқ ҳаёт бошланди, уруғ жамоаси шаклланиб жуфт оила шакли пайдо бўлди. Она уруғи (матриархат) даври бошланди. Бу ривож меъморлик тасвирий ва амалий санъатда ҳам ўз ифодасини топди. Эндиликда инсон табиат инъом этган маҳсулотларни истеъмол қилиш билан чегараланмай, балки ўзи ҳам ишлаб чиқариш, моддий бойликларни кўпайтиришга ўта бошлади. Бу даврнинг муҳим ютуқларидан бири бу оддий лойдан мустаҳкам сопол буюмлар яшаш бўлди. Одамлар оловдан фойдаланиш ва унинг ёрдамида исиниш ёки овқат пишириш, балки унинг ёрдамида ўзи учун керак бўлган меҳнат ва ов ва ниҳоят жанг куролларини яратишни ўрганиб олдилар. Бу ихтиро кейинги кулолчилик ва у билан боғлиқ наққош санъати ривожига катта туртки берди. Саполнинг ихтиро этилиши ижтимоий ҳаётда катта ўзгаришлар ясади. Эндиликда одамлар фақат сопол буюмлар яратиш эмас, балки улар учун керакли қолиплар олиш ва дастгоҳлар ихтиросига ҳам ўта бошладилар, тошни кесиш, уларга пардоз бериш санъати ҳам давр кишиларининг эстетик қарашларининг ривожини эди. Бу даврда қурилиш санъати кенгая борди. Одамлар лойдан ер устида уй қуриш билан ҳам шуғуллана бордилар. Тўқимачилик, терини қайта ишлаш соҳасида мувофақиятларга эришила бошланди. Ҳунармандчилик, савдо сотиқ ривожланди. Одамлар орасидаги, уруғлар орасидаги муносабатларни мураккаблаша борди. Ижтимоий ҳаётда эркакларнинг роли орта бошлади. Шу заилда дастлабки синфий жамиятнинг куртаклари пайдо бўла бошлади. Энолит(мил.ав.4 мингинчи йилларнинг охири 3 мингинчи йиллар) ва бронза асри(мил.ав. 2- 1 мингинчи йиллар) да

ижтимоий ҳаётга кенг кўламда мис ва бронзани кириб келиши ишлаб чиқариш воситаларини мураккаблашишига, кишиларнинг турмуш кечириш имкониятларини бойитишга олиб келди ва бу жараёни янада тезлатди. Меҳнат тақсимоти юзага келди. Қабилалар орасидаги чорвадорлар, хунармандлар ажралиб чиқабошлади. Патриархат мустахкамланди. Меҳнатни ташкил этиш мураккаблашуви ўз навбатида кўшимча маҳсулотларни пайдо бўлишига асос яратди. Инсон маънавий жиҳатдан ривожланишининг янги поғонасига кўтарилди. Достон, халқ оғзаки ижоди, кўшиқчилик, тасвирий амалий санъатнинг турли кўринишлари ривожланди. Меъморлик санъати, унинг маҳобатли турлари эндиликда давр моҳиятини акс эттирувчи санъат турларининг етакчи кўринишига айланди. Бу ривожланиш одамларнинг диний тушунча, ўтганлар руҳи билан боғлиқ ҳолда борди. Бу давр рассомчилигида ҳамон ҳайвонлар тасвири етакчи ўринни эгаллади. Улар шарпа сифат ҳолда тасвирланган. Бундай расмлар Тошкент вилоятининг Хўжакент қояларида сақланиб қолган. Давр ҳайкалтарошлиги ўзининг рангбаранглиги билан ҳарактерланади, тош, мрамор, суякдан ҳайкаллар ишлаш, металл-бронза, олтиндан ҳайкаллар қуйиш, лойни куйдириб терракота ҳайкаллар ишлаш жараёни кенг тус олди. Мавзуси ҳам бирмунча кенгайди. Алоҳида бош ҳайкали, жанрли композиция, турган ҳолдаги ҳайкаллар шу йилларда ишланган. Кўпгина ҳайкалларнинг юзага келиши давр тақозоси, шу давр бадиий маданиятининг янги равнақи эди. Чунки қуйма ҳайкал ясаш ҳайкалтарошдан ўз ғоясини амалга оширишда қатор жараёнларни амалга ошириш, дастлаб ғояни материаллаштириш, яъни шаклини ясаб олиш, сўнг ундан қолип олиш ва шундан кейингина қолипга керакли металлни (бронза, олтин, мис) эритиб қуйиш ва ниҳоят уни қолипдан чиқариб ишлов бериш жараёнини ижодкордан ақлий ҳам жисмоний куч талаб этар эди. Шундай жараёнда амалга оширилган кўпгина буюм ва ҳайкаллар бизгача етиб келган.



Фарғона қуйма топилмалар ичида кўпроқ амалий безак буюмлар кенг ўринни эгаллайди. Фарғона водийсининг Ҳақ қишлоғидан 1899 йили бирқанча бронза ва кумушдан ишланган буюмлар топилган эди. Шулар ичида сигир соғаётган аёл хайкал ишланган тўғноғич характерли. Унда тўғноғич тепа қисмида сигир соғаётган аёл тасвирланган бўлиб, сигир эса ўз бузоқчасини ялаётгани пайти тасвирланган. Расм. Композиция ҳаётий ва кундалик турмушга бағишланган. Ишланиш услуби содда бўлса ҳам ҳаётий.

Расм 5. Сигир соғаётган аёл.



Расм. Икки бошли илон тасвири бўлган тумор.

Энолит, бронза асрида тошга ишлов бериш, тош, мрамардан ҳайкал ясаш санъати ҳам ривожланди. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан Фарғона водийсидан топилган, жумладан қора тошдан ишланган икки бошли илон тасвири бўлган тумор мил. ав. 2 мингинчи йилларда ишланган деб тахмин қилинади. Расм. Унда тош сатхи яхши ишлов берилган силлиқ танада оқ чуқурчалар бўлиб уларга оқиш гипс берилган, кўз ва тишлари инкрустация услубида ишланган ва қиммат баҳо тошлар билан тўлдирилган бўлиши мумкин. Мрамарда ишланган «Қайиқдаги буқа», тошбақа ҳайкали, тошдан ясалган *Эркак боши ҳайкали* давр ҳайкалтарошлик намунаси сифатида эътиборга лойиқ. Мил.ав. 1 мингинчи йилларда жанубий Ўзбекистоннинг Миршоди манзилидан топилган қора тошдан ишланган Эркак боши ҳайкалида қаттиқ материалга ишлов бериб катта шаклларда одам боши хусусиятларини кўрсатишга муяссар бўлган.



Расм. Эркак боши ҳайкали

Бу давр сопол ҳайкалтарошлиги – терракотада бетакрор ҳайкаллар ишланди. Бу ҳайкаллар мавзуси рангбаранг. Одам, ҳайвон, қушлар, турли ҳаётий воқеалар шу ҳайкалларда ўз аксини топган. М. Ўзбекистоннинг жанубидан топилган ёдгорликлар ичида аравалар шаклини учраши шундан далолат беради.




Марказий Осиё санъати тарихида майда ҳайкалтарошлик, унинг сопол ҳайкалтарошлиги (терракота) ўзига хос, бетакрор ривожда бўлди. Бу ҳайкаллар ўз бадиий ечими, композицион ҳолати ва мавзуси билан бошқа халқларнинг шу санъатидан фарқланиб туради. Аёллар ҳайкаллари ишланиш услуби характерли. Улар тасвирланганда икки қўли кўкрак олдида ёки қўлсиз ясаиб белдан пастки томон кенгайтирилган ҳолда кўрсатилган, аёллар ҳайкалининг иккинчи хили бир қўли кўкраги олдида иккинчиси пастга туширилган ҳолда тасвирланган. Сўғдда шундай ҳайкаллар кўплаб ишланган.

Расм. Сўғд ҳайкаллари. а.б.

Сопол ҳайкалтарошлигининг яна бир тури бу сопол идишларга ишланган одам ва ҳайвонларнинг шакллари дир. Рельеф санъати кенг ўринни эгаллаб амалий санъат буюмларини безаш ишларида кенг ишлатилган. Турли кўза, хум каби буюмларнинг банд ва айрим бўлимлари ҳайвонлар, масалан кўй, шер ва б. шаклига ўхшатиб ясалган. Муҳр юзасига турли ҳайвон ва паррандалар бўртма тасвири ишланиши ҳам шу ҳайкалтарошлик санъати тур ва имкониятларининг кенглигидан далолат беради. Ўзбекистон жанубидан топилган бургут, илон, арслон тасвири туширилган муҳрлар топилган. Албатта бу ёдгорликлар бизга парчаларда етиб келган, лекин, ана шу парчаларнинг ўзи санъаткорнинг маҳорати, давр ғоявий-сиёсий ҳолати ҳақида ҳикоя қилади. Бургут, турли қушлар, йўлбарс, шер бўртма тасвири туширилган муҳр парчалари шунинг учун ҳам қимматлидир.

Аста воқеликни кенг қамровли шартли шаклларда тасвир этиш янада ортди. Самарқанд Хатирчи тумани Бургансой расмлари (мил. ав. 2

мингинчи йиллардан бошланиб, мил. ав. 6-1 асрларгача давом этган. Расмлар соя шаклида ўйиб ишланган мавзуси: ҳайвонлар тасвири – туя, от, буқа, тўнгиз, шер, бўри, ов манзараси ҳаётий лавҳалар ҳам Бургансой расмлари мазмунини ташкил этади. Оқ-томдан топилган шохга мил. ав. 2-1 мингинчи йилларда ишланган расм, Қуйи Мозордан топилган суяк пластинкасига ишланган расмлар юзага ўткир найзали қуроллар билан чизиб (ўйиб)



ишланган.

1

2

3

5-6. Расм суяк пластинкасига

ишланган расмлар.

Султон Увайс тоғининг шимоли-ғарбий этақларида жойлашган кумтепалар Чилпик, Қоратепа ва Бештепадаги қоятошлар юзаси ниҳоятда турли-туман расмлар, аниқроғи ўйма белгилар билан копланган. Сурхандарё ерлари, Фарғона, Самарқанд ва Жиззах, Тошкент, Хоразм ерларида шу даврларга мансуб ёдгорликлардан Бойсун, Термиз туманлари, Ангрен ва Чирчиқ воҳалари манзиллари бирмунча кенг ўрганилган. Бу ерлардан тасвирий ва амалий – безак санъати ёдгорликлари, меъморлик мажмуалари ўз ишланиш услуби тархи (плани) билан бетакрор санъат асари сифатида эътироф этиш мумкин. Шу ўрганилаётган давр ҳақида гапирилганда рассомлик санъатига алоҳида тўхталиш зарур. Чунки бу санъатда аввалги давр анъаналари янада ривожланганлигини, мавзу кенгайиб кишилар ҳаётидаги ўзгаришлар хусусиятларини илғаш мумкин. Бу расмларнинг кўпчилигига хос фазилат, воқеликни умумлашма шартли шаклларда, соддалаштирилганлигида кўринади. Бу ердаги расмларда ёввойи ҳайвонлар

билан бирга кўплаб уй ҳайвонлари тасвирини кўрамиз. Тоғ эчкилари, арҳарлар, кийикларнинг алоҳида ёки тўдада пайтдаги кўриниши акс эттирилган тасвирлар содда бўлишига қарамай ҳайвонларга хос хусусиятлар, уларнинг гавда (тана) тузилиши нисбатлари ҳамда ҳайвонларнинг хатти-харакати ниҳоятда жонли ва ифодали ишланган. Шу ўринда Тошкент яқинидаги Хўжакент қоя расмлар, Фарғонадаги Айримач тоғ суратлари, Ош (Қирғизистон Республикаси) яқинидаги Сурат-тош расмлари кўп санъат ихлосмандларига таниш.

Ибтидоитй даврнинг муҳим ёдгорликлари ичида сопол буюмлар(идишлар, безак ва пардоз буюмлари, тақинчоқ, меъморий безак ва х.к.) алоҳида ўринни эгаллайди. Сопол пишириш технологиясининг ривожланиб бориши яратилган буюмларнинг шакли ва кўринишида ҳам ифода этган. Дастлабки сопол буюмлар кўлда, дастгоҳсиз бажарилган турли идишлар бўлиб булар ичида сополда ишланган идишлар шаклига эътибор бериш, турли чизиқли, рангли ва чизма расмли нақшлар билан безаш санъати ривожланди. Сопол буюм юзаларига тўлқинсимон, катак, учбурчак, тўғри чизиқли нақшлар ишланган, идишларда нақшлар билан бирга ҳайвон ва кушларнинг соддалаштирилган шакллари, содда ҳаётий композициялар туширилгани ҳам шу давр кулолчилик санъатига хосдир.

Расм...



Шу ўринда Хоразмнинг Калтаминор қишлоғи ёнидаги Жонбоскалдан топилган сопол идишлар ичи тухумсимон ва икки чеккаси қайиқ учига ўхшаган сопол товоқ идишлар Ўзбекистон ҳудудидан топилган энг қадимий сопол намунаси ҳисобланади .

Кишиларнинг маънавий ўсиши меъморликда ҳам ўз ифодасини топаборди. Бу даврда одамлар шоҳ-шаббалардан ва қамичдан фойдаланиб кўпчилик яшайдиган турар жойлар яратдилар. Самарқанд ерларида, Амударёнинг қуйи воҳаларида, Қизилқум саҳросининг ғарбий чеккалари, Қорақум шимолий қисмларида шундай жой қолдиқлари топилган. Марказий Осиёнинг жанубий томонидаги меъморликларида лой ва турли шаклдаги ҳом ғиштдан фойдаланиш, бино деворлари, полларини суваш ва (бўёқ) ранг бериш пайдо бўла бошлади. Давр манзиллар Ўзбекистон ҳудудида анчагина сақланиб қолган. Булар ичида Обишир, Мачой ғори кенг ўрганилган. Археологлар фикрига кўра фақат Фарғона воҳасида шундай манзиллар мингдан ортиқ бўлган.

Саволлар.


2-боб

Истеъмолчиликдан ишлаб чиқаришга ўтиш ва дастлабки шаҳар маданиятининг юзага келиши даврида Ўзбекистон санъати

Неолитнинг охири бронза асрида Марказий Осиё ерларида икки катта тарихий-маданий бўлиниш – Ўрта Осиёнинг жанубий томонларида ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланадиган қадимги Шарқ шаҳар цивилизацияси типигадаги жамоа ва Шимолда овчилик ва балиқчилик билан шуғулланган кейинроқ чорвачилик ва даҳқончилик билан шуғуллана бошлаган жамоалар мавжуд эди. Шу икки маданият, унинг санъат услублари кейинги узок давом этган давр ҳарактерига таъсирини ўтказиб борди. Шу хусусиятлар Хоразм, Фарғона ерларида топилган кулолчилик ёдгорликлари, меъморчилик қолдиқлари намуналарида кўриниши намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг жанубий томонларида мил. аввалги 2 мингинчи йилларда Сурхандарёнинг Шеробод дарёси ҳавзаси, Қизилсув, Бандихон сойлари атрофида шаклланган маданият Ўзбекистон тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Қадимги деҳқончилик маданияти марказларидан Сополли тепа ва

Жаркўтон комплекси шу маданият хусусиятларини ўрганишда муҳим ўрин эгаллайди. Сополли тепа комплекси катта қишлоқ жамоаси округи тарзида қурилган бўлиб унинг ичида турар жойлар, хўжалик ва хунармандлик диний қурилмалар мавжуд бўлган ва улар кўчалар билан бир биридан ажратилган. Бу қўрғон қурилишида стандарт ғиштлар ишлатилган. Сополли тепа жамоаси содда деҳқончилик билан шуғулланган ва суний суғориш ишларини йўлга қўйилган. Қўрғон ичида кулолчилик устахонасида хўжалик учун зарур бўлган идишлар ишлаб чиқарилган.




Шу маданиятда санъат, айниқса кулолчилик ва металл қуйиш (бронза назарда тutilади) юқори бўлган. Турли кўзгу ва

уй анжомлар бадий бўлишига ибтидоий рассом катта эътибор берган.



Сопол кўзаларнинг бандлари одам шаклини эслатуви ҳайкаллар билан безатилган бўлган. Бу ерда бронзадан турли косметика учун идишчалар ишлаб чиқарилган.

Сополли тепа сополлари типлари. Расм Кўзгулар.



Сополли тепадан(Сурхандарё вилояти) топилган кулолчилик ёдгорликлари, сопол идишлари деярли безаксиз ва ўз шакли рангбаранглиги, нисбатларининг ўзига хос нафислиги ҳамда лойдан нозик, юпқа ва енгил

идишлар ярата олиш хусусияти шу давр усталарининг юксак маҳорати, сополсозлик технологиясини чуқур ўзлаштирганликларидан далолат беради.

1-расм. Расм 2 нақшли сопол идишлар

Фарғона воҳасининг Чуст манзилида ҳам мил.аввалги 2 мингинчи йилларда ўзига хос маданият шаклланган. Шу даврда бу ерларда ўтов типдаги уйлар қурилган. Қурилишда лой ишлатилган. Одамлар яшайдиган манзиллар атрофи калин девор билан айлантириб ўраб чиқилган. Кулолчилик ривожланган. Кўза, коса, хум каби сопол идишлар ишланиб уларнинг юзасига қора бўёқда содда геометрик нақшлар ишланган. Айрим сопол идишлар юзасига нақшлар ўйиб ёки қириб(тирнаб)ишланган.

Хоразмнинг Тозабағёб, Сувёргон, Амиробод маданиятида сопол буюмлар юзасини сир(глазурь)билан қоплаш бошланганлигини кўриш мумкин. Тасвирий санъатда борлиқни - қуш, ҳайвон ва бошқа нарса ҳамда жониворларни ўзига ўхшатиб ишладан кўра, кўпроқ шартли шаклларда тасвирлаш жараёни темир асрига келиб янада ортди. Инсон абстракт фикр юритиш, тасаввур қилиш ва ҳаётга келтирилиши ва уларни тасвирлаш, инсон тафаккурининг ривожланиши бадий ижод ривожининг бошланиш йўлини оча борди. Шуни таъкидлаш керакки, инсон тафаккури ривожини абстракт фикр юритиш билан боғлиқ. Абстракт фикр юритиш, санъатнинг бошқа турларини, жумладан нақш санъати ривожига муҳим бўлди, ҳайкалтарошлик санъати имкониятларини оширди.

3 боб

Ўзбекистонда диний қарашларнинг пайдо бўлиши ва унинг санъатдаги ифодаси

Марказий Осиё ерларида диний тушунчаларнинг ривожланиши ва санъатнинг унга хизмати, диний эътиқод ва тушунчалар тарихига тўхталадиган бўлсак у бизни узок ўтмишга етаклайди. Бу ерларда қадим пайтларда диний тушунчалар магия, тотемизм, анемист тасаввурларлар пайдо

бўлган. Диний тасаввурлар, ўлганлар руҳи тушунчалари аниқ ашёвий далилларда ўз аксини топган. Жумладан, Тешик тош ғори Термиз яқинидаги Тургандарё воҳасининг Бойсун тоғларида қадимги одамлар яшаган манзилдан археологлар турли тош қуроллар билан бирга чамаси 8-9 ёшли ўғил боланинг суяк қолдиқлари ва унинг атрофига гир айлантриб қўйиб чиқилган тоғ эчкисининг шоҳларининг топилиши муҳим воқеа бўлди. Бу топилма Марказий Осиё ерларида жуда қадим замонларда кўмиш маросими ва у билан боғлиқ диний тушунчалар шакллана бошлагандан далолат беради. Ўлган одам ёнига турли буюмлар қўйиш, марҳум кўмилганда унинг ёнига ҳаётлик пайтида ишлатган, севган буюмларини ҳам бирга қўшиб кўмиш одати жамият ривожланиб боргани сари муракаблашган. диний тушунчаларни кенг мушоҳадали фалсафий тус олиб кўп динлилик ва кўп худога сажда қилиш аста якка илоҳга саждага айлана борди. Янги-янги динлар юзага келди. Ана шундай йирик динлардан бири Зардуштийлик дини эди. Мил.аввалги У11 аср шаклланган бу диний таълимот одамларнинг турмуш тарзи, урф-одатига таъсир этди, санъат ва маданиятнинг характерида ўз ифодасини топди. Зардуштийлик билан боғлиқ меъморчилик мажмуалари, одамлар юриш туриш, кийинишда шу дин талаби ва таъсири бўлди. Зардуштийлик дини меъморчилик, амалий ва тасвирий санъатда ҳам ўз аксини топган. Зардушт динига биноан сув, хаво, ер, олов муқаддас бўлиб олов эса тозаловчи, покловчи илохий куч ҳисобланди. Ана шу оташпарастлик дини учун муқаддас олов уйлар қурилган. Бу уйларда олов доим ёниб туриши учун уни қўриқлаб, яхши хид тарқатувчи гиёҳлар ташлаб туришган. Олов уйлари- ибодатхоналар қурилиши, унинг ички безаги, маросим билан боғлиқ турли буюм ва анжомлар ишланди.



Расм 1. Олов уйи.

Самарқанд яқинида очилган археологик топилмаси асосида яратилган, аниқроғи ишлаб чиқилган олов уйи кўриниши теппага кичрайиб борувчи тўртбурчак шакллардан ташил топган бўлиб унинг теппасида тутун чиқиши кўрсатилиб унинг ички хонасида муқаддас олов ёниб турганлигини билдиради .

Ҳар бир шаҳар ва қишлоқда шундай олов уйлари бўлиб уларда муқаддас олов сақланган. Жарқўрғондан топилган олов уйи шуларнинг дастлабкисидир. Бу ибодатхона зардуштийлик дини арафасида қурилган деб ҳисобланади. Хоразмдаги Жонбос қалъа, Бухоро, Самарқанддан топилган олов уйлари қолдиқлари ҳам юқоридаги фикрни исботлайди. Тошкент вилоятининг ҳозирги Оқ қўрғон туманидаги Қанқа археологик манзили олимлар фикрига кўра қадимги Тошкент давлатининг маркази бўлган. Бу давлатни қадимги даврларда Юни, Чоч, Шош деб аташган. Қанқада очилган тўрт минорали қўрғонда сарой ибодатхонаси - капелла ва олов меҳроби бўлган. Ёзув манбаларига кўра давлатнинг асосий ибодатхонаси қўрғондан ташқарида Шарқда бўлган. Бу ибодатхона ўртасида супа бўлиб унга марҳум суяги солинган лойдан ишланган оссуарийлар қўйилган. Шу супа ортида эса эшик бўлиб, ундан кичик хонага кирилган. Бу хонада муқаддас олов сақланган, маросим кунлари у ибодатхона марказидаги меҳробга ёки муқаддас супага олиб чиқиб қўйилган. Ибодатхона комплексининг хужалик хоналари бўлиб у ерда турли буюмлар, жумладан, тақинчоклар сақланган. Одамлар шу урна атрофида айланиб марҳум билан хайрлашган ҳолда муаттар хидли гуллар сочганлар. Маросимнинг ажралмас қисми қурбонлик қилиш ва маросим оши бериш бўлган. Мазкур ибодатхона тахминан янги

эранинг 1 мингинчи йиллар ўртасида қурилган, унинг катта хонасининг деворлари расмлар билан безатилган.

Зардуштийлик маълумотига кўра одамлар ўлгандан кейин унинг жасадини ерга кўмиш гуноҳ ҳисобланган Шунинг учун одам ўлгандан кейин унинг жасадини маҳсус тепаликка олиб бориб қўйишган. Бу тепалик одамлар яшайдига жойдан узоқда жойлашган бўлиб, тепаликда эса турли итлар, бургут, ёввойи қушлар одам гўштини еб уни суякдан ажратиб берган. Ёмғир эса суякни янада тозалаган. Куёш эса уни обдон қуритган. Шундан сўнг тепалик атрофида яшовчи одамлар суякларни йиғиб, сополдан ясалган идишчаларга солиб, кўп холларда марҳумнинг ўз уйига кўмилган. Бу идишчаларни остадонлар ёки осуарийлар деб аташган.




Расм2. Остадонлар кўриниши

Ана шу остадонлар шакли турли- туман бўлиб, асоси тўртбурчак шаклида , коптоғи эса турли шаклларда, ҳатто одам боши ёки қомати шаклида , баъзан хумга ўхшатиб, баъзан ўтирган одам шаклида ясалган. Остадонларнинг юзларига эса бўртма тасвирлар ишланган ёки расм чизилган. Бу тасвирларда ўша даврлардаги одамлар урф-одати, масалан аза тутиш воқеалар акс эттирилган. Бундай остадонлар Ўрта Осиё ерларидан ,хусусан Ўзбекистон тупроғидан кўплаб топилган. Шундай остадонлардан бири Самарқанд вилоятининг Муллақўрғонда очилган.



Расм.3.Остадон юзасига ишланган бўртма тасвир.



Бу остадоннинг ташқи томонида бўртма тасвир бўлиб унда ёниб турган олавга икки томондан одамлар ўтин, ёкимли ис таркатадиган гиёҳлар ташлаб ташлаб турган пайти тасвирланган. Улар оғизларини махсус боғлагич билан беркитиб олганлар. Чунки олов муқаддас, унга хатто одамнинг нафаси ҳам тегмаслиги керак. Олов ёниши расм ҳам характерли. Оловнинг алангалари чиройли ва тартибли қилиб ишланган шакли кейинчалик безак санъатида кенг ишлатила бошланган, бу шаклни антификс деб аташган

Расм.4. Антификс.



Оқтепа (Чилонзор тумани. Тошкент.) ёдгорлиги ҳам шу даврнинг муҳим ёдгорлигидир. Бурчаклари минораларга эга бўлган бу кўрғон икки каватли бўлиб, унинг асосан бурчакларидаги хона ва тоқчаларининг усти берк бўлган, Бу ибодатхона шаҳардан ташқарида бўлиб, катта маросим ва тантаналар учун фойдаланилган. Бу ибодатхона VIII асрда араблар юришидан кейин ташландиқ холга келган бўлса ҳам, оташпарастлар бу ердан узоқ фойдаланишган, ва остадонсиз кумиш маросимлари ўтказилган.

Ер кўрғонда (Ўзбекистон жануби) ҳам шаҳар ибодатхонаси мажмуаси бўлиб, янги асрнинг 1 мингинчи йилларнинг 2- чорагига тўғри келади. Бу ибодатхона маъбуда Анахитага бағишглаб қурилган Анехеологик ишлар давомида бу ердан оташпарастлик учун зарур анжамлар: олов меҳроби, турли сопол буюмлар топилган.

Зардуштийлик дини жаҳон динларининг қадимийси бўлиб минг йилдан ортиқ вақит мобайнида кўпгина Шарқ халқларининг асосий динлари бўлиб келди. Марказий Осиё Эрон, Озарбайжон халқлари ислом динига қадар шу динга эътиқод қилдилар. Хатто ислом кириб келгандан кейин ҳам бу дин узоқ вақт мавқеини сақлаб келган. Ибн Сино даврида (X-XI асрлар) ҳам шу динга эътиқод қилувчилар мавжудлиги эътироф этилган. Бу диннинг таъсири Ўрта Шарқда қатор давлатлар тузилганда янада ортиб борди кейинчалин унинг урф-одат ва қоидалари янги шаклланган дин ва одатларга таъсир этди. Жумладан унинг нариги дунё ҳарикида таълимоти дастлаб яхудийларга, сўнгра христиан ва исломга ўтди ва қайта ишланади Масалан, Зардушт динига биноан ҳарбир шу динга эътиқод қуйган одам кунига беш марта ювиниб, покланиб қуёшга қараб, уни олқишлаб сизиниши керак. Бу одат иейинчалик беш вақт намоз шаклида исломга ўтган. Бош яланг сажда қилиш зардуштийликда ман этилган. Салла ўраш шу пайтда бўлган. Сувни муқаддас ҳисоблаш, нонни эъзозлаш, деҳқонни хурматлаш каби одатлар ҳам шу зардушт динининг талабларидан бўлган.

4 боб. Илк давлатчилик шаклланиши даврида Ўзбекистон санъати

Неолит даври сўнги йилларига келиб Яқин ва Ўрта Шарқда бўлгани каби Марказий Осиё ерларида қўрғон тепалар қурилиши заминида шаҳар ва шаҳар давлатлари ривожланиб борди. Бундай қалъалар табиий ёки сунъий тепаликлар устига, тез оқар сувлар ўртасидаги катта майдонларда қурилиб атрофи қалин ва пишиқ девор билан айлангириб ўраб олинган. Қалъалар заминида шаҳарлар ва улар асосида эса дастлабки шаҳар ва шаҳар давлатлар пайдо бўлди. Шундай қалъалар заминида кейинчалик Хоразм, Бақтрия каби давлатлар шаклланиб борган.

Марказий Осиёнинг жанубий томонларида милоддан ав. IV-III мингинчи йилларда шакллана бошлаган қалъа деворлари қалин ва пишиқ ишланган. Шаҳарга кириш дарвозаларига ҳам катта эътибор берилган. Дарвоза икки чекасида пилон-миноралар бўлиб улар плястрлар билан пардозланган. Қурилишда кўпхонали уйлар пайдо бўлган, деворлари катта-катта хом ғиштдан ишланган, девор ва полларига эса ранг бериб пардозлана бошланган, унча катта бўлмаган арка(равок)лар ёрдамида тепа томонини ёпишга ҳаракат қилинган, айрим уй деворларига тасвир туширишга интилиш сезилади.

Хоразм, Хоразмдаги Жонбос қалъа - эрамиздан авалги IV-III минг йилликларда одамлар яшаган манзиллардандир. Бу ердан қадим одамларнинг турмуш ва маданиятига оид кўп ашёвий далиллар бу даврда турар жойлар тартибга кела бошлаганлигидан, синчдан фойдаланиш, ёғоч ва қамич ёрдамида томни ёпиш одати ривожлана бошлаганлигини кўрсатади.

Мил. авв. I мингинчи йилларга келиб (темир асри) заминнинг кўпгина ерларида янги иктисодий ҳаёт бошланди. Жамоа бошликлари ўрнини ҳарбийлар эгаллади, ҳарбий демократияни юзага келтирилиши одамлар орасидаги муносабатларда ўз ифодасини топди. Шу даврдан бошлаб бу ерларда шаҳар давлат, қурғон ва қалъалар, ўз характери жиҳатидан давлат характеридаги йирик жамоалар кўпайди. Шу даврга келиб ижтимои жамоалар ўрнини дастлабки ўз характери жиҳатидан қишлоқ жамоалари ва

сода давлат тизимига хос хусусиятлар пайдо бўла бошлади. Шундай жамоа ва бирлашмалар асосида дастлабки давлатлар шаклланди.

Кучук тепа (Термиз яқинида) ёдгорлиги олимлар фикрига кура мил. авв. X-III асрларга кадар шаклланган. Бу ерда кўп хонали уйлар мавжуд бўлган унинг ички қисми хоналари йўлаклар(каридорлар) билан туташтирилган. Девор эса тўрт метрли асос устида қурилган. Мудофаа деворлари пахса ва хом ғиштдан ишланган.

Ўзбекистоннинг жанубий томонларида шаклланган Бактрия давлати шаҳарлари ва одами билан машҳур бўлган. Унинг пойтахти Бактра мустахам девор билан ўралган қўрғоннинг (акрополни) ташкил этган. Бактриянинг Қизил тепа (Шурчи, Сурхандарё вил.)шаҳарчаси э.а. III-IV асрларда шаклланган эди. Шаҳар тўрт бурчак шаклида бўлиб калин девор, унинг атрофи эса зовур билан ўраб чиқилган. Деворлари шинакли, ярим думалок миноралар эса муҳим ўрин эгаллаб, одамлар яшайдиган бошқа манзиллардан ажралиб турган. Шундай шаҳарлар Бактриянинг бошқа ерлари учун ҳарактерли бўлган. Турар жой ва яшаш қўрғонлари кўп холларда квадрат ёки тўртбурчак шаклида бўлиб бу қўрғонлар ички ҳовли, айвонларга эга ёғоч устунлар қурилишда кенг ишлатилган. Қизил Тепа яқинидан Қизилча қўрғони шундай кадимий ёдгорлик намунаси ҳисобланади.

Жарқўтон меъморлиги, айниқса унинг ибодатхонаси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ибодатхона ҳашаматли бўлиб унинг меҳробида мукаддас олов ёниб турган. Қалъада коммуникация ишлари йўлга қуйилган. Қалъа ичида 7м. чуқурликдаги кудуқ бўлган. Милоддан аввалги VIII-VI асргача бўлган даврда Марказий Осиё ерларида бирқатор қудратли кулдорлик давлат бирлашмалари вужудга келди. Улар мустақил тарзда хўжалик юритиб ўз қудратларини ошириб борганлар. Шундай давлатлардан бири Сўғд ёки Сўғдиёна бўлган. Унинг пойтахти Мароканд (Самарқанднинг кадимий номи) бўлиб Зарафшон Кашкадарё воҳаларини ўз ичига олган. Бу воҳада кадим пайтларда ўртоқ ва кўчманчи қабилалар яшаб келган. Шу воҳада I-мингинчи йилларда дастлабки шаҳар маданияти шакллана борган. Сўғдиёна

кулай урни Буюк Ипак йўли устидан утганлиги ҳам унинг маданий ҳаётини жонли бўлишни таъминлаган Шарк ва Гарб ўртасида жойлашган бу давлат милоддан аввал УП асрлардаёқ Олд Осиё ва Ўрта денгиз хавзасидаги давлатлар билан, жумладан Юнон-Рим давлатлари билан яқин алоқада бўлиш имкониятини берган. Суғд маданият ниҳоятда юксак бўлганлиги суғд ёзуви мавжудлигида ҳам ифодасини топган. Бу ёзув Сўғдиёнадан ташқарида ҳам маълум бўлган. Сўғдда таълим тарбияга алоҳида эътибор берилган. Айниқса зодагон ва киборларнинг болалари талимига айниқса болалар ўқишига катта эътибор берилган. Сўғд ёзуви 25 белгидан иборат бўлиб, чапдан уннга қараб ёзилган. Бу ёзув кейинчалик Марказий Осиёда ҳам кенг ишлатилган. Сўғд ёзуви асосида кейинчалик уйғур ёзуви яратилиб, у Марказий Осиё ерларини араблар босиб олганидан кейин ҳам узоқ вақт ишлатилган. Сўғдда ҳайкалтарошлик ҳам кенг ёйилди. Бунда аёллар кўпроқ тасвирланган. Сўғдда бу даврда Марказий Осиёдаги муҳим деҳқончилик маркази бўлибгина қолмай, хунармандчилик, айниқса кулолчилик ниҳоятда юксак бўлган.

Милодаан аввалги 1 мингинчи йиллар ўрталарида Хоразм Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бири бўлган. Шу даврга оид ёдгорликлардан бири Қўйқирилган қалъанинг қолдиқлари бизнинг эмонамизгача етиб келган. **Расм 1 Қўйқирилган қалъанинг қолдиқлари.** Қалъа калин девор билан уралиб, атрофи эса сув тўлдирилган зовур билан айлантирилган. Археологик казиш ишлари олиб борилганда бу ердан ҳар хил хумлар, ҳайкаллар топилган. Қалъа хоналарининг деворлари эса расмлар билан безатилган. Бу ердан кўплаб астадонлар топилган, улар ичида одамга ўхшаганлари ҳам бўлиб, унинг ички бўшлиғида ўлган одамнинг суяклари сақланган. Жонбос, Бургут қалъа ҳам Хоразм давлатининг муҳим кўрғонларидан бўлиб, бу ерда ҳам муқаддас олов сақланадиган уйлар бўлган. Хоразмнинг Кўзали кўрғон қалин девор билан ўралган, девор миноралар билан мустаҳкамланган. Кўрғон марказида катта иншоат - ҳукмдор саройи

қароргоҳи бўлган. Олимлар фикрига кўра бу қўрғон қадимги Хоразм давлатининг дастлабки пойтахти бўлган.

Милоддан аввалги У1 асрдан бошлаб Сирдарё кенгликларида кучманчи халқларнинг Қанғ давлати таркиб топа борган. У ўз чегараларини Хоразмгача етказган. Мил. ав. 11 аср иккинчи ярми - милоддан аввалги 1 асрларда у ўзининг гуллаган даврини бошдан кечирди.

Расм 2. Қанғ жангчилари.

Фарғона водийси ҳам Ўрта Осиёнинг қадимдан одамлар истикомат қилган манзиллардан ҳисобланади. Милоддан аввалги 1 мингинчи йиллар ўртасида айти шу ерларда дастлабки шаҳар давлат вужудга келган. Паркана (Даван) давлати шундай давлат бирлашмаларидан бўлиб пойтахти Косон(ҳозирги Косон) бўлган. Ўзбекистонлик олим В. М. Массон шу ерлар иктисодий маданий ҳаёти ҳақида фикр юритиб бу ерларда қурғошин, метал рудалари кўп бўлганлигини таъкидлаб бу маҳсулотлар Туркменистон, Бухоро ерларидаги жамоалар билан товар алмаштириш асосини яратганлигини эътироф этади.

5 БОБ

ДАСТЛАБКИ ИСТИЛОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИНҚИЗОЗИ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН МУСТАҚЛ ДАВЛАТЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ

5.1. Аҳамонийлар даврида Ўзбекистон санъати

Марказий Осиёнинг ерлари қадимдан босқинчилар учун бойлик орттириш ўлкаси бўлиб келган. Тарихий маъумотларга кўра милоддан аввалги IX-VII асрларда душманлар Марказий Осиёнинг жанубий томонларига юриш қилиб жуда кўп бойликлар орттириб қайтган. Мил. ав. VI асрлардан эса Ўрта Осиё

ерларининг катта қисми Аҳоманийлар давлат томонидан босиб олиниб қарийб 200 йилдан ортиқ вақт мобайнида уни асоратида бўлган. Аҳоманийлар Марказий Осиёга юриш қилган пайтда бу ерларда Бактрия, Сўғд, Хоразм, Паркана, Парфия Қанғ ҳамда унинг шимоли томонида ўтроқ ва кўчманчи қабилалардан ташкил топган Саклар иттифоқи шаклланаётган эди. Лекин бу давлатлар орасида бирлик йўқ эди. Шунинг учун ҳам Эрон кўшинлари бу давлат ва қабилаларнинг ерларини тезликда босиб олишга муяссар бўлдилар. Халқнинг озодлик учун кураши эса Тумарис, Широқ каби қаҳрамонларнинг афсонавий жасоратларида сақланиб қолди. Галикарнасли Герадот ва Книдли Ктесийлар шу давр ҳақида қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Жумладан, Книдлик Ктесий мутахассислиги врач бўлган. У Эрон шоҳи Артаксерекс 11 хизматида бўлиб 17 йил Сўзада яшаган ва ўз даври, воқеалар, турли афсона ва ривоятларни тўплаб Ватанига қайтгач шулар ҳақида ёзиб қолдирган. Шулардан бири Тумарис афсонаси бўлган.


Эронликлар босиб олинган ерларни сатрапликларга бўлиб чиқилди. Сатрап эронча ҳоким маъносини англатиб, сатраплик унинг бошқарган ҳудуди назарда тутилган. Сатрап подшоҳга бўйсуниб, унинг кўрсатмаларини бажарар, буйруғга биноан солиғ йиғар эди. Сатрапликлар ҳукмдорлари лавозимига асосан аҳоманийлар авлодидан одам тайинланар эди. Подшоҳнинг руҳсати билан улар ўзга юртларга ҳужум қилиши ва босиб олиш ҳисобига ўз ерларини кенгайтириши мумкин эди. Шунинг учун сатрап Марказий Осиё ерларида бир қанча сатрапликка ажратилган бўлиб шулардан Хоразм, Сўғд, Парфия, Бактрия бир мунча катта бўлган.

Эрамиздан аввалги V асрдан бошлаб Ўрта Осиё ерларида нисбатан тинч ҳаёт бошланди. Шу даврда қатор шаҳарлар пайдо бўлди, хунармандчилик ривожланди, буюк Ипак йўли ривожлана бошлади. Маҳаллий зодагон ва киборлар чет эл босқинчилари ҳомийлигида тинч ҳаёт кечириб ҳашаматли саройлар қурдилар, зебу зийнат ва безакка эътибор бердилар. Бу даврда шаҳарсозликда силижиш рўй берди. Эски шаҳарлар қайтадан тикланди, янги шаҳарлар вужудга кела бошлади. Бақтра, Аорн, Кириополь, Наутака,

Мароканд, Кўзал қир, Эрка қалъа, Каллалиқир (Хоразм) шу давр ёдгорликларидандир. Жумладан, шу даврида вужудга келган Кўзали қир, Каллали қир қалъалари ҳам ана шу давр анъаналарида ишланган. Масалан, Кўзали қир қалъаси кўпроқ учбурчакка яқин бўлиб, унинг майдони қалин девор билан ўраб чиқилган. Калли қир қалъаси режа асосида ишланган. Унинг тўртбурчак майдонини қалин девор билан мустахкамланган. Эрамиздан аввалги VI-IV аср Ўрта Осиё меъморлиги ҳақида Кўзали қир, Каллали қир (Ўзбекистон), Эрка қалъа (Туркменистон) меъморлик комплекслари қолдиқлари таассурот беради. Сўзсиз, бу меъморлик комплекслари аввалги давр анъаналарини давом эттириш асосида юзага келган. Улар қалин девор билан ўраб чиқилган, дарвоза ва миноралари мавжуд бўлган. Уларнинг марказида сунъий тепалик бўлиб, унда сарой ёки ибодатхона жойлашган. Саройлар учун ишлатилган устунлар кўп холларда капителлар билан тугалланган. Эрамиздан аввалги VI-IV аср меъморлиги намуналарининг илк намунаси Хоразмдаги Каллали қир сарой қолдиқларидир. Саройнинг асосий қисми квадратга яқин бўлиб (75X80 м) унга шарқ ва жанубдан ҳовлилар туташган. Шу ҳовлиларнинг сўнггисида бинога кириш учун мўлжалланган асосий дарвоза бўлган. Сарой хоналари эса, одатда, ички икки ҳовли атрофида жойлашган. Сарой томлари текис қилиб ёпилган. Устунлар узун тўсинларга мустахкамлик берган ва таянч вазифасини ўтаган. Бино устунлари тепага кичрайиб борувчи тўртбурчак ва айланалардан ташкил топган тагкурсига ўрнатилган бўлган ва улар тошлардан ишланган. Устунлар эса ёғочдан ишланган бўлиб, унинг капители ҳайкалга ўхшатиб ахоманийлар капителларидан ўртак олинга холда ишланган. Бу даврда сатрапликларда босқичлар хомийлигида маҳаллий зодагонлар дабдабали ҳаёт кечирдилар. Улар ҳашаматли қўرғон ва саройлар қурдирдилар, уларнинг беазага эътибор бердилар. Биноларни режалаштириб қуриш, уни ҳайкал ва ҳайкалчалар билан безаш одати ёйилди. Ахоманийлар чекка сатраплиги Хоразмдан топилган капител ўз характери жиҳатидан ахоманийларнинг Персепол ва Сўза саройларида қўлланилган капителлардаги

услуг - икки томонга қараб турган буқа боши (Сўза капител)га ўхшаб кетади. Хоразмда Уиз Даг капителида икки томонга қараб турган одам боши халос. *Расм 1 Уиз Даг капители.*


Каллали қир сарой планировкаси ва кўриниши, устунларнинг характери бевосита Ахмонийлар меъморлигини эслатади. Тасвирий санъат. Ёзма манъбаларга кўра бу даврда деворий рассомлик ривожланган бўлган. Саройлар, бой зодагонларнинг уйлари ва мехмонхоналари деворий рассомлик асарлари билан безатилган. Бу расмларда шу даврда машҳур бўлган Одатида ва Зариадра романи сюжетлари кўпроқ ишланган. Амалий санъат буюмлари юзаси турли мавзудаги бўртма ва чизма тасвирилар билан безатилган. Эрамиздан аввалги VI-IV асрларда Ўрта Осиёдаги бадиий ҳаёт ва маданиятни тушунишда Амударёнинг юқори оқими томонидан топилган турли хил антикий буюмлар муҳим ўринни эгаллайди. Бу қадимги давр ёдгорликлари адабиётларда «Амударё бойлиги» ёки «Окс бойлиги» деб юритилади. Гап шундаки, қадимги турклар Аму дарёни Ўкуз, яъни Катта дарё деб аташган, юнонлар эса Ўкузни Окс-Оксус деб номлашган. Шу «Окс бойлиги» ёдгорликларнинг кўп қисми ҳозирги кунда Лондондаги Британия музейида сақланади. Бу буюмлар ниҳоятда ифодали ишланганлиги билан ажралиб , деталлари аниқ ва тугал ишланиши билан ҳарактерланади. Олтин арава, Олтин биллак узук, Олтин кўза, Жангчи-сак бўртма тасвирида шу фазилятлар мужассамлашган.



Расм2.Олтин арава

Расм 3.Олтин билак узук.

Бу даврга оид кулолчилик буюмлари дастгоҳларида ишлиб геометрик нақшлар билан безатилган .



5.2.Александр Македонскийни истелолари ва ундан кейин вужудга келган давлатлар санъати.

Милоддан аввалги IV асрга келиб Марказий Осиё ерларига бошқа истилочи македониялик Искандар юриши ахмонийлар истелоси ўринини эгаллади У Ахмонийлар давлатини тор-мор этиб, Ўрта Осиё ерларининг кўпгина қисмини қаттиқ жанглардан сўнг бўйсундиришга эришди. Хоразм, Фарғона ва Сирдарё бўйидаги кўчманчи қабилалар эса ўз мустақиллигини сақлаб қолди. Александр Македонский босиб олган ерларида ҳамма халқларни бирлаштиришга ҳаракат қилди. Шу мақсадда , у ўз атрофига греклар билан бирга маҳаллий шарқ зодагонларини, бойларни ҳам жалб эта бошлади. Аралаш никоҳларни маъқуллади. Ўзи ҳам шунга амал қилиб, Бактрия маликаси Роксанага (Ракшонага) уйланди.Ундан ўғил кўриб уни исмини ҳам Искандар деб номлаб Марказий Осиё ерлари ҳукмдори этиб тайинлади. Лекин Искандарнинг ҳукмронлиги узоққа бормади, унинг вафотидан(.а.323) кейин Марказий Осиё ерлари бошқарувини грек-македон отлик жангчилар кумондонлари ва уларнинг ворислари қўлига ўтди. Унинг империяси

парчаланиб, ўрнида қатор давлатлар юзага келди. Македонский империясининг шарқий қисмини узоқ вақт унинг саркардалари идора қилди.

5.3. Салавкийлар давлати. Александр Македонскийнинг вафотидан кейин унинг салтанати бошқарувини унинг сафдоши ва грек-македон отлик жангчилар кумондони Пердикки ўз кўлига олди. Лекин унинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги ҳам узоққа бормади. Милоддан аввалги 321 йили Пердиккининг яқин ёрдамчиси Селевк мамлакатдаги нотинчликдан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олди ва Селевкийлар давлатига асос солди.

Салавк I Ниқатор, портрети.



Бобилни мерос сифатида олиб, тезда ўз ерларини кенгайтиришга тушади. Бу давлат тарихга салавкийлар давлати номи билан кириб, деярли 70 йил мобайнида Ўзбекистон ҳудуди шу давлат таркибида мавжуд бўлади. Милоддан аввалги 312 йилда ташкил топган бу давлат милоддан аввалги 250 йилгача Яқин ва Ўрта Шарқда катта давлат сифатида ўз таъсирини ўтказиб келади.

Марказий Осиё санъати ва маданият ривожланишининг янги босқичи Александр Македонскийни истелолардан кейинги даврдан бошланди. Шарқ ва Ғарбнинг боғловчиси Буюк Ипак йўлининг тугуни бўлган бу йўл аввалги даврларга нисбатан фаол катализатор вазифасини ўта бошлади. Унинг Шимолий Ғарбий ва Шимолий шарқий ҳудудлари билан алоқаси ҳам янги мазмун ва йўналиш кашф эта борди. Айниқса Урол атрофи, Олтой ва Сибир ерлари билан бўлган муносабатларда таъсир этиш ва таъсирланиш жараёни сезиларли бўлди. Салавкийлар даврида Марказий Осиё ерларига юнон

(эллин) маданияти тезкорлик билан кириб кела бошлайди. Хукмдорлар шу ерда ўзларини мавқларини мустахкамлаб олишга ҳаракат қилиб, кўплаб юнонистонлик санъаткорларни ишга таклиф қиладилар, турли ерларда янги шаҳарлар барпо этадилар, маҳаллий дин ва урф-одатларига тегмаганлари холда юнон маданиятининг тарқалишига эътибор берадилар. Салавкийлар тижорат, савдо - сотиқ ишларига эътибор беришлари бу ерда хунармандчилик, дехқончилик ишларини жонланишига, қурилиш ишларига сезиларли ишлар амалга ошишига имкон беради. Муомалага пул киритилди.

Меъморчилик

Меъморчилик санъатида аввалгидек асосан хом ғишт асосий қурилиш материали сифатида ишлатилса ҳам, шу билан бирга қумтош, мрамор ва пишиқ ғишт ишлатила бошланди, девор пардозига махсус қоришмалар, алебастрли қопламалар кириб кела бошлади. Айниқса грек меъморчилик санъати таъсирида қурилган саройлар, гимнасия, ибодатхоналар меъморчилик жараёнида муҳим бўлди. Лекин бу даврга хос меъморчилик ёдгорликлари кам ўрганилган. Бу давр ёдгорлиги шимолий Афғонистон худудидаги Ой хонум ёдгорлиги шу давр меъморлиги ўзгаришларидан далолат беради. Унинг қурилиши услуби антик санъат анъаналари асосида ишланган поллари мазаика билан пардозланган. Капител ва устунлар ҳам унинг кўринишига алоҳида файз бахш этган **Расм 5. Ойхонум ёдгорлиги**

Тасвирий санъат бу даврда ўз ривожини давом эттирди, сарой ва зодагонларнинг уйлари рассомлик ва ҳайкалтарошлик асарлари билан безатилди, маҳобатли ҳайкалтарошлик ва майда пластика санъатида асарлар яратилди. Мраморда ҳайкаллар, фил суягида ритонлар ишланди. Бу даврда куйиш санъати ривожланди. Бу санъат ривожини нумизматика-тангалар зарбланиши санъатида яққол билинади. Марказий Осиё ерларига бўртма тасвири тангаларнинг кириб келиши Салавкийлар сулоласи номи билан боғлиқ. Бундай услубда танланган чиқариш Юнон мамлакатада кенг ривож топган бўлиб уни Ўрта Осиё маданий- иқтисодий ҳаётига кириб келиш муҳим воқиа эди. Ўрта Осиёда пуллар зарб этиш мақсадида ўлкага Юнон усталарининг

кенг кўламда жалб этилиши «Ўрта Осиёча» мўжаз портрет санъатининг ривожланишига сабаб бўлади. Бу ерда ишланган шундай портретлар давр хукмронлигининг на фақат ташқи кўринишига балки феъл атворини ҳам ўз ҳаққоний тасвирланиши билан юнонистонда яратилган танга юзасига ишланган бўртма тасвирлардан ўтиб кетди.

5.4. Юнон (Грек) Бактрия давлати.

Салавкийлар даврида ислохатлар ўтказилиб, аввал мавжуд бўлган сатрапликлар майда қисмларга ажратилиб, бу қисмлар эпархия, унинг бўлаклари гипархия ва ниҳоят гипархия бўлаклари стасмосларига ажратилиб, ҳар бир бўлимга бошлиқлар - ҳокимлар белгиланган эди. Шундай эпархия ҳокими Диодот I Сотер Салавкийлар кураши ва зиддиятларидан фойдаланиб, у ўзини Бактрия ерларининг подшоҳси деб эълон қилган. Милоддан аввалги тахминан 250- йиллардан бошлаб бу давлат Юнон (Грек) Бактрия деб юритила бошланган. Унинг ҳудуди Сўғдиёна, Маргиёна (Туркменистоннинг жанубий шарқий томонлари), Фарғона ва Чочнинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлат деярли 100 йилдан ортиқ вақт мобайнида мавжуд бўлиб, Марказий Осиё тарихи ва маданиятида сезиларли из қолдирган.

Грек - Бактрия подшолиги даврида Марказий Осиёнинг жанубий ҳудудларида меъморчилик комплекслари юзага келади, шаҳарсозлик янги даврини бошидан кечирди. Меъморликда янги ғоялар ривожланди, янги янги шаҳарлар барпо этилди. Шулардан бири Дмитрий асос солган (II аср) Термиз (Демет-Термет ўзгаришида) шаҳри ривожланди. Бу даврда айниқса Эллин санъати таъсири сезиларли даражада бўлди. Ўлкада кўплаб бинолар қад кўтаради. Бино қуришда эллин меъморий услублари ишлатилган. Жумладан устун, капител ишлатилган, полларга мазаика ётказилган, устунлар кўп холларда капителлар билан тугалланган. Грек-Бактрия ерларида мавжуд шаҳарлар кенгайтирилди, одамлар яшайдиган катта бўлмаган аҳоли пунктлари шаҳарга айлантирилди. Янги шаҳарлар аниқ тўртбурчак ёки квадрат шаклида қурилиб, атрофи қалин девор билан ўраб

чиқилди, тўртбурчаксимон миноралар бунёд этилди. Қурилган биноларда сержило коринф ордери кенг қўлланилди. Греция санъати таъсири шу даврда зарб этилган тангаларда ва уларга ишланган бўртма тасвирларда ҳам сезилади. Тангаларнинг олд томонида ҳукмдор (подишоҳ) хомийси бўлган мобуда тасвири ва ёзув мавжуд, танганинг орқа томонида эса ҳукмдорнинг айлана ичидаги бўртма тасвири ён томонидан ишланган. Шунини таъкидлаш керакки бу тангалар юзасидаги бўртма тасвирлар услуби жиҳатидан юнон классик санъати анъаналарида, энг аввало Фидий, Праксител, Лиссип ижодига хос услубда бажарилган, жумладан Фидийнинг Олимпдаги Зевс ҳайкалига тахлид қилиш сезиларли Подишо бўртма тасвирлари реал ва ҳайкалтарош тасвирланувчи фақат ўхшатиб қолмасдан балки унинг характерининг ҳам очишга интиланлиги билинади. М. Деметрий тасвири туширилган тангада Димитрий характери ва мавқи фил шакли бор бўлган бош кийимда тасвирланган. Бу белги подишони Хиндистонинг заб этганлиги ва унинг ҳукмдорлигига ишора ҳисобланган.

Расм 6. Деметрий портрети. Деметрий портрети шу давр реалистик портрети санъатининг нодир ёдгорлиги ҳисобланади. ҳайкалтарош бу портретда тасвирланувчининг ўзига хос индивидуал қиёфаси ва характерини ифодали акс эттира олиши билан кишини хайратлантиради. Шу даврда ишланган Эвкратид бўртма тасвирда кучли, иродали шахс қиёфаси гавдаланади. Аксинича Гелиоил портретида падаркушлик билан тахтни эгаллаган ҳокимнинг мажруҳ дунёси юз мускуллари, думолоқ ва маъносиз боқишида билинади. Амалий санъатда ҳам Греция санъатига тақлид қилиш ёки Греция санъати намуналаридан фойдаланиш кенг авж олди. Маҳаллий усталар грек кулолчилик формаларидан ўз ижодларида кенг фойдаландилар.

Шарқ ва Ғарбнинг яқинлашувини Грек-Бактрия бошлаб беради, Парфия давлати ва санъатида ривож топади. Эллинистик давр Ўзбекистон санъатида маҳобатли ҳайкаллар ҳам ишланганлиги маълум. Бу ҳайкалларда маҳаллий ва юнон санъати анъаналари уйғунлашиб кетган. Артемида бу ерда Анахит

симосида мужасамлашди. Унинг олтиндан ишланган ҳайкаллариининг бошида нур сочиб турган тожи бўлган, Бундай ҳайкал Бактериянинг бош ибодатхонасида ўрнатилган. Бундай нур таратиб турган тож Демирий тамгасининг орқа томонидаги ҳайкалларида ҳам ишлатилади.

5.5. Хоразм давлати. Эрамиздан аввалги VI-IV аср меъморлиги намуналарининг илк намунаси Хоразмдаги Каллали қир сарой қолдиқларидир. Саройнинг асосий қисми квадратга яқин бўлиб (75X80 м) унга шарқ ва жанубдан ҳовлилар туташган. Шу ҳовлиларнинг сўнггисида бинога кириш учун мўлжалланган асосий дарвоза бўлган. Сарой хоналари эса, одатда, ички икки ҳовли атрофида жойлашган. Сарой томлари текис қилиб ёпилган. Устунлар узун тўсинларга мустахамлик берган ва таянч вазифасини ўтаган. Бино устунлари тепага кичрайиб борувчи тўртбурчак ва айланалардан ташкил топган тагкурсига ўрнатилган бўлган ва улар тошлардан ишланган. Устунлар эса ёғочдан ишланган бўлиб, унинг капители бургут бошли грифонлар билан безатилган Каллали қир сарой планировкаси ва кўриниши, устунларнинг ҳарактери бевосита Ахмонийлар меъморлигини эслатади. IV асрларга оид кулолчилик буюмлари шу даврнинг бирмунча мўл фактик материалдир. Ўрта Осиё ерларидан топилган кўпгина сопол буюмлар кулолчилик дастгоҳларида ишланган, махсус печларда пиширилган. Улар шу асрларда кулолчилик хунармандчилиги юксак бўлганлигидан далолат беради. Булар ичида геометрик нақшлар солиниб безатилган идишлар, айниқса диққатга сазовордир.


Ўрта Осиёнинг эллинистик дунёга тортилиши унинг санъати ва маданиятида жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Бу ўзгаришлар меъморлик, амалий ва тасвирий санъат мазмуни ва ҳарактерида намоён бўла бошлади. Ўрта Осиёнинг эллинистик даврдаги меъморлиги ҳарактери унинг жанубий районларида сезилади. Бу даврда қурилган бинолар ҳарактерида Ахмонийлар даври меъморлиги услублари билан бирга, грек санъати анъаналари мавжуд. Айниқса, биноларнинг декоратив безалишида шу ўзига

хослик кўзга ташланади. Устунлари грек классик формасида ишланган бўлиб, коринф капителлари тошдан ишланган тош устун ва базадан ташкил топган. Сарой хоналари плястрлар билан безатилган. Сарой учун безак сифатида шер ниқоб, томни безаб турувчи палметкали антисфинкслар ишлатилиши ҳам характерлидир. Лекин саройни қуришда маҳаллий материал - хом ғишт, пахса ишлатилган, томлари текис қилиб ёпилган.

Гяур қалъа саройи қолдиқлари диққатга сазовор. Бино анъанавий Ўрта Осиё услуби - пахсадан қуриш принципига асосланган бўлиб, девор юзаси ганч билан суवालган. Асосий хоналар, айниқса, қабул-хона ниҳоятда серҳашам бўлиб, у деворий суратлар билан безатилган, ҳайкалтарошлик асарлари ҳам хона фойзини оширишга хизмат қилган. Парча ва бўлакларда етиб келган сурат ва ҳайкалтарошлик намуналари қолдиқлари шу давр санъати реализми ҳақида гапириш имкониятини беради. Ишланган ҳайкалларда тасвирланувчининг этник типи, ёши, характерини очишга интилиш сезилади. Шу хусусда, қалъа хоналарининг биридан топилган

Ўрта Осиёда нодир ёдгорликлардан бири Тупроқ қалъа ҳисобланади. 12 м баландликка эга бўлган сунъий тепалик устига қурилган бу қалъа тўртбурчак шаклида бўлиб, 500X350 м майдонни эгаллайди. Майдон атрофи мустаҳкам девор билан ўраб чиқилган. Қалъанинг шимоли-Ғарбидаги бурчак томонда Хоразм шоҳларининг саройлари жойлашган. Саройнинг маҳобатли уч минораси эса бутун қалъа кўринишига мустаҳкамлик бахш этган, унинг жиддий бўлиб кўринишини таъминлаган. Тупроққалъа хоналари бир хил эмас. Тор йўлакчалар эгри равоқлар билан ёпилган, аксинча, катта хоналар нур-қудуқларга эга бўлган, мустаҳкам устунлар эса хона кенглигини ошириш учун, узун тўсинларга мустаҳкамлик бериш ёки уларни ўзайтириш учун ишлатилган. Сарой хоналари ҳайкалтарошлик ва рангтасвир билан безатилган. Қабулхона (мехмонхона) сербезак бўлган. Деворий сурат ва бўртма тасвирлар хонанинг кўркем ва гўзаллигини оширган. Лойдан ясалган ҳайкаллар девор бўйлаб қилинган супачаларга ўрнатилган. Супачалар

жимжимадор панжаралар билан алоҳида секцияларга ажратилган. Ҳар бир секцияда мустақил ҳайкалтарошлик композицияси бўлган. Бу ҳайкаллар қисман сақланиб қолган. Ўтирган холда тасвирланган подшоҳлар (натурал ўлчамдан икки марта катта), ён томондан турган холда тасвирланган эркак, аёл ва болаларнинг ҳайкали қўйилган. «Суворийлар (жангчилар) зали» деб номланган хона деворида қолдирилган токчаларда подшоҳлар ҳайкали қўйилган. Девор олдида эса қўлида қурол ушлаб турган жангчилар ҳайкали бўлган. «Ҳайиқлар зали» деб номланган хонада ўсимликлар, пастроқ томонда натурал катталиқда кийикларнинг бўртма тасвири - барельефи ишланган. Тупроққалъадаги кичик хоналар фақат деворий суратлар билан безатилган. Шундай хоналардан бирининг деворига ишланган арфа чалувчи қиз сурати бизгача бирмунча яхши сақланган. **Расм 10. Тупроққалъа деворий расм парчаси. а.б. Расм 11. Тупроққалъа ҳайкаллари. а.б. 12 Хоразм тангалари**



Хулоса

Милоддан авалги У1 асрдан дастлаб Аҳамонийлар, сўнг Искандар Зулкарнайн ва унинг ворислари даврида Марказий Осиё халқ ва элатларининг ўзига халқ ва элатлар билан алоқаси кўчайди. Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ўрта Осиё худудида янада чуқурроқ алоқалар доирасига тортилди. Савдо сотиқнинг кўчайиши мол айрибошлашга турли тасвирий ва амалий санъат буюмлари ва улар орқали айрим урф-одатлари кириб

келишига сабаб бўлди. Одамларнинг яшаш тарзи ва фикр юритиши, эстетик карашларига таъсир этаборди. Жумладан шу даврдан худоларга атаб ҳайкал ишлаш одати Марказий Осиё ерларида, айниқса унинг жанубий томонларида кенг ёйилди. Маълумки шу давргача олимлар эътирофига кўра, бу ерларда худоларни одам шаклида тасвирлаш одати бўлмаган. Шунингдек ахмонийлар даврида Марказий Осиё ерларида меморлик санъати тизимида ҳам қатор ўзгаришлар содир бўлган. Плястр, капител, устун, таглик (база) ва бошқа бир қатор меъморчилик шакллари ахмонийлар даври Марказий Осиёда мавжуд бўлган сатрапликларда, уларнинг марказилари ва босқинчилар хомийлигида дабдабали ҳаёт кечираётган маҳалли бий- задогонларнинг кўрғон ва саройларида ўз ифодасини топган. Биноларни режалаштириб куриш, уни ҳайкал ва ҳайкалчалар билан безаш одати ёйила бошлаган. Бундай ўхшашлик амалий санъат буюмларида, меъморлик бадий безакларида айниқса кенг ўринни эгаллайди. Шу пуллар юзасига подшоҳлар қиёфасининг ён томонидан кўриниши бўртма тасвирлари туширилган.

VI боб


Қушонийлар даврида Ўзбекистон санъати



Қушонлар даври Марказий Осиё хусусан Ўзбекистон тарихида муҳим ўрин эгаллади. Бу ерда меъморчиликда аввалги давр анъаналари давом қилди, шу билан бирга янги анъаналар рирожланди. Саройлар, зардуштийлик ва буддавийлик динлари билан боғлиқ меъморий

мажмуалар яратилди, фукоролар турар жойлари мураккаблаша борди, уларнинг эстетик жиҳатларига эътибор ортди. Шаҳарсозик борасида ишлар амалга оширилди. Бу даврда Ўрта Осиё ерларида қатор шаҳарлар пайдо бўлди. Бу даврда шаҳар қурилиши ҳам авж олади. Шаҳар ҳокимлари, бой задогонлар ва амалдорларнинг саройлари ва уйлари ҳашаматли бўлишига эътибор берилди. Унинг гўзал бўлиши учун ҳайкал, турли нақш ва расмлар билан безак берадилар.

Далварзин тепа Қушон давлатининг муҳим шаҳарларидан бўлиб бу ерда буддизм дини билан боғлиқ ибодатхона, ступа бўлган. Ибодатхона серхашам бўлиб унда бактрия мабудаси ҳайкали бўлган. Бино беагида аканф барги антефикс ва безакдор устунлар кенг қўлланилган.



Кампиртепа, Қора-тепада ((Сурхондарё вил. Эски Термиз) олиб борилган археологик ишлар бу ерларда буддизм билан боғлиқ меъморчилик комплексларни очилишини таъминлади. Археологик ишлар давом этмокда, лекин очилган ғор- ибодатхоналарнинг безатилиши, у ерда мавжуд бўлган ҳайкал ва деворий суратлар диққатга сазовордир.


Айритомдан (Термиз яқинидан) топилган тошдан ишланган релефлар ва сўнгги қушон давлати меъморлигининг ҳаробалари бу ерда буддизм кенг ёйила бошлаганлигини кўрсатади. Айритомдаги ибодатхонага киравериш томонга карниз тарзида ишланган фриз карнизларда аканф барглари орасида

ярим белгача тасвирланган кўшнай, ноғора (барабан), лютна ва арфа чалаётганлар созандалар тасвирланган (улар 14 та).

Буддизм дини билан боғлиқ меъморчилик мажмуалар, монастыр ва ибодатхоналар Ўзбекистоннинг жанубий томонларида кенг тарқалди. Эски Термиз яқинидаги "Зурмала қалъа" меъморлик колдиги шу ўринда муҳимдир, тўртбурчак шаклдаги тагликка тепа томони яримсферик тарзда тугалланган цилиндрик ступа қурилган. **Расм1 Ступа.** Миноранинг қозон шаклидаги тепа ва цилиндрик шаклдаги асосий устун қисми чегараси карниз билан ажратилган. Миноранинг таги, тепадаги ярим айлана шаклидаги қисмни эса қизил тош, плиталари билан пардозланган. Миноранинг асосии устун қисми эса пишиқ ғишт билан пардозланган бўлиш эҳтимоли бор. Қушон даврда шаҳар қурилишини авж олишида граждон меъморлиги ҳам алоҳида ўринни эгаллади. Шаҳар ҳокимлари, бой задогонлар ва амалдорларнинг саройлари ва уйлари ҳашаматли бўлишига эътибор берилди. Унинг гўзал бўлиши учун ҳайкал, турли нақш ва расмлар билан безак берадилар.

Холчаёнда (Сурхондарё) сақланиб қолган археологик топилма эътиборга лойиқ. Бу ерда бино шарққа қараб қурилган бўлиб унинг олд томонида 6 устунли айвон бўлган. У ердан асосий хона - катта залга ва икки устунли хонага қирилган. Бино ҳам ғиштан қурилган. Устунлар ёғочдан ишланган бўлиб улар тош тагликка урнатилган. Бинонинг томи текис ёпилган бўлиб том чеккалари эса черепица ҳам антефикслар билан безатилган. Хоналар деворий сурат ва ҳайкаллар билан безатилган бўлган.

расм 2. Холчаён сарой кўриниши Реконструкция.



Бу даврнинг тасвирий ва амалий санъати йўналишлари бир канча манбалардан Бактрия - Сўғд, эллинишган-будизм, гарб томонда сак-парфия, Хоразм ва Олд Осиё санъати анъаналаридан асос олди ва ривожланди ва характери жиҳатидан бетараф ва ўзига хос мустақил санъат йўналиши сифатида эътироф этилади. Ҳайкалтарошлик санъатида грек ва хинд санъати таъсирида сезилади. Бу хусусият ишланган ҳайкалларда тасвирланувчининг соч тараши, кийими боши характерини аниқ бўлишига, психологик ҳолатини ифодалашга интилишида билинади.

Қушонийлар даври тангалари аввалги даврга нисбатан бўш, юзларига подшоҳларнинг портрети зарбланган орқа томонда эса худолар тасвири туширилган. Ёзувлар эса қушон Бактрия тилида бўлиб, ёзиш учун грек алфавити асосида яратилган қушон ҳарфлари ишлатилган. Расм 3. Герай расми туширилган танга

Бу даврда маҳобатли рассомлик ривожланди ва сарой, ибодатхона, монастир ва қасрларни безашда кенг қўлланилди. Расмлар мавзуси бевосита бинолар функциясига қараб белгиланди. Жумладан ибодатхона ва монастирлар деворий расмларида диний мавзу етакчилик қилгани ҳолда қаср ва саройлар деворларида дунёвий воқеалар тасвири ишланган. Албатта бу расмлар бизгача фақат парча, бўлақларда, шунингдек қадимги муаллифларнинг ёзма манбаларида сақланиб қолган. Лекин шуларнинг ўзи шу давр маҳобатли санъати ҳақида фикр юритишга асос беради. Бу даврда бой задогонлар ва амалдорлар ўз саройлари ва уйларини ҳашаматли бўлишига эътибор берилди. Уларнинг хоналари деворий сурат ҳайкал,

турли нақш ва расмлар билан безак берилган бўлган. Бу тасвирларда Еврипид трагедияларидан олинган сюжетлар, Хомер Иллиадасига оид воқеаларни ҳам учратамиз. Жумладан, Эзоп масалига ишланган расм - олтин тухум ҳақидаги деворий расм ҳам ҳарактерли. Унда олтин тухум бериб турган кушни ичини ёриб бирданига бойишни истаган одамнинг очкўзлиги кўрсатилади. Қачонлардир Сўғднинг муҳим манзилларидан бўлган Уструшона саройи деворига қадимги Рим афсонаси билан борлик тасвирнинг туширилиши ўзаро яқин алоқалардан далолат беради. Бу тасвирнинг муаллифи ҳақида албаттда маълумотлар бўлмасда, лекин шу тасвирнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши шу ерда ўз ватанини кумсаган италий ёки сафарларда бўлиб тасурот билан қайтган маҳаллий жангчи, рассом, савдогар бўлиши мумкин.

Холчаён деворий суратлардан айрим тасодифий бўлакчалар ёмон ҳолда бизгача етиб келган. Булар ичида йигит бошии сурати, узум новдалари бирмунча билинарли. Мавзуси ҳаёт, табиат манзаралари ислимийга яқин нақш композициялари ишланган.

Расм4. йигит боши расми.

Қора-тепада буддизм билан боғлиқ меъморчилик комплексида очилган ғор-ибодатхоналарнинг безатилиши, у ерда мавжуд бўлган деворий суратлар диққатга сазовордир. Номалум рассом томонидан ишланган деворий суратларда мавзусида Будда ва унинг яқинлари билан боғлиқ расмлар ишланган бўлиб номалум рассом ўз асарида фазовий кенгликни ифодалашга, ҳажмни тасвирлашга интилгани сезилади.

Кушон даври ҳайкалтарошлиги икки йўналишда- маҳобатли ҳайкалтарошлик ва майда сопол ҳайкалтарошлиги тарзида намоён бўлади. Маҳобатли ҳайкалтарошлик кўпроқ маҳсус лой ва қоришмаларда ишланган ва кўп ҳолларда бўялган бўлган. Майда ҳайкалтарошлиқда сопол, тош, бронза, кўмиш, олтин шунингдек ёғоч кенг ишлатилган, инкрустация, қандакорлик услубларидан ҳам думалоқ ва бўртма тасвирлар ишлашда қўлланилган.


Ҳайкалтарошлик мавзуси диний ва дунёвий бўлиб диний ҳайкаллар зардуштлиқ ва буддизм билан боғлиқ ҳолда ишланган.



Буддизмни Ўрта Осиёда тарқатиши бевосита ҳайкалтарошлик йўналишига ўз таъсирини ўтказди. Будда, бодисатва ва бошқа диний персоналларнинг ҳайкаллари ишланди ва улар ибодатхоналарнинг олди ва ичкари қисмида урнатилган. Бу ҳайкалларнинг ишланиш принциплари Хиндистонда яратилган қанонларга асосланган.

Ҳолчаёндаги бинони безашда ҳайкаллар кенг қўлланилган. Бу ҳайкаллар хоналарнинг деворларининг ё юқори қисмига барельеф ва горельеф услуби бажарилган. Унда подшоҳ ва унинг яқинлари шунингдек отликлар тасвири ишланган.

Расм5 Ҳолчаён деворига ишланган бўртма тасвир.



Қора тепалиги (Сурхондарё обл.) буддизм ибодатхоналаридан топилган ганч ҳайкаллар ҳам юқорида кўрган хусусиятларга эга. Бу ҳайкаллар натурал катталиқда ишланган ва реал ҳарактерга эгадир. Ҳайкалтарош маҳаллий типларнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга ҳаракат қилди. Бу уларнинг кўриниш, соч тараш ва кийинишларида сезилади. Қора-тепада олиб борилган археологик ишлар буддизм билан боғлиқ меъморчилик комплексларни очилишини таъминлади. Бу ерга археологик ишлар давом этмокда, лекин очилган ғор- ибодатхоналарнинг безатилиши, у ерда мавжуд бўлган ҳайкал ва деворий суратлар диққатга сазовордир. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг жануби томонларида грек услубида ишланган метал идишлар, кўза ва ҳайкаллар топилганлиги фикримиз далилидир. Бу идиш юзаларига ишланган тасвирларда Еврипид трагедияларидан олинган сюжетлар, Хомер Иллеадасига оид воқеалар ўз аксини топган. Афина, Апполон, Ника, гул ушлаб турувчи ҳайкаллар ва тасвирлар шу даврда безак санъатида кенг ишлатилган. Амалий санъатда ярратилган кулолчилик, заргарлик ва металллардан буюмлар яшаш, кумуш, олтин ва бронза санъати нафислиги билан ҳарактерланади. Далварзин тепадан топилган олтиндан ишланган турли тақинчоқлар, кўмиш буюмлар инкрустация санъати юқори бўлганлигини кўрсатади. **Расм. Далварзин тепадан топилган антиқий буюмлар.** Бу даврда айниқса металл буюмлар яшаш ва уларнинг юзасини бўртма тасвирлар билан безаш санъатида- торевтикада Ўрта Осиёлик усталар катта ютуқларни қўлга киритдилар. Кандакорлик ниҳоятда ривожланди. Бу санъат ривожиди грек-рим услуби кенг ёйилди. Нафақат ишланиш жиҳатидан балки тасвирлар мавзуси жиҳатидан ҳам ҳарактерли металда (олтин, кумуш, мис, бронза) ишланган ҳар хил лаган, ваза, калкон ва хум юзалари тасвирига антик дунё ҳаёти ва мифологияси асос килиб олинди. Бу ишларнинг тасвирланишини типларга ажратсак куйидаги холни курамиз антик муаллифларнинг асарларидан олинган сюжетларга ишланган тасвирлар; М.Еврипиднинг асарларидаги Вакх' байрами билан борлик тасвирлар, Хомер (Гомер) "Илиада" асаридаги воқеалар ва х.к.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг жануби томонларида грек услубида ишланган метал идишлар, кўзалар топилган. Бу идиш юзаларига ишланган тасвирларда Еврипид трагедияларида олинган сюжетлар, Хомер Қушонлар даврида эллин санъати тасвири кучли бўлганлиги анъаналар давомидагина эмас, балки грек тилининг бу ерларда кенг ёйилиши грек алфавитининг кенг истемолда ишлатилиши ҳам ана шу тасвир доирасининг кенглигидан далолат беради.

Қушон давлати кўп миллатли ва кўп динли давлат эди. Унинг ҳудудида яшайдиган турли халқ ва қабилалар ўз динига ва қарашларига эга бўлган. Динлари ичида зардуштийлик дини кенг ёйилганлигини эътироф этиш керак. Хоразм, Сўғд, Бактрия, Маргиёна ерларида шу дин билан боғлиқ кўпгина ёдгорликларнинг топилиши ҳам шундан далолат беради. Лекин Қушон даври зардуштийлик дини хинд ва эллин динлари таъсирида янгиланиш жараёнини бошидан кечирди, оссуарийлар типлари торая борди. Одам шаклидаги (аёл ва эркак шаклидаги) оссуарийлар II-Шасрлардан бошлаб камайиб кетди ва тухтатилди.

Хулоса. Эранинг бошларида ташкил топган Қушон давлати жаҳондаги тўрт буюк давлатнинг бири бўлди. Бу даврда даврда ўзаро алоқалар янада кўчайди. Тинч океанидан Бридан ороллариғача бўлган катта ҳудуд ана шу давлатлар ҳукмида' бўлиб Буюк Ипак Йўлида марказий ўринни эгаллаган Қушон давлати Шарк ва Гарб алоқаларида алоҳида ўринни эгаллайди. Шаркдан Гарбга Жанубдан шимолғача бўлган тўрт буюк давлатлараро муносабатларнинг кенг ривокланиши, савдо сотиқнинг кўчайиши халқ ва элатларнинг турмуш тарзи ва эстетик қарашларига таъсир этмай қолмади. Бугунги кунгача кўплаб тадқиқ этилган ёки археологик қазиларда бу давлатлар ҳудудида шу давлатларнинг турли буюм ва ашёларининг , турли давлат тангаларининг шу ҳудудларда топилиши, амали безак ва қулолчилик буюмлари мавжудлиги, расм ва ҳайкалларнинг тип ва мазмуни яқинлиги ва ўхшашлиги шундан далолатдир. Деярли беш асрли қушон давлати тарихида ўзига хос санъат тарихи шаклланди. Ҳарактерли

жихатидан локал хусусиятга эга бўлган Қушон санъати ўз ривожда нафақат давлат таркибига кирган мавжуд халқ ва элатларнинг санъати заминида камол топди, балки даврнинг силсиасида юзага келган Шарк ва Гарб фалсафаси ва эстетикаси таъсиридан ҳам чеккада колмади. Шунинг учун ҳам бу санъат идрокида Юнон, Бактрия санъати анъанаси ва ўзига хос йўналиши, шимолий кўчманчи-кабилалар санъати анъаналари ўзида Шарк ва гарб маданияти синтезига йўл оча борган ахмонийлар даври санъати белгилари Хиндистон, Покистон, Афгокистон маданияти тарихидаги кўпгина белги ва ўзига хосликларнинг сезилиб туриши курилаётган масалани нақадар кенг ва мураккаблигини кўрсатади. Шунини алоҳида кайд этиш лозимки Қушон санъати ва маданияти кейинроқ, ўз худудидан ташқарига чиқишга ва кўпгина халқлар ва дав-латларнинг санъат ва маданиятига таъсир утказишга муяссар бўлди. Сўзсиз, Қушон давлатининг шаклланиши ва ривожланиши Ўзбекистон худуди билан боғлиқлиги эътироф этиш керак. Қушон санъати ўз ривожда қатор халқ ва элатлар санъати таъсирида юзага келган бўлса ҳам, лекин-унинг ўзига хос, локал ва шу билан бирга бошқалардан ажралиб- турадиган томони мавжудлигини кайд этиш лозим Қушон давлати жаҳон тарихида ўзига хос тузумга эга бўлган давлатлардан бўлган. Бу давлат худудида турли дин ва эътикод мавжуд бўлиб санъат ва маданият мазмуни ва йўналишида ҳам ўз аксини топган. Заостризм, монийлик, буддизм ва бошқа дини йўналиш ва эътикодлар санъат услубий рангбаранглигини ҳам келтириб чиқарди. Меъморлик, тасвирий ва амалий санъат услуб ва йўналишлари шу давр эътикод ва карашлари билан ривожда бўлди. Қушон давридан бошлаб Ўзбекистон жанубий томонларида Будда билан-боғлиқ бўлган ҳайкаллар кенг таркала бошлади. Будданинг инсон қиёфасидаги тасвири юзага келди. Грек мифологияси билан борлиқ образлар яратила бошланди. Улар маҳаллий қиёфа ва либосларда томошабин кўз ўнгида гавдаланади. Монументал рассомлик санъатининг намуналари Шарк ва Гарб бадий дунёси синтези сифатида юзага келди. Шунини кайд этиш лозимки, Қушон подшоҳлиги даврида ҳам, эллин санъати, айниқса грек

санъати таъсири сезиларли ўринни эгаллаган. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг жануби томонларида грек услубида ишланган металл идишлар, кўза ва ҳайкаллар топилганлиги фикримиз далилидир. Қушон даври мафкурасида сўзсиз, буддизм дини муҳим ўринни эгаллади. У одамларнинг турмуш тарзи, маданияти, тгайди-ган муҳитида ўз аксини топди. тасвири ва амалии ақбат, меъморийкхусусиятларини белгиловчи муҳим ақтор сифатида майдонга чиқди.

Савол Реконструкция нима?

Торевтика нима ва уни сиз қандай тушунасиз?

Гемма нима, унинг қандай кўринишлари бор?

Инкрустация нима?

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Ўрта асрлар санъати

I БОБ

ЭФТАЛИТЛАР ВА ТУРК ХОҚОНЛИГИ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН

С А Н Ъ А Т И



Ўрта Осиёда кулдорлик формацияси инқироzi III-IV асрларда бошланди. Кўчманчи туркий қабилаларнинг тез-тез ҳужуми Қушон империясининг таназзулга учради. Эфталитлар, кейинроқ Турк хоқонлигининг Ўрта Осиё ерларини ўз ҳукмронлигига бўйсундириши даврида янги формацияга ўтиш янада тезлашди. Эфталитлар ва турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиё ерларида

бир қатор мустақил подшоҳлик шаҳар-давлатлари мавжуд бўлиб, бу подшоҳликлар Эфталит ёки хоқонликка қарам бўлиб қолмади. Балки унга солиқ тўлаш ва уларнинг ҳукмдор эканлигини тан олиш билан чекланди. Эфталитлар ва турк хоқонлиги даврида Хоразм, Тоҳаристон, Сўғд (Сўғдиёна) уларнинг асосий ерлари бўлган. Айниқса, шарқ ва Ғарб қарвон йўллари устида жойлашган Сўғд маданий ва иқтисодий жиҳатдан юксак бўлган. У Эрон, Византия, Ҳиндистон, Узоқ Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Хоразм орқали Шарқий Европа билан ҳам савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Сўғднинг энг катта князлиги ҳисобланган Самарқанд эса, умуман, Ўрта Осиё ижтимоий ва маданий ҳаётида алоҳида ўринни эгаллаб, бошқа подшоҳлик ва князликларга кучли таъсир ўтказган.

Меъморлик. Бу даврида Марказий Осиё меъморлиги-сўнги антик ва илк феодализм даврида (У-УШ асрлар) янги меъморий ғоялар пайдо бўлди. Феодаللarning қаср-қўрганлари, бой зодогонларининг шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги қўрганлари юзага келди, янгиланди. Амалиётга кенг қўламда кириб келган равоқли ва гумбазли бинолар, том, дарча ва эшиклар шаҳар силуэтига янги давр руҳини кирита борди.

Илк феодализм меъморлигининг ўзига хос томонлари қўрган-қасрлар қўшқлар қурилишида ҳам сезиларли бўлди. Бу қўрган-қасрлар аввалги бадий-маданий марказлардан бирмунча чеккада бўлиб асосан деҳқон феодаллarning турар жойи сифатида пайдо бўлди. Бу қўрганлар мустақкам деворлар билан ўралган. Шу қўрган-қасрлар атрофида кейинчалик турар жойлар, бозорлар пайдо бўла борган. Вақт ўтиши билан ана шу ерлар ҳам қалин девор билан айлантриб чиқила бошлаган. Шу йўсинда илк феодак шаҳарлар шаклланиб борган. Ҳунармандчилик ва савдо жонланган шу манзилларда ўрта аср шаҳарлари пайдо бўлган. Буюк Ипак йўли устида жойлашган Ўзбекистон ҳудудида шундай манзиллар кўплаб юзага келган. Зарафшон, Қашқадарё, Фарғона, Хоразм, Тошкент воҳаларидаги қаср, қўшқлар шу ўрганилаётган давр ёдгорликларидандир.

Жумладан, Тошкент яқинидаги Оқ тепа кўши, Хоразмдаги Тешик қалъа, Бухро яқинидаги Варахша ўзининг кўриниши, беаги билан бир биридан ажралиб турса ҳам, лекин уларнинг ҳаммасида умумий ўхшашлик мавжудлиги, даврнинг катта услубига бўйсўнганлигини эътироф этиш зарур. Қаср, кўшқлар, табиий ёки суний кесик перамида шаклидаги тепаликлар устига қурилган. Саройни бундай баланд супада қуриш, табиий офатлардан, сув тошқинларидан сақланиш, осойишта ҳаёт кечириш, душман хужумида мудофа қила олиш ва зарба беришга асосланганлигидир. Сарой ташқи деворлари мустаҳкам ва баланд бўлиши ҳам шу мудофа ва осойишталикни таъминловчи зарурат ҳисобланган. Саройнинг ташқи томонида безак кам ва жиддий, айрим саройларнинг девор сатҳини гофирли (кунгурали), девор тепасидаги уч тишли безак плита, антефикс ва бўртма тасвирли розеткалар ишлатилган. Саройларнинг ички беагига алоҳида эътибор берилган. Хоналар деворий рассомлик ва ҳайкалтарошлик билан безатилган. 2-3 қаватли равоқли бинолар қуббали, гумбазли катта хона атрофида ёки бутсимон тор далон (коридор) атрофида жойлаштирилган. Бинони безашда аввалги даврда, жумладан қушон подшоҳлиги, умуман эллинистик санъат таъсирида юзага келгани турли шакллар, масалан ион валютаси, антик капителлар, акант шакллари деярли муомиладан чиқди, ёки бутунлай қайта ишланди, кўриниши янгиланди. Тошкентдаги Юнусобод октепаси илк ўрта асрларда шаҳар атрофида қад кўтарган қасрлардан бўлиб араблар юршидан кейин ўз умрини тугалаган. Бу феодал кўрғон маъмурий-марказ ҳамда озик-овқат, қурол-яроғ сақланадиган омбор вазифасини бажарган. Бу ерда зардуштийлик дини билан боғлиқ ибодатхона ҳам мавжуд бўлган. Оқ тепа кўрғон қасри ҳам суний тепаликка қурилган, унинг қалин девори пишиқ ва содда безаксиз бўлган.

Хоразмдаги Тешик қалъа кўши ҳам тупроқ уюмли тепаликка қурилган. Лекин унинг мудофааси деворлари ўзига хос гофирли бўлган ташқи парзодида булардан ташқари перспективали аркалар, пардоз шинак ва девор юқори қисми фриз билан пардозланган. Бухорхудотларнинг (ҳокимларнинг)

Бухоро яқинидаги Варахша саройи илк феодализм даври кўшк меъморчилигининг улуғвор кўйинишдир. Сунъий тепалик устига қурилган бу сарой ташқи деворлари гофрли кўринишда, ҳамда деворнинг юқори томонидаги бой фризга эгадир. *Расм1. Варахша саройи*

Сарой дарвозалари ҳам тантанавор руҳда катта шаклларда ишланган. Девор тепаси уч тишли плитасимон полметкалар билан ишлаб чиқилган, деворлари разеткалар билан безатилган, Саройнинг ички қисми ниҳоятда безакка бой бўлган. Ҳайкалтарошлик, рассомлик ва амалий безак санъати асарлари сарой ички муҳитини ниҳоятда гўзал ва кўтаринки руҳда бўлишига хизмат қилган. Маълумотларга кўра хоразм шоҳи Афригнинг Аль-Фир қасри ҳам ҳашаматли бўлган. У икки қаватли бўлиб иккинчи қаватига махсус кўтарилма мосламалар-пандуслар орқали чиқилган. Илк ўрта асарларда, жумладан эфталитлар подшоҳлиги даврида истехкомли қасрлар, феодал қўрғонлар ва айниқса кўшкларнинг кенг ёйилганлигини ва даврнинг муҳим меъморчилик обидаси эканлиги бизгача етиб келган ашъвий далиллар, деворий расмларда сақланиб қолган қаср кўринишлари ҳам тасдиқлайди. Шунга ўхшаш кўшкларни Панжикент деворий расмларида, мис ва кумиш идиш юзаларидаги тасвирларни учратиш мумкин. Масалан Эрмитажда сақланаётган (Расм)«Кўргонни камал қилиш» тасвири туширилган кумиш лаганда кўрғон кўриниши акс этирилган. Кешк меъморлиги кейинги монументал меъморлиги, сарой қурилиши санъатига катта таъсир ўтказилди. м. фриз, деворларни гофрлаш, том тепасига полметка-декоратив шакллар беришни, уларнинг ички хона ва далонлари сербезак бўлиб нақш ва мавзули расмлар, думалоқ Ҳайкал ва рельефлар билан безатилиши кейинги меъморликда ўз ифодасини топди. Бу даврда Хоразмдаги Бургут қалъа, Тупроқ қалъалар ҳам янада серҳашамликка хирс қўйди Бургут қалъадаги оташпарасларнинг ибодатхоналари, Тупроқ қалъадаги ибодатхоналар хоразм шоҳларининг расмлари билан бойиди. Бу ердаги бозор майдони ва шаҳар ибодатхонаси давр руҳи билан бойиди.

Турк хоқонлиги даври меъморли ҳақида гапирилганда шуни айтиш мумкинки, бу хоқонлик Марказий Осиёга ривожланган ёки ривожланишнинг янги босқичига кўтарила бошлаган даврда кириб келди.. хоқонлик даври санъати, жумладан унинг меъморлиги эфталитлар даври анъаналарини ривожланиши билан боғлиқ бўлди. Хоқонлик даврида феодал кушк ва саройлари, зодагонларнинг шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги уйлари ўзининг ривожланишини аввалги давр анъаналарининг ўзлуксиз давоми сифатида давом эттирди. Бу даврда буддизм, заостризм, христианлик ва бошқа динлар, хоқонлик таркибидаги халқ ва элат тил ва урф одатлари каби рангбарангликда мавжуд бўлиб борди. Шу билан бирга тинч ҳаёт маҳаллий задагонларнинг мустақил ҳаёт кечиришлари меъморчилик ва тасвирий ва амалий санъатда ўзига хос локал хусусиятларни ҳам келиб чиқишини таъминлади. Бу хусусият Сўғд, Хоразм санъати ва меъморлиги, Фарғона, Кува Еттисой, ёдгорликлари, акс этган.

ибодатхона ва монастирлар ҳамда бой ва зодагонларнинг сарой ва қасрлари, ҳокимларнинг қароргоҳлари ўзининг бой беазаги ва бадий ечимининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бизгача вайроналарда тасодифан етиб келган меъморий бино қолдиқ ва парчалари шу давр меъморлик маданиятининг юксак бўлганлиги ва энг муҳими шу даврда санъат синтези аъло даражада бўлганлигидан далолат беради. Бу ёдгорликларнинг катта қисми деворларига суратлар ишланганлиги, интерьер ва экстерьерларида ҳайкалтарошлик асарлари қўйилганлигидан далолат беради. Шу ўринда хитойлик тарихчининг Самарқанд ва Бухоро ўртасида қурилган ҳашаматли бино жуда ҳайратлангирганлиги, бинонинг шимолий деворида бўёқлар билан Хитой императорларининг тасвири, шарқий деворда турк хонлари ва Ҳиндистон ҳукмдорлари, Фарбий деворда эса Эрон ва Рим подшоҳлари тасвири туширилганлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Шунини таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёда кулдорлик тизимидан феодализмга ўтиш даври унинг санъати мазмуни ва характерида ўз ифодасини топди. Бу ҳол дастлаб давр учун

характерли катта оилалар яшайдиган кўрғон-қасрлар, кўшқлар қурилишида сезилади. Бундай кўрғон-қасрлар Ўрта Осиёнинг кўпгина ерларида сақланиб қолган. Шаҳардан ташқаридаги шундай илк кўрғонлардан бири Хоразмдаги «Яккапарсон» кўрғон-қасри бўлиб, унинг марказида лойдан қурилган сунъий тепалик (стилобат) да турар жой биноси жойлашган. Қаср атрофи эса, уч қатор девор билан ўраб чиқилган.

Феодал муносабатларнинг ривожланиб бориши билан эски шаҳар типлари ўзгарб, шаҳарнинг янги типлари пайдо бўла бошлади. Агар қулдорлик давридаги шаҳарлар тўғри ва кўп ҳолларда, кварталларининг тўғри жойланиши билан характерланган бўлса, эндиликда илк феодал шаҳарлари атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралиб, унинг ички қисми бетартиб қурилган уйлар, тор, эгри-бугри кўчалар билан тўлдирилган. Бойларнинг 2-3 қаватли бинолари эса, феодал шаҳари қурилишига ўзига хос силует берган. Подшоҳларнинг сарой ва шаҳардан ташқаридаги қароргоҳлари ҳашаматли ва гўзал бўлишига эътибор берилган. Кўп ҳолларда сунъий тепалик устига қурилган устун, ярим устун, арка ҳамда турли декоратив меъморлик ҳажмларидан подшоҳ саройининг хушманзара ва маҳобатли бўлишида фойдаланилган. Бу бинолар ҳам хом ғишт ва пахсадан ишланган бўлиб, деворлари ганч билан пардозланган, деворий сурат ва нақшлар билан безатилган. Ганч, ёғоч ўймакорлиги ва бўртма тасвирлари бинога алоҳида файз киритган. Бизгача вайрона ҳолида етиб келган бу саройлар қолдиқлари ҳозир ҳам ўзининг улуғворлиги билан кишини ҳаяжонга солади.

Илк феодализм даврида Ўрта Осиёда ягона дин бўлмаганлиги ибодатхона қурилишларида, кўмиш маросими билан боғлиқ буюмларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Фарғона водийси (Қува)дан топилган ибодатхона ҳаробаси илк феодализмда ҳам бу ерларда буддизм мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу ердаги ибодатхона икки хонадан иборат бўлиб, олд хонаси айвон типиди ва унга кираверишда ҳайкаллар ўрнатилган. Ички хоналарда ҳам ҳайкаллар қўйилган. Оташпарастлик дини билан боғлиқ

бўлган ибодатхоналар, одатда, тепаликка қурилиб, олд томони эса қуёш чиқиш томонга қаратилган.

Эфталитлар ва турк хоқонлиги давридан бизгача етиб келган тасвирий санъат асарларининг парчалари шу даврда рассомлик ва ҳайкалтарошлик ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлганлигини кўрсатади. Бу даврда монументал рассомлик ва ҳайкалтарошлик диний ва дунёвий биноларнинг безатилишида кенг ишлатилган. Бу ҳайкалларда диний ва афсонавий образлар билан бир қаторда, реал ҳаётни акс эттирувчи образлар ҳам учрайди. Ҳайкаллар махсус тайёрланган лойдан, ёғоч, ганч, алебастр ва тошдан ишланган. Варахшадаги саройни безашда ганч ўймакорлиги кенг қўлланилган.

1,2. Варахша саройи деворига ишланган бўртма тасвирлар.VIII аср. 3.Балбала. Чу водийсида ишланган тош ҳайкаллар(балбалалар). VI-VII асрлар

Бу даврда майда ҳайкалтарошлик кенг ёйилган.

Сўғд майда пластикаси намуналари. Афрасиёб.

Кандакорлик санъати ва ўймакорликда бўртма тасвир муҳим рол ўйнагани шу даврдан сақланиб қолган ёдгорликларда кўринади.

Рассомлик.Ўрта Осиёда муҳим маданий маркази бўлган Ўзбекистон ҳудудида илк феодализм бадий маданиятининг ютуқлари монументал-декоратив рангтасвир санъатида ўзини тўлиқ намоён қилади, Афросиёб (Самарқанд), Варахша (Бухоро вил.), Болаликтепа (Сурхондарё вил..) деворий суратлар жаҳон монументал-декоратив рангтасвир санъатининг нодир дурдонаси ҳисобланади. Бу суратлар ўзининг юксак маҳорат билан ишланганлиги, реал ҳаётни бадий образларда ифодали акс эттириши билан белгиланади. Бухоро воҳасидан топилган Варахша ҳукмдори саройи қолдиқлари ва деворий суратлари тахминан VII-VIII асрларда ишланган.

Варахша деворий суратлари ичида ов манзараси яхши сақланган. Бу суратда фил устида кетаётган одамларга шернинг хужуми тасвирланган бўлиб, бу композиция ўзининг динамикаси ва ажойиб ранг гаммаси билан иждокорнинг юксак маҳорат эгаси эканлигини исботлайди. Рассом ишлаган ҳар бир образнинг тугал шаклга эга бўлишига, ҳар бир детални ҳам иложи борича аниқ ва тугал даражада кўрсатишга интиланган.

Афросиёб саройи деворий расмларидан парча

1965 йили Самарқанд яқинидан афсонавий подшоҳ Афросиёб саройи археологик топилмаси катта шов-шувга сабаб бўлди. Бу топилма яна бир бор Ўрта Осиёда илк феодализм асридаёқ юксак маданият мавжуд бўлганлигини жаҳонга намоиш этди. Бу сарой қолдиқларининг деворларига ишланган тематик сурат ва нақш композициялари юксак маҳорат билан ишланганлиги билан ажралиб туради. Афросиёб деворий сурат композиция ишланиши, деталларга эътибор берилгани жиҳатидан, Варахша суратларига яқин бўлса ҳам, лекин бадиийлик ва маҳорат жиҳатидан улардан устундир. Афросиёб деворий суратларининг аҳамияти яна шундаки, суратлар билан бирга, Сўғд ҳарфларида ёзилган бир қатор сўзлар ҳам учрайди.

Ўрта Осиёнинг илк феодализм асридаги монументал-декоратив рангтасвири тўғрисида фикр юритганда, Термиз яқинидан топилган «Юмалоқ тепа», унга яқин жойлашган «Болалик тепа» деворий суратларини эсламай бўлмайди.



1. Болалик тепа деворий суратлари. 2. Либослар.

Бу суратлар ҳарактерининг шаклланишида шу давр монументал-декоратив рангтасвирига хос услуб мавжуд бўлиб, булар birlikда Ўрта Осиё илк

феодализм асрида бу санъатнинг юксак бўлганлиги, бу санъатда турли услуб ва йўналишлар мавжуд бўлганлигини яна бир бор намоён қилади. Илк феодализм асрида амалий-декоратив санъат ҳам жиддий раванқ топди.

Бу асрларда майда ҳайкалтарошлик ҳам кенг тарқалган. турли ҳайкалчалар, айниқса, Сўғддан кўплаб ишланган. Амалий безак санъат. Ганч ва ёғоч ўймакорлик тури безаш ишларида кенг ишлатилган. Шуниси эътиборлики, ўймакорликда ислимий ва хандасий нақшлардан ташқари, одам ва ҳайвонлар, турли ҳолат ва ҳаракатдаги ҳайвонлар, қуш ва парранда бўртма тасвирини кўшиб ишлаш кенг учрайди.

уй анжомлари, ов ва жанг қуроллари, шунингдек, турли бадий безатилган шойи ва оддий чит материаллар ва улардан бичилган либослар шу давр эстетик қарашларини намоён қилади. Амалий буюмлар юзасига бўёқда тасвирлар ишланган, кумушдан ясалган буюм ва қуроллар эса бўртма тасвирлар билан безатилган. Бу тасвирларда деворий суратларда акс эттирилган образ ва воқеалар ўз ифодасини топган. Подшоҳлар тасвири, базм, ов манзаралари бу буюмлар юзасига гўзаллик бахш этган.



Болалик тепадан топилган сопол VII-VIII аср.

Хоразмдан топилган кўмиш маросими билан боғлиқ бўлган оссуарий ёки астадон деб номланган тўртбурчак қутича шаклидаги лойдан ясалган ўзига хос тобутчалар бу ерларда зороастризм мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Бу астадонларга жасад суяклари солиниб, махсус қабр токчаларига қўйилган. Астадонлар Сўғд, Шошда ҳам топилган.

Марказий Осиё, умуман, Ўрта Шарк санъатида рассомлик ва хайкалтарошлик, кандакорлик ва тукимачилик санъати ривжланш даврини бошидан кечирди. Болалик тепа, Варахша, Панжикент, Афросиёб деворий расмлари шундай ёдгорликлардандир. Рассомлар ўз ривожига сўнги антик анъаналарни янги поғонага кўтаришди ўз мазмуни, мохияти, профессионал маҳорат билан ишланиш жиҳатидан жаҳон санъати тарихида ўз даврининг тенги йўк нодир ёдгорликлар яратдилар. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, эфталитлар ва турк хоконлиги даври қатор маҳал локал мактабларини шакллантирди. Бу хусусият маҳобатли рангасвир санъатида сезиларли бўлиб, бу даврга оид ёдгорликларни кенг ўрганилганлиги Болалик тепа, Варахша, Панжикент, Афросиёб ва бошқа деворий расмларнинг бадиий ечилиши бу маданиятни ниҳоятда юқори даражада бўлганлиги ҳамда маълум даражада атроф давлатлар санъатидан таъсирлангани шу билан бошқа давлатларга таъсир этганини кўриш мумкин. Шу ўхшашлик ва ўзига хосликларни умумлаштириб бу давр санъатини қатор мактаб йўналишларига ажратиш мумкин. Бу мактабларни Ўзбекистонлик олимлар А.Пугаченкова ва Л.Ремпел учга ажратишади:

1. Тоҳаристон мактаби ва унинг ёдгорликлари. Болалик тепа саройи расмлари (Амударё хавзаси), Ажина тепа ва Кофир қалъа (Жанубий Тожикистон).
2. Шимолий Туркистон мактаби ва унинг ёдгорликлари. Кувадаги буддизм ибодатхонаси (Фарғона). Еттисув буддизм ибодатхонаси (Шимолий Қирғизистон).
3. "Гарбий ўлка" мактаби ва унинг Сўғддаги, Хоразмдаги ёдгорликлари. Афросиёб, Варахша, Кахкаха саройлари, ҳамда Хоразм остодонлари расмлари (м.Ток қала). Бу деворий ва оссуарий расмлар мавзусини иккига ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш диний маросим буддизм билан боғлиқ Ажина тепа, Кува, Оқ Бешим, ва бошқа ибодатхона расмлари, иккинчи йўналиш дунёвий мазмунда бўлиб сарой, зодагонларнинг уй ва кўшкларидан ўз ифодасини топди. Булар Болалик тепа, Варахша, Афросиёб, Панжикент, ёдгорликларидир(2).

турк хоконлиги даврига келиб Марказий Осиёнинг жанубий томонларида сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожда жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Жумладан буддизм билан боғлиқ карашлар аста сунабошлади. Қўшон даври санъати аъаналари мавжуд бўлса ҳам, лекин буддизмни ўз МАНБАИДАН узоқлашиши ва алоқаларнинг сусайиши бу даврда яратилган асарларда маҳаллий халқ санъати таъсирини ошишига олиб келди. Бу хусусиятлар Ажина тепа, Қува, Мерв санъатида билинади. VI-VII асрларда деворий рассомликда анъанавий санъат будда монастирларида ўз мавқеини сақлаб маҳаллий ва санъати анъаналарида мавжуд бўлди. Жумладан Ажина тепа монастири деаорий расмлари айни ана шу хинд ва маҳаллий санъат анъанлари силсиласи ҳосиласи сифатида идрок этилади. Бу монастирнинг хоналарига ишланган расмлар юқори малкада бажарилган бўлиб Будда ва у билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Композицияда совга-салом олиб келаётганлар тасвири бириунча жонли бўлиб анъанавий композицияга ўзига хослик киритади. Мервдан топилган кўза юзасига ишланган расмлар шунингдек Ток қаладан (Хоразм) топилган остадон юзасига ишланган расмлар ўз характери жиҳатидан маиший жанрдаги кўпфигурали композиция У-УП аср санъати йўналиши хусусида фикр юритиш имкониятини беради у композицияларда бўлган, бўлаётган ишлар, воқеалар акс эттирилади, Жумладан Мерв кўзаси юзасига ишланган расмда бир одамнинг умри, аниқроғи умрининг тўрт фасли ўз ифодасини топган. Унда инсон тугулгандан то оламдан ўтгунга бўлган ванкт тасвирий лавҳаларда акс эттирилган. Ток қала оссуарий юзасига ишланган тасвирда аза тутиш воқеаси таъсирли ишланган. Болалик тепа деворий расмлари Ўзбекистон санъати тарихида муҳим ўринни эгаллаб Шарқ монументал рангтасвир санъатининг янги қиррасини намоён этади(3),

Бу санъат маҳаллий антик санъатга таянган холда уни қатор ўзгаришлар билан янгилади. Жумладан шакл ва қаламтасвир бирмунча соддлаштирилиб уни нақош композициясига яқинлаштиради. Рассом нур соядан воз кечган холда фазовий кенгликни одамлар хатти ҳаракатида хал этади. 5-6 асрларда

яратилган бу расмларда Ўрта Осиё монументал санъатининг янги бир йўналиши тарзида намоён бўлади. Ишланишидаги яхлитлик шакл ва чизиқларидаги ўзига хос қатъийлик, ранг шакл тизимидаги ритмик қайтарилиш бу ёдгорликни кўпроқ шу даврда Афғонистон худудида мавжуд бўлган услубга яқинлаштиради Болалик тепа (V-VI аср). Шаҳардан ташқарида қурилган, ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган каср квадрат шаклида бўлиб, унинг эшик ўрнини ҳисобга олинмаса, хона деворлари яхлит еруглик тепада қолидирилган дарчадан тушган. Шунинг учун расм тўрт деворга яхлит ишланиб айланиб кўришга мўлжалланган панорамани эслатган, бу яхлитликни эшик ўрни тўхтатган ҳалос. Девор бўйлаб унга ёпиштирилган ҳолда ишланган супа тарзидаги баландлик ўлтириш учун мўлжалланган. Рассом бу ерда ўзига хос рассомлик бадиий ечимини топган. Шу девор бўйлаб кетган супа тепасидан худди шу супада ултиргандек одамлар тасвири шланган.

Афросиёб деворий расмлари. 5-7 асрларга оид

Саройнинг гарбий деворида Чоганиён ҳукмдори Турантошнинг ўша давр одатига кура Самарқанд ихшиди (Подшоҳси) Вархуман ҳузурига Чоганиён маликаларидан бирини канизаклари билан кўзатиб бораётган элчилар тасвирланган Саройнинг Шарқий деворида узоқ шарқ мамлакатларининг бирида кайикларда денгиз сўзиб қуриқликларда эса йирткич ҳайвонлар билан йўл-йўлакай олишиб келаётган мугул башара элчилар гуруҳи келиши тасвирланган. Шимолий деворда турли мамлакатлардан (Чоч, Чогаён, Хитой, Курия, Япония) келган элчилар Самарқанд ҳукмдори томонидан навбатма навбат қабул қилиш маросими Жанубий томонда Самарқанд ҳукмдори билан аъзолари билан муқаддас сув Ворукаша денгизида балик ва тошбақалар орасида чўмилиш ҳолати тасвирланган. Саройнинг Чаганиён маликасига бағишланган композицияси бўйнига катта қўғирчоқ илинган оқ филда малика ундан кейин суворийлар ўртасида саман от минган куёв - шоҳ акс эттирилган. Отлиқнинг оқ паррандалар расми билан безатилган қизил чакмонига қурол-аслаҳалар осилган. Маликани оқ отга минган қизлар

кўзатиб бормоқда. Қизил кўйлакли, елкасига оқ кулранг румол ташлаган, сариқ лозим кийган бежирим этикли аёл расми яхши сақланган. Унинг кўлларида нафис билакузук. Икки туяларга минган икки киши келаяпти. Улардан бири киргий бурун, оқ юз, игичка муйлов, қора соқолли, иккинчиси соч соқоли қизғишт, қорачадан келган чол. Унинг катта очилган кўзлари олдинга тикилган, юзлари яхши сақланган. Иккови ҳам сербезак кийимда. Белларига килич ва ханжар осилган, кўлларида хасса. Туяларга гулдор ёпингич ёпилган. Улар орқасида оқ паррандалар келаяпти. Бундан ташқари икки киши тасвирланган улар оқ кийимда, юзларини пасти оқ румол билан беркитиб олинган. Қушлар ортида куёв - шоҳ ундан кейин отлиқлар. Мехмонхона девори элчилар қабул қилишга бағишланган. Элчилар кийими безакдор. Доирага олинган тўнгиз тоғ эчкиси афсонавий қанотли махлуқ тасвири шу кийимлар беагини ташкил этади. Эркакларда зирак, турли тақинчоклар бирини кўлида бир парча мато. Иккинчисида марварид шодаси. Оқ кийимли эркак этагида Сўғд тилидан ёзув бор. Мехмонхона жанубий томонида балиқ тошбака, ўрдак сўзиб юрибди. Мехмонхона Шарнқий қисми деворлари ер билан олишув расми бор.

Варахша сарой хоналаридан бирининг деворларида ов манзараси акс эттирилган бўлиб ҳар бир композиция марказида оқ фил ва унда ўтриган жангчи кўрсатилган. Баъзида филнинг бош томонида филни бошқарувчи (хайдовчи) тасвири учрайди. Одамлар филга икки томондан ташланаётган икки йиртқич ҳайвон билан олишмоқда. Бу ҳайвонлар гоҳ, леопард, гоҳ, шер гоҳ эса афсонавий махлуқ тарзида учрайди. Тадкикотчиларнинг фикрига кўра бу тасвирлар турли ривоят ва афсоналар шунингдек зардуштийлик таълимоти билан боғлиқ фикрлар баён этилган жумладан Варахша деворий расмларида акс эттирилган фил устидаги одамларнинг турли вахший ҳайвонлар билан жанги Авестодаги яхшилик ва ёмонлик кураши ғояларини ифодалайди деб ҳисобланади. Деворга ишланган бу сурат композициялар тепасида яна тасвирлар берилган. Уларда ўнгдан чап томонга одимлаб бораётган ҳайвонлар тасвири кўрсатилган. Бу тасвирлар бирмунча кичик. Афсуски бу

расмлар бизгача етиб келмаган. Асосий суратнинг паст томонида ҳам энсиз, хошия сифат нақш композицияси берилган. Варахша деворий расмлари тахминан 7- 8 асрларга тўғри келади ва ўзининг ёрқин ранги билан ажралиб туради. Ҳайвонларнинг ёрқин сарғишт олтин рангдан заргалдоққача бўлган тусланишлари, пушти ранг тусланишида ишланган одамлар ҳамда оқ рангдаги фил тасвири ранглари асарнинг умумий колоритини белилаб унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Расмларда ҳажм йўқ ясси ишланган. Рассом фазовий кенглик, буюмлар, тасвирланадиган қахрамонларнинг ҳажмли холда кўрсатишга интилмади. Тасвир фони замини яхлит декоратив рангда, аниқроғи, иссиқ тук қизил рангда ишланган, бу ранг эса асосий тасвирланган образларни ҳамда воқеани аниқ кўриш имкоини беради. Композицияда ишлатилган чизиқлар, тасвирланувчи одамлар қомати тасвири нисбатлари бўлаётган воқеани жонли ва шиддатли ҳаракатда эканлигини хис этишга кўмаклашади. Нозик чизиқлар ритмик, тасвирланган одамлар гавдаси аниқ ва тўғри нисбатда олиниши рассомнинг юксак маҳоратидан далолат беради.

7-8 аср деворий рассомлиги алебастр сувоқда ишланган. Натижада ишланган расмлар образлар ёрқин ва жарангдор кўринишга эга, бўлган. Янги буюқларда ишлатилиши м. мовий лазур, хом, асар эмоционал томонини оширган. Яна муҳим томони рассом ўз асарида фазовий кенгликни очишга интилади. Унг аввалги тасвирланаётган сиймо (образ)ни ва уни ўраб турган нарсаларни ишланишига алоҳида эътибор беради, орқа замин эса бирор бир ранг билан текис буялади. Натижада тасвирланувчи образ кийими, буюмлариларнинг ўзига хос бой бадий безаги асарнинг эмоционал кўринишини оширади. Юқорида эслаб ўтилган арфа чалувчи яримьялангоч холда тасвирланган қиз қора заминда янада эмоционал бўлиб кўринган. Асарнинг қалами (қаламтасвири, чизиқли конструктив тизми, образни ажратиб турувчиконтур чизиги) ҳам ўткир. Тасвирдаги аниқ ва мусиқавий чизиқлар одам қоматини бўрттириб кўрсатишдан ташқарини янада таъсирчан бўлишига хизмат қилади. Деворий рассомлик ва монументал

хайкалтарошликни хусусияти мазмуни ҳам шу меъморлик билан боғлиқ холда ўзгарб яқинланади. Эндиликда Антик в мавзулар камайиб суворийлар жасоратини куйловчи романтик композиция ва муҳим тарихий воқеа ва ходисалар билан боғлиқ мавзулар монументал санъатда кенг ўринни эгаллай бошлади. Энг муҳими шундаки эрон- сосоний ва кўчманчи туркий халқлар санъати билан боғлиқ турлари ҳамма санъат пластикасини аста ясси-декоратив безакка ўтабошлади. Бу билан у кейинги наққошлик санъатининг етакчилиги учун замин ярата борди. Ҳайкалтарошлик турк хоконлиги даврида думолоқ ва рельеф кўринишлари ривожда бўлиб, рассомлик санъати билан бир қаторда етукликка эришди. Майда ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва заргарлик орасида ҳам ютуқлар кўлга киритилди.Коропласика-маъбудаларҳайкалини яшаш ва уларга топиниш ҳам кенг тарқалди.Самарқанд,Бухоро.Нақшаб ва Тоҳаристондан топилганшундай ҳайкаллар бир биридан кийими,кўриниши билан ажралиб туради.Улар кўп ва хилма хил.Маҳобатли ҳайкал ва рельефлар ҳам шу даврда ижтимоий ҳаётда муҳим ўринни эгаллаб улар ибодатхонада фриз тарзида хона деворининг тепа қисмида, думалоқ ёки жанрли композиция сифатида тахмон-токчаларга ёки бўлмаса махсус тагликларга ўрнатилган бўлган. Бу холни XX асрнинг 30-50 йилларида археологик қазилмалар пайти топилган ҳайкалтарошлик намуналарида ҳам кўриш мумкин. Панжикент, Қува, Сўғд санъатида ёғоч ўймакорлиги ва ҳайкалтарошлиги ўзига хос йўналишда мавжуд бўлган. Ёғоч ўймакорлигида мураккаб нақш композициялари ишланган. Уларда борлиқ элементлари, қуш ва ҳайвонлар, одам ҳайкаллари учрайди, хатто думалоқ ҳайкаллар ҳам ёғочдан йўниб ишланганлиги шу давр маданий ҳаётининг бирмунча жонли бўлганлигини кўрсатади. Сўғд ҳайкалтарошлиги нафақат хоналарни безашда балки бевосита ибодатхоналарда ҳам кенг фойдаланилган . Шунга Зарафшондан топилган ёғочдан ишланган ҳайкал мисол бўлаолади.Умуман шуни айтиш керакки араблар келгунга қадар Сўғд, Хоразм Уструшонада олов уйлари билан бирга худо уйлари худо - санам ибодатхоналари мавжуд бўлган. Бошида нур таратаётган шар чамбар,

белида белбоғ ва ханжар ва қилич қилиб ҳайкал ишланган. Ҳайкал ёғочдан ясалган. У маълум канон асосида ишланган ва йиғилган яъни қўллар алоҳида ишланиб кейин уланган. Илк ўрта асрга оид бу ёдгорлик Сўғд умуман Марказий Осиёдаги Илох , худо , маъбуд санамнинг намунаси бўлиб худо Митро , Ахура ҳайкали ҳисобланади.

Шарқшунос олим В.В. Бартольднинг фикрига кўра санамлар юнонча симо, ўхшаш зардуштийлик таълимотида муҳим ўрнини эгаллаган. Улар одам ёки ёки ҳайвон шаклида ишланган ва шаҳарларда ўрнатилган. Унинг баландлиги 5 м. Яқин бўлиб олтидан ясалган. Бу шаҳарнинг катта санамларидан ҳисобланган. Пойкент, Зоминдавор, Фарғонада ҳам ҳайкаллар ўрнатилаган бўлиб улар ҳам инкурстатция услубида бажарилагн, кўзлари қимматбоҳо тошлардан ишланган. Самарқанд яқинидаги Челекда ўрнатилаган олтин ҳайкал машҳур бўлган Ҳитой манбаларида кўрсатилишича бу санамга сизиниш учун узоқ - узоқлардан одамлар кўриш учун келишган. Бу санам ривоят қилишича одамларни ёмон кўздан сақлаган.

Санамлар ибодатхона ичида ҳам ўрнатилагн. Жумладан, Бухоро ибодатхоналарида шундай санамлар бўлган.

Кувада (Фарғона) олиб борилган археологик ққазиш ишлари олиб борилганида бу ердан буддизм билан боғлиқ бўлган ибодатхона қолдиғлари очилди. Бу археологик қазилма ўрганилганида шу жойда буддавийлар ибодатхонаси мавжуд бўлганлиги ва у икки хонадан иборат эканлиги аниқланди. Уларнинг ҳар бирига алоҳида кириш эшиги бўлиб хоналардан бири айвон типиди , унга кираверишда катта отлар ва ва катта серсоқол маъбуд тасвири ўрнатилган. **Расм. Дев ҳайкали.** Маъбуднинг пешонаси теппасида одам бош суяги шакли боғлиқ холда ишланган. Ҳайкал ниҳоятда шижоатда жўшин ва вазоҳат билан ён томонга қараб тургани пайти кўрсатилган. Иккинчи хона ҳам ҳайкаллар билан безатилган бўлиб уларнинг бизгача фақат парчалари етиб келган. Айниқса Будда ҳайкалининг сақланиб қолган бош қисми ҳарактерли. Унда думалок юзли Будда бошининг пешонасида кўшимча кўз тасвири ишланган бўлиб у ҳамма нарсани

кўрадиган ва биладиган Будданинг илохийлигини таъкидлайди. **Расм. Будда хайкали.** Хайкал қунт билан ишланган унинг танаси, юзи нафис ишланилишига эътибор берилган, бадани қўнгирокли заржияклар билан безатилган, кийимлари еркин кук ва бошқа хархил ранглар билан пардозланган бўлган. Будда хайкали хонанинг турида тахтда ўлтирган ҳолда ишланган бўлган. Ибодатхона араблар томонидан ёқиб юборилган, хайкал эса бузиб ташланган. Хайкалда сақланиб қолган қилич излари шундан далолат берадир.

У-УП асрларда амалий безак санъати ҳам ниҳоятда ривожланди. Кандакорлик, бадиий тўқимачилик, китобат санъатида бетакрор асарлар яратилди. Инкрустация услубида китоб муқовалари тайёрланди, кадаматошли оёқ кийимлар ишланди. Бу ёдгорликлар ҳақида замондошларнинг, тарихчиларнинг ёзиб қолдирган хотираларимаълумот беради. Араб қўшинлари Бухорода бўлганларида хотун подшоҳнинг оёғидаги кадама тошли этигини кўриб ҳайрон бўлиб қолганликлари тарихчилар асарларида учрайди. Уструшона ҳокими қимматбаҳо, жавохирлар билан безатилган аждодларининг ғайридиний китобларини кимҳобларга ўраб асрагани учун хиёнатда айбланган. У11-У111 асрларда Самарқанд қоғоз ишлаб чиқиш борасида машҳур бўлиб қоғоз жаҳон бозорида юқори баҳоланган.

ХУЛОСА. Ўзбекистон ҳудудида илк феодализм дарида Ўрта Шарқда муҳим маданият ўчоғи бўлиб унинг шу давр санъати бадиий тафаккурининг юксак кўриниши ва мустақил йўналишидир. Бу санъат ўзида давр руҳи, бадиий дид ва қарашларини ифодалади. Бу давр санъати ўзида феодал тузум зодагонлари қарашлари ва ихтиёжларини ифодалади. Бу санъат Шарқ ва Ғарб анганалари замирида юзага келган бўлса ҳам, лекин унинг асосини маҳаллий санъат, унинг асоси бўлган халқ ижоди ташкил этади. Санъаткорларнинг юксак маҳорати, давр руҳи ва нафасини хис этаолиши ва шу туйғулари ифодалаб ўлмас асарлар яратдилар шу билан бирга Ўрта Осиё, унинг ажралмас қисми

бўлган Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган санъат ўтмиш санъати анъаналарига яқин ясаб янги давр санъатига йўл очди.

II БОБ

АРАБ ИСТИЛОСИ ВА УНДАН Кейин пайдо бўлган мустақил ДАВЛАТЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН С А Н Ъ А Т И

Арабларнинг Ўрта Осиё ерларига кириб келиши халқни катта бахтсизликка дучор қилди, тинч ҳаётини бузиб, ривожланиб бораётган иқтисодий ва маданий ҳаётини издан чиқарди. Араблар ўзлари билан ислом динини олиб келдилар. Ўрта Осиё халқларининг эски дини ва у билан боғлиқ бўлган ҳамма ёдгорликларни бўздилар, вайрон қилдилар. Қимматбаҳо металллардан ишланган ҳайкал ва амалий санъат буюмлари таланди, эритилиб юборилди, деворий суратлар эса қириб ташланди; лой ва алебастрдан ясалган ҳайкаллар парчаланди. Лекин бу қирғинлик халқ ижодини тўхтата олмади. Босқинчиларга қарши исён кўтарган, эрк ва озодликни севган халқ норозилиги, унинг сон-саноксиз қўзғолон ва кўтарилишлари аста-секин ўз самарасини кўрсата бошлади. Ўрта Осиё халқларининг араб босқинчиларига қарши олиб борган кураши натижасида аста халифалик парчаланиб унинг ўрнида мустақил феодал давлатлар юзага кела бошлади. Карлуклар, угўзлар, тохурийлар давлати шундан дастлабки давлатлардан эди. Арабларга қарши кураш Марказий Осиё ерларида узоқ вақт давом этган. Халқ ғалаёнларини бостириш учун халифалик маҳаллий бойлар, катта ер эгаларининг кучидан фойдалана бошлади. У йирик ер эгаси Сомон худотнинг ўғилларини кучидан фойдаланиб, бир қатор ғалаёнларни бостиришга муоффақ бўлди. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ерларига Сомон худотнинг ўғиллари ҳоким этиб тайинланди. Масалан, Нухга Самарқандни, Аҳмадга Фарғонани, Яхъёга Шош (Тошкент) ва Ўртатепани берди. Шундай қилиб, маҳаллий задагонлар аста-секин ҳокимиятнинг қўлга кирита бошладилар. Самонийлардан Исмоил 888 йили катта давлат тузишга муваффақ бўлди. Бу давлат тарихида Самонийлар

давлати (819-999) номи билан машхур бўлиб Мовароуннахр, Хоразм, Хуросон, Шарқий Эрон ерларини ўз ичига олди. Унинг дастлабки пойтахти Самарқанд бўлган. Кейинчалик пойтахт Бухорога кўчгандан кейин ҳам Самарқанд давлатнинг муҳим маданий маркази бўлиб қолган. Шу ерда биринчи марта самонийларнинг кўмуш тангалари зарбланган. Самонийлар давлати 180 йилдан ортиқ вақт мобайнида мавжуд бўлди. Марказий Осиёда юзага келган марказлашган Самонийлар давлати Ўрта Шарқда алоҳида ўринни эгаллаб фан, санъат ва маданият ривожланишига катта тўртки бериш билан бир қаторда кейинчалик янги мустақил Ғазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар каби туркий давлатларининг юзага келишига йўл очди. XI асрнинг 20-30 йилларига келиб эса Марказий Осиё майдонига асли келиб чиқиши Сирдарёнинг қуйи томонидаги туркий-салжуқийлар мустақил давлатларини тузиб XI аср 30 йилларига келиб эса Қорохонийлар бошқарувини ҳам ўз қўлларига ола бошладилар. Лекин шарқдан бошланган янги қорхитойлар юриши Салжуқийлар ва Қорахонийлар давлатини сусайтира бошлади. Бу эса Хоразмшоҳлар давлатини юксалтирди. Бу давлат Такеш ҳукмронлиги йилларида (1172-1200) эса шарқдаги қудратли давлатлардан бирига айланди.

Араблар истелоси ва ундан кейинги давр Марказий Осиё санъати ва маданияти тарихини қатор боскичларга ажратиб кўриш мумкин. Шунинг дастлабкиси У111-1X аср ўрталарига тўғри келди. Бу истелочиларнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва у билан боғлиқ озодлик кураши даври бўлиб санъат ва маданият ўз характери жиҳатидан тушкунликни ва шу билан бирга янги жараёнларнинг куртак отиши билан ҳарактерланади. Бу жараёнлар аввало ислом дини ва у билан боғлиқ янги урф одат ва маросимларнинг кириб клиши (масалан, номоз ўқиш ва у билан боғлиқ кийиниш, ҳаёт тарзи ва х.к.), қурилмалар пайдо бўлишида билинади. Шу даврда мавжуд бўлган сарой ва айниқса бошқа динларга (зардуштийлик, христиан, буддавийлик ва х.к) оид ибодатхоналар бузилиб ёки қайта ўзгартириб ислом динига мос мачитларга айлантирилди,

янги масжитлар қурила бошланди. Араблар истелоси Марказий Осиё ерларида халқларнинг бой маданий меросини барбод бўлишига, ажойиб рассомлик ва меъморлик санъати анъаналарининг издан чиқаришига олиб келди. Ҳайкаларошлик санъати ривожини эса бутунлай тухтатиб қўйди. Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида содир бўлган нотинч жараёнлар ўзига тўқ ва имконияти бор бўлган тоифадаги одамларни нотинч ерлардан тинчроқ жойларга ўтишга зарурият туғдирди. Натижада аввалги ташландиқ холга келган жойларда янги қурилма ва манзиллар юзага кела бошлади.

Араб истилочилари Ўрта Осиёга ўзлари билан араб ёзувини ҳам олиб келдилар. Бу ёзув араблар кириб келгунга қадар Марказий Осиё халқлари ёзувларидаги барча китоблар йўқ қилини унинг билимдонлари кириб ташланди. Шундай қилиб қадимги хоразм, сўғд, уйғур ёзувларини сиқиб чиқарди. Араб халифалигининг деярли бирярим асрли истилосидан кейин аста маҳаллий маданият жонлана бошланди, вайрон бўлган шаҳарлар қайтадан тикланди, янгилари барпо этилди. Қишлоқ хўжалиги сезиларли ютуқларга эришди, тоғ кон қидирув ишлар ривожланди, хунармандчиликда янги технологик жараёнлар қўллана бошланди, жумладан сирли кошин ва ғиштлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши меъморчилик ва амалий, амалий безак санъатида қатор эстетик ўзгаришлар ясай бошлади. VIII асрга келиб Самарқанд ва Бухорода қоғоз ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши Ўрта Шарқ маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар ясади. Авваллари қўлланилган пергамент ёки шоига нисбатан арзон ва қулай қоғознинг муомалада кенг қўламда ишлатиш хаттотлик, қўлёзма китоблар тайёрлаш маданияти камол топтирди. Ўрта асрларда Бухоро ва Самарқанд қоғозлари ниҳоятда қадрланиб унда расм ишлашни ҳарбир европалик рассом орзу қилар эди. Қоғозни маданий ҳаётга кириб келиши билан хаттот-котиб мавқо ортиб кетди. Хаттотлик шунчаки хунар, касб бўлибгина қолмай унинг ижрочиси санъаткор даражасига кўтарилди. Гўзал хаттотлик ёзуви ниҳоятда юқори баҳоланиб, моҳир хаттотларнинг дастхатлари туширилган алоҳида

варақ - қитъа санъат мухлислари томонидан эъзозланиб сақланган ва йиғилган. Қўлёзма китоблар тайёрлашда наққош - лаввах муҳим ўринни эгаллаган. У қўлёзманинг хошия қисмини гўзал бўлиши учун олтин ранглардан фойдаланган, енгил силуэтли қуш, гул ва ҳайвонлар тасвирини ишлаган. Лаввах китоб бошланиши олдидан тўртбурчак чизилиб ички қисми мураккаб нақш композицияси билан тўлдирилган. Бундай нақш композициялар кўпроқ меъморий безакда ишланадиган композицияларга яқин ишланган. Ранг тизимида эса олтин ва кобальт-кўк ранг етакчи ўринни эгаллаган. Қўлёзманинг янги бўлим, хатто боблари янги варақдан бошланиб улар ҳам безакдор бўлган. Қўлёзманинг сўнги вараги-сарлаух думалоқ нақш - медальон тарзида ишланиб ундан нозик чизиқларда шакллар ишланган. Лаввах ўз ишини тугатгач қўлёзmani миниатюрachi рассом- мусаввир давом эттирган. Шундан сўнг қўлёзма муқовасоз қўлига келиб теккан. Муқавасоз қўлёзmani қалин қоғоз ёки махсус ишлов берилган теридан тайёрлаб қўлёзма ишига яқун ясаган. Шундай қилиб китоб жуда кўп усталар ҳамкорлигида яратилган жамоавий ишда ҳар бир мутахассис ўз ишининг моҳир устаси бўлган ва ўз ишини юқори маҳорат билан бажарган. Ишга бундай муносабат яратилган ҳар бир китобни нодир санъат даражасида бўлишига олиб келган. Шунинг учун шоҳ саройида ўрта аср маданияти андозалари яратилди. Давлатлар пойтахтидаги катта кутубхоналар нодир қўлёзма ва китоблар билан тўлиб борди. Олимлар ишлари учун катта имкониятлар яратди. Шу ривожланиш босқичида Самонийлар даври алоҳида ўринни эгаллайди. Шу даврда давлат пойтахти Бухоро Шарқдаги муҳим маданий ва илмий марказга айланди. Унинг машҳур кутубхонаси шуҳрати оламга таралди. Алгебра отаси, 1X аср буюк математик олими ва астрономи Ал Хоразмий яшаб ижод қилди, буюк табиб Ибн Синонинг ёшлик йилларишу Бухоро шаҳрида ўтди, у олим сифатида шаклланди.

VIII аср ўрталаридан бошлаб, маданий ва ижтимоий ҳаёт яна жонлана бошланиб Ўрта Осиё феодализм формациясининг ривожланган даврига кадам қўйди, ниҳоят IX-X асрларда Ўрта Осиё яна мустақилликка эриша


бошлаган халқ тасвирий ва амалий санъатда жонлантира бошлади, меъморликда эса нодир ёдгорликлар вужудга кела бошлади. Бу даврга келиб, Ўрта Осиё жаҳон илм ва фани тараққиётида муҳим марказлардан бирига айланди. Бу даврда яшаган тарихчилардан бири сомонийлар идора қилган даврда Бухоро улуғворлик маркази, подшоҳликнинг замини, муқаддас замонанинг донгдор кишилари истиқомат қиладиган макон, бутун ер юзи адабиётининг ажойиб юлдузлари туғиладиган жой ва ўша замон олимларининг маркази бўлиб қолди, деб ёзган эди. Сомонийлар давлатни ташкил этишга катта эътибор бердилар. Шарқ ва Ғарб орасидаги алоқалар ривожланди. Карвон йўллари очилди. Фан ва маданият юқори даражада ривожланди. Марказий Осиё олимлари жаҳон фанига таъсир кўрсатдилар. Мадрасалар - укув юртлари ҳақиқий билим ўчоғига айланди. Самарқанд, Марв, Урганч, Фарғона, Чоч каби шаҳарлар ҳам маданий марказлар сифатида танилди. Ҳақиқатан ҳам, бу даврда Ўрта Осиё жаҳонга қатор буюк алломаларни етказиб бердики, улар ўз меҳнат ва ақл-заковатлари билан жаҳон илму фани тараққиётига янги йўналиш бердилар, унинг янги қирраларини ихтиро этиб, уларга жон бахш этдилар. Ал-Хоразмий, Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Синонинг ўлмас асарлари кўпгина мамлакат ўқув юртларида бир неча аср мобайнида дарслик вазифасини ўтаб келди. Ал-Беруний, ал-Фаробий, ал-Фарғоний каби қатор мутафаккирлар ижодидаги материалистик дунёқараш халқ онига таъсир қилди. Бу асрнинг буюк Рудакий, Фирдавсий, Дақиқий каби алломалари кейинги поэзия тараққиётида ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Меъморлик. Меъморчилик санъатида янги типдаги бинолар, ижодий ғоялар юзага келди. Қурилишда пишик ғишт, алибастр, ганч каби материаллари кенг ишлатилди. Мехмонхоналар, истироҳат боғлари қурилиши шаҳар қиёфаси ва топографиясининг ўзгартириб юборди. Шаҳар ҳаёти *рабодга* кўчди. Шу ерда шовқин ва говжум бозорлар пайдо бўлди. Савдо қаторлари яқинида эса хунармандлар жамоалари шакллана борди. Шаҳристон атрофи говжумлашиб шаҳар маданияти кенг ёйилиб борди. Шаҳристоннинг муҳим

қисми маъмурий аппарат, ҳоким саройи, камоқхона, масчит қурилиб шаҳарнинг маркази вазифасини ўтади. Самонийлар давлатининг пойтахти Бухорода катта қурилиш ишлари олиб борилди. Кенгайган шаҳар мудофаа девори билан мустаҳкамланиб 11 дарбоза орқали шаҳарга кириш йўллари белгиланди. Шаҳарда ва ундан ташқарида жамоат ва турар жойлар кўплаб қурилди. Бу қурилишлар аста ўрта аср шаҳар меъморчилик қиёфанини белгилай бошлади. Масжит диний ва маданий марказ вазифасини ўтади. Бу ерда тоат ибодат билан бир қаторда тарғибий ишлар ҳам олиб борилди. Масжитлар ўрни ва мазмунига кўра маҳалла масжити(гўзар масжити), жума масжити, байрам масжити-номозгоҳ(ийдгоҳ, мусалло) ҳамда саройлар, мадрасалар ва карвонсаройлар таркибига кирган масжитлар қурилди ва уларнинг беагаги ва ҳажми шунга қараб белгиланган. Одатда жума масжитлари шаҳар марказида кўринарли жойда барпо этилиб ҳажм жиҳатидан катта бўлган. Жума кунлари шаҳар аҳли шу ерга тўпланган, ибодат қилиш билан бирга янгиликлардан хабардор бўлган. Номозгоҳлар шаҳардан ташқарида қурилиб уни байрам масжитлари деб ҳам юритилган. Масжит ичида кибла томонда *мехроб* ёнида *минбар* қурилган. Номозгоҳга чиқиш учун *минора* ишланиши ҳам шу давр махсулидир. Ўқув даргоҳлари бўлган *мадрасалар* қурилиши ҳам жонланабошлади. Суфизм вакиллари йиғилишлари учун мўлжалланган махсус қурилма *-хонакоҳлар* ҳам шу даврда кенг ёйилабошлади. Хонакоҳлар алоҳида ёки масчит ва мадрасаларда, уларнинг яқинида қурилган. Шундай хонакоҳлар Самарқанд, Бухорода кўплаб учрайди. Савдо чорраҳаларида Чорсу савдо гумбазлари, шаҳар дарбозалари олдида эса *карвон саройлар*, ҳамда шаҳар ва ундан ташқарида мақбаралар қурилиши шу давр меъморлигини ўзига хос янги йуналишлари махсули эди. Бу қурилишда безак санъати ютуқлари ўз ифодасини топди. Қурилишда хом ғишт, пахсадан ташқари пишиқ ғишт ва алебастр коришмаларидан фойдаланиш ҳам муҳим бўлди. Учли арка ва тоқилар ҳам меъморлик санъати ўзгаришларни белгилади. Бу даврга келиб турар жойлар қурилишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Режалаштириш асосида

қурилган турар жой бинолари кичик ҳовлилар атрофида қурилди. Шаҳардан ташқаридаги турар жой бинолари кўрғон типиде бўлиб баланд тепалик устига қурилган. Ташқи деворлари эса гафрили бўлган. Сомонийлар давлатининг муҳим марказларидан бўлган Марвда шундай калъа қолдиқлари сақланиб қолган. Бу даврда қурилган бинолар тўртбурчак, квадрат шаклида бўлиб тепаси равоқли ёки гумбазли бўлган. Маълумотларга кўра шу даврда қурилган касрлар икки каватли бўлган. Масжитлар тусин билан ёпилган.

Бу даврга келиб қуриш техникаси мукамаллашди, қурилишда пишиқ ғиштнинг кенг қўлланилиши меъморликнинг мураккаб композицияларини яратиш имкониятини берди. Эгри равоқли томлар билан бир қаторда, гумбазли бинолар қурилиши ҳам кенг йўлга қўйила бошланди. Пишиқ ғишتلарни турлича териш натижасида бино деворларининг ўзига хос безагини яратиш тенденцияси ортди. Арка ва яримаркалар меъморликда эшик, дарча, тоқча ва тахмонларда ишлатила бошландики, булар ҳам шу давр биноларининг ўзига хос кўринишида муҳим роль ўйнади. Бу даврда нақшинкор меҳмонхоналар, кўркам истироҳат боғлари ҳамда антиқа ҳовузлар бунёд этилди. Шу даврларда, ҳатто ислом дини билан боғлиқ бўлган гумбазли мачитлар бўлганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуддир.



Сомонийлар мақбараси .

Даврнинг ажойиб меъморий қурилмаси бўлган сомонийлар мақбараси ҳақли равишда жаҳон меъморлик санъатининг нодир ёдгорлиги ҳисобланади. **Расм Самонийлар мақбараси.** Бу ёдгорлик дастлаб ўзининг соддалиги ва тузилишининг аниқлиги, нисбатларининг мутаносиблиги ва меъморлик шакл

безагининг бир-бири билан ниҳоятда нафис уйғунлашиб кетганлиги билан ажралиб туради. Мақбара асоси квадрат бўлиб, унинг ҳажми катта эмас (7,20x7,20 м.), тўрт томонида найзасимон аркали эшик мавжуд. Мақбара ташқи томондан тепага бир оз торайиб борувчи куб ва унинг устига ўрнатилган ярим айлана шаклидаги қозонни эслатади. Бинонинг ташқи девор юзаси пишиқ ғиштнинг турлича тахланиши ҳисобига бадийлаштирилган. ғиштнинг гоҳ ён, гоҳ бурчак қилиб қўйилиши юзада ёруғ-соя ўйинини ошириб, унинг хушманзарали бўлишини таъминлаган. Бу ёруғ-соя ўйини эса қуёш нўрининг ўзгариши билан турланиб боради ва бинога ҳар сафар қайтарилмас жозоба киритади. Бир оз мунгли кўринган бино абадий уйқудагилар учун сокин ва мунгли сукут сақлаётгандек туюлади.


X аср охири XI аср бошларида қурилган Мир Саид Баҳром мақбараси ҳам куб-гумбаздан ташкил топган. Лекин, содда ишланган бир эшикли бу мақбарадан бошлаб ғиштнинг безак роли қисқара борди.



1 РаботМалик


Работ Малик карвон саройи XI аср барпо этилган. Бу бинонинг чеккасида минораси пишиқ ғишт билан кафелга ўхшатиб пардозланган. Девор олд томон деворини ярим айлана устун ва аркали ишланиши ҳамда пештоқли дарбоза қурилиши кейинги Мовароуннаҳр меъморлиги ривожда муҳим рол уйнайди. Бу меъморчилик УП-УШ аср маҳаллий меъморчилик ва безак санъати анъаналари асосида қурилган янги даврдаги ривож эди. Бу даврда катта қурилишлар ривож мавжуд қурилшп конструкцияларининг ўзгариши ва мураккаблашишига олиб келди. Бу ўзгаришлар пишиқ ғишдан фойдаланиш билан боғлиқ ва гумбаз равоқларнинг характерида ифодасини топди. Катта қурилишлар эса қурувчиларга талабни оширди. Хунармандлар цехлари вужудга кела

бошлади. Шогирдлик кенг кулоч ёябошлади. Айни шу даврга келиб умуман кейинги феодализм даврига хос бўлган монументал меъморчилик қурилмаларининг типлари яратилди. Тўртайвонли композиция айниқса кенг ёйилди. Рабати молик (Бухоро) ёдгорликлари олд томони тўртбурчакли найзасимон аркали тахмонга ўхшаш пештоқ билан кириш қисми бошланган. XI-XII асрда масчит қурилиши ҳам кенг ривожланди ва унинг ўзига хос типи юзага келди. Асоси квадрат шаклидаги гумбазли бино композициялар Ўрта Осиё ерларида кенг тарқалди ва маҳаллий шароитга қараб ўзига хос фазилят ва кўриниш кашф этди. Бу даврда *пештоқ-гумбазли мақбаралар* қурилиши ҳам ривожланди. Пештоқлари эса бадий безатилган. Масчитлар қурилди, уларда ҳам янги услуб ва йуналишлар юзага келди. Жумладан: XII асрда қурилган Магока аттори масчители Мовороуннахр меъморлигида янги услубий изланишни бошланишида турган ёдгорликлардан ҳисобланади. XI-XII асрда минора қурилиши ҳам кенг одат тус олди. Ўрта Осиёдаги энг баланд минора Бухородаги Колон масчители минораси бўлиб унинг бадандлиги 60 м,га етади. Буларда ҳам ғиштнинг бадий имкониятлари уларнинг ташки безагини белгилашда муҳим роль уйнаган. Аслида ғишт минора юзаси нақшини ташкил этувчи бирдан бир элемент бўлиб қолган. Уларнинг тахланиши ва туриш ҳолати ҳисобига юза ўзига хос кўриниш ва латофат кашф этган. Жарқўрғон минораси (1108-09 йиллар) ўзига хос услубда яратилган ва характери жиҳатидан аввалги У1-УШ аср меъморчилик услубини давом эттиради(расм). Бу минора уста Махмуд угли Али томонидан қурилган. Кейинчалик шу Жарқўрғон минорасига ўхшаш қурилма Делида (Кутб-Минор), Хуросондаги минорали мақбарада ўз аксини топган. Ва бу миноралар ривожига Ўрта Осиё меъморлиги услубини таъсири борлигини эътироф этиш керак.Калон масчит ва унинг ажойиб минораси (1127) Ўрта Осиё меъморлигида ғишдан безак бериш, санъатининг юксак намунаси сифатида машҳурдир(расм).



1. Бухородаги Калон мачити минораси. 2. Жарқўргон минораси. 3. Бухородаги Пой-Калон мачити. 4. Бухородаги Калон мачити.

1196-1211 йилларда қурилган Вобкентдаги минора нисбатларининг нозик топилганлиги ва ниҳоятда юқорига интилувчан ажойиб конуссимон шаклининг мустаҳкам ва мағрурлиги билан ҳарактерланади. Қурувчи Садр Бурхонидин Абдулазиз II номи минора безак ичида ёзиб қолдирган. Бу даврда марҳумлар руҳини абадийлаштиришга қаратилган мақбаралар қурилиши ҳам ўзига хос шаклларни яратди. Кўҳна Урганч (Хоразм) даги Фахриддин Розий ва Текеш мақбараси ўзига хос хусусиятга эга. Гарчи у Ўрта Осиёда кенг тарқалган пештоқ-гумбазли композиция типига кирса ҳам, лекин у қиррали барабанга ўрнатилган чодирсимон гумбаздан ташкил топган. Туркменистондаги пештоқ-гумбазли бинолар безатилишида ғиштнинг бадиий имкониятидан кенг фойдаланилган.



1. Фахриддин Розий мақбараси. Куня Урганч. XII аср. 2. Текеш мақбараси

Тасвирий санъат. Араб истелосидан кейин Марказий Осиёда пайдо бўлган Сомонийлар ва ундан кейин пайдо бўлган, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразм шоҳлар давлатларнинг ҳукмдорлари ўз сарой ва қасрлари, меҳмонхона ва ҳаммомларни мавзули ва манзарали расмлар ва бўртма тасвирлар билан безатилишига эътибор бердилар, Бу тасвирларда жанг ва ов манзаралари, қабул маросимлари ва зиёфатлар, ҳокимларнинг

портретлари ишланган. Жумладан Махмуд Газнавийнинг сарой деворларига турли расмлар, ҳукмдор ва унинг яқинлари тасвирлари ишланган, сарой деворларида бўртма тасвирлар билан безатилган. Газнавийлар саройи безакларида монументал ҳайкалтарошлик кенг ўринни эгаллаган. Лашкари бозор саройи рельефлари, гиламсифат бўртма нақш намоёнлари юксак маҳорат билан ишланган. Махмуднинг давомчиси бўлган шахзода Маъсуд саройи расмларида ишқ-муҳаббат мавзуидаги расмлар ишланган бўлган. IX-XIII асрларда Ўрта Осиё санъатида ҳайкалтарошлик ҳали тўлиқ сиқиб чиқарилмаган эди. Ёзув манбаларида, бу асрларда кенг майдонларда ҳайкаллар бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Лекин улар бизгача сақланмаган. Лекин шу даврдан бошлаб, ижтимоий ҳаётда ранг ва ўйма наққошлик санъати кенг ўринни эгаллай бошлаган. Наққошлар ўз ижодларида турли геометрик шакллардан ташқари, ўсимликлар, ҳайвон ва қушлар тасвири бўлган нақшлардан фойдаланиб композициялар яратганлар. Уларда давр кишиларининг фикр-туйғулари ифодаланган. Бу даврда тасвирий санъатнинг портрет жанрида асарлар яратилганлиги ҳақидаги маълумотни шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино портретини чизиш тўғрисидаги воқеа ҳам ҳарактерлайди. Бу ривоятда Ибн Сино Махмуд Газнавийнинг инжиқликларидан безиб саройдан кетиб қолганлиги учун ҳукмдор ғазабланиб уни топишни буюрган ва рассом Ибн Арроқга Ибн Синонинг портретини чиздириб рассомларга бериб кўпайтиртган ва шу портретларни атрофдаги қишлоқларга тарқаттирган экан.

Бу даврда амалий санъат яна жонланди. Кулолчилик, шиша санъати, заргарлик ривожланди. Буюмларини турли тасвирлар билан безатиш кенг ёйилди. Безак санъатида кенг жонивор ва қушлар, афсонавий ҳайвонлар тасвири ишлатилди. Бухородаги Магоки Аттори масчити, Термиздаги сарой бўртма тасвирлари шунга мисол илиб олиш мумкин. Лекин уларда айрим тасвирлар масалан, ҳайвонлар тасвири реал шакллар ишланганини инобатга олинмаса кўп ҳолларда реал борлиқ ниҳоятда соддадаштирилган ва

нақш элементиға айлантйрилган холда ишланган. Реал тасвир унсурлари ёғоч ва тош ўймакорлиги санъатида кўп учрайди. Шундай уймакорлик Зарафшон воҳасида топилаи устунга ишланган нақшларда кўриш мумкин. Унда ўсимликлар, хайвон ва кушлар тасвири билан кўшилиб кетган. Куш, балик, хайвонлар соддалаштирилиб ишланган.

Мисгарлик, кандакорлик(торевтика) ва металл куйиш санъати ҳам бу даврда юксакликка эришган. Катта нақшли мис козонлар, турли сатил ва шамдонлар шу даврда юксак бадий буюм куйиш санъатидан далолат беради. Шу даврда катта ва ўрта катталиқдаги шаҳарларда шишадан буюмлар ясаи йўлга куйилган эди. Кулдортепа (Самарқанд яқинида), Варахша (Бухоро яқинида)да шишасозлик манзиллари археологлар томонидан очилган. Шишадан амалий ва пардоз буюмлари ишланган. Уларнинг шакли ҳар хил, оёкли бакал, кўза, майда идишчалар шуни далилидир(шиша идишлар расми). Кўпгина шаҳарлар ва қишлоқларда кулол устахоналари ташкил топди. Ишланган кулолчилик буюмларига ишлов бериш, амалий, кўп холларда ок фонга бўялган сопол буюм юзаларига Қора-кизғишт-жигарранг буёкларда тасвирлар ишланган, куфий ёзувида турли насихат сўзлари ёзилган. Бу даврда уйма кошйнлар ишлаш ҳам кенг тарқалган. Бундай ўйма кошйн ва сопол буюмлар амалиётда ишлатилган,меъморчилик мажмулари и безатилиши ҳам шу янги санъат ишлатилган. Самарқандаги Иброхим ибн Хасан (1186-1199), Термиздаги мақбара ва саройларда, Хоразмда қурилган масчит (м.Жума Масчит) шундай уйма сопол кошйнларда пардозланган.

Бу давр монументал-декоратив санъати кўпрок уймакорлик ва бўртма нақшошлик санъати сифатида намоён бўлади. Бу даврда қурилган биноларнинг деворлари, айниқса ташки томонлари сирли кошйнлар ҳамда пиширилган ғишт ёки шакллар билан безатилган. Тўқимачилик, борасидаги жиддий ютуқларга эришилди .

III БОБ

Мўғуллар истилоси даврида Ўзбекистон санъати (1220-1340)

Марказий Осиёдаги йирик Хоразмшоҳ давлати 1219 –1221 йиллари Чингизхон бошлиқ мўғул кўшинлари юришидан парчаланиб, гуллаб турган боғу-роғлар, сергавжум бозорлар, қанчадан-қанча шаҳарлар кулга айланди. Мўғулларга қарши курашда Жадоллидин Мангуберди ва хўжандлик Темур Малик катта жасорат кўрсатдилар. Темур Малик ва Жалолидин Мангуберди биргаликда мўғулларга катта талофат етказдилар. Лекин мўғуллар кўп ва кучли эди. Бунинг устига маҳаллий задогонлар ўз жонларини сақлаб қолиш учун мўғуллар билан тил топишга ҳаракат қилиб, мудофаачиларга зиён етказдилар.

Чингизхон босиб олган мамлакатларини тириклик пайтидаёқ ўгилларига бўлиб берган эди. Амударёнинг шарқий томонлари ва Мавороуннахр унинг иккинчи ўғли Чигатойга тегди, лекин хокимиятни аслида маҳаллий зодогон Махмуд Яловоч бошқарди. Бу ҳудуднинг пойтахти этиб Кухна Урганч белгиланди.

Мавороуннахр ерларига ўрнашган мўғуллар аста-секин ўтроқлашиб маҳаллий халқ урф-одатини қабул қила бошладилар. Улар маҳаллий аҳоли билан яқинлашган сари турмуш тарзи ҳам ўзғарб борди. Мўғуллар босиб олган ерларидаги муҳит уларнинг тилларида ҳам ифодасини топди. Чунки, мўғулларнинг Ўрта Осиёга кириб келишлари билан бу ерда туркийлашув янада ошди. Туркийлар Тяншан далаларидан ва Олтой тоғларидан бу ерларга мўғулларнинг иттифоқчилари ва ёрдамчилари бўлиб келган эдилар. Жайхун соҳилида ўзларининг ҳамқабилалари ва қариндошларини - илгари замонларда келиб ўрнашиб қолган туркларни топдилар. Кейинчалик бу тилнинг кенгайишида ва ёйилишида Марказий Осиёга келиб ўтроқлашган мўғул зодогонларининг туркий тилни сарой тили ҳамда жонли сўалашув тили сифатида ишлатилиши ҳам муҳим бўлди.

Мўғуллар ўзларининг маданий-маънавий ривожига босиб олган халқлар, жумладан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан орқада эдилар. Уларнинг ўзига хос санъати мавжуд бўлса ҳам, лекин унинг босиб олган ерларига таъсири деярли йўқ, тасвирий санъат ва меъморчиликда эса таъсир этишдан кўра таъсирланишга мойиллик кучлироқ эди.

Меъморчилик. Мўғул хонлари бошқарган дастлабки йилларда Марказий Осиё ерларида буддавийлик ибодатхоналари барпо этилган. Археологик маълумотларга кўра Мервда(Туркменистон) шундай ибодатхона қолдиқлари очилган бўлиб Узоқ шарқ ва маҳаллий санъат анъаналари уйғунлигида яратилган, безак санъатида эса Ўрта Осиё гирих ва кошинлар қўлланилган.

Мўғуллар ўтроқлашиб маҳаллий урф-одатларни ўзлаштирганлари сари ўзлари ҳам санъат буюртмачисига айланабордилар. 1321 йили мўғул хони Тармаширин ислом динини расмий дин сифатида қабул қилди. Шу даврдан бошлаб шу дин билан боғлиқ қурилмалар кўпая бошлади. Мўғул хонлари шу дин билан боғлиқ қурилишларга пул ажрата бошладилар. Мамлакатда осоишталик фан ва маданиятнинг жонлантира бошлади. Шу даврда почта хизмати йўлга қўйилди, қоғоз пуллар чиқарилди, Нақшбандийликка асос солинди. Баҳовуддин Нақшбандий (1318-1389) унинг асосчиси эди.

Машҳур саёҳ Ибн Батута мўғул хони Тармаширин даврида Кухна Урганчда бўлиб у ердаги ёғочдан қурилган саройда кўп хоналар ва иккита қабулхона бўлганлигини, бой зодагонларнинг уйларининг хоналари турли гилам ва палаклар (сўзаналар) билан безатилганлигини, девор сатҳида жуда кўп токчалар, уларда турли идишлар қўйилганлиги ҳақида ёзган.

Бу даврда мўғул хонлари масҷид, мадраса, мақбаралар қуришга хомийлик қилдилар, маблағ ажаратганликлари давр ёдгорликларида ўз ифодасини топган. Жумладан мўғул хони Мункэнинг (1251-59) онаси маблағига Хониё мадрасаси қурилган, Дувахон (1282-1306) Андижон шаҳрига асос солади, Кепакхон(1306-1326) эса қадимги Насаф шаҳри ёнида ҳашаматли сарой қурдирадилар. Кейинчалик бу сарой атрофида Қарши шаҳри вужудга келган. Бу даврда эски шаҳарлар таъмирланади, янги шаҳарлар қурилди.

Хунармандчилик ва савдо-сотиқ ишлари жонлана бошлади. Истело давридаги маданий жонланишда маҳаллий зодагонлар ҳам иштирок этабошладилар. Жумладан Махмуд Яловочнинг ўғли Маъсудбек (1238-89) эпчил, ишбилармонлиги билан танилди. Унинг даврида катта қурилишлар амалга оширилди. Қурилишда меъморликнинг мўғуллар келгунга қадар Ўрта Осиёда шаклланган меъморчилик услуби етакчи ўрнини эгаллаб мазмунан бойиди. Пештоқли гумбазли бинолар, сирли кошин ва безаклар билан пардозланди. Бу даврдан яна кошинсозлик, меъморчилик безакларини ишлаш санъати ривожлана бошлади. Маъсудбек қурдирган бинолар ичида сўзсиз, Маъсудбек мадрасаси алоҳида ўринни олди. Тарихчиларнинг ёзишича бу мадраса ўз вақтида 1000 дан ортиқ талабалар ўқиган. Бу даврда қурилиш мураккаблашиб борганлигини қўш гумбазли, чодиргумбазли ва марказий пештоқ гумбазли биноларда ҳам кўриш мумкин. Шу йилларда мадрасалар қурилишига асос солинди. дастлаб Бухорода, сўнг мусулмон дунёсининг Эрон, Ироқ., Сурия, Кичик Осиё, Миср ва бошқа ўлкаларига ёйилди. Бунинг сабаб, ислом дини айнан шу заминда, зардуштийлик ва буддизмнинг кучли таъсирига тўқнаш келгани, диний ғоялар ўртасида кучли рақобат исломни тарғиб қилувчи малакали даъватчиларни тайёрловчи олий мактабларга эҳтиёжни кўчайтириб юборган эди. Мўғул хонлари, айниқса, Қутлуғ Темур даврида Хоразм пойтахти Урганч гуллаб яшнади. Унинг жўғрофий ўрнининг қулайлиги, Шарқни Европа билан боғловчи буюк Ипак йўли устига жойлашганлиги шу ривожда муҳим бўлди. Бу шаҳар сергавжум ва гўзал эди. Кенг кўчалар, гавжум бозорларда турли мамлакат одамлари учратиш, хоҳлаган молни харид қилиш мумкин эди.

Бу даврда фан ва маданият ҳам жонлана бошлади. Маҳаллий зодагонларнинг родини ортиб борди, мўғул истелоси даврида яшаб ижод этган, унга очик ёки зимдан қураш олиб борган шахслар Нажмиддин Кубро(14 асрнинг 30 йиллари, Туркманистон), Тўрабек хоним(14 асрнинг 60 йиллари, Туркманистон, Кухна Урганч), Жалодиддин Румий, Бурхониддин Рабғўзий, Сайфи Саройи учун мақбаралар қурилди. Кухна Урганчдаги минора

мўғул хони Қутлуғ Темурнинг хотини Тўрабек хоним масжитига таалукли. Тура бек хоним минорасида Қутлуғ Темур ва Ўзбекхон номи ёзилган. Миноранинг баландлиги 62 метр бўлиб бу минора Ўрта Шарқдаги дастлабки энг катта миноралардан ҳисобланади. Миноранинг безак ечими ҳам ўзига хос. Унда гиштнинг теришда турлича йўналишда олинганлиги ҳамда минорани ўраб турган ўрама безаклар мавжудлиги шу ўзига хосликни ҳосил қилган. Миноранинг теппа томон сари торайиб бориши унга мустаҳкам кўриниш берган. Миноранинг теппа қисми муқарнасли бўлган деб тахмин қилинади. 13-14 асрларда меъморчилигида бир қатор услубий ўзгаришлар содир бўлди. Меъморчилик композициясида ҳажм ва фазовий кенглик ечим мураккаблашди. Мураккаб меъморий мажмуалар барпо этилди. Мақбараларда зиёратхона, дарвишлар зикр тушадиган хона ва хўжалик учун керак бўлган қурилмалар ишланди. Бу хусусиятлар шу даврда қурилган Буён Қулихон, Сайид Аловуддин, Шайх Мухтор Вали мақбаралари мажмуасида кўриш мумкин. Шу билан бирга бу асрларда меъморий безак санъатининг ўрни ортиб борди. Хандасий ва ислимий нақшлар китобалар билан уйғунликда қурилган мажмуаларнинг кўринишини белгилаб янги эстетик муҳитни ярата бошлади. Бинонинг ташқи ва қисман ички пардозида ранг етакчи ўринга чиқа бошлади. Шу даврда Шоҳи зинда меъморий мажмуаси шакллана бошланди, безакдор мақбаралар яратилди. Шундай ёдгорликлардан бири Сайфиддин Боҳарзий мақбарасидир. Баланд пештоқли, тухумсимон кўшгумбазли бу мақбара шу томонлари билан аввалги давр ёдгорликларидан ажралиб туради. XIV асрларда Самарқанд, Хива шаҳарларида, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ерларида ҳам муҳим ёдгорликлар яратилган. Шулардан Бухородаги Буян кули хон, Кухна Урганчдаги Тўрабек хоним мақбаралари ва уларнинг бадиий ечими, Тожикистондаги Дува хон мақбаралари машҳур. Шунини таъкидлаш керакки, XIII аср охири XIV аср бошларида меъморлик санъати бирқатор янги услуб ва технологик жараёнлар билан бойиб мукаммаллашди. Қуббали, кўшгумбазли ва чодирсимон гумбазли бинолар қурилди. Бу даврда турли динга сажда қилувчилар

бўлганлиги сабабли у динлар билан боғлиқ қурилмалар мавжуд бўлган. Машхур сайёҳ Марко Полонинг ёзишича Самарқанд, Табриз, Қашғарда христианларнинг черковлари бўлган. XIII аср охири XIV асрлар тасвирий санъат ҳақида гапириш қийин. Бу санъатга оид муҳим асарлар ҳозирча чуқур таҳлил этилмаган, лекин амалий, амалий безак санъати жонлангани ҳамда бу санъат шакл ва ранг жиҳатидан бойиб борганлигини эътироф этиш мумкин. Жумладан бу даврда меъморлик учун сирли кошинлар ишлаш, уларнинг юзасига ислимий ва хандасий нақшлар чизиш шу даврдан бизгача етиб келган сопол парчалари ва кошинлар кенг учрайди. Бу топилмалада сопол юзасига сир беришда ранг тусланишига катта эътибор берилганлиги кўринади. Шу даврга мансуб сопол товоқчаларнинг парчаларида сақланиб қолган турли қуш ва ҳайвонларнинг расмлари, бронза идишларнинг юзасига ишланган бўртма тасвирлар ҳам шу даврда тасвирий санъат кишилар муҳитининг ажралмас қисми бўлганлигини кўрсатади. Бу даврдан хаттотлик ва миниатюра санъати ҳам ривожлана бошлади. Ислон динини расмий дин сифатида қабул қилиниши бу ривожга ижобий таъсир қилди. Чунки динни ўрганиш ва тарғиб қилиш учун зарур бўлган китобот санъати шунга мос келди. Сарой ва масжитлар қошида хаттотлар ва миниатюра расмлари - мусаввирлар тўплана бошлади. Хаттотлик ва у билан боғлиқ кичик ҳажмли тасвирлар- миниатюраларга талаб ортиб борди, рақобат пайдо бўлди. Рақобат эса санъатни ривожланишида кучли стимул бўлди.

.....

Темур ва темурийлар даврида Ўзбекистон санъати

Чингизхон барпо қилган империя XIII аср охирига келиб қатор мустақил, бир-бирига алоҳаси бўлмаган давлатларга ажрала бошлади. Бунинг устига Чингизхон ворислари томонидан тахт учун бўлган курашлар ҳам бу давлат кудратини сусайтира бошлаган эди. Ана шу даврда Марказий Осиёда янги хукмдор Амир Темур майдонга чиқа бошлади. Темур ўз мавқеини мустаҳкамлаб бориб, 1370 йили бутун Мавороуннахрни эгаллади ва

Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг пойтахти этиб тайинлади. Аста-секин бу давлат кенгайиб Ўрта Шарқда йирик давлатга айланди. Бу давлат Темур давлати номи билан тарихга кирди.

Темур ва унинг сулоласи даврида Ўрта Шарқда фан, санъат ва маданият ривож топди. Шу даврда ажойиб саройлар, масжид ва мадрасалар, кошинкор мақбаралар қурилди. Буюк олиму-фозиллар бу давлат шухратини оламга танитдилар. Буюк Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳон Жомий, Камолиддин Беҳзод каби олимлар, шоирлар ва миниатюра ижодкорлари шу даврда яшаб ижод қилдилар.

Шу даврда бу улуғ салтанатда яшаган кўп халқ, ва элатлар санъати, маданияти урф одатлари чатишиб ривожда бўлди, Шу санъат ҳудудида шаклланган янги анъана ва жараёнлар эса тезда бошқа ерларда ўз давомини топиб янги мактаб ва йўналишларга туртки берди. .

Китобат санъатида янги кашфиётлар яъни китоб муқовасини рельефли бўртма шакл ва тасвири ишлаш юзага келди. кейинчалик ўрта шарқ китобатида кенг ўрин эгаллади. Амалий, амалий-безак санъати ниҳоятда кенг ривожланди. Бронза, кумиш ва олтиндан қуйма идишлар яшаш борасида катта муваффақиятга эришдилар. Айниқса кумиш ва олтиндан нафис буюмлар яшаш кенг ривожда бўлиб сарой аҳллари талабига жавоб берди. Шу хусусда испан элчиси Клавихо Темур саройида бўлганида олтин ва кумушдан ишланган буюмларнинг кўплиги, Темурнинг олтин тахти ва столи, унинг дам оладиган хонасида олтиндан ва қимматбаҳо тошлар билан ишланган дарахт, ундаги мевалар, мевада ўлтирган ажойиб қушчалар бўлганлигини ёзиб қолдирган. Вамбери темурийлар даври маданияти ҳақида:

- " Темур даврида яратилган сарф-нахв китоблари ислом дунёсидаги ёшлар кўлида ҳозиргача дастуриламал тутилмоқда ва Ўрта Осиё мусулмонларининг эътиқод ва ибодатга оид кўпгина хусусиятлари шу вақтларда ёзилган фикҳ, ва услуб китобларига замин бўлмоқда. Осиё ва умум жаҳон мусулмонлари қошида энг нозик санъат ва энг олий мукамал маълумот санлаган, ҳозирда

ёлгиз номларигина қолган нимаики бор бўлса уларнинг орасида Хирот ва Самарқанд ҳукматлари вақтида тараққий этган нарсалар, шулар орасида аввало хаттотликни кўрсатиш мумкин деб ёзади .

Яна давом эттириб: - "Гарчи темурийлар сунний мазҳабига ихлосманд бўлсада, уларнинг китобларини турли рангдаги тасвирлар билан безамоқ , биноларни ҳар хил расмлар билан зийнатилмоққа интилдилар, сув бўёқ билан ишланган бу расмларда рангбаранг нақшлар ва жонсиз нарсаларнинг суратлари эмас, балки машҳур хонлар, аскарлар, хатто авлиёларнинг тасвирлари ҳам бор"¹ деб таъкидлайди. Темур ва темурийлар даврида турли миллат ва динлар мавжуд бўлиб диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор эди. Шу даврда Нақшбандия тариқатининг асосчиси Шайх Хўжа Баҳовуддин яшаб ижод этди. У ўша замонда Бухорода жуда хурматли киши , Бухоронинг миллий авлиёларидан ҳисобланган. Вафотидан кейин унинг қабрини уч марта бориб зиёрат қилишлик узокдаги Каъбага хаж қилиш билан баробар санлди. Дунёвий илмлар ичида сарой шоири Лутфилло Нишопурий (1384 й. вафот этган), Шайх Камолиддин Хўжандий, "Темурнома", шоир Аҳмад Кирмоний эслаш мумкин.

Темур давридан мадрасалар таъсис этилди. Улар ҳайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этди. Темур бу ишнинг ташаббускори бўлгани учун унингхонадони аъзолари, вазирлари ҳам мамлакатнинг бойлари-барча яхшилар мадрасаю мачитлар, қароатхоналар, касалхоналар таъсис этиш ҳамда уларга эҳсон беришда ўзаро мусобақада бўлишган - Бинобарин, Ўрта Осиёнинг маънавий тараққити, билвосита бўлмасида, ҳар ҳолда Амир Темур хизмати ва ҳимматига чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди.

Самарқанд бугун Осиё савдосида мол омбори ўринни олди. Бу ерда Ҳиндистондан бўёқ ва атторлик, Хитойдан Ипак газлама, чинни коса, қадахлар, қимматбаҳо ақиқ тошлар, мамлакат шимолдан ноёб пўстинлар келар эди. Шу ердан Осиёнинг катта шаҳарларига ва буюк Ипак йўли орқали гарбий Европага жўнатилар эди. Ўрта Осиё асл турклик даври Темурдан бошланди. Чунки хоразмшоҳлар ва салжуқийлар гарчи маишат тарзи

жихатдан турк бўлсаларда, улар гарбий ислом, эрон маданиятига муҳслис эдилар. Темур даврида мамлакатнинг расмий тили туркча эди. Темурнинг ўзи тиниқ ва очиқ турк шеvasида ёзар эди. «Темур тузуклари» шунинг далилидир. Темур ўз салтанати тахтини мамлакатлар заминида, уларнинг барчасидаги урф-одатлар ва маросисларни ўз саройида турлади, тараққий эттирди. Сарой аёнларининг Ипак, духоба ва атлас кийимлари араб ёки мусулмонла расм русумида тикланган эди. Саройда аёлларнинг либоси хусусан бурк, шокила қадимги Эрон ва Хоразм урфида хос эди. Сарой ҳокимлари олтин уқа билан безатилган узун кийим (қабо-Са) кияр эдилар. У кийимни ёқаси бўйинини кечиб турар, ўзи енгсиз бўлган, орқа этаги жуда узунлиги учун уни махсусжориялар кўтариб юришган. Уларнинг сони баъзан ўн беш кишига етган. Юзга хижоб тутганлар. Юқоридаги фикрлар ҳам Вамбери қаламига мансуб бўлиб, собиқ шўро даврида Темур даври ҳақида фикр юритиш мос этилган пайт-да мавжудлиги, даврни Гарб тарихчи ва маданиятшунослар бирмунча кенг ва атрофлича ўрганилгани кўрсатилади..., Темурийлар инқирозидан сўнг Ўрта Осиё ҳам олиймақом маданиятдан ва ҳақиқий нафосатга берилишдан айрилиб, ниҳоятда жаҳолат ва даҳшатга тушдики, у бундан сира ҳам озод бўла олмас. Маданият даври сўниб, унинг ҳукмронлик ҳаёти ҳам заифликка юз тутди. Вақти билан ҳукмдорлар Ислам Осиёсининг энг муҳим қитъаларда бирнеча асрлар мобайнида нуфўзини ўтказган Бухоро ва Самарқанд жаҳон тарихи саҳифасида ўз вазифаларини йўқотдилар. Ғоят гўзал ўтган замоннинг нақадар гўзал бўлган Мовароуннаҳр давлати бундан эътиборан қашшоқ Бухоро хонлиги тарзида танззулга юз тутди.

Темур даври санъати(1360-1405)

Меъморчилик.

Ўрта аср меъморчилик санъати ўзининг гуллаган даврини бошида кечирди. Янги чин маънодаги аристократик меъморчилик- ҳашаматли ва гўзал бинолар қуриш санъат услуби вужудга келди, ривожланди. Деворий рассомчилик, амалий декоратив санъат соҳасида қатор янги анъаналарни шаклланди. Жумладан меъморчиликда биринчи бор вужудга келган йирик ва мураккаб меъморчилик мажмуалари шаҳарсозликда муҳим ўринни эгаллай бошлади. Анъанавий меъморчилик шакл ва услубларини қайта қуриб чиқилди. Айниқса меъморчилик ёдгорликларини рангли кошинлар билан бойиши катта бадиий-эстетик аҳамият касб этди. Албатта рангли безак Ўрта Осиё анъанавий меъморлигининг ҳам ажралмас қисми бўлган. Лекин 14 асрга келиб бино ички ва айниқса ташқи пардозида бу услуб алоҳда ўринни эгаллай бошлади. Сирли сопол тахтачалардан ишланган рангли нақшлар, 14 аср охиридан кенг тарқала бошлаган ўйма сирли нақшлар кенг кўламда амалга тадбиқ этилиши Ўрта Шарқ халқлари ижодий тафаккурининг катта ютиги бўлди. Ўрта Осиё меъморчилигидаги бу ўзгаришлар илк бор Кўхна Урганчдаги Турабек хоним мақбарасида намоён бўлган эди. Хоразм усталари яратган бу ажойиб ёдгорлик анъаналари кейинроқ Темур фармойиши билан Самарқанд салтанатининг бошқа ерларида кенг фойдаланилган. Ва бу ишлар учун Хоразм усталари жалб этилган. 14 аср охири ва 15 аср бошларида Самарқандда айниқса катта қурилиш ишлари олиб борилган. Шаҳар қалин девор билан ўраб чиқилди. Унга олти дарвоза орқали кирилган. Шаҳарнинг баланд арк(цитидель)ида баланд Бўстон сарой, Кўк саройлар қурилган. Бу даврда пишиқ ғиштда қурилган, мовий ранг кошинлар билан безатилган масчит, мадраса ва мақбаралар, осмонўпар миноаралар сўлим табиат қўйнида алоҳида файз ва латофат кашф этган. **Темур даврида шаҳар ва шаҳардан ташқарида саройлар қуриш, истироҳат боғлари яратиш кенг тус олди. Темур нафақат ўз она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандда балки ўз мамлакатининг бошқа шаҳарларида ҳам қатор ҳашамтли бинолар қурдирди. Жумладан Табризда масчит, Шерозда сарой, Боғдодда мадраса, Туркистонда мақбара қурдирганлиги шунинг исботидир.**

Темур боғлари .

Унинг шаҳардан ташқарида қурдирган саройи шарқ томонда жойлашган бўлиб унинг шаҳар томонга қараган дарвозасига «Дарвозаи феруза» сўзи ёзилган бўлган. Сарой ичида бирнеча ҳовли бўлиб шулардан бирида олтин нақшли тахт жойланган. Шу тахтда у элчилар қабул қилган. Ҳовлининг ташқарисида эса фавворалар бўлиб атроф-муҳитни мўтадиллаштиришга хизмат қилган. Шаҳарнинг жануб томонида қурилган Боғи баҳишт, саройи аса сунбий тепаликда Табризнинг соф оқ мрамаридан қурилган. «Боғи шамол», "Бори наф" асарлари ҳам мрамар ва кошинлар билан пардозланган бўлган.

Темур даврида кўплаб саройлар қурилган Шулар ичида Оқ сарой мажмуаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ўн икки йилдан ортиқ вақт мобайнида қурилган бу сарой пештоқи хитой кошинлари, арабий нақшлар, гуллар ва ўймакорлик билан безатилган. Деворинг ташқин томони кўк ва олтин ранглардаги нақшли кошинлар билан пардозланган. Оқ сарой ичи томонида катта ҳовли бўлиб унинг ўртасида фаввора ишланган бўлган. Шу ҳовлидан катта хонага кириш эшиги безакка бой, унинг тепа томони ўртасида шеър ва қуёш тасвири ишланган бўлган. Олтин суви юритилган, ложувард ва бошқа ранглар билан пардозланган бу сарой чет эллик меҳмонларни кутиб олиш, мажлислар ўтказиш учун фойдаланилган. Оқ саройида 1404 йили бўлган машҳур сайёҳ Клавихо унинг ички ва ташқи томони ниҳоятда безакка бой эканлигини таъкидлаб сарой усталарининг ишини Париж усталарининг ишидан ҳам юқори қўйган.

Темур даврида улуғвор масжитлар барпо этилди Шулардан бири 1399-1402 йилларда бунёд этилган Бибихоним жомеъ масжиди бўлиб бу қурилишига Темур алоҳида эътибор берган. Унинг Фармонга биноан масжид тархи(плани) ишланган ва 1399 йиди бўлажак масчитнинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Қурилишда Озарбайжон, Ҳиндистон ва Эрондан келган 200 дан ортиқ уста, 500 дан ортиқ тош кесувчи меҳнат қилди.

Қурилишда 95 та фил банд бўлди. Қурилиш ишлари авжига чиққан пайитда Амир Темур сафарга жўнаб кетади. Орадан анча вақт ўтиб, қайтганида масчит деярли битган эди. Лекин Темур бу қурилишдан кўнгли тўлмайди. Ғазабланган Темур меъморчилик бошлиги уста Жалодиддин Маҳмуд Ибн Довудни қатл эттиради ва масжидни қайтадан қуришни буюради. Шундан сўнг масжид пештоқи қайтадан қурилиб, кенг кўринишга эга бўлди.

Расм ва масжит чизма тархи(плани) Бибихоним масжиди катта тўртбурчак шакилидаги майдонни эгаллаган , унинг атрофи эса девор билан ўраб чиқилган. Тўрт бурчакгида миноралар қурилган. Масжит шарққа қараган жуда катта пештоқли дарбоза билан бошланади. Масчит чор ҳовлиси атрофи устунли очик айвонлар билан ўралган, икки ён томони ва ўртасида унча катта бўлмаган пештоқ-гумбазли бинолар қурилган. Ҳовлининг ичкарасида эса 40 метрли пештоқ ва унинг бурчакларида эса қиррали минора ишланган. Шу пештоқ билан масжитни асосий "муқаддас" ярим сферик гумбазли биноси бошланади. Масжад ички ва ташқи томонини беазага алоҳида эътибор берилган. Сирли кошинлар билан безатилган, бино декорида кўк ва сарғишт оҳра, яшил ранг гаммаси кенг ўринни эгаллайди. Айниқса мовий ранг бутун бино колоритида ҳукмронлик қилиб унинг яхлит ва улуғворлигини таъминлаб гуё уни чексиз фалак билан мусобақалашаётгандек қилиб кўрсатади. Қурилишда Шарқ ва Ғарбнинг кўп устаю –наққошлари, меъмору-тоштарошлари иштирок этганлиги ёзув манбаларидан маълум.

Ўрта аср меъморлигининг ҳақиқий дурдонаси бу Темурийлар мақбарасидир.

Расм ва мақбара чизмаси Темур фармонида биноан қурила бошланган бино Ўрта Шарқ меъморлигида муҳим ўринни эгаллайди. Бино тантанавор монументаллиги ва декоратив-қурилганлиги билан ажралади. Бино содда меъморчилик хажимлардан саккиз қиррали асос, цилиндирик барабан ва қиррали кўк-мовий гумбаздан ташкил топган. Бинонинг ички қисми ҳам жуда сержилва. Унинг ички деворлари мрамор билан пардозланган ўйма

нақш ва рангли ва олтин суви юритилган нақшлар бино ичи қисмига алоҳида файз кирган.

Темур даври меъморлигини «Шоҳ зинда» меъморчилик комплексисиз тасаввур этиб бўлмайди. Афсонавий Афросиёб ёнбағрига жойлашган бу ансамбли II-II асрларда бу ерда қурилабошлаган мақбаралар ўрнида барпо этилган. Бу ер мусулмонларга қадар ҳам муқаддас сифиниш жойи бўлган. Афсоналарга кўра шу ерда мусулмонлар авлиёси бўлган Кусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, гўё у шу ерда тирилиб ер остига кириб кетган ва охиратгача шу ерда яшашга қарор қилган. "Шоҳи зинда"- тирик подшоҳ", "тирик шоҳ" ном шу ердан олинган. Ҳозирги Шоҳи зинда мақбара мажмуаси 14-15 асрларнинг биринчи ярмида қурилган ёдгорликлардан ташкил топган бўлиб бу мажмуа бироз кечроқ , 1334-1435 йилларда Улуғбек томонидан қурдирилган пештоқ билан бошланади. **Ичкарида киришга яқин жойда 15 асрнинг қўш мақбараси бўлиб унда гумбаз баланд барабан устига жойлашган. Сўнгра зинадан бошланиб қатор мақбаралар бир-бирига яқин қурилган. Булар Темур томонидан 14 асрнинг 70-80 йилларида қурдирилган. Мажмуа сўнгида эса 14 аср ўрталарида қурилган Хўжа Аҳмад мақбараси ўрин олган. Туман оқо мажмуаси (1372) пештоқи ўсимликсимон нақшлар билан безатилган. Деворларида майда манзарали панолар ишланган. Ширинбеко оқо (1385-86 йиллар) хоналарида тилла халл берилган ҳамда шу ерда илк бор ўйма нақш ишлатила бошлаган.**

Шоҳ и зинда меморлик мажмуасидаги мақбаралар турли даврларда қурилган шунга қарамасдан улар ҳаммаси ягона меъморчилик композицияси сифатида идрок этилади. Меъморлар ҳар сафар янги мақбара қурганларида рельефни, яъни ер сатхи характери ва қиялиги, ҳамда аввалги қурилган мақбараларни характериини ҳисобга олган холда меъморчилик ҳажм ва безагини танлаганлар. Темур даврида қурилган мақбаралар ўзининг бадий ечимининг юксаклиги ва ёрқин рангдорлиги билан ажралиб туради. Сирли кошин ва наққошлик санъати бутун ансамблга ажойиб файз киритиб давр кишиларнинг гўзаллик тушунчаларини ифодалайди. **«Бу ер жаннат боғи, бу**

ерда бахт юлдузлари кўмилган» деб мақбара пештоқларининг бирига ёзилган сўзларда бутун ансамблнинг ғоявий-бадиий ва фалсафий мазмуни ечилади.

Темур даврида Марказий Осиёнинг кўпгина ерларида ҳам меъморлик композицияси ва мажмумалари вужудга келди. Шаҳрисабздаги (Темур туғилган жой) Оқ сарой (1380), Туркистонда Аҳмад Яссавий барпо этилган, Тошкент вилоятида Занги ота меъморий шулар жумласидан. Амир Темур фармони билан барпо этилган Занги ота мажмуасининг мақбара пештоқ, гумбазли зиёратхона ва гўрхонадан иборат бўлиб нақшлар билан безатилган. Бино меъморий беагиларида Куфий ва сулс хатида ёзувлар билан бирга тош ўймакорлиги, рангли нақш кенг ишлатилган.

Темур ва темурийлар даврида тасвирий ва амалий безак санъати ўзининг ҳақиқий гуллаш даврини бошидан кечирди. Миниатюра ва деворий рассомлик санъатида нодир асарлар яратилди. Ҳайкалтарошлик эса асосан бўртма тасвир тарзида мавжуд бўлди.

Темур даврда монументал рангтасвир ниҳоятда ривожланди. Шу даврда қурилган сарой, қаср, мачит ва мақбаралар, зодогонларнинг хонадонлари турли мавзудаги расмлар билан безатилганлиги ҳақида тарихчиларнинг ёзма баёнлари сақланиб қолган. Афсуски, шу даврда қурилган саройлар, жамоат бинолари бизгача етиб келмаган ёки айрим парча ва кўчирмаларда сақланиб қолган халос. Шуларнинг ўзи ҳам давр санъати тўғрисида тасаввур беради.

Жумладан, Ширин Бика оқо, мақбараси деворларида табиат кўриниши тасвирланган бўлиб дарахтларда қушлар акс эттирилган бўлган. Бибихоним мачити деворларига нақшли безаклар билан бирга табиат манзараларини акс эттирувчи расмлар ишланган. Расм.... **Бибихоним мачити расмлари ...**

Бу даврда деворий рассомлик сарой ва қасрларни безатишда кенг ишлатилган. Сарой деворлари мураккаб сюжетли композициялардан ташкил топган. Уларда Темурнинг олиб борган жанглари, ўтказган базмлари, ўзи ва яқинларининг портретлари тасвири, ов манзаралари акс эттирилган. Тарихчи ибн Арабшоҳнинг сўзларига қараганда, Темурнинг фикрига кўра, унинг жасоратини кўрмаганлар расмлар орқали билиб олишлари керак

бўлган. Боғи Шамол саройи деворларига ҳам рассомлик асарлари билан безатилган бўлган. Дилкушо саройи деворий расмларида эса Темурнинг Хиндистонга юриши тасвирланган. 1400 йили Хиротда қурилган бино деворлари ҳам безакка бой бўлиб у ерда Темурнинг жангу жадаллари акс эттирилган.

Ўрта Осиё, умуман Ўрта Шарқ маданиятида китобни безаш, хаттотлик ва миниатюра санъати тарихида ўзига хос қайтарилмас жозибаси билан тенги йўқдир. Бу санъат турларида нодир ёдгорликлар яратилади. Айниқса китобларга иллюстраци тарзида ишланган миниатюра санъатида ютуқлар каттадир. Мовароунахр санъатида маҳаллий маданий анъаналар унга кирган кўпгина халқлар анъаналари силсиласи кўчая борди. Натижада янги, илғор ижодий жараён шаклланаборди. Санъаткорлар мавжуд ва ўтмиш санъати ютуқларини инкор этмаганлари холда анъанавий шакл ва йўналишларга янги бадиий руҳ киритабошладилар. Энг муҳими ижодкорлар янги ижодий ечимларга эришиб замон талабига мос асарлар яратишга муяссар бўлдилар.

Устод Гунг Ўрта Осиё рассомлик мактабининг асосчиси маълумотларга кўра Хитойда тасвирий санъат асосларини эгаллаб қайтган.

Амир Темур саройининг йирик мусаввири Хўжа Абд ал Хайя рассомлар устахонасининг бошлиги лавозимида ишлаган. Унинг ишлаш услуби самарқан рассомлик мактабини асосини ташкил этди. Рассомнинг бирқатор асарлари бизгача кўчирмаларда етиб келган. «Шер», «Сувдаги ўрдак», «Урушаётган икки жангчи» расмлари шу санъаткор ижодини намуналаридан бўлиб у ишланиши нафислиги ва ранг ва олтин ҳаллар бойлиги билан ажралиб туради.

Сааадийнинг "Гўлистон" асарига ишланган расмда дарвиш ҳақида ҳикоя тасвирланган. Унда чўл-сахродан ўз эшагида қўшиқ ва ҳазил билан оғир йўл қийинчиликларни енгган дарвиш ва уни йўл давомида майна қилиб келган, ўзига зеб берган туяга минган бой йўловчи тасвирланиб у охири оқибатда овуллардан бирида йиқилиб ўлганлиги ҳикоя қилинади. Асарга хос хусусият ҳикоянавислик бўлиб кўпгина ҳаётий лавҳалар асар мазмунини бойитади.

Рассомнинг “Сувдаги ўрдак “ асари ҳам эътиборга лойиқ. Бу расмда Хўжа Абд ал Хайя ўзини кузатувчан эканлигини , реал борлиқ кўринишларини ўзига ўхшатиб ишлашга интилиши шу расмларда ҳам ўз ифодасини топган. Рассом шу томонлари, шунингдек қаламининг ўткирлиги, колоритининг аниқ ва жиддийлиги кейинги Хирот мактаби шаклланишида муҳим ўринни эгаллади. Расм. Хўжа Абд ал Хайя. Сувдаги ўрдак.

Темур саройида хизмат қилган мусаввирлардан яна бири Пир Аҳмад Боғи Шамолий бўлган. У Абу ал Хайя замондоши ва шогирдлардан. Тарихчилар Пир Аҳмад Боғи Шамолийга юқори баҳо бериб даврнинг энг юксак, тенги йўқ мусаввири деб таърифлашади. Боғи-Шамолий рассомнинг тахаллуси бўлиб Боғи Шамол боғининг саройлари бош безакчиси бўлганлиги ва ишлагани учун берилган деб тахмин қилинади. Темур даврида сарой аристократияси нозик дидига мўлжалланган амалий-безак санъати намуналари юзага келди. Аини шу даврда шаҳар ҳаётида ўрта ҳол аҳолисининг ўрни муҳим ўринни эгалладн. У на фақат шу маънавий дунёнинг яратувчиси балки истемолчисига ҳам айланди.

Темур вафотидан кейинги даврда Ўзбекистон санъати

Темур вафотидан кейинги унинг улкан салтанатини Хуросон ва Мавороуннаҳрни унинг ўғли Шохрур ва набираси Улуғбек бошқарди. Деярли 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида бу ерларда Темур бошлаб берган анъаналар давом этди. Меъморчиликда маҳобатли меъморий мажмуалар барпо этилди . Самарқанд, Бухоро ва Вобкентда қурилган мадрасалар шу давр меъморлигининг анъаналари асосида вужудга келган.

Улуғбек мадрасаси даврнинг улуғ ёдгорликларидан ва ноёб тарихий қурилма. Бу бинога буюк олим Улуғбекнинг руҳи синган.

Расм. Улуғбек мадрасаси.

Улуғвор ва мағрур бу иншоатда буюк олим ва уламолар дарс ўтишган. Хандасий ва ислимий нақшлар пештоғ ёзувлари билан давр кишиларининг ҳам фалсафий ҳам эстетик қарашларини намоён этган.

1420-28 йилларда Улуғбек фармони билан барпо этилган дунёвий илм маскани расадхона ҳам даврнинг нодир ҳайкали бўлган. Уч қаватли ўртасида юлдузларни кўзатадиган мослама бўлган бу бино деворлари эса турлим-туман расмлар билан безатилган. Уларда тоғ, дарё ва ажойиб табиат кўринишлари тасвирланган. Темурийлар даврининг муҳим ёдгорликларидан бири Шоҳи зинда меъморий мажмуаси Улуғбек сайи ҳаракати билан тугаллик кашф этди. Унинг фармони билан қурилган маҳобатли безакдор катта пештоқ шу мажмуага яхлитлик бахш этган.

Расм. Шоҳи зинда меъморий мажмуа кўриниши.

Улуғбек бошқарган Мовароуннаҳрда Самарқанд Ўрта Шарқдаги гўзал ва бой шаҳарлардан бўлган. Шу ерда кўзга кўринган олим ва уламолар яшаб ижод қилган. Шу ерда дунёвий фанлар ривожланди. Улуғбек олим сифатида ўз атрофида шогирдлар тўплади, уларга дарс берди. Қози зода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Али Қўшчи тадқиқодлар олиб боришди. Уларнинг изланишлари “Юлдузлар жадвали китоби»да ўз аксини топди. Улуғбек фармони билан барпо этилган расадхона кутубхонаси даврнинг ҳақиқий академияси эди. Бу ерда турли назарий фанларга оид рисола ва тадқиқодлар кўчирилди, таъмирланди ва улар зарурий расмлар билан тўлдирилди эди. Бу ишлар билан кутубхона қошида фаолият кўрсатган хаттот ва мусаввирлар шуғулланар эди. Шундай астрономияга оид қўлёзмалардан бири ас- Сўфий рисоласи(трактати) бўлиб унда ишланган миниатюралар эътиборга лоик.

Мусаввир миниатюраларни шунчаки тушунтиришга мўлжалланган астрономияга оид расмгина эмас, балки бадиий қийматга эга бўлган бадиий асар даражасига кўтаришга интилади. Тасвирланган одам, ҳайвон ва афсонавий мавжудодларни ҳаётий ва жонли бўлишига ҳаракат қилади. Астрономияга оид расмларни ҳаққоний бўлишига интилиш Улуғбек даври санъати реалистик йўналишда ривожланганлигидан далолат беради. Шунини таъкидлаш керакки, Темурийлар даврида шоҳ саройлари қошидаги кутубхоналар ҳақиқий санъат мактаби ролини ўйнади. Бу ерда машҳур расом, хаттот, нақошлар тўпландилар. Кутубхонада нодир қўлёзмалар

тўпланиб, кўчирилиб китоб холига келтирилар, тасвир ва безак нақошлар билан безатилар, яроқсиз холга келган кўлёмалар таъмирланар эди.

Шунинг учун ҳам бу кутубхоналардаги ижодконалар рассом, нақош ва хаттотлар учун таълим ва маҳорат мактабини ўтаб ҳар бир санъаткорни ижодий ўсиши ўз хунар касбини янада ривожланитириши имкониятини яратган. Нигористон номи билан танилган бу ижодхона мазмун ва моҳият жиҳатидан бугунги бадий Академия мазмун ва йўналишига яқинлашиб кетади. Шу ерда устоз ўзининг мукаммал кўринишига эришди.

Бу хусусиятни шу даврда ишланган жанрли композиция ва портретларда ҳам кўриш мумкин. Шу ўринда Улуғбекка бағишлаб ишланган портрет ва жанрли композициялари эътиборли. Улуғбекнинг навбатдаги овдан кейин ўз оила аъзолари билан шийпонда дам олиб ўлтирган пайтини акс эттирувчи расм (1441- 1442 йилар) юксак маҳорат билан ишланган. Қалам чизгиси нозик, ранг тизими бой, тасвирланган ҳар бир образлар эса ўз хатти ҳаркати билан ажралиб жонли ишланган. 1447 йили Шохруҳ вафотидан кейин, Хирот Улуғбек кўлига ўтди. У Хуросон ва Мавороуннахрни бошқарди. Шу даврда бир қатор хаттот ва мусаввирлар Самарқандга кўчиб ўтишди, айримлари таклиф этилди. Жумладан даврнинг машҳур мусаввирлари Мавлоно Захридди Абдулла, Мавлоно Захриддин Азҳар ва бошқа йирик санъаткорлар Самарқандга, Улуғбек давлати пойтахтига таклиф қилинди. Уларга бу ерда Улуғбек ҳукмронлик йиллари ҳақидаги баённомани расмлар билан безатиш топширилди. Афсуски бу баённома ва расмлар бизгача сақланмаган.

Алишер Навий даври. Марказий Осиё санъатининг янги босқичи темурий Султон Абу Саид номи билан боғлиқ. У 1451 йили мамлакатдаги нотинчликлардан фойдаланиб қаттиқ курашларда ҳокимиятни ўз кўлига олади. 1456 йили эса у пойтахтни Самарқанддан Хиротга кўчирди. Натижада Маворуннахрда яшаб ижод этган санъаткор ва давлат арбобларини шу янги жойга кўчиб ўтишларига сабаб бўлди. Шулар қаторида кўплаб шоир, рассом, меъмор ва хаттотлар ва уларнинг оилалари бор эди.

Темурийлар даври санъати ва маданияти шу ерда ўз ривожини янги босқичини ошлади. Шу ерда даврнинг уламолари, буюк мутафаккирлари, рассому меъморлари Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод ва бошқалар ўз ижодларини қиёмига етказдилар. Темурзода Хусайн Байқаро 40 йилдан ортиқ ҳукумронлиги даврида мамлакатда каттагина ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда даврнинг буюк мутафаккири, ўзбек шеъриятининг юлдузи Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлди. Унинг раҳнамолигида йирик иншоотлар, масчит ва мадрасалар қад кўтарди. Шу ерда Ўрта Шарқ миниатюра мактаби ўзининг энг юксак чўққисига эришди.

Камолиддин Бехзод (1455-1530).

Ўз мавқи жихатидан зодагонлар хонадонига яқин бўлган Камолиддин Бехзоднинг Хиротда дунёга келди. Ота онасидан жуда эрта жудо бўлган Бехзод Алишер Навоий хомийлигида камол топди. Шу ерда у дастлаб хаттот ва мусаввир Мирак Наққош қўлида тарбияланиб ундан тасвириёт ва хаттотлик сирларини ўрганди. Сўнгра бухоролик мусаввир Усто Жаҳонгирнинг шогирди Пир Сайид Табризий қўлида ўқишини давом эттирди ва тезда моҳир санъаткор наққош ва мусаввир сифатида танилди. У ўз давригача бўлган тасвирий санъат соҳасида эришилган ютуқларни мукаммал эгаллади ва мусаввирликда юксак инсоний фикрлар ва бошқа илғор ғоялар билан суғорилган ҳаётий тасвирлари билан шухрати орта борди. Бехзод дастлаб Алишер Навоий бироз кейинроқ Хусайн Байқаро китобхонасида ишлади. Шу даврдан Бехзод шеърий мунозара ва ижодий мажлисларда, анжуман ва йиғ илишларда қатнашди, ишлаган тасвирларини намойиш этиб фикр мулоҳазаларни эшитди. Бехзоднинг сақланиб келган илк асарлари, 1470-1490 йилларга тўғри келади. Шу йилларда у дoston ва солномаларга кўплаб расмлар ишлади. Шулар ичида Шайх Саъдийнинг «Бўстон»(1475,1488) , “Гулистон”(1495), Алишер Навоий “Хамса”(1485), Амир Хисрав Дехлавийнинг “Хамса”(1485), “Лайли ва Мажнун”(1495), Ал Яздийнинг “Зафарнома”(1490 йиллар) асарларига чизган суратлари бор.

Уларда турли воқеалар - майиший ҳаёт, жанг ва ов воқеалари, шахзода ва маликаларнинг расмлари ишланган.

Жумладан, Саъдий "Бустони"(1488)га Султон Хусайн Мирзо сурати базм пайтида ишланган. Бўстонга ишланган суратлардан бошқа бирида Эрон шоҳи Доронинг йилқичи сарбонлар қаршисидан чиқиб қолиши тасвирланади. Унда Эрон шоҳи Доро ов қилиб юриб, ўз шерикдаридан адашиб қолганлиги ва қаршисидан йилқичи чиқиб қолганлиги кўрсатилади. Композиция марказида қўлларини очиб олдинга чўзиб турган, қадди беҳад букчайган кекса чўпон тасвиروанган. Унинг атрофида тоғлар, арчазорлар, яшил ўтлов ва зилол суви оқиб турган ариқ,, наслдор отлар, йилқичилар кўрсатилган. **Рангли расм....**

Ал Яздийнинг "Зафарнома"(1490 йиллар) Беҳзод беаган кўпгина кўлёмаларда турли тарихий воқеалар, жанг ҳолатлари, саройдаги қабул маросими ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан унинг масжит қурилишида асари шундай ишлардан. Рассом турли воқеалар, - тантанали қабул маросимларини ишлаганида, келган турли мамлакат элчилари ва сарой мансабдорлари тасвирланганда. Улар турли кийим-либосда ҳолатлари улар эгаллаган лавозимига мос. Хива Қалъасининг Амир Темур қўшинлари томонидан қамал қилинишини расми ҳам жонли. Унда баланд, мустаҳкам қалъа, ёнида ток чирмашган улкан чинор акс эттирилган. Мусаввир жангнинг энг қизгин пайтини танлаб олган: қалъа химоячилари кунгурали баланд тик девор устида катта ҳарсанг тошлар ирритишмоқда. Аммо Амир Темур аскарлари қалъа дарвозасига кираверинишда кўтариб кўйилган осамалар кўприкни туширишга муваффақ бўлганлар. Илғор қисмдаги суворийлар қалъа ичкарасига кириб бормоқда. Баъзиларига ўқ тегиб, отдан ағдарилган. Қалъа химоячилари орасида хотин- қизлар ҳам кўринади. Амир Темур қўшинларининг Олтин Ўрда хони Тўхтамиш (1361-1395) билан бўлган жанги унинг қурилиш борасидаги фаолияти ҳам Зафарномадан ўрин олган. Шундай расмлардан бирида Бибихоним маддасасини қуриш пайти кўрсатилган. Усталар ўз ишлари билан банд, улар турли ҳолатларда, пастда

курувчиларнинг бир қисми девор юзасини қоплаш учун ишлатиладиган оғир мрамор тахталарни ташимоқдалар, бошқалари бўлса ғишт терувчилар учун лой тайёрламоқдалар. Энг юқорида кўлида бир шаклни ушлаб турган меъмор кўринадди. Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шедрин номидаги халқ кутубхонасида амир Хисрав Дехлавийнинг икки нусхада сақланаётган "Лайли ва Мажнун" достонига ишланган суратлар ҳам Бехзод қаламига мансуб. Унда Лайли ва Мажнуннинг мадрасада ўқиш пайтини тасвирлайди, у 1495 йили бажарилган. Бу ерда ҳам бинонинг меъморий беагаи, нақшлар жуда аниқ ва гўзал ишланган. Бехзод табиат манзарасини тасвирлашда ўз даври учун наёб маҳоратини намоён этган. [К.Бехзод портрет санъатида ҳам самарали ижод этган.](#) Унинг А. Навоий, А. Жомий, Хусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Султон Хусайн, Мирзо шунинг далилидир. [Париждаги шахсий коллекцияда сақланаётган Султон Хусайн Мирзо портретида у шоҳона кийимда тасвирланиб, унинг барча хислатларини ифодалашга ҳаракат қилинган. Расм... Қиёфасидан кучли ирода, жисмоний қувватга эга бўлганлиги сезилиб туради. Тўладан келган гавдаси, хорғин юзли, қисқроқ кўзи, узукли нозик қўллари тасвирдагига ҳукмдор умрининг кўп қисми фақат маишат билан ўтганлигида далилдир. Бехзод Султон Хусайин Мирзонинг ички дунёсини ва ташқи дунёсини кўринишини реал тарзда тасвирлай олган.](#) XVI асрнинг дастлабки йиллари яратилган Бехзод муйқаламига мансуб суратлардан мусаввирнинг юксак камолоти, шунинг билан бирга хиссий кечинмаларнинг мураккабланиши бошлагандиги, ички дунёсида пайдо бўла бошлаган руҳий маъюсликнинг акс кўриши бошлади. Бу бежиз эмас албатта. Унинг буюк мураббийси ва устози Алишер Навоий (1501 йил, январь), Султон Хусайин Мирзо (1506 йил 5 май) вафот этишди. Шундан кейин амирлар ўртасида бошланиб кетган низолар Муҳаммад Шайбонийхонга Хиротни осонликча қўлга киритишга (1507 йил, май) ёрдам берди. Ана шу нотинчликлар Бехзод ижодига ҳам салбий таъсир этмай қолмади. Бехзод Шайбонийхон хизматида ўтди. XV1 аср бошларида Бехзод ижодида мазкур ходисалар чуқур уйчанлик, нозик лирик кечинмаларни ифодаловчи

сахналарда ўз аксини топди. Бундай суратлар Хисрав Дехлавийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида мавжуд. Бехзоднинг Лайли ва Мажнуннинг сахродаги висол чоғини тасвирдовчи сурати ўрин олган. Сахро Лайли хижрон азоби туфайли холдан тойган севгилисини бошини авайлаб тиззаси устига қўйган. Инсон азобига табиатдаги тинч ҳаёт ҳамоҳангдек. Сахро қаъридан ўтган зилол сувли ариқ қирғоқлари турли-туман гуллар билан қопланган. Ҳарсанг тошлар орасидан кўм-кўк буталар икки ошиқ севгиси барҳаётлигига гувоҳдек. Сахро ҳайвонлари: шер, қоплон, тоғ буруси, поғол, туя икки инсон юрагини гарқ қилган улкан севги кучи билан сеҳирлангандек сукутда, улар дардига шерик. Рухий кечинмалар оханги улкан мўйқалам соҳиби томонидан моҳирона очилган. Бехзод замондошлари бу расмдан кўплаб нусха кўчиришган, ҳатто шу манзара тасвири туширилган гиламлар ҳам пайдо бўлган эди. Бехзод ўз давригача бўлган тасвирий санъат ютуқларини кунт билан эгаллади ва санъатнинг мазкур турида реалистик ва инсонпарвар сифатида гавдаланади. Шунинг учун ҳам Бехзод асарлари таъсирнинг ҳаққонийлиги ва жозибadorлиги билан кишига завқ бахш этади. Бехзод Шайбонийхон хизматида бўлган кезлари унинг портретини ҳам ишлади. Тасвирда Шайбонийхон оёқларини чалиштириб болишга (ёстикқа) суянган ҳолда икки қўлини тиззасига тираб алла нималар ҳақида ўйлаб ёзишга тайёрланган пайти тасвирланган. Унинг кийимлари оддий, гавдаси пишиқ, ҳийла қорин солган. Унинг олидида турган ёзув ашёллари: сиёҳдон, қалам, китоб Шайбонийхоннинг ўқимишли билимдон, ҳар бир ишни пухта ўйлаб амалга оширадиган шахс сифатида тасвирлайди. Асарда тасвирланган қамчи эса унинг қаттиқ қўллилиги, моҳир чавандозлиги рамзи сифатида идрок этилади. Шайбонийхоннинг мазкур сурати ҳозир АҚШда шахсий коллекцияда сақланади.

Шайбонийхон 1510 йили Марв ёнида Эрон сафавийлари қўшини билан бўлган жангда мағлуб бўлиб, ўлдирилгандан кейин, Хиротни 1512 йили Эрон шоҳи Исмоил Сафавий (1501-1524) босиб олди. Шу билан Хирот тасвирий санъат мактаби ўзининг илгариги. темурийлар давридаги мавқеини

йўқотди. Бехзод Табризга қўчиб ўтди. 1520 йили 1522 йили Шох Исмоил фармони билан ўз кутубхонасига бошлиқ қилиб тайинлади.

Бехзод ҳаётининг сўнгги йилларидаги шох асарларидан бири икки туянинг олишувини акс эттирадиган суратдир. Унинг ижоди Шарқ халқлари айниқса Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Азарбайжон санъати ривожига катта таъсир ўтказди. Бу таъсирда унинг кўпсонли мухлислари муҳим ўринни эгалладилар Улар Бехзод ижодини давом атириб Шарқ миниатюра санъатининг кенг қирраларини очилишида етакчилик қилдилар.

Темурийлардан кейинги даврларда Марказий Осиёда юзага келган хонликлар с а н ь а т и.

ШАЙБОНИЙХОН ДАВЛАТИ

Дашти қипчоқдаги кучманчи туркий қабилалар ХУ аср бошларига келиб, Олтин Ўрдадан ажралиб чиқди. Мустақил давлат тузиш ҳаракати бошланди. Буни Абулхайрхон (1412-1466) бошқарди. Лекин бу давлатнинг умри узоққа бормади. Абулхайрхон вафотидан кейин бу давлат парчаланиб кетди. Кейинчалик унинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон парчаланиб кетган бу давлатни қайта тиклашга муяссар бўлди. Шайбонийхон бу давлатни тиклабгина қолмай, балки унинг ҳудудини анча кенгайтириб, янги давлат тузишга муяссар бўлди. Шайбонийхон ўз давлатини кенгайтириш режаси устида бош қотираётган бир пайтда тумурийлар салтанатида тожу-тахт учун кураш авжига чиқди. Бунинг устига деҳқонлар билан катта ер эгалари орасидаги низолар ҳам кўчайиб бораётган эди. Бундан фойдаланиб Шайбонийхон тез орада темурийлар ерини бирин-кетин ўз ерларига қўшиб ола бошлади ва қисқа вақт ичида тумурийларнинг асосий таянчи бўлган Мовароуннаҳр билан Хуросонни ўзига бўйсундириб, Сирдарёдан Афғонистонгача бўлган ердари ўз ичига одган ўлкан давлат тузди. Темурзода Бобур Шайбонийхон билан бўлган урушда (1507) енгилиб, Афғонистонга

чекинади . (Абулхайрхон 1412 йили туғилган. Чингизхон набираси, Жўжунинг ўгли. Абулхайрхон Сибирда хон унвонига сазовор бўлган. У кўчманчи туркий қабилаларни бирлаштириб Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбеклар давлатини тузган. Абулхайрхоннинг Будоғ Султон номли ўғлидан Муҳаммад Шайбонихон дунёга келган)..

Шайбонийлар давлати деярли 100 йил мобайнида (1500-1598) Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бўлиб, тарихда салмоқли из қолдирди. Бу давлатнинг пойтахти турли йилларда Самарқанд ва Бухорода бўлган. Шайбонийхон Марв дарёси ёнида бўлган жангда мағлубиятга учраб халок бўлгач, қатор жанглардан кейин тахтни жиняни Убайдуллахон эгаллайди. Лекин хонзодалар орасида тожу тахт учун кураш ва ўзаро урушлар натижасида Шайбонийлар давлати иккига бўлиниб, бирининг пойтахти Самарқанд, иккинчисиники эса Бухоро бўлиб қолди. Самарқанд хони "Улуғхон" деб эълон қилинди. Лекин кейинчалик Улуғ хон қайси жойда истиқомат қилса, ўша жой мамлакат пойтахти ҳисобланди. Шунинг учун ҳам кейинроқ, яъни Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврда (XV1 асрнинг иккинчи ярми) Бухоро қайтадан пойтахтга айлантирилди. Бухоро хонлигининг муҳим маданий ва сиёсий марказига айланиши унинг мавқиени ошириб юборди. Хунармандчилик ниҳоятда ривож топди. Бухоро хунармандлари яратган буюмлар ташқарида ҳам машҳур бўлди. Пахтадан мато ишлаб чиқариш, терини қайта ишлаш, гиламчилик, кандакорлик, кулолчидик ва курулсозлик борасида бухоро усталари катта ютуқларга эришдилар. Дунёвий фанлар, мусиқа, шеърят, хаттотлик ва миниатюра рассомлиги ривожланди.

Меъморчилик.

Шайбонийлар даври меъморлиги икки босқичда ўрганиш мумкин. Булардан биринчиси XV1 асрнинг 60- йилларгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу йилларда темурийлар даври меъморлиги услуби давом этиб, унинг янги йўлларини топишга ҳаракат қилинди. Шайбонийлар давлатининг пойтахти Бухоро шаҳрида катта қурилишлар олиб борилди. Шаҳарни таъмирлаш

ишлари кенгайтирилди унинг музоффа деворлари янада муштакамланди. Шаҳарнинг шоҳ кўчаларида маҳобатли жамоат бинолари барпо этилди. Бу қурилишларда, уларни безаш ишларида Мавороуннахр, Хирот, Балх усталари иштирок этдилар.

1530-1536 йилларда Мир араб мадрасаси , 1531-32 йили Тошкентда Шайбонийлар авлодидан бўлган Абулхайрхон ва Улуғбекнинг Робия Султон исмли қизидан туғулган Суюнижхон мақбараси қад кўтарди. Суюнчўжа Тошкентда 1524 йили вафот этганидан кейин бу мақбара қурилган эди. Бу қурилган биноларнинг ташқи ва ички хоналари безакка бой, олтин хал суви шу безак кўриини алоҳида жозиба берган. Шу даврда Тошкентдаги Хазрати имом меъморий мажмуасига асос солинди, Ал Бакр Кафали Шоший (1541-42) мажмуалари барпо этилди.

Хонлик меъмورлигининг иккинчи босқичи XVI асрнинг 60-90 йилларга тўғри келади. Абдуллахон II бошқарга бу даврда Бухоро ва ундан ташқарида ҳам катта қурилишлар олиб борилди, мавжудлари таъмирланиб йирик мажмуаларга айлантирилди. Шу даврда Бухорода Пои Калон Жомеъ мачити, Мадарихон(1566-67) ва Абдуллахон(1588-90), Кўкалдош(1557-98) мадрасалари, Лаби ховуз меъморий мажмуаси вужудга келди. Шу йилларда Бухородан ташқарида ҳам шундай мажмуалари яратилди. Жумладан Тошкентда Кўкалдош мадрасаси қад кўтарди. Уни Тошкент хокими Кўкалдош қурдирган эди. Худди шу номдаги Бухородаги Кўкалдош мадрасасини эса Абдуллахон II нинг саркардаси Қулбобо Кўкалдош қурдирган). Чор Бакр меъморий мажмуаси(1559) ҳам даврнинг йирик қурилмаларидандир. Абдуллахон II маблағига бу ерда хонакоҳ, масжит ва мадрасалар барпо этилган. Қурилмалар ободонлаштирилиб атрофи чорбоғга айлантирилган. Шу даврда катта сув иншоатлари, усти берк расталар - тимлар барпо этилди. Абдуллахон банди шундай иншоатлардан бўлган. Тўғон ва сув омборини ташкил этган бу Абдуллахон банди шу йиллар қишлоқ хўжалиги ишларини яхшилашга қаратилган тадбирлардан бўлган. Бухорода бизгача сақланган Абдуллахон томонидан

барпо этилган тим ҳам давр меъморлигидаги жараёнларни - майиший ҳаёт билан боғлиқ қурилмаларни барпо этилганлигини кўрсатади. Кўп гумбазли қилиб қурилган тим расталари равоқли йўлаклар билан бир бири билан боғланган. Бу давр ёдгорликларидан яна бири сардобалар, яъни усти берк сув ховузлар бўлиб уларнинг устига катта гумбазлар ишланган..

16 асрнинг 80 – йилларида барпо этилган Абдуллахон мадрасаси даврнинг янги йўналиши қўш мадраса қуриш жараёнини ёрқин намоён этади. Бир бирига қаратилиб қурилган меъморий мажмуаларнинг намунаси ҳисобланади. Бу мадраса Модарихон мадрасасига қарама қарши пештоқлари бир бирига қаратиб қурилган. Улар биргаликда ягона йирик меъморий мажмуани ташкил этган. Шу даврда Тошкентдага Хазрати имом меъморий мажмуаси янада кенгайтирилиб қўш мадраса услубида мадраса ва мақбаралар барпо этилди, айвонлар қурилиб ховуз ва кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор берилди. *Абдуллахон II 1534 йили туғилган, 1583 йили у бутун ўзбеклар хони деб эълон қилинган. Кўк гумбаз (1590-91)...* Тоқи заргарон (16 аср), Тоқи саррофон (16 аср)

Тасвирий санъат

Шайбонийхон қўлига киритган Мавороуннахр бой маданий меросга эга эди. Шу йилларда Камолиддин Бехзод ва унинг атрофида тўпланган кўпгина рассом ва хаттотлар ижод қилишар эди. Шайбонийхон ва унинг давомчилари даврида Ўрта Осиё, хусусан Бухорода санъат ва маданият ўзининг гуллаган даврини бошидан кечирди. Шу ерда, айниқса, китобат санъати, хатотлик ва у билан боғлиқ ҳолда миниатюра санъати ривожланди. Кулёмалари безаш, уларни китоб холига келтириш борасада бухоролик усталар донг таратдилар. Бу ерда таниқли хаттот ва мусавирлар кўчиб келди. Бухоро, Самарқанд, Тошкентда бетакрор ўрта осиеча миниатюра мактаби шакллана бошлади. Шу санъат ривожланишининг дастлабки босқичини Шайбонийларнинг тарихий баённомаларига бағишланган «Шайбонийнома», «Фатхнома» ва

«Тарихи Абулхайрхон» қўлёзмаларида ўз ифодасини топди. Бу қўлёзмаларга ишланган миниатюраларни маҳаллий рассомлар божарган бўлиб, бу миниатюраларни хирот мактаби расмлари билан солиштирганда Хирот мактаби миниатюраларига хос нафислик, киборий руҳ сусайганини, сезиш мумкин. Бу миниатюраларнинг қалами жиддий, колорити сиқик ва яхлит, йирик ишланган образлар бирмунча қотиб қолган холда кўрсатилган, манзара тасвири ҳам содда. Яна бир муҳим томони шундаки бу миниатюраларнинг, уларда тасвирланган одамлар, уларнинг кийимлари ва уларни ўраб турган мухитда ўзбек типларига хос фазилатларни кўрамыз. Шу хусусда «Тарихи Абулхайрхон миниатюралари эътиборга лоик. Қўлёзма учун 28 миниатюра ХУ1 асрнинг 40 йилларида ишланган.

Шу даврдан хаттотлик санъати ҳам янада ривожланди. Бу ривожга хирот мактаби кучли таъсир этди. Бу ишларда 1528 йили Хиротдан Бухорога кўчиб келиб, умрининг охиргача шу ерда меҳнат қилган К.Беҳзод шогирдларидан «хаттотлар қироли» Мир Али сезиларли из қолдирди. Мир Али бу ерда замондоши М.Музаҳҳиб ва унинг шогирдлари билан ҳамкорликда ишлади ва қўлёзмаларни кўчирган. Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган Низомийнинг достони кўчирмаси шундай ҳамкорликда яратилган.

Ўрта Осиёда миниатюра мактабининг йирик вакили Маҳмуд Музаҳҳиб хисобланади. Асл исми Маҳмуд Шайхзода бўлган Музаҳҳиб Камолиддин Беҳзод, Мироқ Наққош кўлида тасвирий санъат сирларини ўрганган. Темурийлар салтанатига чек қўйилиб ҳокимият Шайбонийлар кўлига ўтганидан кейин у салтанатининг пойтахти Самарқандда кейинроқ Бухорода яшаб саройда хизмат қилган. Бухорода 80 ёшда оламдан 1572 йили Бухорода вафот этган. Маҳмуд Музаҳҳиб 1485-90 йиллар орасида туғилган деб тахмин қилинади. У китоб безаш ҳамда миниатюра ишлаш борасида юксак маҳоратга эга бўлганлиги учун ҳам унга "Музаҳҳиб" яъни "олтин суви юритувчи" тахалуси берилган. Маҳмуд Шайхзоданинг 30 га яқин асарлари аниқланган. Рассомнинг илк асарларидан бири Алишер Навоийнинг хассага

таяниб турган холда тасвирланган сурати ҳисобланади. Расм. Хассага таяниб турган Навоий сурати. Портретда кексаиб қолган Навоийнинг хассага таяниб турган холатида акс эттиради. Махмуд Музаҳҳиб портретлар ишлаш билан бир қаторда тарихий ва маиший жанрларда ҳам асарлар яратган. Рассом ижодининг гуллаган даври ХУ1 асрнинг 30-40-йилларига тўғри келади. Шу даврда ишланган миниатюралар ичида

«Султон Санжар ва тўқувчи кампир билан учрашуви» унинг етук асарлардан биридир. Унда салжукийлар ҳокими Султон Санжар овга кетаётган пайтда қари тўқувчи кампир уни халқ бошига кўп ташвиш ва уқубатлар туширгани учун койиганлиги ҳикоя қилинади. (Расм. Султон Санжар овда.) Бу асари билан рассом ўз давр иллатларини ҳам кўтариб чиққанлигини кўрсатади. Саадийнинг «Бўстон» асари миниатюралари ҳам М.Музаҳҳиб қаламига мансуб деб ҳисобланади. Бу қўлёзма Тошкент ҳокими Баракхон таҳаллуси билан танилган Наврўз-Ахмад учун 1555 йили ишланган. Бу қўлёзма ҳам Миллий кутубхонада Парижда сақланади.

Махмуд Музаҳҳиб шогирдлари Муҳаммад Чагри Мухассин, Абдулла, Муҳаммад Мурод Самарқандий ва бошқалар китоб, миниатюра санъатини ривожлантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Муҳаммад Мурод Самарқандий. Муҳаммад Мурод Самарқандий ХУ1 асрнинг бошларида Самарқандда туғилган. Шу ерда диний ва дунёвий билимларни эгаллади, хусусий мактабда рассомлик ва хаттотлик билимларини эгаллаган. Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида диний ва дунёвий билимларини ошириб шу ернинг ўзида китоб кўчириш, уларни турли нақш ва расмлар билан безаш билан шуғулланди. Темурийлар инқироzi кучайиб борган кезларда ақидапарастлар томонидан жонли нарсалар расмини чизиш ман этилиб рассомлар тақибга учрайбошлаганида у дўсти Нодир Самарқандий билан бирга Хиндистонга, бобурийлар давлатига ўтиб кетди ва шу ерда умрининг охригача яшаб ижод қилди ва хинд миниатюра мактабининг шаклланишида муҳим рол ўйнади.

Самарқандий ҳам ўз ижодида жамият иллатларини очиб кўрсатишга ҳаракат қилганлиги унинг қатор асарларида ўз ифодасини топган. Темирчи Кова кўзғолонига бағишланган миниатюраси шундай танқидий руҳда ишланган. Булардан ташқари шоҳларнинг қабул маросимлари, ов ва жанг манзаралари унинг асарларида ўз ифодасини топган. Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон” дostonларига ишланган миниатюралар ҳам машҳур. Муҳаммад Мурод Самарқандийнинг бизгача сақланган асарлари ичида 1556 йили ишланган «Шоҳнома» кўлёмасига ишланган миниатюралари алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда бу кўлём Тошкентдаги Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланади. Дostonга ишланган 115 та миниатюра сюжетлари тугал, дostonдаги воқеаларни моҳияти билан очиб беришга ҳаракат қилади. Унда рассом дostonдаги воқеаларнинг мазмунини атрофлича ёритишга, жамият иллатларини очиб кўрсатишга ҳаракат қилади. “Темирчи Кова кўзғолони”, “Заҳҳокнинг Фариддун томонидан аср олиниши”, “Фариддуннинг ўғиллари Яман шоҳи ҳузурида”, “Рустамнинг туғулиши” ва бошқа миниатюраларда шу хусусиятлар намоён бўлади.

XV аср иккинчи ярмидан бошлаб Бухоро Ўрта Осиё бадий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади. Портрет санъати ривожланди. Хонлар портретлари ишланди. Абдуллахон, Имонқулихон портретлари шулар жумласидан. Шайбонийлар даврининг машҳур мусаввирлари Абдулло Бухорий, Менучеҳр, Жамолiddин Юсуф каби миниатюра усталари ҳам тарих саҳифаларидан муносиб ўринни эгалладилар. Уларнинг бизгача етиб келган айрим асарлари уларнинг юксак дид ва ижодий баркамолликларидан далолат беради..

АШТАРХОНИЙЛАР (ЖОНИЙЛАР) ДАВЛАТИ(1601-1753)

Шайбонийхон вафотдан кейин парчалана бошланган катта салтанат янги Аштархонийлар сулоласига йўл очиб берди. Аштархонийлар сулоласи 1601 йилдан 1753 йилгача ҳукмронлик қилди. Аштархонийлар сулоласининг асосчиси Жони Муҳаммад асл астраханлик бўлиб, руслар бу хонлик

ерларини босиб ола бошлаган пайитларда у ўз ўғиллари билан Бухорога, кайнотаси Абдуллахон паноҳига қочиб келган эди. Кейинчалик шу сулола вакили Имонкулихони Бухоро зодагонлари улуғ хон килиб кўтардилар. Имонкулихон 30 йилдан ортиқ Бухорода ҳукмронлик қилди. 1642 йили укаси Нодирмухмад ўрнини бўшатиб беради, чунки унинг кўзи ожиз қолган эди. Аштархонийлар даври ноинчлик, кўзғолон ва кўтарилишлар билан тўла. Самарқанднинг Дахбид деган жойида, 1713-14 йиллари Бухорода, 1719 йили Балхда, 1746 йили Тошкентда шундай ғалаёнлар бўлиб утади. 1713 йил Самарқанда бўлган хунармандлар кўзғолони ҳам хонликка катта ташвиш келтиради. Ғалаёнлар ҳам, тахт учун олиб борилган низолар ҳам аста давлатнинг емирилиб парчаланишига олиб борди. Натижада кўпгина санъаткорлар, жумладан миниатюрachiлар Ўрта Осиёдан ўзга юртларга, бобурийлар ҳукмронлигида бўлган Хиндистонга кўчиб кета бошладилар. М.М. Самарқандий ва Нодир Мурод Самарқандийлар шулар жумласидан эди. Шунга қарамай 17 аср ҳам санъат янгиликларига бой Меъморлик, тасвирий, амалий безак санъати ва китобот ҳамда миниатюра соҳасида сезиларли асарлар яратилди.

Меъморчилик.

Бу давр меъморлигида аввалги йилларда мавжуд бўлган меъморлик анъаналари давом этди. Меъморлар бу анъаналарни бойитиб равоқ ва гумбаз имкониятларидан фойдаланиб бир бири билан кесишадиган йўлак ва катта заллар яратишга ҳамда муқарнасли ўймакорлик санъатини ривожлантиришларида намоён бўлди. Шаҳарсозликнинг яна бир ўзига хослиги аввалги асрда бошланган йирик меъморий мажмуаларни яратиш борасидаги жараёнлар янада ривожлантирдилар. Шу асрда Бухорода Пойи Калон, Лаби ховуз, Самарқандда Регистон меъморий мажмуаси ўзининг тугал кўринишини олди. Бухоро, Шахрисабзда гумбаз-равоқли ёпиқ бозорлар кенгайтирилди. Бу даврга келиб меъморлик санъатида безакка яна эътибор орта бошлади. 16 аср икинчи ярмидан сусая бошлаган бу санъат яна жонланди. Интерьер беъзагида кундал услуби (техникасида) ишланган

нақшлар, ёғоч ўймакорлигида ишланган эшик ва панжаралар, сергул намоёнлар давр меъморлигини ажратиб туради ва қайтарилмас жозибаси билан кишига қувонч бағишлайди. Бу даврда Бухорода катта қурилишлар давом этди. Шундай ёдгорликлардан бири 1652 йили барпо этилган Абдулазизхон мадрасаси ҳисобланади. Нисбатлари ниҳоятда гўзал, олтин халли кошинлари ёзув, нақш ва расмлар уйғунлигида ажойиб манзара ҳосил қилади. Мадрасанинг ташқи пештоқ беағи нақш ва афсонавий жониворлар тасвири билан безатилган. Мадрасанинг ички хоналари ҳам эътиборли. Бу ёдгорлик гумбази беағида ганч муқарнаслар, деворларида гулга тўла гулдонни акс эттирувчи панолар ўз аксини топган. Пештоқнинг иккинчи қаватидаги беағи ҳам ҳарактерли. Унда куёшга учиб бораётган кенг ёйилган қанотли икки қуш тасвири ишланган. 1630 йилларда Нодир Муҳаммад Девонбеги қурдирган мадраса ҳам безакка бой. Унинг пештоқига ишланган афсонавий қушлар тасвири ҳам уни бошқа мадрасалардан ажратиб туради. 17 асрнинг йирик меъморий ёдгорликлари бу Шердор мадрасаси бўлиб у бироз илгарироқ барпо этилган Тиллақори ва Улуғбек мадрасалари билан биргаликда яхлит меъморий мажмуани ташкил этади ва Регистон майдонга тугаллик берган. 1619-1636 йилларда меъмор

Тасвирий санъат меъморий безакларда, амалий санъат буюмлари кенг ўринни эгаллайди ва уларнинг ахралмас қисмига айланган. Шу даврда ишланган гилам ва сузаналар, сопол буюмлар, Бухородаги Нодир-Девон Беги Самарқанддаги ШерДор, Тилла қори мадрасаларининг безакларида тасвирий санъат ўз ифодасини топган.

Расм Шердор пештоқига ишланган расм. Нодир девонбеги пештоқига ишланган расм.

Умуман шуни таъкидлаш керакки, бу асрда ҳам борлиқни, табиат кўринишлари, гулдон ёки тувакда кўкариб турган гул, дарахт шохида хиргойи қилаётган чиройли қушлар ва ҳайвонлар тасвири шу даврда ишланган сопол буюмлари, гилам ва сўзаналарда биноларнинг ташқи ва ички безакларида, турли хил шакллар (медадьонлар) ичига ишланган тасвирларда

кенг учрайди. Шу хусусда Самарқанддаги Тилла қори мадрасаси (ХУП аср) нақш ва безаклари диқатга сазовор. Бу мадраса деворий расмларида Биби Хоним масчити, оқ сарой, деворий расмдарига ўхшаш композициялар учрайди. Унча катта бўлмаган манзаралар - дарахт шоҳлари, гуллар кўриниши мовий заминда (фонда) олтин халдан ишланган Бу ҳисобига хоналар кўриниши эртақнамолик кашф этган.

17 аср миниатюра ва китобот санъати ҳам бой тарихига эга. Бу асрда санъатнинг шу турларида нодир асарлар яратилди. Сарой қошидаги кутубхоналарда рассом ва хаттотларнинг катта гуруҳи меҳнат қилган. Жумладан мусаввирлар Хўжа Гадо, Аваз-Муҳаммад, Хўжа Муқим, Мулла Бехзод, хаттотлар Мирза Барки, Мирза Мир Муниш ва Араб-Шоҳ сарой китобхонасида яшаб ижод этган. Булардан ташқари хонлар таклифи ва буюртмалари асосида ташқаридан ҳам истедодли рассомлар китоблар кўчириш ва безаш ишларига жалб этилган. Жумладан Аштархонийлардан Абдулазизхон учун кўчирилган Саъдийнинг «Бўстон» асари учун кўчирилган қўлёзмада(1649) Фарход исмли мусаввир дасхати учраши шундан далолат беради. Низомийнинг «Ҳамса» асари қўлёзмасида эса Муҳаммад-Муқим (Хўжа Муҳаммад), Муҳаммад Амин, Бехзод дастхатлари бор.

БУХОРО АМИРЛИГИ

Аштархонийлар ҳокимлигининг ичидаги зиддиятлар уни аста-секин парчалаб борди. XVII аср бошларида Хоразм, сўнгра Фарғона мустақилликка эришиб, Хива ва Қўқон хонликлари барпо этилди. Мамлакат ичидаги бундай ўзгаришлар Дашти Кипчокдан келиб аштархонийларга суворий бўлиб ёлланган мангитлар сулоласига қўл келди. Бу сулола бошлиги, аштархонийларнинг сўнгги вакили Абдулфайзхон (1711-1747)нинг бош

вазири лавозимига иш юритган Муҳаммад Рахим сарой тунтаришига эришиб, хонни ва унинг ўғлини йўқ қилади. Окибатда аштархонийлар сулола ўрнини эгаллаб Бухоро амирлигини бошлаб берди. Бу амирлик 1753 йилдан 1920 йилгача Марказий Осиё ҳудудининг катта қисмини эгаллаб ўз ҳукмини ўтказган. Бухоро амирлигининг ерлари Зарафшон, Қашқадарё водийси, Сурхондарё вилояти, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ерларининг катта қисмини эгаллаб бу ерлардаги ҳар қандай норозилик ва ғалаёнларни шафқатсизларча бостирилиб борди, шу ердаги қатор кабилаларни ўз ерларидан кўчириб ҳукмронлигини мустаҳкамлашга интилди.

Бухоро хонлиги Марказий Осиё ҳудудидаги катта, аҳолиси ҳам бошқа хонликларга нисбатан кўп эди. Бу хонликда ўзбек, тожик, қозоқ, туркман, хирғиз, қорақалпоқлардан ташқари араб, эрон, якудий ва б. миллатлар истиқомат қилар эди. Амирликнинг пойтахти Бухоро эса Марказий Осиёдаги хонликларнинг диний маркази эди. Меъморликда анъанавий қурилишлар давом этди. 18-19 асрларда барпо этилган, Болоҳовуз масжиди(18-20 аср), Чор Минор(1807), Ситораи Моҳи хоса(1826-1920)... Рус истилосидан кейинги Бухоро амирлиги

Бухоро рус қушинлари босқинидан кейин рус подшоҳсининг итоаткори эканлигини тан олиб ўз мулкнинг анчагина қисмини Россияга бериш шартига кўл куйди. Шу шартга биноан Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон, Ўратепани Россия ерлари деб эътироф этила бошланди. Абдулахад (1885-1910), набираси (Абдулахаднинг угли) Олимхон (1910-1920)....

Амир Олимхон фаолияти диққатга сазовор. У рус подшоҳси Николай II маърузаларини тинглаган Петербургда зодагонлар учун ташкил этилган мактабда таълим олган. Европа ҳаёти ҳақида озми кўпми тасаввурга эга бўлган хонлардан эди. Шунинг учун ҳам у ўзини рус подшоҳсидан миннатдорлигини унга сидки дилдан хизмат қилишни шараф деб билди. Николай II моддий кийин ахволга тушганида унга Бир миллиондан ортиқ пул йигиб унга инъом қилди. Николай II ҳам унинг хизматларини унутмади.

Олимхонга генерал адъютант рус олий унвони билан тақдирлади. Олимхон бу унвон ва унинг нишонини фахр билан намоёниш этиб юрди.

ХИВА ХОНЛИГИ.

Хива хонлиги ҳам шайбонийлар давлатининг парчаланиш даврида шакилана бошлаган эди. 1512 йил шайбонийлар сулоласининг вакили Элбарсхон 1512-1538 хонликка асос солади. Бу хонликнинг ҳудуди Мангқишлоқ ва Хуросонинг шимолий тамонларини ўз ичига олди.

Хива хонлигининг меъморчилиги ривожининг янги даври ХУШ аср охири Х1Х аср бошларига тўғри келади. Бу даврда Темур ва темурийлар даври меъморчилик санъати анъаналарида бинолар қад кўтарди. Хива, Хазорасп, Тошовуз, Гурлан ва Кенжа каби шаҳарларда ҳаёт, савдо-сотик, хунармандчилик ривожланади. Кунгирот уригидан бўлган Муҳаммад Раҳим 1806-1825 ва унинг ўғли хонлик қилган йилларда(1825-1848) Хива хонлигининг ерлари бирлаштирилади. Шу йиллардан катта қурилишлар амалга оширилади, божхона ва зарбхонлар ташкил топади. Хиванинг машҳур ёдгорликлари ўзининг тугаланган кўринишга эга бўлади. Дарвозалар қаронсаройлар ва мадрасалар ҳисобига шаҳар қурки очилади.

Пахлавон Макмуд мақбараси 1810 ,

Тош Ҳовли 1838 каби ёдгорликлар бугунги кунда безакдорлиги билан ҳам ўзининг гўзаллиги билан кишиларни хайратга солади

Ичан қалъада хон қароргоҳи ва бошқа муҳим мамурий бинолар жойлашган. Қаланинг бош майдонини бўлиб, у ерда савдо ишлари олиб борилган, турли йигинлар утказилган. Бу ерда урнатилган дор эса хон газабига учраганлар учун охири манзил бўлган. Муҳаммад Раҳимхон ўгли Оллоқулихон 1825-1848 даврида Хива хонлигининг ҳудуди янада кенгайди. Хива хонлигида турли миллат вакиллари яшаган. Туркман шоири Матхумқули, қорақалпоқ шоири Белдақ ижоди алоҳида ажралиб туради. Улар ўз асарларида халқни бирликка биродарликка чақирадилар. Хива хонлигида фан жонланди Шу даврда

жаҳон халқлари тарихи ўзбек тилига таржима килинди. Хоразим тарихи ёзилди бу ишларин амалга ошишида таниқлий шоир ва тарихчи Мунис Хоразмий (асл исми Шермуҳаммад Авазбой ўғли) (1778-1829) ва унинг жияни Огахий (1809-1874)ларнинг ўрни катта.

У Феруз тахаллуси билан шеърлар ёзган, куйлар басталаган, фан ва маданиятга хомийлик қилган, қурилиш ишларига эътибор берган.

Хива хонлари ўз кутубхоналари қошида китобдорлар ва рассомлар гуруҳини сақлаганликлари ҳақида маълумотлар бўлмаса ҳам, лекин хонларнинг даврнинг машҳур рассомларини Хивага таклиф этганликлари ва рассомлар ва хаттотлар улар учун қўлёмалар кўчириб берганликлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган Жумладан Хива хони Элбарсхон таклифига биноан Муҳаммад Мурод Самарқандий китоб қўлёмасини ишлаган..

Қўқон хонлиги

ХУП аср ўрталаридан бошлаб Фарғона водийсида мустақиллик учун кураш кизиб Марказий Осиё ҳудудида шаклланган янги хонлик Қўқон хонлиги сулоласини бошлади. Деярли 170 йид мавжуд бўлган бу хонлик даврида унинг чегараси Фарғона водийсидан ташқарига чикиб, Козогистоннинг жанубий томонлари, бугунги Қирғизистон ерлари, Тожикистон, мулклари, Тошкент воҳаси ерларини ўз ичига олди. Қўқон хонлиги даври ривожланиши ХУ111 аср охиридан жонланиш сезиларли бўлиб борди. Хонлардан Олимхон (1800-1810), Умархон (1810-1822) Муҳаммад Али Маъдаги (1822-1842) ҳукмронлиги йилларида хонлик чегаралари мустаҳкамлана бошлади, Тошкент, Чимкент, Сайрам ерлари ҳисобига хонлик чегаралари кенгайди. Шу даврда қатор қалъа ва қўрғонлар қад кўтарди. Махрам қалъаси, Ок масчит (ҳозирги Қизил урда), Авлие ота (Жамбўл), Пешпек (Бишкек) каби қатор ҳарбий истехкомлар бунёд килинди, айниқса хонлик пойтахти Қўқон шаҳрида катта қурилиш ишлари амалга оширилди, масчит мадрасалар қад кутарди. Шаҳар марказида бозор ва гўзарлар, жума масжит, чорраҳаларда эса катта бўлмаган карвон саройлар қурилди. Бу давр меъморлиги кам безакли

бўлиб биноларни катта қисми лой ва пахсадан бунёд этилди. Фарғона водийси меъморлиги шу давр меъморчилик услубларда ишланган бўлишига карамай ўзига хос кўринишга эга эканлигини ҳам эътироф этиш керак. Жумладан Намангандаги Хўжамнинг қабри мақбараси шу хусусда эътиборлидир. Унинг гумбаз ости кўриниши муқарнасли қилиб ишланганлиги билан характерланади. Меъмор Муҳаммад Иброҳим томонидан бажарилган бу мақбарада ранг ҳам ишлатилган бўлиб у гумбаз ости кўринишига ўзига хом кўриниш ҳосил қилади. Фарғонанинг бош шаҳри бўлган Маргилондаги Зулқарнайн мақбараси минорали бўлиб улар (Иккита минораси сақланиб қолган)нинг теппа қисми муқарнасли. Булардан ташқари Фарғонада авлиёларга атаб қурилган қатор мазорлар сақланиб қолган. Булар унча катта бўлмаган пештоқ--қуббали бинолар бўлиб уларнинг эшиклари ўймакорлик санъати билан пардозланган. Бу даврда ишлатилган устунлар ҳам муқарнасли бўлиб уларнинг устунлари ҳам ўймакорлик санъати билан пардозланган. XV111 аср ўрталаридан Хўқанд қишлоғи Қўқон хонлиги пойтахтига айлантирилди. Бу хонлик қурилиш учун бухороли усталарни янги пойтахтга таклиф этдилар. Натижада бу ерга Бухородан кўплаб усталар кўчиб кела бошлади. Натижада шу даврда қурилган бинолар беағи ва тарҳида Бухоро таъсири сезиларли ўринни эгаллади. Буни Норбўта бий мадрасаси кўринишида кўриш мумкин. Бино учун ишланган ўйма эшик эса ўз ишланишининг юксаклиги билан ажралиб туради. Бу даврда Қўқон хонлигида хунармандчилик ривож топди, ажойиб кошнлар, сирли сопол буюмлар, ўймакорлик эшиклар шу даврда кутаринки руҳини ўзида акс эттиради.

Реалистик тасвирий санъат ҳақида гапириш қийин, лекин декоратив йўналишдаги тасвирлар бу давр деворий рассомлигида учрайди. Гулдон ва ундан чиқиб турган турли гуллар тасвири, анор шоҳчаси тасвирлари шу давр сарой ва турар жойларда учрайди. Шундай расмлар Хўжамнинг қабри (Наманган) мақбарасида кўриш мумкин. Адабиет санъатида Қўқон Марказий Осиё худудида ўзини намоён қилди. Бу ерда яшаб ижод қилган

Гулханий, Нодира, Увайсий, Махзуналар ўз даврларининг руҳини шеърларида акс эттирдилар.

МАКАЗИЙ ОСИЁ РУСИЯ ТАРКИБИДА.

1880-йилларга келиб Ўрта Осиё ва Қozoқистон ерлари бутунлай рус қўшинлари томонидан босиб олинди. Маълумки чор ҳукмати Ўрта Осиёга ҳужум қилганида бу ерда учта мустақил хонлик мавжуд бўлиб улар Марказий Осиё ҳудудининг катта қисми ташкил этар эди. Лекин бу хонликлар орасидаги доимий низолар мамлакатларни заифлаштириб қўйган эди. Бу ҳол рус қўшинларини тез ва осон хонлик ерларини босиб олиб ўз ҳукмини ўрнатишга имконият яратди. Юришдан сўнг Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россиянинг вассалига айлантирилди, Қўқон хонлиги йўқ қилиниб унинг ерлари Туркистон генерал губернаторлигига қўшиб юборди.

Туркистон генерал-губернаторлиги

1867 йили босиб олинган Марказий Осиё ерларининг катта қисмида Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб маркази Тошкент шаҳри белгиланди.

Меъморчилик. Чор ҳукмати босиб олган ерлардаги ҳарбий қалъа ва қароргоҳларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга эътибор берди. 1898 йили темир йўл қурилгандан сўнг русиядан кўчиб келувчилар сони янада ортди.

Русларнинг кириб келиши натижасида шаҳар ва қишлоқларининг турмуш тарзи ўзгарди. Қишлоқлар шаҳарларга айлана борди. Шаҳарлар эса катталашиб, эски ва янги шаҳар қисмига ажрала бошлади. Эски шаҳар асосан маҳаллий аҳоли истикомат қилдиган жой янги шаҳарлар эса боскинчилар томонидан барпо этилган маъмурий ва маданий бинолар ҳамда руслар яшайдиган кварталлардан ташкил топди. Янги шаҳарлар режа/план/ асосида қурила бошланади. Кенг кўчалар катта майдон ва хиёбонлар, кўп қаватли

турар-жойлар XIX аср охири XX аср бошларида Марказий Осиё шаҳарлари қиёфасини ўзгартириб юборди. Шу даврда Туркистон генерал-губернаторлигини маркази бўлган Тошкент шаҳарининг қурилиши ҳам ўзгарди. "Кичик Петербург" деб ном олган ва рус давлатининг пойтахти Петербург шаҳрига ўхшатиб қурилган бу шаҳар кўчалари ва хиёбонлари ўз вақтида келган сайёҳларни ҳам ҳайратга солди. Шаҳардаги амалдорларнинг уйлари, турлий маъмурий бинолар, фавворли истироҳат боғлари шаҳарга Европа тусини берди. Шаҳар кўчаларида, йўлларга тош, кўнка учун темир изларнинг ётқазилиши, файтунли от ва фонусларнинг пайдо бўлиши ҳам шаҳар қиёфасига янги давр руҳини киритди.

Бу даврда қишлоқларнинг шаҳарларга айланиш жараёни тезлашди. Олмато, Бишкек, Ашхабод, Самарқанд, Фарғона каби қатор шаҳарлар ўзининг янги даврини бошлади. Уларнинг янги шаҳар қисми шаклланди.

Марказий Осиё ерларида, айниқса унинг шаҳарларида русларнинг кўпайиши чор ҳукмати олдиға қатор масалаларни кўндаланг кўйди. Бу ҳам бўлса кўчиб келган ва келаётган европаликлар учун иш жойни ташкил этиш, болаларни ўқитиш учун мактаблар очиш, касалхоналар қуриш, почта-телеграф ишларни йўлга қуйиш ва бошқа қатор масалаларни тезлик билан халқ этиш эди. Булар ижтимоий ҳаётда катта жонланишға сабаб бўлди. Бу ишларни хал қилиш учун эса маҳаллий аҳоли ҳам жалб этила бошланди. Натижада маҳаллий ишчилар сафи кенгай борди. Айни вақтда маҳаллий бойлар шаклланди, миллий буржуа катламининг сафи ортди.

Бу даврдан бошлаб Русия саноат корхоналарида ишлаб чиқилган буюмлар, масалан, лампа, самовар, мато ва европача кийим кечаклар маҳаллий аҳоли хонадонига кириб кела бошлади, мусулмон хонадонига картошка, помидор, баклажон ва бошқа янги сабзавотлар ҳам пайдо бўлди.

Марказий Осиё маданий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Зиёлилар сафи кенгайди, бой ва эодагонларнинг болалари таълим-тарбиясида ўзгаришлар юз берди. Улар эндиликда Европа мемлакатлари ҳаёти билан яқиндан таниша бордилар. Петербург, Москов, Истамбул,

Берлин, Париж ва бошқа шаҳарлар ҳаётини ўз кўзлари билан кўрдилар. Капиталистик муносабатлари кенгайган сари зиёлилар ҳаракати ҳам кўчая борди. Эскича яшаш тарзини ўзгартириш, янги замонни ҳис этиш зарурлигини илғор эиёлилар дилдан сеза бордилар. Уларнинг бу ҳаракат ва инталишари зоя кетмади.

Шу даврдан газета ва журналлар тошбосма услубида нашр этиш кенгайиб борди, театрлар ташкил этилиб, дoston ва афсонларни сахналаштариш орқали халқни маърифатга чорлаш, уларда дунёга кизикишини ортиришга интилдилар. Натижада кенг халқ оммаси ижтимоий ҳаётга тортила бошланди. Мухими шундаки, бу ишларда хотин-кизлар ҳам иштирок кила бошладилар. Бадиий адабиётда ҳам жонланиш бошланди, Аваз Ўтар, Фурқат, Абдулла Авлоний, Ахмад Дониш каби қатор ёзувчи ҳамда шоирлар ижод этдилар. Меъморлик, тасвирий ва амалий санъатда ҳам янги жараёнлар рўй берди. Босма китобларни пайдо бўлиши хаттотларга бўлган талабни камайтириб юборди, саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган майиший буюмлар кенг кўламда бу ерларга килиб келиши эса махалиий кустар ишлаб чиқаришини синдириб борди. Кулолчилик, бўз тўқиш каби махсулотларга талаб пасайтира борди. Меъморликда эса анъанавий услублар янги европа меъморчилик услубларидан таъсирлана бошлади, Шарқ ва Ғарб санъати анъаналарисимбиози юзага келди. Шу холни тасвирий санъатда ҳам кўрамиз. Ишланган тасвирий санъат асарларида миллий расм чизиш услуби Европа расм чизиш услуби билан уйғунлаштиришга интилиш пайдо бўлди. Бу хусусият бухороли рассом Ахмад Дониш ишларида билинади. Унинг Алишер Навоийнинг Лайли ва Мажнун достонига ишлаган композицияларида шу холни кўриш мумкин.

Расм. Ахмад Дониш. Мажнун саҳрода. *Ахмад Дониш (1827-1887) ёзувчи, шоир, рассом, хаттот сифатида танилди. У Русия шаҳарларида бўлиб янги ҳаёт, вокеликка янгича қараш туйғуси билан яшади ва меҳнат килди, унинг бу қарашлари илмий рисоаларида, мўжаз расмларида ўз ифодасини топди. Донишнинг мўжаз расмларида вокеликни ўзига айнан ухшатишга интилиб*

ишланганлиги расмда тасвирланган яқин ва узоқдаги буюмларнинг катта ва кичик тасвирланишида билинади. Дониш Илгор Европа санъатини кизиқиб урганди. Унинг "Мажнун саҳрода" "Рассом ва шоир" каби қатор миниатюраларида Европа реалистик санъати анъаналари таъсири ишланиш услубида мавзунини ечишида кўринади.

XIX аср ўрталаридан бошлаб Ўрта Осиёда бирин кетин босмаҳоналар ташкил этила бошлаган. Рус ва маҳаллий тилларда турли газета, журнал ва китоблар нашр этилиши санъат ривожига таъсир эта бориб рассомлар сафини кенгайтди. Бу дастлабки китобот санъати билан боғлиқ расмлар ўзига хос, содда ва кўп ҳолларда ҳарф ва геометрик шакллар комбинацияси, миллий нақшларнинг янги даврга мослаб ишланган вариантлари тарзида кўринади. Аста китобларга иллюстрациялар киритиш ривожланаборди. Биринчи маҳаллий рассомлар шу санъатда ўз ижодларини бошладилар. 1908 йили Тошкентда нашр қилинган "Шоҳнома", "Фарход ва Ширин" каби қатор китоблар иллюстрацияларини Фақир ал-ҳақир Раҳматулла ва Раҳматилла бен Мулла Абдушукур, Саадийнинг Гулистон ҳамда "Гуругли достонига Сирожиддин Маҳсум Сиддикий иллюстрациялар ишлади. Бу иллюстрацияларда рассомлар маҳаллий миниатюра санъати анъаналаридан ҳам фойдаланишга интиланлиги сезлиб туради. Жумладан "Гўрўғли" достонига ишланган миниатюраларда Сиддикий ўз қаҳрамонлари кайфиятини реалистик талкин этишга ҳаракат қилганлиги кўринади. Рассомлар баъзи китоблар учун эса хорижий мамлакатларда чиккан китоб иллюстрацияларидан нусха олиб иллюстрация ишлашлари, шу даврда нашр қилинган "Минг бир кеча" "Ажойиб-ғаройиблар, "Фарход ва Ширин" учун ишланган иллюстрацияларда кўринади. Шу билан бирга бу даврда рус ва Европа китоб санъати анъаналари ҳам кенг ёйила бошлади. Нашр этилган китобларнинг айримлари иллюстрациялар билан безатилган. Расмларнинг катта қисми реалистик ҳарактерда гравюра услубида бажарилган. Бу суратларда Туркистон ўлкасидаги қушлар, ҳайвон, жониворлар тасвири, одамлар кўриниши акс эттирилган. Мачит, мадраса, Туркистон табиати

кўринишлари ҳам нашр этилган китобларда учрайди. XIX аср охири XX аср бошлари китоб графикаси ўзининг услуб рангбаранглиги билан ҳам характерли. Нашр этилган китоб беағи ва иллюстрацияларда миллий санъат ва анъаналарни кулланганлиги сезилса, бошқа бирларида миллий анъана ва Европа китоб безак ва иллюстрация ишлаш санъатининг анъаналари уйғунлиги кўринади, бошқа бирида Европа реалистик китоб беағи ва иллюстрациялари ўзининг соф кўринишини намоён этади. Бу бежиз эмас. Россияниг бадий ҳаёти орасидаги муносабатларни мавжудлиги, маҳаллий зиёлиларнинг илғор маданиятлардан орқада колмасликка интилишлари, энг янги санъат ўзгаришларидан ҳам хабардор бўлиб туриш ва замон руҳига мос асарлар яратишга ҳаракатлари натижаси эди.

Шуинг учун ҳам XX аср бошларида рус бадий маданиятидаги мавжуд бўлган ижодий изланишлар, китоб графикасида ҳам янги шакллар топишга бўлган ҳаракат "Модерн" услуби пайдо бўлганлигини куриш мумкин. "Ўрта Осиё" альманахи (1895) шундай нашрлардандир. Геометрик шакл ва чизиклар комбинацияси, мураккаб элементлари ҳамда реал буюм ва предметларни содалаштириб геометрик шаклларга яинлаштириб композиция яратишга ҳаракат қилиш шу китоблар умумий безатилиш структурасини ташкил этди.

Марказий Осиёда XIX аср охири XX аср бошларида графика санъати рангбаранг, китобот санъатининг ривожидидаги янги боскич нафақат китоб чиқариш балки унинг технологиясида ҳам содир бўлди. Хатто миниатюра ишлаш ва кучириш билан бирга кўп нусхада нашр этиш, шу мақсадда босма ҳарф ва расм шакллари (клеше)дан фойдаланиш техникасининг кенг куламда ҳаётга кириб келиши китобот санъатининг янги томонларини белгилади.

XIX аср охиридан графика санъати кенг кўламда ҳаётга кириб келган ва маълум миадорда ўз ўрнини эгаллаган бўлса, аксинча рангтасвир, ҳайкалтарошлик санъати давр миллий бадий зиёлиларининг шахсий ташаббуси сифатида мавжуд бўлди ва деярли ривож топади. Масалан, 1886

йили Тошкентда бўлиб утган кўргазмада уста Тўхта Содик Хужаев алебастердан ясаган от ва кийик ҳайкалчасини намоиш этганлиги маълум.

Ҳайкалтарош Микешин Марказий Осиега рассомлардан ташқари ҳайкалтарошлар ҳам ташириф буюришган. Улар рус жангчиларининг жасоратини ўз кўзлари билан куриш ва уларга атаб ҳайкаллар ишлашга интиланганлар. Шундай ҳайкалтарошлардани бири Микешин Михаил Осипович (1835-1898) бўлиб, Рус бадиий академиясида таълим олган Новгороддаги "Россиянинг минг йиллиги (1862), Петербургдаги Екатирина II (1873), Киевдаги "Богдан Хмельницкий (1870-88) ёдгорлиги муаллифи. Унинг ижоди 19 аср иккикчи ярмидаги академизмига яқин. 19 аср охирида Ўзбекистонда бўлиб шу ерда рус жангчилари хотирасига атаб ёдгорлик ишланган Бу ёдгорлик ҳозирги Амир Темури ҳибони яқинидаги болалар боғида ўртанилган. Бу ёдгорлик чоризм ағдарилгандан кейин олиб ташланган.

Маҳобатли ҳайкалтарошлик илк намуналари княз Романов саройида ...

Рус истилосидан кейинги даврида ХИВА ХОНЛИГИ.

Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II 1863-1910, ва унинг угли Асфандиёрхон 1910-1918 й) даврида қурилиш ишлари олиб борилди, шаҳар кўчаларида фойтунли аравалар пайдо бўлиб, бой ва зодагонлар жонига оро кира бошлади. Хива бозорларида Русияда ишланган буюмларнинг кўпайиши ҳам, мол айирбошлаш ишларининг кенг кулоч ёйиши ҳам Хива хонлигида янги ҳаёт бошланаётганлиги шу даврда қурилган Исломхужа минораси шаҳарнинг ажойиб меъморчилик ёдгорлиги бўлиб қолди.) Бу даврда янги услубдаги бинолар қурилиши, мактабларда дунёвий фанларни уқитиш кўчайди Бу йилларда адабиёт соҳасида шоирлар ўз асарларида озодлик ва биродарлик ғояларини куйладилар, халқни маърифатли бўлишга чақирдилар. Шундай маърифатпарвар шоирлардан бири Аваз Утар ' 1884--1919) ўз ижоди билан халққа танилди.) Маданият борасида Марказий Осиё минтақасидаги катта янгиликлардан бири кино санъатининг кириб келиши бўлди Бу санъат соҳасида илк бор йжод қилган кинооператор Худойберган Девонов (1877-

1940)нинг кичик ҳажмдаги фильмлари бугун ҳам кизиқиш уйғотмай колмайди. Унинг "Ўрта Осиё меъморлик бойликлари" (1913), "Туркисток кўринишлари" (1916) ,"Хива ва хиваликлар" (1916) фильмлари ва 1000 дан ортиқ фотосуратлари даврнинг бебаҳо хужжати сифатида сақланади.

Тасвирий санъат

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб бу ерда тошбосма услубида китоблар нашр этилиши аста графика санъатида асарлар пайдо бўлишига олиб келди Шу давр китоблари учун ишланган расм ва график композициялар шу жонланиш натижаси эди. Шунингдек хива хонларидан Феруз ҳам тасвирий санъат билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Хива хонлиги маҳобатли рассомлик кўпрок кошин санъати билан бажарилган. Бу даврда ҳам халқ санъати, амалий безак санъати юқори бўлган. Шулардан Хива ёғоч ўймакорлик мактаби билан машҳур бўлган. Бу санъат ўзининг ниҳоятда жимжимадорлиги ва ўйноқилиги , нақш чизиқларининг мўллиги ва замин камлиги билан ажралиб туради.Айни шу хусусиятлар Хива маҳобатли безак санъатининг ўзига хослигини белгилайди. Бу хусусиятлар хивалик машҳур уста Ота Полвонов ижодида ўз ифодасини топган. Бу ернинг ёғоч ўймакорларининг донги узоқларда ҳам машҳур бўлган. Хоразм кулолчилиги ҳам ўз хусусиятига эга бўлган.Кулолчилик ва айниқа сопол кошинлар хоразм маданиятининг муҳим ютуғи бўлиб унинг усталари кейинги ўзбек маҳобатли кошинкорлик санъати ривожига муҳим аҳамият кашф этган. Ўз вақтида Амир Темур хоразмлик усталарнинг ишларидан маҳлиё бўлиб уларнинг жаҳоннинг марказига айлантиришга орзу қилган шаҳри самарқандга келтирган эди. Айни хоразимлик усталар нозик самарқанд кошинкорлиги ривожига таъсир этиб чин манодаги аристократик санъат шаклланишида рол ўйнаган эдилар. Шу сабаб Хива хонлиги даврида яна ривожланди. Бу даврдан бошлаб қурила бошлаган меъморий обидалар беаганини белгиловчи омилга айланди.

Шу хонлик кулолчилиги халқнинг истемоли учун зарур идиш товоқларни ишлаш билан бирга бевосита безак вазифасини ўтайдиган кўзни

кувонтирадиган асарлар яратишга муяссар бўлдилар. Усталари Уста Болта Матризаев, Болта Воисов ва бошқа кулолларнинг сақланиб қолган асар ва номлари шундан далол

Худоерхон даври (1845-1875) нотинчлик даври сифатида мавжуд бўлса ҳам, лекин ўзининг мавкени эгаллаб бошқариш ишларини бирмунча йўлга куйган йилларида (1862-1875) мамлакатда осойишталик бўлишига, ўзбек, тожик, кипчоқлар орасида тотувлик бўлишига эришди. Шу йилларда кўпгина қурилишлар амалга оширилди. Фарғона водийсининг шаҳарларида ҳам қурилиш ишлари олиб борилди. Қўқон хонлиги тугатилиб 1876 йиллар ўртасида Фарғона вилояти ташкил этилгандан кейин Қўқон шаҳри янги вилоят марказига айлантирилди. Фарғона шаҳрига асос солинди. Бу ерда шу шаҳарсозлик асосида тўғри ва текис кўчали маъмурий жамоат бино лойихалаштирилди. Бу бинолар учун шу даврда мавжуд услублар ва уларнинг элементлари ишлатилди. Наманган, Андижон, Қўқон шаҳри таъмирланиб янги тарх асосида бинолар барпо этилди. Қурилиш санъатида асосан рус меъморчилиги орқили кириб келган европача услублар кенг ишлатилди. Шу даврда қурилган уй ва саройлар, собор ва черковлар, почта, телераф, касалхона, темир йўл бекатларида европача меъморчилик анъаналари маҳаллий шароитда ўзига зос кўриниш кашф этди.

Тасвирий ва амалий санъат. XIX аср ўрталаридан тасвирий ва амалий санъатда янги мавзу ва технологиялар ҳаётга кириб кела бошлади, дастгоҳ санъатнинг дастлабки намуналари яратилди. Бу санъатнинг муаллифлари четдан келган рассом ва ҳайкалтарошлар эди. Булар ичида рус рассомлари В.В.Верешчагин, ёзувчи ва рассом Н.Н.Каразин, олим ва рассомлар Дмитриий Кавказский, О.Федченко, украиналик рассом рассом С.Светославский, грузиялик рассом Г.Габашвили, ҳайкалтарош Микешин ва бошқалар бор. Улар қаламда, тушда, акварель ва гуашда, мойбўёқ ва темперада мавзули суратлар, манзара, портретлар яратдилар. Айниқса Марказий Осиёнинг Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Тошкент каби қадимий шаҳарларга, уларнинг обидаларига атаб кўплаб асарлар ишладилар. Бу

расмлар Европа кўргазма залларида намоиш этилди, газета ва журналларда, илмий китоб ва рисолаларда чоп этилди. Ишланган расмларнинг катта қисми этнографик характерда бўлиб рассомлар янги ўлка, одамлариникиг этник кўринишлари, кийиниши, яшаш шароити ва тарзи, уларни ўраб турган муҳит тасвирини аниқ ўзига ўхшатиб ишлашга ҳаракат қилганликлари сезилади. Уларни меъморчилик обидалари, халқ санъати ва хунармандчилик намуналари қизиқтиради. Натурадан(борлиқдан) ўзига қараб расм ишлаш услуби бу рассомларнинг кўпчилигининг асосий услуби бўлди. Шу жаҳатидан уларнинг чизган расмлари даврнинг аниқ хужжати сифатида бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган.

Ўзбекистон табиати, меъморчилик обидалари, кундалик турмушни тасвирлашга киришган рассом Д.В.Вележев(1841-1897) бўлиб унинг графика асарларида Тошкентдаги масчит ва мадрасалар, кўрғон, шаҳар чеккаси ўз аксини топган. Рассомнинг асарлари ўзининг композицион ечими, нур соянинг нозик тусланиши ҳамда ҳаётий лавҳаларни ўринли композицияга киритилиши билан эсда қолади. “Эски Тошкент кўчаси”, “Эски Тошкентдаги ҳовли” кўринишлари ўтмиш ҳаётини шоирона акс эттиради. Экспедиция билан келган бу рассом асарлари китоб иллюстрациялар учун хизмат қилган.

Расм “Эски Тошкент кўчаси”,

Ўрта Осиёга, хусусан Ўзбекистонда бўлган ёзувчи, рассом, сайёх Н.Н.Каразин ижоди ҳам сермахсул. У Марказий Осиё ҳаёти ҳақида китоблар ёзди, бўлиб ўтган жангларга бағишлаб композициялар, катта полотноларни мойбўёқда ишлади, табиати, меъморлиги ҳақида гравюра асарлар колдирди. Унинг “Бибихоним кўриниши», "Сахрони ўзлаштириш", "Поезд билан мусобақа" каби асарлари академик йуналишида ишланган.

Рангли расм. Каразин .Поезд билан мусобақа.ДСМ

В.В.Верешчагин(1842-1904) Марказий Осиёга рус ҳарбий кўшинлари билан бирга келиб, ҳарбий жангларда катнашади. Бўш вақтларида мойбўёқ ва қаламда расмлар ишлаган. Унинг "Туркистон" деб номланган асарлар

туркуми Париж ва Петербургда кўрғазмада намоиш этилган. Рассомнинг "Кўкнорихўрлар", "Зиндонда", "Қул савдоси" каби асарларида Марказий Осиёдаги ҳаётнинг айрим салбий томонлари кўрсатилса, "Амир Темур дарвозаси олдида" композициясида халқнинг бой амалий санъати намоён бўлади.

Расм. Амир Темур дарвозаси олдида.

19-аср охирида Туркистонда бўлган рассомлардан Тбилиси Бадиий Академиясининг ташкилотчиси ва профессорларидан Габашвили Георгий (Гуго) Иванович (1862-1936) эслаш мумкин. Реалист санъаткор портрет, манзара, натюрмортлар устаси. Самарқанд ва Бухорода бўлиб қатор қаламсуратлар ишлаган, Ўрта Осиёнинг маҳобатли меъморчилик ёдгорликлари, одамлар типининг ўзига хос кўринишларини яратган. Унинг 1897 йили яратган "Самарқанддаги бозор" ва бошқа асарлари журналларда чоп этилган. Украинанинг машҳур рассомларидан ҳисобланган С.И. Светославскийнинг 1910 йилларда яратган «Бибихоним олдидаги бозор» эътиборли. Унда ўтмиши улуғ, лекин кейинчалик таназзулга учраган, қашшоқ ўлканинг кўринишини рассом улкан Биби хоним масжитининг вайронаси ва унинг олдидаги бозор кўриниши орқали ишонарли тасвирлайди. Ночор кулба, лой сўқмоқ йўллар булутли кунда янада аянчли кўринади. Биринчи қаторда тасвирланган нозик дарахт, унда сақланиб қолган сўнги япроғи бу туйғуни янада кучайтиради. Асарнинг бўғиқ кулранг оқиш колорити эса шу ғамгинлик, ачиниш туйғуларига ҳам оханг жўр бўлган.

Расм. С.И. Светославский «Бибихоним олдидаги бозор».1910 йиллар.

Ўрта Осиёга келувчи рассом ва ҳайкалтарошлар 20 аср бошларида янада кўпайди. Булар ичида машҳур рус рассомлари Павел Кузнецов, К.С.Петров-Водкин, Франс Рубо, ҳайкалтарош О.Микешинларни кўрамыз. Шу билан бирга бу даврдан бошлаб ўз ижодини бутунлай Ўзбекистон ҳаётига бағишлаган ва ўзлари учун Ватан топган рассомлар, шунингдек шу ерда туғилиб ижод йўлига кирган санъаткорлар сафининг кенгайиши санъат рангбаранглигининг ортишида муҳим ўринни эгаллади. Шу даврдан бошлаб

Ўрта Осиё анъанавий мумтоз мероси билан бирга, янги жаҳон маданияти турлари шакллана борди. Айниқса Европа санъати таъсири бу ривож ва шаклланишда кучли бўлди.

XIX аср охри - XX аср биринчи чорагида Ўзбекистон санъати

XIX аср ўрталаридан бутун шарқ мамлакатларида бўлгани сингари Ўрта Осиё ерларида ҳам миллий уйғониш ҳаракати бошланди. Маҳаллий зиёлилар сафини ортиши бадий ва маданий ҳаётни жонланишида муҳим ўринни эгаллади. Истиқлол гоёси улар фаолиятини жонлантирувчи асосий кучга айланди. Миллатни уйғотиш, уни ёруғ кунларга чиқишлари учун даъват этиш зиёлиларнинг муҳим ва етакчи интилишига айланди. Миллий тараққиёт, истиқлолга эришиш йўли маърифат эканлигини чуқур англаган зиёлилар янги мактаблар ташкил этиш ишларига эътибор бердилар. XX аср бошларига келиб маърифий-маданий ишлар - янги жаҳид мактабларининг ташкил этиш ишлари қизиқ кетди, бирин кетин тошбосма типографиялар кўпайди, янги янги газета ва журналлар, китоб ва турли тўпламлар нашр этила бошланди. Миллий театр труппаси ташкил топди, музейлар очилди, кўرғазмалар ташкил этилди, бадий таълим масалаларида ҳам жанланиш бошланди. Бу маданий ҳаётда маҳаллий усталар, миллий зиёлилар ҳам иштирок этиб ўзларини намоён қилдилар. Зиёлилар ўзга мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан танишиб ундан маҳаллий аҳолини баҳраманд бўлишига, ўрганишига чорладилар. Бехбудий, Фурқат, Фитрат, Авлоний, Завқий ва б. омма орасида илгор дунёвий билимларни тарқатиш ва санъат ва маданият ютуқларидан уларни баҳраманд этиш зарурлигини эътироф этдилар. Феодал қолоқлигига қарши курашиш масалалари тараққийпарварлар фаолиятида муҳим ўринни эгаллади. Улар мақола, шъер ва пьессалар, театр томошаларини яратиб улардан тарғибот ишларида фойдаландилар.

Шуниси эътиборлики, жаҳид деб ном олган тараққийпарварлар тасвирий санъат имкониятларига алоҳида эътибор билан қарадилар. Унинг таъсир кучи юқори эканлигини билиб ундан ўз ёзган мақола ва шърларини ўзлари чизган расмлар билан безатишига ҳаракат қилдилар. Уларнинг тушь, қалам ва перода ишлаган расмлари шу йилларда чоп этилган газета ва журналларда ўз аксини топди. Маҳаллий ёшлар газета - журналларда чоп этилган расмларни кўриш, улардан кўчирмалар ишлаш орқали рассомлик курсини ўтай бошладилар.

1.1. Аср бошларида сиёсий аҳвол ва миллий ривож

Аср бошларида Марказий Осиё ерлари Россия империяси тасарруфида бўлиб бу ерда Бухоро амирлиги(пойтахти Бухоро), Хива хонлиги(пойтахти Хива) ва Туркистон генерал губернаторлиги (пойтахти Тошкент) мавжуд эди. Ҳар бир ҳудуддаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол санъат ва маданият хусусиятларини белгилади. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги таркибига кирган минтақаларга нисбатан Туркистон генерал губернаторлиги минтақасидаги ижтимоий-сиёсий ривожланиш бирмунча юқори бўлиб санъат ва маданиятдаги жонланиш ва жараёнлар шу ерда сезиларли даражада борди.

1.2.. Бадиий ҳаёт. Аср бошларида Марказий Осиё ҳудудида Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бадиий ҳаёт жонли бўлиб бу ерларда ўз даврининг илғор таниқли рус рассом, меъмор, этнограф ва археологларининг катта қисми яшаб ижод этар эди. Улар археологик ишлар олиб бордилар, маҳаллий аҳолининг ҳаёти, меъморлик обидалари ва табиатини ўргандилар, шаҳарсозлик ва меъморлик лойиҳаларини ишладилар. Жумладан шу йилларда археолог олимлар Афрасиёбда қазилма ишларни бошлаганликлари, Бибихоним ёдгорлиги деворий расмларини ўрганиш, улардан кўчирмалар олишга эътибор берилганлигини, Улуғбек мадрасасининг оға бошлаган минораларини тиклаш масалалари кун

тартибида қўйилганлигини эътироф этиш мумкин. Аср бошларида Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва бошқа шаҳарларда турли билим юртли ташкил этилган эди. Тошкентда Хунармандлар тайёрлайдиган билим юртининг очилиш ҳам шу давр учун янгилик эди. Аср бошларида Туркистон ўлкасининг муҳим маданий марказларидан бўлган Тошкентда амалий лицей ва мактабларда расм чизиш асосларини ўргатишдан ташқари ҳайкалтарошлиқдан ҳам сабоғ берилган, ҳайкалтарошлиқ студия(тўғарақлар)и ишлаган. Таниқли рус ҳайкалтарошлари Слоним, Шварц каби санъаткорлар дастлабки билимларини шу муҳитда олганликлари ҳақида маълумотлар сақланиб қолган.

1.3. Меъморлик

19 аср охри 20 аср биринчи чорагида Ўзбекистон меъморлиги услуб ва йўналишлар рангбаранглиги ва шу билан бирга шаклланиб келаётган янги жараёнлар мавжудлиги билан ҳарактерланади. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги меъморлигида анъанавий миллий меъморий услуб етакчи ўринни эгалласа ҳам, янги давр унга ўз ўзгаришларини кирита бошлади, давр тақозоси билан янги типдаги бинолар - почта, телеграф, вокзал ва б. бинолар пайдо бўла бошлади, янги қурилиш материаллари кенг қўламда ҳаётга кириб кела бориши ҳам (масалан, тошойна, турли кафеллар, туника ва б.)шу давр меъморлиги кўринишида ўз ифодасини топа борди. 19 аср охри 20 аср бошларида Бухоро меъморлиги мактаби анъанавий услуби шу даврда қурилган жамоат ва ижтимоий бинолар, гўзар, мачитлар, хонокох ва мақбараларда (Болоховуз, Аркдаги Жума мачит ва б.), ўзига тўқ хонадонларнинг уйларида, фуқоро меъморлигида ўз аксини топган. Бу давр Бухоро меъморлигининг ўзига хос ёдгорликларидан бири, сўзсиз амирнинг саройи бўлиб Миллий безак санъати билан бирга Европа безак ва қуриш езги қароргоҳи Ситораи Мохи-Хоса қурилиши Абдуллаход хон даврида бошланган эски сарой ва кейинги даврда қурилган янги саройдан иборат Маҳаллий ва Европа анъанларида асасланган. Бу саройни қуришга раҳбарлик қилган усто Хужа Хофиз иш бошлашдан аввал рус қурилиш санъати билан

чукур танишган. Рус шаҳарларида, жумладан, пойтахт Петербург ва Ялта шаҳарларида, бўлган. Бино қурилшида турли услублар жумладан классик санъат устунлари уйғониш даври усталари ишлатилган. Саид олим хон даврида қурилган янги саройда миллий қурилиши услубида ва беағи билан бирга Европа меъморлиги услубида уйғунлаштирилишига интилиш сезиларли. Саройга кириш дарвозахонаси миллий безакнинг кошин услубидан кенг фойдаланилган. Шу билан бирга турли арк ва метериаллар ишлатилиши бинода бирмунча электик томонини ортирган. Саройнинг меҳмонхонаси ҳам ўзига хос. Хрустал люмтралар, кафелли учок (печка) ёғочдан ётқизилган поллар, бегатлар, эшик ва ромлар хонага файз киритиб колмай, балки содир бу-лаётган, Марказий Осиё меъморчилик безак санъатида янги жараёнларнинг шакллана бошлаганлигидан далолат беради. Саройнинг "ок зали" безаклари халқ, устаси Усто Ширин Муродов раҳбарлигида бажарилган. Бу зал ўзининг еркин ва нафислиги билан ажралиб туради. Безатишда ишлатилган хрустал ва олтиндан фойдаланиб ишланган ва люстрали безак алоҳида гўзаллик кашф этган. Саройнинг ошхона қисми деярли Европа хуснини олган. Тунука, черепица билан епилган бу хона ўз кўриниши билан Европа интерьерларидан колишмайди. Етокхона ҳам ўз кўриниши жиҳатидан Россиянинг бой хонадонларига хоналарга яқинлиги билинади. Саройнинг боғи, ре-жалаштирилиши, у ердаги ховузнинг ташкил этилиши сўзсиз Марказий Осиё ижтимоий ҳаёти натижаси эди. Ўз даври учун катта ва Марказий Осиёдаги ягона бу ховуз ҳам давр мухити, эстетик карашларини намойиш этади. Ховуз, унинг яқиндаги шийпон, нарвон зина ва б. безаклар меъморчилик ҳажмлар ҳам шу янги карашларни натижаси эди.

XX аср бошидаги бухоро меъморчилик мактаби жараёнлакрини ўзида акс эттиради. 1912-1914 йиллар давомида қурилган бу сарой ўзида миллий шарқ меъморлиги анъаналарининг европача меъморлиги услублари билан уйғунлашувини намойиш этади. Кенг ва кўркам ҳовлили, ховуз ва гулларга ўралган боғ қўйнида бу сарой янада бетакрор ва гўзаллик кашф этади. Сарой

хоналарининг кетма кетликда анфилада тизимида жойлашуви, голланд кафели билан пардозланган иситгич печлар, турли бошқа меъморий унсурлар (карниз, осма люстра, тошойна ва б) сарой кўринишига янги давр руҳини киритади. Мажмуанинг «Оқ сарой» интерьерни ганч ўймакорлиги билан безатилган Бу ишларни бухоролик ганч ўймакори Усто Ширин Муродов бажарган. Бу нақшлар тошойна таъсирида нур ўйинини кўчайтириб унга байрамона кайфият бағишлайди. Саройнинг дахлизига ишланган наққош Усто Хасанжоннинг ислимий нақш ва гуллар ҳам сарой кўркини оширади Саройга кириш эшиклари олдида Абдурахим тоштарош ишлаган шерлар хайкали ҳам Бухоро меъморлиги мажмуаларида санъат синтезига эътибор ва кизиқиш пайдо бўлаётганидан дарак беради. Хива хонлигида ҳам анъанавий меъморлик услубида бинолар, масалан 1908 йили Илом Хўжа барпо этган минораси юзага келди.

Агар XX аср бошларидаги Бухоро ва Хива меъморлигида анъанавий меъморий услуб етакчи ўринни эгалласа Марказий Осиёнинг катта қисмини эгаллаган Туркистон губернаторлиги ҳудудида турли европача меъморий услублар етакчи ўринга чиқди. Айти шу ҳудудда аср бошларида европа ва миллий меъморчилик услублар мутаносиблиги масаласида изланишлар куртак ота бошлаган эди. Губернаторлик пойтахти бўлган Тошкент, муҳим шаҳарларидан Самарқанд, Алмати, Фарғона, Қўқон, Андижон, Бишкек каби шаҳарларида барпо этилган ижтимоий-маданий маърифий ва диний биноларда ҳамда бойларнинг шахсий уй ва кўрғонларида шу давр меъморликда содир бўлган жараёнлар ўз ифодасини топди. Бу ишларда Туркистонда яшаб ижод этган рус меъморлари Г.Сваричевский, К.Тильтин, И.Маркевич, Л.Воронин, Л.Бенуа, В.Гейнцельман, Лидваль каби ижодкорлар сезиларли из қолдирдилар. Қурилиш ишлари Туркистон генерал губернаторлиги пойтахти Тошкент шаҳрида сезиларли бўлди. Шу ерда ўзбек меъморлигининг аср бошларида содир бўлган жараёнлари қурилган биноларда ўз ифодасини топди. Князь Романов қароргоҳи, дипломант Половцев уйи, Зобитлар уйи, шопито цирк

биноси, Универсал шахсий дўконлар, аптека ва б. шу жараёнларни кўриш мумкин.

Г.М.Сваричевскийнинг «Хива кино театри(1912-16) биносида(юқорида кўриб ўтган қатор бинолар жумладан мазкур кино театр биноси 1966 йили Тошкент zilзиласидан кейин бузиб ташланган.) шарқ ва ғарб меъморлик услублари уйғунлашган хива бухоро меъморлигини эслатади Расм. Аксинча, Благовешченский черкови биноси кўринишида псевдорус Расм, Юпатов цирки(1913)биноси кўринишида, И.А.Маркевичнинг Тошкентдаги Банк биносида (1915) ренесанс услуби ва қисман модерн услуби унсурлари чатишиб кетганлигини кўриш мумкин. Губернаторлик таркибида бўлган Самарқандда , Фарғона ва Кўкон шаҳарларида ҳам ҳам XIX аср охири XX аср бошларида қурилиш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Янги типдаги бинолар қурилди, бойлар уйлари ҳам янги давр руҳида бажарилди (Каландаров уйи маҳаллий ва рус бойлари, савдогарлар учун ҳашаматли шахсий уй ва қасрлари, банк ва савдо расталари барпо этилди, уларнинг ички ва ташқи безаклари учун маҳаллий санъаткорлар ва халқ усталари таклиф этилди.

Романов қароргоҳи.....

Зобитлар уйи.....таҳлили

1.4. Амалий безак ва халқ санъати.

Аср бошларида амалий безак ва халқ санъати бир томондан янги турлар билан бойиб борса, иккинчи томондан унинг айрим турлари муомаладан чиқиб кета бошлади. Шу йилларда халқ амалий санъат усталари яратган буюмлар на фақат ички бозорда, балки ташқи бозорди ҳам талаб пайдо бўлди. Гилямдўзлик, зардўзлик, кандакорлик буюмлар ташқарида ҳам ўз ҳаридорини топди. Чармдўзлик ва бухоро зардўзлигига ҳам талаб юқори эди. Ганч ва ёғоч ўймакорлиги, гилямдўзлик жонланди бу санъатнинг йирик вакиллари етишиб чиқди. Бухороли уста Ширин Муродов Расм., қўқонли ёғоч ўймақори уста Нажмиддин Хайдаров Расм., хивали уста Ота Полвонов

Расм. каби санъаткорлар ўз ишлари билан эл эътиборини қозондилар. Кулолчиликда турли идиш товоқлардан ташқари ҳархил ўйинчоқлар, майда хайкалчалар ишланди. Заргарликда яратилган турли хилдаги тақинчоқ ва тиллақошлар ҳам бозори чакқон бўлди.Расм.

1.5. Тасвирий санъат.

XIX аср охири XX аср бошларида тасвирий санъатда ҳам жонланиш рўй берди. Тараққийпарварлар тасвирий санъатга эътибор билан қараб, унинг имкониятларидан тарғиб ва маърифат ишларида фойдаланишга интилдилар. Расм чизишни мустақил ўрганиб ундан ўз ёзган мақола, шъерларини безашга, ўз тасаввурларида пайдо бўладиган турли манзараларни қоғозга туширишга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Исҳоқхон Тўра Жунайдуллаҳўжа Суннатуллаҳўжа ўғли(1862-1937) турли афсонавий тимсоллар устида иш олиб борди, уларнинг тасвирини ишлади, Сирожиддин Сиддик Хондақлиқий(1884-1934) эса «Минг бир кеча», Саъадийнинг «Гулистон» асарига расмлар чизди, шунингдек портретлар яратди. Тавалло портрети шундай асарлардан бири. Мирзо Хайрулло, Мулло Хусниддин, Мулло Ортуқ, Раҳматий, Мулла Абдулҳамид Жалолободий каби рассом ва хаттотлар ҳам тасвирий санъатдан тарғибий ишларда фойдаланганлиги шундан далолат беради Маҳаллий тадбиркорлар А.Навоий, Фирдавсий асарларини тош босмада чоп эттириб уларни расмлар билан безатдилар. 1915 йили “Тўр угли “достони чоп этилиб расмлар билан безатилди. Тадбиркор зиёлилар орасида Иброҳим Даврон ҳам бирмунча фаол бўлиб маданият борасида қатор тадбирларни амалга оширди. Иброҳим Даврон ўзбек зиёлилари ичидан етишиб чиққан рассом ва шоир эди. У 1874 йили Қўқонда зиёли оиласида дунёга келган Шу ерда рус тузем мактабида ўқиб дунёвий билимларни эгаллади. Ёшлигидан санъатга қизиқиб шеърлар ёзди, расм чизишни машқ қилиб тарли мавзуларда расмлар ишлади, шеърларини расмлар билан безади. Унинг рассомлик соҳасидаги ижоди ранг баранг. Хажвий расмлар, портрет ва жанрли композициялар ишлаган. Уларда кундалик турмуш, хотин қизларнинг оғир қисмати, ҳаётда учрайдиган турли воқеалар ўз ифодасини

топган. Булардан ташқари у Кўконда кутубхона ҳамда Суратхона(Фотограф хонаси) ташкил этган, 1914 йили Туркияда бўлиб янги ҳаёт ва маданият ўзгаришларини ўрганган ва уни ўз она юртида тарғиб этишга ҳаракат қилган. расм(«Шоира сиймоси», «Дийдиё» ва б.).

Графика 19 аср иккинчи 20 аср бошлари ва биринчи чорагида рассомлик санъати бир томондан газета ва журналларга, китобларга ишланган график расмлар тарзидаги намоён бўлса, рангтасвир санъати кўпроқ халқ хавоскорлик санъати даражасидаги деворий рассомлик ва содда миниатюра санъати кўринишида мавжуд бўлди. Бу йилларда қурилган уйларнинг деворларига ранг наққошлиги билан бирга мавзули композициялар, расмлардан кўчирилган турли кўринишлар, айниқса анъанавий тувакдаги гул ёки дарахт шоҳи, гуллаётган дарахт тупи, анор тупи каби композициялар хонадонларни беағида учрайди(Расм).

Бу даврда графика ва монументал рассомликда маҳаллий ижодкорлар озми кўпми ижод қилган бўлсалар, дастгоҳ рангтасвир санъатида асосан чеккадан келган рассомлар ижодий фаолияти етакчи ўринни эгаллади. Ўзбекистонга турли сабаблар -илмий сафар, этнографик ишлар, янги газета ва журналлар, типографиялар учун рассом сифатида кириб келган ижодкорлар бўлди. Булардан ташқари шахсий ташаббус билан келган рассомлар ҳам шу давр Ўзбекистон ҳудудий чегарасидаги бадий ҳаёт мавқини белгилади. Бу рассомлар турли мавзу ва йўналишларда ижод қилдилар Улар Марказий Осиё минтақасида дастлабки мойбўёқ техникасида ишланган асарлар муаллифи сифатида танилдилар. Ўзбек санъатида биринчи бор дастгоҳ санъатининг турли жанрлари кўпайиб кундалик турмуш, халқнинг яшаш тарзи, табиати, этнографияси ўз аксини ола бошлади. Маълумотларга кўра XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида 40 дан ортиқ турли мактаб ва йўналишга мансуб рассомлар ижод билан шуғулланган. Улар кўпроқ рангтасвир санъатида ижод қилганлар. Рассомларнинг мавзу танлаш ва ишлаш услублари ҳам турлича. Жумладан, ҳикоянавис-шархловчи этнографик йўналиш кўпгина рассомлар ижодига хос. Борлиқни натурализм

йўналишига якин, лекин бироз идеаллаштиришга мойиллик уларнинг асарларига ўзига хослик киритади. (Н.Каразин, Р.Зоммер, С.Дудин) Расм.

Борлиқни шоирона идрок этиш ва миллий шаклларда(ҳеч бўлмаганида миллий ўзига хослигини белгиларини кўрсатучи унсурлар билан композиция ишлаш, символизм, миллий романтизм унсурлари таъсирида юзага келган санъат асарлари Павел Кузнецов, К.С.Петров-Водкин, А.Волков, О.Татевосян, А.Николаев(Усто Мўмин), А.Исупов ижодида ўз ифодасини топган. Бу ижодкорлар борлиқни рамзий-метофорик йўналишда тасвирлашга ҳаракат қилишлари ҳам уларнинг яратган асарларига қайтарилмас ўзига хослик бахш этган. Шунингдек, бу давр санъатида импрессионизм, ғоявий реализм, демократик санъат анъаналари Ўзбекистонда ижод қилган қатор рассомлари ижодида ҳам ўз ифодасини топди. Бу давр санъати на фақат услуб балки мавзу ва жанр жиҳатидан ҳам бойиб борди. Янги мавзу ва жанрлари пайдо бўлди. Ўзбек санъатига шундай янги мавзу олиб кирган рассомлардан бири С.Юдин эди. У биринчи бор ўзбек санъатига тоғ манзарасини олиб кирди. Унинг нур ва сояга бой манзаралари кўтаринки руҳда ишланган (Тоғ манзараси, , Тоғдаги чойхона,(1907), Оқ байтал, ва б.) Юдин театр декорациясининг биринчилардан ишлаган рассом сифатида ҳам танилган. Расм

Юдин Сергей Петрович(1858-1933) С.Петербургда тугилган 1883-89 й.Петербург Император санъат академиясида Клодт устахонасида эркин тингловчи. 1900-1924 йиллари Тошкентда яшаб ижод этган.1924 йили Москвага кўчиб кетган

XX аср биринчи чораги ҳақида гап кетганида Павел Кузнецов альбоми, К.Коровиннинг импрессионистик манзаралари, К.С. Петров - Водкиннинг Самарқандия альбоми, И.Исупов, Р. Зоммер, С. Светославский, С.Дудин этнографик этюдлари эътиборга лоиқ Расм. Юқорида кўриб ўтган рассомлар Ўзбекистон ҳудудида вақтинчалик ишлаб ижод қилган бўлсалар бошқа бир қатор рассомла шу ерда ўз ватанларини топдилар, Шу ерда бутун умрга қолиб шу ер маданиятига хисса қўшишга ҳаракат қилдилар.

Шундай рассомлардан бири

Казаков Иван Семенович (1873 – Касилово (Россия), - 1935. Тошкент) эди.

И.Казаков.Қовун бозори. 1911

Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик билим юртида В.Е.Маковский қўлида ўқиган (1888-94), С.Петербургда Бадий Академиясида ўқиган?. 1894-98 йиллар, 1899-1900 йиллар Италия, Германия ва Францияда ижодий сафарда бўлган. Илк ижодини график ишлар билан бошлаган («Ишчи» плакат,1901). 1906 йилдан Тошкентда яшаб махсус билим юрти (реал билим юрти)да дарс берган (1910 йилгача). Мойбўёқ, акварел, настелда турли мавзуларда расмлар ишлади... Катта бўлмаган имперессионистик услубда этюднамо расмлар чизган. Тошкент ҳаёти ва табиатида атаб расмлар ишлаган санъаткорлардан («Худо иродаси», «Номоз»,(1908), «Қовун бозори» ва б..).

Агар Казаков аср бошларида Ўзбекистонга келиб шу ерда ижод қилиб ёшларга бадий таълим берган бўлса, аксинча бошқа бир рус рассоми КОРОВИН КОНСТАНТИН АЛЕКСЕЕВИЧ (1861-939) бу ерда вақтинча яшаб ижод қилишига қарамай сезиларли из қолдирди. Унинг маслаҳати билан самарқандлик рассом Л.Бурэ Москва, Петербургда бадий таълим олди, шогирди О.Татевосян эса ижодий умрининг катта қисмини шу ўлкада ўтказиб Ўзбекистон тарихи, табиати, меъморий обидаларининг тасвирини ишлади. Коровин рус рангтаълим устаси, пленэр (қ) санъатининг йирик вакиллари билан бири эди. У аср бошларида Ўрта Осиёда, хусусан Самарқандда бўлиб илмий экспедицияларда иштирок этди Самарқанд шаҳар ҳаётига бағишланган асарлар ишлади.

XX аср бошларидан Ўзбекистон бадий ҳаёти шу ерда таваллуд топган мухожирларнинг фарзандлари ҳисобига ҳам кенгайиб борди.. Улар воқеликка шу ернинг фарзандидек ёндошиб ўз ижодлари билан ўлка маърифий- маданий ҳаётига ҳисса қўшишга ҳаракат қилганликлари уларни бошқалардан ажратиб туради.

Расм Л.Л.Бурэ портрети

Лев Леонардович Бурэ (1887-1943). Бурэ Самарқандда адвокат оиласида дунёга келди. Шу ерда умумтаълим билимларини эгаллаш билан бирга тасвирий санъат билан ҳам шуғулланиб санъат оламига кириб борди. Бу даврда Самарқанд Ўрта Осиёнинг муҳим маданий марказларидан бўлиб бу ерда қадимий ёдгорликлар ва халқ санъатини ўрганиш учун олимлар, археолог ва рассомлар тез тез ташриф буюришиб туришар эди. XX аср бошларида келган шундай рассомлардан К.Коровин, Ф.Рубо Я.Ф.Ционглинский, украиналик рассом С.И.Светославскийлар Бурэнинг

кейинги ижодий ривожда мухим рол ўйнадилар. Уларнинг маслаҳати билан Бурэ Москва, Петербург бадий билим юртларида ўқишга муяссар бўлди. Дастлаб Бурэ Москвада В.Н.Мешковнинг рассомлик ва хайкалтарошлик бадий (студиясида) мактабида (1904-05 йиллар), сўнгра Петербургда И.Билибин графика устахонаси ва Ф.Рубонинг Петербург Бадий Академия қошидаги баталь санъат устахонага (1907) катнаб таълим олди. Ёзги таътил пайтларида Самарқандга келиб этюдлар чизди, композициялар ишлади. Шу ишлари билан Тошкент, Москва ва Петербургда кўрғазмаларда иштирок этиб кўпчиликка танила бошлади. Унинг ишлари санъат ихлосмандлари томонидан сотиб олина бошланди.

Расм. Л.Бурэ. Лаби-ховуз.1909

Ўқишни тугатиб она юрти Самарқандга қайтгач бадий ҳаётга фаол киришиб Самарқанд, Бухоро меъморлик обидалари, эски шаҳар кўча ва бозорлари, табиат манзараларини акс эттирувчи асарлар ишлади.

Бу асарлар кўпчилиги бевосита натуранинг ўзидан ишланган бўлишига қарамай, рассом ҳар бир этюдни тугал картина даражасига кўтаришга ҳаракат қилади. Жумладан, унинг «Лаби ховуз».(1909), «Туш пайти Биби хоним мачити ёнида»(1913) ва бошқа асарларида табиат ва меъморий ёдгорлиги фонида ўз юмушлари билан банд одамлар тасвири шу манзарани мазмунан бойитиб, ҳаётнинг давомийлиги, инсон меҳнати ва ижодининг абадийлигини кўрсатган. Асарда Ўзбекистонга хос нурга бой жазирама тушки офтоб ҳароратини жонли акс эттирилиши эса уни ҳаётий ва таъсирили бўлишига хизмат қилган. Рассомнинг «Регистон майдони»(1917) ҳам эътиборга лоиқ. Унда меъморий обида фонида шарқ бозори манзарасининг умумлашма кўриниши ифодаланади. Бозор ҳаёти, унда ўз юмушлари билан банд одамларнинг ҳатти ҳаракати(хордиқ чиқариши,чой ичиши,сухбат куриши ва .х.к.) асарга ҳикоянавислик киритиб асар мазмунини янада бойитади. Асар учун танланган ранг гаммаси - илиқ сарғишт ранглар ҳукмронлиги асарга ҳарорат киритади. Бурэ ижодий фаолияти давомида ижтимоий ҳаётга ҳам қизиқиб қаради, халқнинг оғир турмуши ва

хуқуқсизлиги, чоризм мустамлакачилик сиёсатининг оғир асоратлари, чоризм амалдорларининг ахлоқсизлиги ва порахўрликларини фош этувчи хажвий расмлар ишлади. Юздан ортиқ шундай расмларни 1911 йили Самарқанд фуқоролар кенгаши залида намоиш қилишга ҳам муяссар бўлди. Бу расмларида Бурэ ўз даври иллатларини рўйу рост кўрсатишга ҳаракати, рус зобитларининг маънавий қашшоқ ва ахлоқсизликларини қаламга олди. Лекин бу кўргазма рассом учун қимматга тушди. Бурэ бу расмлари учун полиция томонидан зимдан таъқиб остига олинди, уйи эса бирнеча бор тинтув қилиниб ўзи эса вақтинча қамоққа олинди.

20-30 йиллар

Расм. Риҳард Зоммер. Бибихоним олдидаги бозор.1913

Риҳард Зоммер (1866-1932) 1895 йили биринчи марта Ўрта Осиёга(Ўзбекистонга) келди ва шундан кейин ҳам бирнеча бор шу ерда бўлиб меъморий обидаларга бағишланган расмлар, сюжетли картиналар ишлади. Светославский, Н.Розанов, Разводовский каби рассомлар ҳам рангтасвирда асарлар яратиб танилдилар.

Ҳайкалтарошлик.

XX аср бошларига келиб ҳайкалтарошлик санъатида ҳам асарлар пайдо бўла бошлади. Араб истилосидан кейин(У111 аср) бутунлай тўхтатилиб қўйилган бу санъат XIX аср охирларидан яна жонланди. С.Тўхтажўжаев, Усто Ширин Муродов, Абдурахим тоштарош , Тошпўлат Арслонқулов ва б ижодида унинг илк намуналари яратилди, дастлабки фавворалар ишга тушди. Дам олиш ва хордик чиқариш масканлари ва хиёбонларга турли ҳайкаллар ўрнатиш одати кенгайиб борди. Шу даврда ишланган қурбақа, кийик, ит, шер ҳайкаллари бугун ҳам Тошкент, Бухородаги сарой боғ ва йўлакларини безаб турибди Князь Романов ҳовлисига ўрнатилган Кийик ва ит ҳайкаллари, Бухородаги Моҳи Хоса дарвозаси олдидаги шерлар ҳайкали.шулар жумласидан.

Расм.Князь Романов ҳовлисига ўрнатилган Атлант ҳайкали.

2. Феврал буржуа инқилоби ва октябр тўнтаришидан кейинги йилларда Ўзбекистон санъати

(1917 - 1924 йиллар)

1917 йил Россия феврал буржуазия инқилоби ва ниҳоят, 1917 йили содир бўлган октябр тўнтариши мамлакатнинг маънавий сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётиини тубдан ўзгартириб юборди. Айниқа, 1917 йил Россияда бўлиб ўтган февраль-буржуа инқилоби шу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу инқилоб рус империясининг дастлабки парчаланиши, мазлум халқларининг озодлик ва эркинликка бўлган интилишининг дастлабки босқичи эди. Инқилоб натижасида вужудга келган янги муваққат ҳукумат халқлар томонидан қўллаб қувватланди. Чунки бу ҳукумат мазлум халқларга катор имтиёзлар, жумладан, сўз эркинлиги, матбуот, виждон эркинлиги берди. Мардикорликка олинганлар ўз юртларига қайтишига руҳсат олдилар. Россиянинг чекка ўлкаларида ҳам демократик ҳаракатлар кўчайиб кетди. Кўплаб журнал ва газеталар нашр этилабишланди, турли сиёсий уюшма ва жамоалар ташкил топа бошлади. Сайлаш ва сайланиш масалаларида демократик қарашлар ривожланди. Натижада халқнинг сиёсий-ижтимоий фаолияти янада ортди. Авом халқ давлат ишларига тортила бошлади. Тенглик, биродарлик, озодлик шиори кенг халқ омма томонидан қўллаб қувватланди.

Бу ғоя ва ўзгаришлар собиқ рус империяси таркибидаги халқларнинг ўзаро алоқаларини кўчайтирди. Турли элат ва миллатларнинг бирлашувига, уларнинг интилиш ва ҳаракатларига катта тўртки берди. Февраль буржуазия инқилоби Туркистон халқлари учун ҳам муҳим бўлиб, уларнинг бирлиги, интилишини оширди, демократик ҳаракат ва интилишларнинг

авж олишини кўчайтирди, демократик ҳаракатда халқ вакилларининг сафи ортиб борди. Миллий маданият, халқ таълими ва санъат соҳасида жиддий силжишлар содир бўла бошлади. Инқилоб арафасида миллий зиёлилар сайи ҳаракати билан турли усулда ўқитиш ишлари олиб бориладиган мактаблар ташкил этилган эди. Шу ҳаракат феврал буржуа инқилобидан кейин янада жонланди. Диний мактаблар билан бир қаторда дунёвий таълимга мўлжалланган масканлар ташкил топди. Афсуски, шу ижобий жараёнлар узоққа бормади. 1917 йил октябрь ойида содир бўлган давлат тўнтариши натижасида В.И. Ленин бошлиқ бир тўда коммунистлар ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, ўз тартибларини ўрнатдилар. Улар тенглик, биродарлик, тинчлик, тараққиёт йўлига ишонган, озодликнинг дастлабки шабодасидан баҳраманд бўла бошлаган халқнинг ишончидан устумонлик билан фойдаланиб "Ер деҳқонларга", "Давлат шўроларга", "Завод - фабрикалар ишчиларга" шиори остида февраль инқилоби шабадаси билан шакллана бошлаган халқ эътиқодини ўзига қаратишга, йўқсилларнинг катта қисмини ўзига эргаштиришга эришди ва шуларга таяниб собиқ рус империяси ўрнига коммунистик мафкурага асосланган мустабид тоталитар давлат тузишга муяссар бўлдилар. 1917 йил 25-26 октябрда (янги ҳисоб билан 7-8 ноябрда) Петроградда бўлиб ўтган давлат тўнтариши натижасида мавжуд бўлган муваққат ҳукумат ағдарилиб унинг раҳбарлари ҳибсга олинди, ҳукумат Владимир Ульянов (Ленин) бошчилигидаги йўқсиллар қўлига ўтди. Бу ҳукмат ўзини совет ҳукумати, давлатни эса совет давлати деб эълон қилди. 1922 йили 30 декабрдан ана шу совет давлати - СССР тарихи бошланди. СССР -(СССР русча Союз Советских социалистических республик - Совет социалистик республикалар иттифоқи) ҳар қандай демократик ташкилот ва гуруҳларни тарқатиб юборди, унинг аъзолари ва раҳбарлари жисмонан йўқ қилинди. Октябр тўнтаришидан кейин Россия империяси ўрнига келган янги ҳукмат собиқ империя ҳудудидаги халқлар ва элатларга мисли кўрилмаган офат ва қирғинликлар келтирди. Халқларнинг фожиали дамлари бошланди. Бу фожа, айниқса Ўрта Осиё минтақасидаги

халқлар бошига мисли кўрилмаган кулфатлар келтирди. Совет давлати дастлаб ҳамма халқлар тенг ҳуқуқли ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга деган қуруқ ваъдаларни эълон қилди, сўнгра шу ваъдага ишонган халқнинг фаолларини саралаб олди ва кириб ташлади. Совет ҳукмати бу «мустақил республикалар»нинг «ривожланишига» катта эътибор бериб қайси республика нималар билан шуғулланиши, ким қайси китобларни ўқиши ва қайсиларини ўқимаслигини белгилаб берди, бу кўрсатмалар давлат маркази Москвадан белгиланиб турли қарор ва кўрсатмаларда республикаларга етиб келар эди. Бу кўрсатма ва қарорлар дастур амал бўлиб у сўзсиз бажарилиши лозим эди. Бу кўрсатма ва қарорлар республикалар иқлим шароити, турмуш тарзига мос келиши ва келмаслиги ҳисобга олинмас эди. Бу ҳол шу давр нафақат сиёсий ҳаётида, балки маданий ҳаётида ҳам ўз ифодасини топди. Чунки ҳамма республикалар марказдан берилган кўрсатмага амал қилишлари лозим эди. Шунда тарзда Ўзбекистонда ҳам совет турмуш тарзи шаклланиб борди. Шундай шароитда ҳам буюк ўтмишга эга бўлган, кўплаб босқин ва қирғинликларни кўрган халқ ўз миллий маросим, удум ва урф одатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Мулоҳазали илғор зиёлилар зимдан миллий озодлик ҳаракати, истиқлол ғоялари орзусида халқнинг фаровонлигини ошириш, уларнинг маърифатли бўлиши, ижтимоий ҳаётда фаол бўлишлари учун тинмай меҳнат қилдилар. Таъқиб ва тўсиқларга қарамай Ўзбекистон ижтимоий ва маданий ҳаётида сезиларли силжишлар содир бўлди. Янги янги иш корхоналари ташкил этилди, янги ерларни ўзлаштириш ва сув чиқариш ишлари амалга оширилди, саноат, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиш аввалга даврга нисбатан бирнеча баробар ошиб кетди. Бу йилларда фан ва санъат борасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз берди. Зиёлилар сафи кенгайди, уларнинг қаторига биринчи бор бадиий зиёлиларнинг катта гуруҳи келиб қўшилди. Улар санъат орқали ижтимоий масалаларни кўтариб чиқишга, содир бўлаётган воқеа ва ходисаларни реалистик санъат тилида тасвирлашга киришдилар. Санъатнинг тур ва жанрлари кенгайди, янгилари пайдо бўлди.

Бу даврнинг катта ютуғи таълим соҳасида бўлди. Олий ўқув юртлари-институт ва университетлар, таълим ва хунар билим юртлари, кўплаб замонавий мактабларочилди ва улар халқ хизматиға йўналтирилди. Дунёвий таълим етакчи ўринға чиқди, омманинг онги ортиб борди. Бу ўз навбатида халқни ўз ўзини англаш туйғусини кўчайтириб миллий ғурур туйғуларини ривожлантириб истиқлол ғояларининг яқинлашиши ва рўёбға чиқариш орзусини кўчайтириб борди. Албатта, бу ривож катта қурбонлар эвазига амалға ошди. Совет давлатининг ягона мафкура – коммунистик мафкуранинг халқ онгига сингдириш, совет давлатининг мустақамлаш борасидаги етакчи йўналиш тизимидаги ҳаракатида миллий истиқлол ғоялари секинлик билан ўзига йўл очиб борди. Бу ривожланишни санъат ва маданият борасидаги, айниқса, санъатнинг ғоявий пластик ўзгаришларида ўзини намоён этади.

Октябр тўнтаришидан кейин Ўрта Осиёда дастлаб Туркистон мухторияти(пойтахти Тошкент), Бухоро Халқ Республикаси(пойтахти Бухоро) ва Хоразм халқ Республикаси(пойтахти Хива) ташкил этилган эди.

Янги ташкил топган шўролар давлатининг мустақамланиши ва собиқ рус империяси ўрнида қатор республикаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг худудий чегараларининг белгиланиши даврида мамлакатда демократик руҳият, сўз ва виждон эркинлигининг маълум миқдорда мавжудлиги, тўлиқ сиқиб чиқарилмаганлиги билан характерланади ва энг муҳими халқнинг келажакка зўр ишончи ва эътиқодининг кучлилиги билан ажралиб туради. Санъат эса ўзининг бой услубий рангбаранглиги билан ажралиб туради. Санъат ва маданият фидоийлари ташаббуси ва сайъи ҳаракати туфайли Ўзбекистонда маърифий маданий ишлар қизиб кетди, янги мактаблар ташкил топа борди. Бадиий мактаблар ва студиялар ташкил этилди.

Бу йилларда санъатнинг турли йўналишлари бўйича маҳсус комиссиялар ташкил этилди. 1918-1919 йиллар қадимий обидаларни муҳофаза қилиш ҳайяти иш бошлаб улар қадимий обидаларни тадқиқ қилиш, уларни ўлчаш ва

таъмирлаш ишлари билан шуғулланди. Бу ишларга халқ усталари кенг жалб этилган бўлиб улар Москва ва Петербургдан келган олим ва рассомлар билан бир қаторда меҳнат қилишар эди. Шу йилларда қадимий ёдгорликларни таъмирлашнинг илмий асосларини топиш, археологик ишларга изчиллик ва босқичма босқичлик киритиш ишлари қизиқ кетди. Миллий зиёлилар ёшларнинг бадиий таълимига ҳам алоҳида эътибор қаратдилар. Уларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда билим олишлари зарурлигини кўтариб чиқиб кўплаб маҳаллий ёшлар Москва, Петербург, Берлин ўқув даргоҳларига ўқишга юборилди. Бадиий таълим масаласи ҳам шу йилларда муҳим аҳамият берилди. Мактабларда тасвирий санъат дарслар(расм дарслари)ни киритиш масалалари ҳам бадиий ҳаёт жонланишида муҳим ўринни эгаллади. Чунки айти шу фан ислом дунёси ва таълими кучли бўлган, халқ онгида «расм чизиш гуноҳ» тушунчасининг моҳиятини ёш авлодга тушунтириш ва уларнинг санъатга дунёвий ёндошишларига кўмаклашиш ва тақрибиялаш муҳим эди. Чунки дунёвий билимларисиз мамлакатни ривожлантириш ишларини амалга ошириш қийин эди. Янги мактаб талабгорлари ҳам шу санъат кучига ишонишар ва тасвирнинг кўргазмалилиги ва оммага тез таъсир этиши мумкинлигини яхши тушинган миллий зиёлилар инқилобдан кейинги йилларда янада фаоллаштириб меҳнат қилдилар. Инқилоб арафасида Тошкент, Қўқон, Фарғона, Бухоро(Коган)да рус мактабларида расм дарсларидан ташқари турли тўғарак ва студиялар ҳам мавжуд эди . Феврал буржуа инқилобдан кейин уларнинг сафи янада кенгайди, янгилари ташкил топди. Бу студияларда дастлабки миллий ёшлар ва чеккадан келиб Ўзбекистонда ўтrockлашган рус ва бошқа миллат вакилларининг фарзандлари таълим олдилар. Ўзбек санъатида ўз номларини қолдирган Акром Сиддиқий, И.Икромов Ў.Тансиқбоев, Баҳром Ҳамдамий, А.Тошкенбоев, Н.Карахан, Г.Никитин, В.Еремяна, М.Рахимов, Х.Икромов, Шорахимов ва бошқа қатор рассомлар шу масканларнинг дастлабки талабалари эди. Бу студия ва мактаблар заминида аста ўлка бадиий мактаблари шаклланиб борди.

1918 йили ташкил этган бадий студия асосида хунар-меҳнат мактаби ўрнида кейинчалик Самарқанд рассомлик мактаби ташкил этилди. 1919 йили Тошкентда Туркистон ўлка рассомлик мактаби очилди. Булардан ташқари Тошкентда студия ва тўғараклар ташкил топди. Янги ҳаёт ёшларни янги билимларга қизиқишини орттириб юборди. Кўплаб ёшлар бадий студия ва мактабларга кела бошладилар. Санъатшунос олим А.Умаровнинг фикрига кўра 1920 йилларнинг бошларида Ўзбекистонда мавжуд бўлган бадий мактаб ва студияларда 500дан ортиқ маҳаллий ёшлар таълим олган .

1.Абдулхай Рашидович Умаров(19.....) Тошкент шаҳрида туғулга биринчи санъатшунос олим Санъатшунослик факультетида ўқиган фан номзоди унинг илмий иши ўзбек портрет санъати ривожига ва шаклланишига бағишланган).

Бу йилларда кўргазмалар ташкил этиш ишлари ҳам қизиқ кетди. Уларда таниқли рассомларнинг асарлари билан бирга бадий мактаб ва студияларда таълим олаётган ёшларнинг ишлари ҳам намоиш этила бошлади. Масалан, 1919 йили ташкил этилган кўргазмада Ақром Сиддиқий, Рўзиевлар ўз чизган расмлари билан иштирок этиб биринчи бор миллий санъат кўргазмаларининг дастгоҳ санъат йўналишидаги асарларини намоиш қилдилар. Шу йилларда ташкил этилган кўргазмалар ва музей экспозициялари маҳаллий томашабинларни тарбиялаш ишларига қаратилган. Ҳарбир кўргазма ва музей экспозицияси маҳаллий тилда томашабинларга тушунтирилди, кўргазма ва музейларда санъат ҳақида маърузалар ўзбек тилида олиб борилди

Бу йилларда музейлар ташкил топганини алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан 1918 йилдан бугунги ўзбек давлат санъат музейи кенг жамоатчилик учун хизмат қила бошлади. 1919 йили Самарқанд, Фарғона, Наманганда ўлкашунослик музейлари ташкил этилди. Шу йиллардан бошлаб этнография материалларини тўплаш ва тартибга келтириш ишлари қизиқ кетди. Лекин бу ҳаракат узоққа бормади. Аста санъат янги совет тузуми мафқурасига бўйсундирилиб унга хизмат қилишдан бош

тортганликларни сиёсий маҳдудликда айблаб уларнинг фаолиятига чек қўйила бошланди. Янги ҳукмат санъаткорларга қандай ишлаш ва қайси мавзулар зарурлигини кўрсатиб санъатнинг ғоявий йўналиши белгиланди. Жамият аҳлини меҳнаткаш халқ ва йўқсиллар(пролетарлар) ва бойлар ва руҳонийларга ажратиб ташлади. Ўтмишдаги ҳамма урф одатларда қоқоқлик, Европадан кириб келаётган ҳамма расм русмлар илғорлик рамзи сифатида талқин этила бошланди. Эндиликда санъаткорнинг бош вазифаси ўтмиш «қоқоқлигини» рўйу рост очиб ташлаш ва янги тузум афзалликларини ёрқин бўёқларда акс эттириш эди. Шунинг учун ҳам эндиликда ташкил этиладиган харбир музей экспозицияси, ишланадиган рассом ёки ҳайкалтарош асари шу мезон асосида баҳоланадиган бўлди. Янги ҳукмат санъатнинг мафкурадаги ўрнига алоҳида эътибор бериб уни хар томонлама ривожлантиришга ва шу санъат имкониятлари орқали янги мафкурани халқ онгига сингдиришга ҳаракат қилди. 1918 йили халқ маориф комиссарлиги қошида махсус санъат бўлимлари ташкил этилди, кўрғазмалар ташкил этиш масалаларига эътибор кўчайтирилди, шу йиллардан бошлаб давлат томонидан ўз мафкураси ва интилиш ва мақсадларидан келиб чиқиб рассом ва халқ усталарининг ишларини сотиб олиш ишлари ҳам йўлга қўйила бошланди, рассомларга музей экспозициялари учун буюртмалар берилди. Лекин халқни санъат дунёсига, айниқса тасвирий санъат оламига жалб этиш борасидаги ҳаракатлар дастлабки йилларда қатор қийинчиликларга ҳам дуч келганини эътироф этиш зарур. Жамиятда ҳали диний қараш ва ақидапарастликнинг кучлилиги бунга ўз таъсирини ўтқазди. Дин ахиллари ва руҳонийлар тасвир ишлаш, расм чизиш гуноҳ заида иш тутиб ёшларни бу ишлардан қайтаришга ҳаракат қилдилар.

Меъморлик ва амалий безак санъати

Феврал буржуа инқилоби ва октябр тўнтаришидан кейинги йилларда меъморликда қурилиш ишларининг чекланганлиги билан ҳарактерланади. Бу йилларда барпо этилган бинолар ҳажм жиҳатидан катта бўлмай, асосан

махаллий ихтиёжни қондиришга мўлжаллаб қурилган кичик –кичик саноат корхоналари, ишчилар учун турар жойлар, уларнинг болалари учун боғчалар қурилган бўлиб, уларнинг бадиий ечими эстетик талаб даражасида эмас эди. Бу йиллар ўзбек меъморлик санъатига шу даврда жаҳон ҳамжамиятида кенг ўринни эгаллаган конструктивизм йўналиши кириб кела бошлаганини таъкидлаш зарур. Бу йўналиш Ўзбекистонда кенг ривож топмаган бўлса ҳам, лекин унинг айрим унсурлари қўлланилганини эътироф этмай бўлмайди. Бу хусусиятни шу йилларда қурилган дизель ва гидроэлектр станцияларида (Тошкентдаги Бўзсув гидроэлектр станцияси), Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналар заводи, жамоат ошхона ва ҳаммомлари ва бошқа шу давр қурилишларида кўриш мумкин. Бу йўналиш унсур ва белгилари шу йилларда ишлатилган материалларда (битон, ойна, темир), қурилманинг геометрик аниқ ва режали ечимида, кўримининг жиддийлигида билинади.

Тасвирий санъат.

Февраль буржуа инқилоби арафасида Ўзбекистонда каттагина рассомлар гуруҳи ишлар эди. Шуларнинг ижоди октябрь тўнтаришидан кейин ҳам давом этиб давр сиёсий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда борди. Янги ҳукмат ўз мавқини мустақамлаб боргани сари санъат борасидаги бошқарувни ҳам ўз кўлига олиб борди. Совет ҳукматининг ваъдаларига ишонган санъаткорлар холисона унга хизмат қилишга ҳаракат қилиб унинг ҳарбир кўрсатма ва қарорларини томизмай бажаришга интидилар.

Графика.

Инқилобдан кейинги йиллар бадиий ҳаётида графика санъати муҳим ўринни эгаллаб янги тузилган ҳукуматнинг ҳақиқий «жанговор қуролига айланди». Янги мафқурани халқ онига сингдиришда катта имкониятга эга бўлган оммавий графика санъати янги мафкура тарғиботчилари учун қўл келди. Улар шу санъатининг ўзига хос услуб-эталонини яратишга муяссар бўлдилар. Графиканинг турли кўринишлари - плакат, хажвий расмларда, газета- журнал саҳифаларидаги маиший жанрдаги тасвирлар янги давр

руҳини ўзида акс эттирди. Гоҳ плакат, гоҳ ҳажвий расм, гоҳ газета ва журналларга ишланган тасвирлар, шиор, чақириқ ва транспорт кўринишида кишиларнинг кундалик муҳитини ташкил этди. Бу йиллар кўргазмалари тарғибот ишлари қизғин борди. Рассомлар янги қараш ва тартибларни тезкорлик билан оммага етказишга ҳаракат қилдилар. Сиёсий арбобларнинг портретларини чиздилар, транспорант, чақириқ ва шиорлар ишлашда фаол иштирок этдилар. Бу ишларда турли санъат турида ижод қилувчи санъаткорлар қатнашдилар. Графикада маҳаллий рассомлар Иброҳим Даврон, Усто Наби Хафизов кейинроқ улар сафига қўшилган И.Икромов, Мажидов ва бошқа рассомлар шу санъатнинг дастлабки намуналарини яратдилар. Графикадаги тезкорлик ва сафарбарлик имконияти унда янги мавкуранинг ўзига хос томонини акс эттирувчи барометр вазифасини ўтади.

1920 йилларнинг охирида Туркистон бадиий мактаби қошида графика устахонасини ташкил этилиши ҳам бу йиллар Ўзбекистон маданий ҳаётида бу санъатининг кенг ёйилишига ўз хиссасини қўшди. Бу йилларда графиканинг ҳамма турларида асарлар яратилди, лекин плакат санъати бирмунча етакчи ўринни эгаллади.

Мамлакатнинг оғир аҳволи, иқтисодий танглик даврида ҳам плакатлар чоп этилди. Улар омма орасига тарқатилди. Бу санъат ўз ривожига икки кўринишда- қаҳрамонлик ва ҳажвий плакатлар тарзида мавжуд бўлди. Қаҳрамонлик плакатлар реалистик услубда, кўтаринки инқилобий муҳитда тасвирланиши билан ҳарактерланади. Ранг танлашда эса кўпроқ рамзий мавзунини эътиборга олинади (масала, қизил ранг инқилоб, шўро давлати рамзи, қора совуқ ранглар душман рамзи ва ҳ.к.). Плакат ўз ривожига давомида, сиёсий, маърифий йўналишда мавжуд бўлиб, халқ орасида ҳукумат сиёсатини тушунтириш, вазифаларини ўзида акс эттириб туриш эди. Шу йилларда ҳажвий плакат санъатининг янги турлари юзага келди.

20- йиллар Ўзбекистон графика санъатида маиший ва ҳажвий плакат ва расмлар, турли шиор ва чақириқ, транспорантлар ишлаш кенг ёйилди. Дастлабки йилларда асосан қўлда ишланган ва кўпайтирилган плакат ва

ҳажвий расмлар кенг қўлланилди. Босмадан чиққан плакатлар эса марказдан юборилди. Ўзбекистонда босма плакатлари 1923 - 24 - йилларда чоп этилди бошланди. Бухоролик уста Наби Хофизов (1893 - 1959) биринчиларидан бўлиб шундай плакатлар чоп эттирган рассом эди. Унинг «Солиқларни ўз вақтида тўланг!» плакатида ўз вақтида тўланган солиқлар давлатни мустаҳкам бўлиши, янги завод ва фабрикалар, мактаб ва боғчаларни қурилишга ёрдам беришини, акс ҳолда, аввалгидек қашшоқ бўлиб яшашга сабаб бўлишини оммага тушунтирмоқчи бўлди. Буни эски ва янги замон ҳаётини таққослаш орқали кўрсатади. Рассом содда халқ санъати услуби, миниатюра санъати пластикасида давр ғоясини талқин этишга ҳаракат қилиб ўзига хос санъати яратишга муяссар бўлди.

Бу йилларда китоб - газета - журнал графикаси ҳам жонланди. Бунга сабаб китоб газета ва журналларни кўплаб чоп этилиши эди. Газета ва журнал нашрлари атрофида рассомлар гуруҳи тўпланди. Графика санъати мавзуси кенгая борди. Жумладан, 1923 - йилдан нашр этила бошлаган «Муштум», «Машраб», «Мулло Мушфиқий», «Бигиз» каби сатирик ва илмий оммабоп журналлар ўз саҳифаларида ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган ютуқ ва иллатларини акс эттириб, омма орасида катта қизиқиш уйғотди.

Бу расмлар давр мафкурасидан холи бўлмаса ҳам шу билан бирга бу ишланган кўпгина ҳажвий расмлар омма умумий савияси, фаоллигини оширишида ўзининг ижобий ўрни эгаллаганлигини эътироф этиш зарур. Ёшларни янги замонавий фикрлашга даъват этиш, маърифатга чорлаш, архаик тузум қолдиқларидан холи бўлиш, хотин қизларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш борасида шулар ижобий аҳамият кашф этди. Бу ғоялар илғор миллий зиёлиларнинг интилишига монанд эди. Бу ҳаракат кейинги маданий ривожда ўзини кўрсата борди... Маҳаллий санъаткорларнинг илк қадами ҳам шу газета журнал саҳифаларидан бошланди. Биринчи ўзбек график рассомлари И.Икромов, М.Ҳакимжоновларининг илк ижоди шу газета журнал саҳифаларида бошлаган эди.

Графика санъатида рассомларнинг катта гуруҳи меҳнат қилди. Улар газета – журнал саҳифалари, янги нашр этила бошлаган китоблар учун расмлар чиздилар, саҳифаларини безадилар. Шундай график рассомлардан бири И.Туля ижоди ҳам самарали бўлди. Газета ва журналларида унинг хажвий характердаги расмлари кенг ўринни эгаллаган. Рассом кўпроқ диний ақида параслик, бидъат мавзусида, ижтимоий ҳаётдаги янгиликлар ҳақида, маиший мавзуларда ишланган. И.Туля биринчи ўзбек романи А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарини беади ва расмлар чизди. Бу йилларда графика борасида бой тажрибага эга бўлган самарқандлик рассом Л.Бурэ ҳам фаол иштирок этди, плакатлар ишлади. Рассом графиканинг қайси соҳасида қалам тебратмасин энг аввало халқни фаолликка даъват қилиш, мажуд бидъат ва иллатларга қарши курашиш ғояларини илгари сурди. Шулар билан бир қаторда ўзининг сеvimли мавзуси она юрти Самарқандга бағишланган рангтасвир асарлар ёзишни давом эттирди.

Дастгоҳ графика санъати. Дастгоҳ графика санъати ҳам янги давр руҳи билан ривожланиб борди . Унинг техникаси ортди. Ксилография ва офортларида дастлабки дастгоҳ санъат намуналари юзага келди. Шунини таъкидлаш керакки, дастгоҳ графика узоқ вақт сиёсатдан холи ва кўп ҳолларда санъаткорнинг шахсий иши сифатида мавжуд бўлди. Бу санъатда рассомлар энг аввало ўзларига маъқул бўлган мавзуларда расмлар ишладилар, қалам ва перода ишланган турли портрет ва манзаралар, маиший мавзудаги композицияларда уларнинг ҳаётга, борлиққа бўлган муносабат, эстетик кечинмалари ўз ифодасини топди, ижодкор лабораторияси изланишлари намунаси сифатида мавжуд бўлди. Фақат айрим босма техникасида бажарилган дастгоҳ графика асарлари кўргазма юзини кўрди.

Рангтасвир.

Агар графика санъати давр мафқураси билан боғлиқ ҳолда ривож топиб унинг ғояларини тарғиб этишга қаратилган бўлса, рангтасвир санъатида бу масала бирмунча суист бориб деярли сиёсатдан дастлабки йилларда узоқ бўлди. Рассомлар санъатнинг бу турида ўз шахсий кечинмаларини тасвирладилар,

Ўзларини қизиқтирган мавзуларда расмларнинг кўпроқ ишладилар, Меъморий обидалар, шарқ кўчалари ва бозорлари, у ердаги қизгин ҳаёт шу санъатда ижод қилган рассомларнинг асарларининг мазмунини ташкил этди. Бу йилларда рангтасвирда дастгоҳ санъат етакчи ўринни эгаллаб ижодий изланишлар айнан санъатнинг шу турида ўз ифодасини топди. Шу йилларда биринчи маҳаллий рассомлар ўзларини кўрсата бошладилар.

Ўзбекистонда таваллуд топиб бадиий ҳаётга кириб келган рассомлар сафи янада ортиб борди. Туркистон ўлка бадиий билим юрти талабалари шу йилларда ўз ижодларини бошладилар. 20 йилларда Тошкент- нон шаҳри сифатида иттифоқда донг таратган Ўзбекистон пойтахти ва унинг шаҳарларига чекка ўлкалардан кўплаб рассомлар кириб келди ва бадиий ҳаётда улар ҳам фаол иштирок этиб шу давр бадиий ҳаётини жонлантириб 20 аср ўзбек санъатида ўз изларини қолдирдилар.

Шу даврда ташкил топа бошлаган турли рассомлик тўғарак ва студияларга келган ёшлар мойбўёқ, акварел, гуаш ва рангли қаламда рангтасвир алифбосини ўрганиб ўзларининг дастлабки машқларини бажардилар, аксинча чеккадан келган рассомлар янги давр талабларидан келиб чиқиб ўз қараш ва йўналишларини ўзгартириб бордилар. Ўрганилаётган давр рангтасвир санъати ўзининг услубий ранг баранглиги билан ажралиб туради.

Бу йилларда рангтасвирда нафақат пластик масалалар, балки ғоявий услубий масалалар ҳам мунозарада бўлдилар. Воқеликни ўзига ўхшатиш, классик шакллардан тортиб янги давр мазмуни учун мутлоқ янги шакл ва воситалар топиш масалалари муҳим масалалардан бирига айланди. Бу йилларда жаҳон халқлари санъати ғоявий-пластик санъати ривожини, XIX аср сўнгги XX аср бошларида рус санъатидаги ғоявий-пластик масалалар борасида изланишлар ҳам кўпгина санъаткорларининг қизиқишига сабаб бўлган. Абстракт санъат, унинг кўринишлари ҳам Ўзбекистонда ўзининг давомчиларини топди. Супрематизм, кубофутуризм, примитивизм каби янги санъат услубларида асарлар пайдо бўлди. Бу йилларда XIX аср сўнгида юзага келган янги санъат услублари ўзининг мантиқий ривожини олди, жумладан

импрессионизм, постимпрессионизм ютуқлари ўзбекистонлик rassomлар ижодида ўзининг янги қирраларини намоён этди.

Бу йилларда авангардга нисбатан реализм бирмунча мустаҳкам ўринни эгаллаб бой йўналиш ва типлари кенгилги билан характерланади. Бу йўналиш тарафдорлари борлиқни ўз шаклларида ишлашга қарши чиқмаганлари холда, реал шаклларнинг ўзида рамзий маъно топишга, образларни тимсол даражасига кўтаришга ҳаракат қилдилар. Миллий санъат, шарқ санъати пластикаси 20 йилларида кўп rassomлар изланиши майдонига айланди.

20 асрнинг биринчи чорагида ўзбек санъатида импрессионизмининг таъсири сезиларли ўринни эгаллаган. Шу йилларда кўпгина rassomлар импрессионизм таъсирида асарлар яратдилар. Бу хусусият уларнинг композиция танлаш, ранг суртмаларини ишлатиш ва таасуротни ифодалашда кўринади.

Портрет...О.Татевосян ҳаёти ва ижоди

Ўқиш йиллари К.Коровин Татевосян ижоди.....

.....

..... Татевосян 1915 йилда Самарқанда ишланган расмлари билан Москва rassomлик , ҳайкалтарошлик ва меъморлик бадиий юртини ҳимоя қилди. Ўқишни тугат-гач, яна Самарқандга қайтиб ўз ижодини давом эттирди. Унинг ижоди билан импрессионизм услуби Ўзбекистон санъатида ўз қурилишини аниқроғи импрессионизмнинг "ўзбекча кўриниши юзага келди. Импрессионизм таъсири ва маҳаллий мавзу - Ўрта Осиё кишилари ҳаёти ,обидалари, серқуёш табиати, нур ва соя кенглиги унинг асарларига ўзига хослик бахи этади. ("Чойхона" Пешин". (1915) "Самарқанд". «Бозор кўриниши» (1917) **Расм тахлили Пешин.**

Феврал буржуа инқилоби ва айниқса октябрь тўнтариши Татевосян ижодида кескин бурулиш ясади. У ҳам ғоявий ҳам пластик масалаларда янги қарашга ўтди. У ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатиб шўро ҳукмати ғояларини тағриб этишда жонбозлик кўрсатди. Кўча ва майдонларда тарғибот ишлари олиб бориб портретлар, шиор, чақириқлар ишлади. Импрессионистик услубдан деярли воз кечиб кўпроқ декоратив ясси шаклларда, примитив рассомлик ва шарқ миниатюра услублари халқ амалий санъатига яқин композициялар яратди. Айлана, ярим айлана ва ёйсимон шакллар ичида композиция ишлади. Ранг танлаш ва ишлашда ҳам фактура характерида ҳам рассом ижоди ўзгарди. Очик, кўп ҳолларда тоза ранглар сурат текислигида суюлтиридган силлик, фактурада ишлатила бошланди. Рассом ҳар бир образни эса чизик пластикасини тугал ва эгилувчан бўлишига ҳаракат қилди. Шу даврда ишланган "Тут териш" (1918), «Расм...Комунна ўқувчилари» (1918) ва бошқа ишларида рассом ижодининг мана шу томонлари намоён бўлади.

"Комунна ўқувчилари" асарида турли миллат вакилларида ташкил топган ўқувчилар гуруҳини далада меҳнат қилаётганликлари тасвирланади. Бу асари билан рассом ўзбек санъатида янги давр ҳаётини акс эттарувчи картина муаллифи сифатида танилди.

Портрет... А.Исупов ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган лекин колорит жиҳатидаи гўзал асарлар, шунингдек ренесанс ва шарқ пластикаси уйғунлигида маҳаллий мавзуларда ўзига хос асарлар муаллифи сифтида ўз номини қолдирди. Исупов 1915-18 йилларда Самарқандда ҳарбий хизматда бўлиб юрган кезларида Ўрта Осий санъати ва маданиятига қизиқиб қолди, уни ичидан туриб ўрганди, феодал шаҳар ҳаёти, одамларнинг турмуш тарзи, меъморий ёдгорликларига қизиқиб қаради. 1918 йили ҳарбий хизматдан бўшаганидан кейин шу ерда қолиб Туркистон ўлкасига бағишланган туркум асарлар яратишга киришди. Унинг кичик ҳажмдаги жанр асарлари кўп ҳолларда борлиқнинг ўзидан ишланган бўлиб, рассомнинг ҳаётдан олган таасуротлари рангтасвирнинг пластик имкониятлари орқали очилади.

Ишлаётган объектининг энг муҳим белгиларига урғу беради, иссиқ- совуқ ранглар контрасти пишиқ ечилган копозиция ва қаламсуратнинг ўткир ва юксак моҳирона ишлатилиши унинг ҳарбир ишига қайтарилмас жозиба бахш этади. Унинг "Темирчи қошида" (1923), "Қимматбаҳо совғалар растаси" (1923) каби асарларида халқнинг ўзига хос ҳаёти, шаҳар турмуш тарзи эркин ранг суртмаларида жонли талқин этилади. Рассом шарқ анъаналари, Европа санъати Ренесанси анъаналарини ҳам ўзлаштирди, улар уйғунлигида асарла, тўзал мустақил композициялар яратишга ҳам ҳаракат қилганлиги унинг шу йилларда яратган «Шарқ мадоннаси», «Оналик» ва бошқа шу усулда ишлаган асарларида ҳам намоён бўлади. Расм.

портрет Николаев А.Н. (Усто Мўмин, 1897-1957) ВХУТЕМАСда ўқиган (1918-1919). 1920 йили Ўзбекистонга Воронеждан келганди. Италия санъати, Ренессанс услублари, қадимги рус санъати анъаналари билан чуқур таниш санъаткор сифатида ижод дунёсига кирабошлаган эди. Бу ерда у шарқ санъати анъаналари, санъатнинг декоративлиги, чизиқларнинг эгилувчанлиги ва шакл ҳамда ранг масалалари ритми уни ўзига ром қилди. Шарқ фалсафаси ҳам унинг дунёқараши шаклланишида ўзига хос мактаб бўлди. Шундай қилиб бошқа бир рассом Николаев "Усто Мўмин" таҳаллусини олган санъаткор (унинг Мўмин қобиллиги учун уни оддий халқ шундай атаган) янги йўналиш шарқ ва Гарбнинг чизиқ пластикаси гўзаллиги, ранглар эмоционал имкониятлари уйғунлигида асар яратишга интилган санъаткор сифатида танила бошдади. Унинг бу изланишлари ҳам асосан 20 йилларга тўғри келади. Шу йилларда ўзининг шоирона нозик талқин этган асарларини намоёиш этди. Рассом ўз ижодида Табриз миниатюра мактаби вакиллари Ризо Аббосий ва Султон Муҳаммад ижодидан таъсирланди. Рассом портрет жанрида ижодини бошлади. Унинг «Куёв», «Саллали йигитлар», «Беданавоз йигит» каби асарлари, «Дуторчи» копозицияси 1920 йилларнинг бошларида ишланган Булар ўзининг эмоционал-пластик гўзаллиги билан анъанавий

Ўрта Осиё санъати, унинг ажралмас қисми ўзбек санъатининг янги қирраларини намоиш этади. Унинг "Дуторчи"(1918) асари ўзининг воқеликни в шоирона бирмунча романтик тал-қин этилиши билан ажралиб туради.

1925 йили Николаев Тошкентга кўчиб ўтди ва умрининг охригача шу ерда яшаб газета ва журналларди ўзининг асарлари билан қатнашиб келди, китоблар учун иллюстрациялар яратди

...30 йилларда яратган «Оқ олтин»(1934) картинасидан холи эмас (Шарқ халқлари музейи) унда давр мафкураси – воқеликни кўтаринки руҳда тасвирлаш ўз ифодасини топган... «Шоҳайдар портрети» 1935, (Шарқ халқлари музейи) «Уйғур театри»,(1944) «Оталар ери»(1945) ижодий ўзгаришларини кўрсатади...Николаев графика санъатида ҳам ишлади...М.Козимийнинг «Кўрқинчли Техрон» (1934), Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» (1934), А.Қодирийнинг «Обид кетмон» асарларига иллюстрациялар ишлади... кейинроқ эса Афанди латифалари учун ҳам расмлар чизди. Николаев театр декорацияси борасида ҳам меҳнат қилиб А.Навоий номли опера ва балет театри «Улуғбек», «Кармен» опералари учун эскизлар яратди...

портрет А.Н.Волков (1886-1957). 20 йиллар санъатида шарқ ва Ғарб санъати силсиласи асосида ўзбек санъати эстетикаси юзага келиши ва кейин миллий санъат мактаби сифатида эътироф этилишида рассом ва шоир Александр Николаевич Волков алоҳида ўринни эгаллайди. Рус мухожирининг ўғли АЛЕКСАНДР Волков Фарғонада ҳарбий врач оиласида таваллуд топди. Тошкентда сўнг Оренбургда кадетлар корпусида таълим олди (*Кадет корпуси-Россияда асосан офицерларнинг фарзандларини тарбиялашга мўлжалланган ёпик ўрта ҳарбий укув юрти. 18 асрда дворян болаларини ҳарбий ва гражданд хизматида тайёрлаган.19 асрдан ҳарбий укув юртлари учун тайёрлов мактаби, 1917 йилдан кейин ҳарбий гимназия(гимназия- ўрта таълим мактаби даражасида бўлган).*

1906 йили эса Петербург университетининг Физика математика факультетининг биология бўлимига ўқишга кирди. Шу ерда ўқиш йилларида у моҳир акварелчи рассом Д.И.Бортникернинг шахсий студиясига қатнаб

тасвирий санъат асосларини ўрганди. Санъатга ташна бўлган эхтиросли ўсмир университетдаги ўқишни ташлаб 1908-10 йиллар Петербург Бадиий академиясида машҳур рассомлар Н. Рерих, И. Билибин, В.Маковскийлар кўлида таълим олган, 1912-16 йиллар эса Киевдаги рассомлик билим юртида украин рассоми Ф.Кричевский кўлида малакасини оширди. Шу ерда М.Врубель ижоди билан яқиндан танишди. Врубелнинг Киевдаги Собор учун ишлаган мозайикалари, монументал рассомлик асарлари уни ўзига ром қилди, шу йиллари Н.Рерих ижоди билан қизиқди, рус икона санъати сирларини ўрганди. Шуни ҳам таққидлаш керакки. Волков ўқиб санъат билан танишаётган кезларида Европада шаклланиб кела бошлаган энг янги услублар - ўз мавқеининг энг шовқинли, аниқроғи, шов-шувли даврини бошидан кечирётган, абстракт санъатнинг асосчилари рус рассомлари Кандинский, К.Малевич ва бошқа кўргазмалари шу даврнинг муҳим воқеаларидан эди. Булар ҳаммаси сўзсиз, рассом дунёқарашининг шаклланиши, санъатнинг пластик ифода воситаларига мунооабатини бедгилашида муҳим бўлди. Ўз она юртига қайтган (1916) рассом шу жўшқин изланишлар асосида ўзининг ижодини бошлади. Натижада унинг ижодининг дастлабки ўйлари, аниқроғи (1917-25 йиллар) шу изланишлари турли услуб ва йўналишлари таасуроти замини юзага келди. Бу йилларда Врубелга таҳлид ҳам, қадимги рус иконалари таъсири ҳам Европанинг импрессионизми, постимпрессионизми, примитивизмдан кубизм, футуризм ва бошқа санъат услублари, шарқ санъати, унинг ёрқин амалий-безак санъати рангдордиги мужассамлаша бошлади. Бу асарлар миллий мавзу, халқ турмуш тарзи, урф одати ўзига хос пластик - эмоционал шакллар ўйинида вужудга келади. Волков ўз ижодини Врубелга таҳлид қилиш билан бошлади, чунки у Врубелни ўз руҳий устози деб ҳисоблар эди. Рассомнинг «Эрон қиз», «...» асарларида шу таъсир сезилса 1917-22 йилларда яратган "Карвонлар», «Шарқ примитиви каби асарлар туркуми, «Қабристондаги йиғи», "Сандалда" (1924), «Арава», "Рақс» (1924) ва ниҳоят "Анор чойхона "(1924) асарлари ижодкор изланишларининг маҳсули, шарқ ва гарб сакъати уйғунлигининг

янги намунаси эди. "Сандалда" асаи мунгли лирик, бирмунча фалсафий йўналишда ечилса, жўшқ ин ҳаракат ва эхтиросга тўла шакл ва ранглар ўйинига бой "Рақс" композицияси ўзига қатнашувчиларнинг рақс пайтидаги эхтирос ва жозибалари шижоатда (динамикасида) ҳам тоза кўшимча рангларнинг моҳирона солиштирилиши ва ёнма ён кўйилишида ҳам ўз ифодасини топган. "Анор чойхона ижодкор изланишининг олий кўриниши шарқ ва ғарб санъати уйғунлигининг ёрқин мисоли бўлиб ўзбек санъатини жаҳон санъати минбарида намоёиш этишда ўз ҳиссасини қўшди.

1920 йилларда Ўзбекистонга кўчиб келган М. Новиков ўзбек санъатида манзара санъатининг лирик йўналишида асарлар яратди. Унинг ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган манзараларида Ўзбекистоннинг тарихи обидалари, сергавжум бозорлари, шаклга бой фуқоролар меъморлиги нимуналари, асарлар мобайнида шаклланган шарқ кўчаларининг ўзига хос кўринишлари мухирланган.

Фарғонада туғулиб ўсган, Россия бадиий мактабида таълим олган рассом П.Никифоров ўзининг нафис аквареллари билан ажралиб туради. Унинг асарларининг катта қисми шахсий коллекциялардан ўрин олган бўлса ҳам, лекин сақланиб қолган айрим асарлари унинг акварел техникасини чуқур эгаллаган санъаткор даражасида намоён этади.

Ҳайкалтарошлик. Бу давр ҳайкалтарошлик санъати кўпроқ тарғибот ишлари билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлди. Шулардан 1919 йили Самарқандда ўрнатилган озодлик монументи эътиборга лойиқ.. Расм. Бу асар муаллифи ҳарбий асир австрияли ҳайкалтароши Руш бўлиб ёдгорлик ишини руёбга чиқаришда самарқандлик рассомлар Л.Бурэ, И.И.Головинлар унга ҳамроҳлик қилганлар. XX асрнинг 20 йиллар ҳайкалтарошлигида чеккадан келган ҳайкалтарошлар ижод қилдилар, портрет, жанрли композиция ва монументал-декоратив ҳайкалтарошлик асарлари яратиб бадиий ҳаётда иштирок этдилар. Шундай ҳайкалтарош Н.П.Вишневский бўлиб унинг

"Дарвиш" (1920), Расм. "Сув ташувчи" (1920) каби ёғочдан ишланган хайкаллари сақланиб қолган.

.....

Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибидаги давридаги санъати(1925-91 йиллар)

I (1920-30 - йиллар санъати)

Кириш. 1925 йили Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (Ўзбекистон ССР) ташкил топганлиги қонунан расмийлаштирилди ва СССР таркибига кирганлиги эълон қилинди. Жаҳон ҳаритасида Ўзбекистон давлати белгиланган ҳудуд пайдо бўлди. Республика расмий мустақилликка эга бўлиб ўзининг ҳудудий давлат чегараларини белгилаб олган бўлса ҳам, аслида ягона бошқарув тизимига қарам бўлган, қизил империя таркибидаги ўлка эди ҳалос. Социалистик республикаларининг қай йўсинда ривожланиши, нималарни ўқиш ва нимани ўқимаслик, ким ва қайси хориж давлат билан алоқа қилиш ва қилмаслик, бу империя марказидан, СССР давлатнинг пойтахти Москвадан белгиланар эди. Шунинг учун ҳам марказдаги жараёнлар намуна мактабини ўтар ва ўз таъсирини узоқ ўлкаларга ўтказар эди. Совет давридаги ягона мафкура ижтимоий ҳаёт, маданий ривожланишида ҳам ўз ифодасини топди. Совет мафкурачилари санъатнинг на фақат ғоявий йўналиши, балки унинг пластик ечимини ҳам белгилаб берди. Санъат ва маданиятда бундай ягона мафкура қизил салтанат таркибидаги ҳамма халқ ва элатлар санъати ва маданиятида шакллана бошлаган янгича урф одатларда яқинлик ва ўхшашликлар келтириб чиқарди. Шу шароитда янги ўзбек санъати шаклланди ва ривожланди.

1.1. Бадиий ҳаёт

20-30 – йиллар ўзбек санъатининг ривожини мураккаб ва зиддиятли. Бир томондан санъат таракқиёти давр мафкураси билан ўзининг дастлабки тайзиқига учраган бўлса, иккинчи томондан маҳаллий рассомларнинг кенг кўламда санъат майдонига кириб келиши ва реалистик санъат алифбосини ўзлаштириш даври бўлди. Ўзбек санъатида биринчи бор дунёвий санъат, унинг янги тур ва жанрларнинг пайдо бўлиши ва дастлабки танқидий йўналишнинг юзага келиши бўлди.

Бу даврга келиб ўзбек санъати маҳаллий рассомлар ижодида биринчи марта замонавий санъатнинг турли кўриниш ва йўналишларида асарлар пайдо бўлди. Мойбўёқ техникасида асарлар кенг кўлам ёзди, ҳаёт воқелиги ҳаққоний, кундалик турмуш янгиликлари қаламга олинди, графикада эстамп санъати ривож топди. Шу йилларда рассомлар биринчи бор автопортрет санъатида қалам тебратта борлидилар, ҳайкалтарошликда материалда ишланган асарлар (ёғоч, металл) пайдо бўлди. Кино-театр декорацияси ишланди. Меъморликда катта меъморий мажмуалар яратиш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар айниқса, Ўзбекистоннинг янги пойтахти Тошкент шаҳрида сезиларли бўлди. Шу даврда биринчи бор миллий санъатда ўзига хос услуб яратиш ҳаракати юзага келди. Рассом ва ҳайкалтарошлар шу мақсаддан келиб чиқиб ўтмиш санъати анъаналарини ўргана бошладилар. Айниқса ўрта шарқнинг буюк мутафаккирларидан бўлган Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан ўтқазиладиган тадбирлар шу изланишларни жонлантириб юборди. Миллий анъана ва услублардан фойдаланиб замонавий услуб яратишга интилиш жонланди. Бу санъатнинг пластик томонини белгиловчи муҳим омил бўлди. Бу изланишлар санъатнинг деярли ҳамма турларида ўз ифодасини топа борди. 1920 йилларда Ўзбекистонда кўплаб мактаб ва студиялар ташкил этилиб уларнинг атрофига маҳаллий ёшлар ҳам тўплана бошланди. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик Москва, Петербургга, Пензага ва бошқа шаҳарларда олий бадиий билим борасидаги малакаларини ошириб таниқли рассомларга айландилар.

30 йиллардан бошлаб кенг кўламда турли кўрғазмалар уюштириш йўлга кўйилди. Москвада ўтказила бошлаган санъат декадалари, бутун-иттифок ва республика бадий кўрғазмалари анъана тусига айланди. Шу йилларда биринчи бор ўзбек рассомларининг асарлари на фақат республика шаҳар ва қишлоқларида, балки ўзга мамлакатлар кўрғазма залларида ҳам намоиш этила бошланди. Маҳаллий ёшлар Москва, Петербург ва бошқа шаҳарларда ижодий сафарда бўлдилар, уларининг ишлаган асарлари Москва Шарқ халқлари музейи, Третьяков галереялари учун олинди. Сўзсиз, бу тадбирлар бўлажак рассомларнинг дунё қарашини шаклланишига ва профессионал санъат сирларини чуқур ўзлаштиришлари учун муҳим омил эди. Лекин, афсуски бу тадбирлар аста чегараланиб 30 йиллардан бошлаб чет эл билан бўлган алоқалар, кўрғазма ва конкурслар ўтказишлар чекланиб борилди. Чет элларга кўрғазмалар билан чиқиш ёки чет эл санъати кўрғазмаларини совет давлати шаҳарларида, республикаларда ташкил этиш тақиб остига олинди. 20-йилларнинг ўрталаридан бошланган бу тақиб 50 йилларнинг ўрталаригача давом этди. "Соф совет санъати" даври бошланди.

1.1.МЕЪМОРЛИК.

20-30 – йиллар ўзбек замонавий меъморлик санъатининг шаклланиш йиллари бўлди. Унинг дастлабки намуналари пайдо бўлди. 20- йилларда давр тақозоси билан зарур бўлган кичик саноат корхоналари, мактаб, гидроэлектрo станциялар қурилишлари меъморчиликка ўзгартириш киритиб, унинг янги типларини юзага келтира бошлади (Масалан,Тошкентда Бўзсув гидроэлектрo станцияси, жамоат ошхона ва клублар, ҳаммом, дизель станциялар кейинроқ саноат корхоналарининг дастлабки намунаси-Тошкент қишлоқ хўжалиги машиналари заводи ва бошқалар(бу бинолар кўпчилиги кейинчалик бузиб ташланган. Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рус меъморлар А.Петелин, Н.Блезе, К.Бабиевскийлар лоихаси асосида барпо этилган Халқ хўжалиги Кенгаши биноси(бугунги Ота Турк кўчасидаги супермаркет(бу бино Мустақилликдан кейин бутунлай таъмирланиб унга

замонавий руҳ киритилган) ва б. Буларда конструктивизм ғоялари ўз аксини топди, шаклларининг жиддийлиги, деразаларининг тик ва ётиқ чизиқларининг содда, аниқ геометрик шакллардаги ечими биноларга ўзига хослик киритган. Ўзбекистон Фанлар академияси биноси (1928, меъмор Г. Сваричевский), Расм. Ҳуқмат уйи()1929-1930,меъморС.Полупанов)да маҳаллий меъморлик анъаналари унсурларидан фойдаланиш ва замонавий лойиҳа яратишга интилиш сезилади. Бу давр ўзбек меъморлигида темир битондан ишланган бинолар кенг кўлам ёйди.

30 йилларга келиб қурилиш ишлари бирмунча кенгайди. Маъмурий – маърифий бино мажмуалари, сарой ва спорт қошоналари, сайлгоҳ ва хиёбонлар қад кўтарди, фуқоролар, жумладан, мутахассислар учун мўлжалланган кўп қаватли турар жой бинолари, мактаб ва болалар боғчалари, соғломлаштириш мажмуалари барпо этилди. Янги янги саноат қорхоналари бинолари ишга тушди. Шундай ишлар, айниқса, республиканинг янги пойтахти Тошкент шаҳрида сезиларли даражада амалга оширилди(Тошкент 1930 йили Ўзбекистоннинг пойтахтига айлантирилган. Унгача Самарқанд пойтахт бўлган).

Бу йилларда эски шаҳарларни реконструкция қилиш ишлари амалга оширила бошланди. Кўп квартирали бинолар барпо этиб, бино атрофи ободончилигига, нур мўллигига эътибор бердилар. Агар 20 йиллар ўзбек меъморлик санъатида конструктивизм услуби белгиларини кўрсак аксинча 30 йилларда қурилган йирик иншоот ва қурилмаларда классицизм услубида меъморий лойиҳалар амалга оширила бошланди. янги давр меъморлигининг ўзига хос томонини катта шаҳарларда қурилган кўп қаватли турар жойлар,маданий маъмурий бинолар қиёфаси кўзга ташланади. Улар ташқи безакка бой. Турли декоратив шакллар, эшик атрофи пештоқ кўринишлари, дераза атрофи безакдорлиги, шунингдек девор юзаларида бўртма тасвири безаклар оқ - сариқ қизғишт охра ранглари фонида оқ билан ажратилган Жумладан, **Тошкентдаги Педагогика институти(ҳозирги педагогика университети, 1938, меъморлар А.Жмуйда, Е.Жмуйда) Расм., Тўқимачилар**

саройи (19.., А.Корноухов, А.Галкин) Расм., Темирйўлчилар саройи (1939, А.Павлов) ва б). Миллий боғ (Собиқ Комсомол кўли.) ва Бешёғоч майдони(меъмор М.Булатов), Тошкент медицина институти эски мажмуаси ва бошқа бинолар, меъморий мажмуаларда ҳар бир ижодкорни ўз услуб ва йўлини топишга ҳаракат қилганлигини бинолар ташқи ва ички пардозида, безак элементлари қўлланилишида кўринади. Турар жойлар ҳам безакдорлиги билан даврнинг умумий услубидан қолишмайди. Тошкентнинг Навоий, Усмон Носир, Туроб Тўла кўчаларидаги уйларда яққол билинади(Мутахасислар уйи).

1.2.Амалий безак санъати 20-30- йилларда Амалий безак санъати ҳам янги давр руҳи билан бойиди. Усталар ҳалқаро кўрғазмаларда ўз асарларини намоиш этиб ўзбек санъатини жаҳонга танита бошладилар.

1934 йили Тўқимачилик комбинати ишга тушди, тўқимачилик рассомлиги пайдо бўлди. Шу йили Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси иш бошлади.Кулолчиликда биринчи бор тадқиқод ишлари олиб борилди. Айни шу йилларда машҳур кулол ва олим Мухиддин Рахимов ўз фаолиятини бошлади.Расм. Кулолчилик технологияси билан яқиндан шуғулланди. Тошкент кулолчилик санъатини тиклашга интилиб асарлар яратди. **Портрет Мухиддин Рахимов**

1.3. Тасвирий санъат. 20-30 йиллар ўзбек миллий тасвирий санъат шаклланиш йиллари бўлди. Миллий услуб ривожланиб борди. Ўзбек замонавий санъати ўзининг бир томонида Ўрта Осиё миллий санъатига хос услуб ҳам, Европа реалистик санъати услуби, янги шаклланиб келаётган авангард кўринишларига таянган ҳолда шаклланди. У ёки бу услубни айнан қайтариб ёки таҳлил қилиб эмас, балки давр талаби, ғоявий йўналиши ва ижодкорнинг шахсий қараши ва профессионал маҳорати асосида ишланиб ўзига хос қайтарилмас жозоба касб эта борди. Бу хусусият, айниқса

юбилейлар ўтказиш, жаҳон адабиёти вакилларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш муносабати билан кенг ривож топди. Жумладан, А.Навоий юбилейини ўтказиш даврида шу хол жонли бўлди Асарлари тўплами чоп этилди, унга иллюстрация ишлаш ишлари қизиқ кетди. Рассомлар давр руҳи, Навоий даври асарлари билан яқиндан танишдилар, Бехзод ва унинг шогирдлари асарлари қайта кўриб чиқила бошланди, уларнинг ижоди ўрганилди. Шу йилларда биринчи бор буюк мутафаккир А Навоийнинг иконаграфик портретига танлов эълон қилинди. Унинг ғолиби Ўзбекистонга 20 йилларда кўчиб келган ва шу ерда ўз ватанини торган Владимир Кайдалов яратган портрет асос қилиб олинди. Петербургли ҳайкалтарошнинг Навоий ҳайкали эса материалда ишланди дастлабки ёдгорлик бўлди.

Расм. В.Кайдалов Навоий портрети.

Расм...Дитрих Навоий ҳайкали...

Графика. 20-30- йиллар ўзбек графика санъатининг тур ва жанрларининг кенгайди. Рассомлар графиканинг айрим тур ва жанрлари бўйича мутахассислашиб боришлари эса унинг янада таъсирчан бўлишига, ғоявий-эмоционал томонини чуқурлашишига олиб келди. 1938 йили Тошкентда графика устахонасини ташкил этилиши ҳам шу ривожланишга самарали хисса қўшди. Рассомларнинг турли қурилиш ва объектларига бориб сурат чизишлари ҳаёт билан яқинлашишларига, турли мавзуда асарлар яратишларига имконият берди.. Улар графикани ҳамма тур ва жанрларида халқ ҳаётига бағишланган суратлар яратдилар, ёзувчи ва шоирларининг яратган асарларига безак ва иллюстрациялар ишладилар. Шу пайитдан бошлаб китоб безовчи, ва иллюстрация ишловчи рассомлар мустақил ижод қила бошладилар. Ўзбек адабиёти шъерият ва прозада эришилган ютуқлари- тасвирий санъатнинг китоб графикаси ривожда сезиларли из қолдирди. Навоий, Муқимий, Фурқат ва бошқа мумтоз санъат вакиллари шунингдек шаклланиб келаётган ўзбек адабиётининг вакиллари

А.Қодирий,Х.Олимжон Г.Гулум Ойбек ва бошқаларнинг асарлари чоп этилди. Рассомлар китоб руҳига мос асарлар яратишга интилишлари унинг пластик ечимида ҳам ўз ифодасини топди. Миллий ўзбек китоб графикаси шакллана бошлади. Шу йилларда ўзбек замонавий миллий китоб графикасининг асосчиси И.Икромов ижоди бошланди. И.Икромов портрети Искандар Икромов(1904-74). Тошкентда тугилиб ўсган И.Икромов ўлка бадийий техникумида тасвирий санъат асосларини эгаллади. Ўқиб юрган кезларидаёқ "Муштум", «Болалар дунёси" журналларида ўз чизги ва композициялари билан қатнашиб юрди. Техникумини тугатгач у Ленинграддаги(ҳозирги Петербургдаги) Бутун Россия Бадийий академияси қошидаги Бадийий хунарманлик техникумининг графика бўлимига ўқишга кириб 1929 йили тугатгач Тошкентдаги янги ташкил этилган Ўзбекистон Давлат нашриётининг графика бўлимига раҳбарлик лавозимида ишга келди. Икромов Тошкентда қайтгач ўз малакасини оширишга киришиб ўз услуб ва дастхати устида иш бошлади. Миллий санъат анъаналарини ўрганди. Оммабоп мақола ва рисолалар ёзди.

Рассомнинг китоб безаш борасидаги дастлабки ишлари 30-йилларга тўғри келади. Ўрта Осиё китоб безаш ва хаттотлик санъати анъаналари асосида миллий ўзига хос китоб безаш санъати асосларини ярата бошлади. У рус ва совет китоб графикаси анъаналаридан воз кечмаган холда китоб характери ва мазмунига қараб безак танлай бошлади. Н.Сафаровнинг "Унутилмас кунлар" (1932), Ф.Панферовнинг "Бруски." (1932) Я.Бухбанднинг "Кураш" (1933) пьессаси, А. Лохутийнинг "Биз енгамиз" шеърлар тўпламига ишланган асарларида рассом муқова безаги, ҳарфлар конструкцияси характери ва тасвирий элементлари билан китоб мазмунини очишга интилади. Жумладан Н.Сафаровнинг "Унутилмас кунлар" китоби муқовасида ёниб ва вайрон қулаётган уйлар кўриниши, ҳамда тепадан томаётган кон томчилари Ўрта Осиёда 1916 йилда бўлиб ўтган миллий озодлик ҳаракатининг шавқатсизлик билан бостирилганлиги образли талқин этилади.

И.Икромов муковани безашда миллий китоб безаш санъатига мурожаат қилганлиги, нақш ва ёзувлар уйғунлигида бадиий образ яратишга интиланлигида унинг В.А.Успенскининг "Фарход ва Ширин" мусикали драмасига ишланган супермуковада (1937) ҳамда Навоийнинг "Ҳамса", "Лайли ва Мажнун" асарларига (1940) ишланган супермуковада кўринади. Рассом китоб муковасини безашда уйма ва бўртма нақшлар ва тасвирлардан кенг фойдаланади. Бу усул кейинчалик рассом ижодининг муҳим йўналишларидан бирига айланади.

20 - 30 йилларда плакат санъати ижтимоий ҳаётда муҳим ўринни эгаллади. Одамларни маърифатга чорлаш, ижтимоий ҳаётга фаолроқ иштирок этиш, ободончилик, ёшларни билимли бўлишга чақирувчи плакатлар кўплаб ишланди. Рассомлар ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган янгиликларга одрмлар диққатини тортувчи, ўғрилиқ, талончилик, порохўрлик каби иллатларни фош этувчи плакатлар ишладилар. Шу йилларда ўзининг гўзал пластик ечимли плакатлари билан иштирок этган Усто Мўминнинг оригинал плакатлари теварак атрофини ураб олган ҳаётга, муҳитга мурожаат қилди, одамлар, замонавий тип ва кийимлардан илхом олди.

Расм. Усто Мўмин «Хашарга»

Шу реал асосни шоирона талкин этишга интилиб чизик пластикаси, нур соя ва фактура эмоционал имкониятлардан, рангнинг поэтик кучидан унумли фойдаланишга интилди. У яратган ҳар бир плакатига миллий руҳ беришга интилди. Рассом Усто Мўмин «Хашарга» плакатида шарк санъати, энг аввало миниатюра, деворий расм анъаналарини Европа санъати анъаналари билан уйғунликда янги санъат синтезини яратишга интилди. Рассом ишлатган чизиклардаги мусикавийлик, бироз ўзайтирилган холда ишланган одамлар коматининг силуэти рассом асарларининг поэтик томонини белгилашда муҳим рол уйнайди. Усто Мумин плакатлар учун

ёркин буюклар ишлатилмайди, лекин чизик ва нурсояларининг ифодавий имкониятларидан унумли фойдаланиб таъсирли плакатлар яратишга муяссар бўлган. Рассомнинг китоб графикасидаги ишлари кўп эмас. Лекин улар ўзбек китоб графикаси тарихида муҳим ўринни эгаллайди. Рассомнинг шу соҳада ишлаган асарлари графиканинг бошқа турларида, жумладан, плакат, дастгоҳ графикада яратган асарлари сингари ўзининг оригинал композицион ечими, чизиклар пластикасининг гўзаллиги, нур-соя имкониятларидаги нафис ўзгариш ва ўтишлар унинг яратган асарларига алоҳида поэтик куч бахш этади. Унинг Абдулла Кодирийнинг «Обид кетмон» (1935), форс ёзувчиси Мирза Мушфикнинг «Куркинчли Техрон» (Саогиз, 1934) учун ишланган безак ва иллюстрациялари китоб учун танланган коғознинг сифатсизлигига карамай алоҳида бадиий гўзал ва эстетик завқ уйғотади, китоб мазмунини образли тасаввур қилиш имкониятини беради. Масалан, «Обид кетмон» китоби муқовасига баҳорда экиш учун чопиб куйилган ерда катта қилиб тасвирланган кетмон берилган. Бу ерда кетмон китоб қахрамони даҳқон Обиднинг меҳнат қуроли, унинг қучи сифатида рамзий намоён этилса китоб ички бетида эса трактор билан ҳайдалган колхоз ерларини тасвирини кўрсатиш орқали даҳқончиликни кетмондан бошлаб трактор билан ерни ишлаш даражасига кўтарилган, халқнинг яқка тартибда меҳнат қилишидан катта коллектив хўжаликка ўтиш жараёни имтиёзлари образли талкин этилган. Рассом «Кўрқинчли Техрон» китобига ишланган расмлар туш, перо ва муйқалам имкониятларидан фойдаланиб яратган. Рассомнинг дастгоҳ графикадаги асарлари ҳам эътиборга молик улар ўзининг нозик чизиклари билан ва ҳарактерли композицион ечими билан эса қолади. Шу ўринда "Сув ташувчи» (1927) қалам суратини кўриш мумкин. У ўзининг чизик пластикаси образнинг шоирона ечими билан яхши таъсурот қолдирди.

Расм. "Сув ташувчи» (1927)

20-30- йилларнинг бошларида санъатида рангтасвир алоҳида ўринни эгаллайди. Шу йиллардан маҳаллий rassomлар тез тез кўрғазмаларда иштирок этиб янги ўзбек санъатининг замонавий кўринишларини яратдилар.

Портрети. Ақром Сиддиқий(1900-1957) шундай rassomлардан бўлиб миллий ёшлар ичида биринчи бўлиб Москва- Петербург бадиий ҳаётини ҳис этган, у ердаги изланиш ва жараёнларни кузатган , Москвада (1927-1929) бу изланишлар шоҳиди бўлган эди. Янги ҳаёт жараёнларидан таъсирланган бу rassom миллий санъат анъаналари, жаҳон маданияти анъаналари, жумладан рус икона санъатини, Византия маданиятини анъаналарини ўзлаш тирган холда миллий мавзу ва урф-одатлар, ҳаёт янгиликларини ифода этишга ҳаракат қилди. Унинг бу изланиш ва нияти "Тўй" деб номланган асарида ўз ифодасини топди. Расм. "Тўй"

Ҳозирги кунда Самарқанд музейида сақланаётган бу асарида rassom тўй маросимини ўзига хос ҳикоянавилиқда акс эттиради. Композиция марказ атрофида тўй маросининг турли пайтларини акс эттирилади. А.Сиддиқий портрет ва **автопортрет** соҳасида ҳам меҳнат қилди.

30 йиллардан ўзбек портрет санъатининг шаклланиш ва ривожланиш даври бўлди. Бу йилларда миллий портретчилар етишиб чиқа бошлади. Юқорида тилга олган А.Сиддиқий, Ўрол Тансиқбоев кейинроқ Баҳром Ҳамдамий, Латиф Насриддинов, Ш.Хасанова каби маҳаллий rassomлар яратган портретлари билан танилдилар. Шу йилларда автопортрет кенг кўламда ишланди.

20 йилларнинг иккинчи ярми 30 йилларнинг бошларида бадиий ҳаётда фаол иштирок этиб графика ва рангтасвирда ўзига хос асарлари билан кўпчилик диққатини ўзига қаратган, ўз асарлари билан хорижий мамлакатларда кўрғазмада иштирок этишга муяссар бўлган rassomлардан бири Ўрол Тансиқбоев эди. Унинг 1927 йили чизган "Ўзбек портрети" асари Филодельфия (АҚШ,1934), Москвада (1934) да намоиш этилган. Унинг қалам, рангли қалам, гуаш бўёғида чизган расмлари, мойбуёқда бажарган композициялари ўзининг бадиий ечими ва мавзу танлаш билан ажралиб

туради. Охангдор, ёрқин рангли, ўзига хос композициялари («Мовий эшак», " Ўтовда ва бошқалар) рассомнинг шу даврдаги ижодий изланишларини намоёниш этади

Ў.Тансиқбоев портрети. Ўрол Тансиқбоев 1904 йили Тошкент шаҳрида тузилган. 1924 йили Ўзбекистон санъат музейи қошидаги рассомчилик студиясида рус рассоми И.Репин шогирди В.Розонов қулида тасвириёт асосларини эгаллади.

Баҳром Ҳамдамий (1910-43) биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек рангтасвирга кириб келган рассом ва педагоглардан ҳисобланади. Тошкентда таваллуд топган бу рассом шу ерда тасвирий санъат асосларини эгаллаб 30 йилларда ижод борасида тез кўзга кўрина борди. Санъатни тарғиб этиб, тарбия бериш билан шуғуланди. Рассом ҳам шу даврнинг мавзуси чойхонага мурожат қилиб, шу мавзуда замоннинг янгилик ва ғояларини, руҳи ва мазунини ёритишга ҳаракат қилди. Унинг «Қизил чойхона» (1933, асар икки вариантда ишланган бўлиб унинг бир варианты Москва кўрғазмасидан(1934) кейин Шарқ халқлари музейига олинган) асарида кишилар орасидаги муносабат, жамиятдаги ўзгаришлар шу чойхона кўринишини ва унда қизгин бахшлашаётган одамлар, девордаги репродуктор ва портрет орқали, акс эттирилади.

Рассомнинг "Қувончли хабар", "Колхоз" 1933, асарлари ҳам шу кундалик туркумни акс эттиришга қаратилган. Б. Ҳамдамий 30 йилларда индустриал мавзуга ҳам мурожаат қилди, саноат иншоатларини бориб кўрди. Тўқимачилар корхонасини қурилиши 1933 "Лаганстрой қурилишида иш тугади" 1940 ва б. шулар жумласидандир. Б.Ҳамдамий ҳаётга кириб келаётган ҳар бир, янгиликни қувонч билан қабул қилди ва унинг тасвирини ишлаб ўз ҳаяжонини акс эттиришга интилди. Севимли кўшик, Рассом талабалари, «Колхозда мерганлар тугараги», «Чойхонада оқшом» ва б. асарлар шу жўшқин ва ҳаётсеварлик асосида юзага келди.

Расм. Б.Ҳамдамий. Иш тугади.

... Иш тугади. Лекин одамлар уйга шошияишмаяпти. Улар қилинган ишни муҳокама қилиб эртанги кун режасинм белгилашмоқда. Лекин рассом шу оддий ҳаётий лавҳасида янги давр одамларининг янги жамият куриш ишидаги жонбозлигини кўриб улардан қувонди ва бошқаларнинг ҳам шундан шодланишга чақиргандек бўлади.

Бу йилларда маҳаллий ёшлардан Латиф Насриддинов, Ҳаким Раҳимов, Дилбар Абдуллаева, Зарифа Саидносирова, Собир Азимов, Ақром Тошкенбоев бадиий ҳаётда ўз ишлари билан қатнашиб эътиборга тушдилар. 30- йиллардан бошлаб ўзбек санъатида *Абдуллаев Лутфилла (1912-98)* тез-тез кўзга кўрина бошлади. Унинг дастлабки асарлари ўз устозлари П.Беньков, З.Ковалевская, таъсирида шаклланиб борган бўлса ҳам, лекин аста ўзига хос услуб ва мавзуга эга бўлаборди. Унинг 1932 йилдаги "Пахта терими" асарида колхозчилар меҳнاتини тасвирласа, "Велосипед билан мукофотлаш», «Рассом кадрлар тайёрлаш», «Тоғ йўли», «Мутоалаа» каби асарларида ижтимоий ҳаёт янгиликлари акс эттирилади. «Ёш шоир хузурида» (1937) асари 20-30 йиллардаги ёшларнинг санъат ва маърифатга интилувчи фазилатларини мадҳиялашга қаратилган. Расм. Л.Абдуллаев «Ёш шоир хузурида»

Унда ёш шоир ўзи ёзган шеърни стол атрофида ўлтирган дўстларига ўқиб бераётган пайтини танланади. Уй ичи жиҳозлари - стол усти тўла нозу-неъматларни, ёруг ва шинам хона-деворларига ишланган сурат, гулдонга кўйилган гуллар уй эгасининг ҳаётини, гўзаллигини севувчи инсон эканлигини, гўзаллик шайдоси эканлигини кўрсатади.. "Халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмухамедов" портрети (1938) рассомнинг портрет соҳасида ҳам самарали меҳнатидан далолат беради. Ҳақим Раҳимов (1917-43) ижоди 30 йиллар ўрталаридан бошланди. Тошкент бадиий мактабини туратган (1932-36) бу санъаткор турли мавзу ва жанрда ижод қилди.

Лекин қайси мавзуга мурожаат қилмасин, у энг аввало халқ ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳаққоний тасвирлашга, теварак атрофдаги борлик

гўзаллигини ифодалашга интилди (Расм."Роял чалувчи қизча" (1939-41), манзара, мавзули композиция портретлар ишлади."Регистон майдони", 1940, А.Навоий Тўлқинлар орасида" ,1941, «Ўгил бола портрети", 1941 ва б.шулар жумласидандир Унинг "Роял олдидаги қизча" асарида ўзбек хонадонига кириб келаётган янгилик, ёш ўзбек қизчасини рол олдида ўлтириб куй чалаётган ҳолатида ана шу ўзгаришларни фахр билан ифолайди. Х.Рахимов портрет санъатида ўз замондошлари каби автопортретга мурожаат қилди. Ўзининг қиёфасини бирнеча кўринишини ишлади. Уруш йиллари Х.Рахимов Волга бўйидаги жангларда иштирок этди. Шу ерда ҳам у расм чизишда давом этиб каламда ишлаган чизгиларини ўз юртига, дўсти рассом Л.Насриддиновга юбориб турди. "Автоматли автопортрет» каламсурати шулар жумласидандир. Афсуски Х.Рахимов ижод дунёсига шавқ-завқ билан тўлиб турган пайитда бешавқат уруш қурбони бўлди. 1943 йили жангда ҳалок бўлди.

Насриддинов Латиф (1919-42) Тошкент рассомлик мактабининг 1936 йили театр-безак бўлимини тугатган рассомга В.П.Рождественский устозлик қилган .

Рассомлик мактабининг тугатган бу санъаткор ўзбек рассомлари ичида биринчилардан бўлиб натюрморт жанрида иш бошлаган, портрет жанрида ижод қилган . «Нонли натюрморт», “Дераза олдидаги ошқовоқли натюрморт» 30 йиллар охирида ишланган бўлиб унда ижодкорнинг профессионал маҳорати ва эстетик қарашлари ўз ифодасини топган. Рассом турли уй рўзғор буюмлар ва мава сабзовотларнинг рангдор, шаклга бой кўринишини завқ билан тасвирлайди. Шунини таъкидлаш зарурки Рассом ўз тенгқурлари сингари ҳаётда содир бўлаётган янгиликларни қувонч билан қабул қилди ва шуларни тасвирлашга ҳаракат қилди. Насриддинов портрет санъатида ҳам самарали қилиб унинг сирларини чуқур ўрганди,ўз автопортретларин ишлаб инсон психологиясини ўрганишга ҳаракат қилди.Унинг портрет жанридаги асарларида у ўзига яқин ва таниш бўлган кишиларни тасвирлади."Ота портрети" (1938), «Она портрети», «Қизча

портрети» шундай асарлардан. Рассомнинг «Ота портрети» диққатга лоиқ. Ундаи ўз ҳаёлларига чўмган отаси қиёфасини тасвирлаган. Унинг «Ўзбек қизи портрети»да замонавий, янги ҳаётга қадам қўяётган, серзавқ қиз қиёфаси гавдаланади. Л.Насриддинов болаларга атаб ҳам қатор портретлар яратди. «Гул ушлаган бола», «Қизча портрети»ларида рассом болаларга хос характерни уларнинг бегубор боқишида ва эркин туришларида акс эттиради. «Гул ушлаган бола» асарида очик ҳавода тасвирланган қиёфани нур ва рангга бой табиатга қиёслайди. Маълумотларга кўра Л.Насриддинов Ўзбекистоннинг 15 йиллигини нишонлашга тайёргарлик йилларида унга атаб картина яратиш мақсадида қатор эскизлар ишлаб танлов ҳайяти кўригидан ўтган. 1940 йили буюк мутаффақир А.Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик йиллари «Лайли билан Мажнун учрашуви», «Лайли изтироблари», «Лайли ўлими», «Мажнун саҳрода» картинаси учун эскизлар ишлаган ва бу эскизлар танлов ҳайяти томонидан юқори баҳоланган. 1940 йилларнинг бошларида булардан ташқари «Ширин Фарходга хат ёзмақда», картина эскизини ҳамда кундалик республика ҳаётидаги воқеаларга бағишланган «Отиш тўғараги» композициясини ишлаган. Лекин, афсуски унинг бу ғоялари амалга ошмади. Соғлиги ёмонлиги ижодига таъсир ўтказди. У аста ўз мавқидан қайтаборди ва 1942 йили 24 ёшида наслий сил касаллигидан вафот эди. Лекин ундан ёдгорлик бўлиб қолган санокли рассомлик асарлари ўзбек санъатида 30 йилларда истеъдодли санъаткорлар сафи кенг бўлганлигидан далолат беради. Расм Л.Насриддинов. Ота портрети. (1938).

Юқорида кўриб ўтган рассомлардан ташқари 1940 йиллар бошларида Собир Азимов, Дилбар Абдуллаева, Зарифа Саидносирова каби рассом ва рассомалар портрет, манзара ва маиший жанрларда асарлари билан кўрғазмаларда қатнашдилар.

20-30- йилларда Ўзбекистонда туғилиб вояга етган ёки кўчиб келиб шу ерда ижод қила бошлаган рус ва бошқа миллат рассомлари ижодида янги кирралар пайдо бўла. Ёрқин ўзига хос ижодий йўл билан ижодини бошлаган Александр Волков асарнинг ғоявий йўналишига кўпроқ эътибор бера бошлаб, ўз характери жиҳатидан ҳаётга яқин хикоянавис композициялар ярата бошлади. У ўз асарларини тушунарли бўлиши учун детал ва образлар киритила бошлайди. Фотосурат ёки девордаги портретлари, кўлдаги китоб ёки эгнидаги «эскилик» рамзи бўлган чачвон ва бошқа шунга ўхшаш деталлар киритилиши ҳамда тасвирланувчиларнинг ҳатти ҳаракати, мимик ҳолатлари, ишлатаётган буюмлари орқали хал этилади. Рассомнинг 20 йиллар охири 30 йиллар бошларидаги ижоди меҳнат мавзусини ижодининг бош мавзусига айланди. Унинг "Қурилишда" (1930), «Пахта чопиги»(1930), "Йўлсизлик ҳужум" (1931) "Пахта" (триптих, 1931) ва бошқа асарларитушунарли хикоянавис услубида бажарилган. Унинг "Чойхонада" 1928 асари эътиборли. *Бу асарда рассом* тасвирланувчиларнинг дам олиш пайтида ҳам тинч ўтирмай, ўз қуролларини кетмонларини чархлаб созлаб меҳнатга шошилаётганларни ифодалайди. «Талабалар» картинаси ўзбек қизларининг янги ҳаётга кириб келаётганликларини, нур маърифат сари илдамлаб боришлари уларнинг кўлларидаги китоб ва талабалар атрофтда уларга ҳавасбилан қараб турган ёш қизлар ва ғазаб кўзи билан қараб турган руҳоний қарияларни тасвирлаш орқали очиб беради. Расм.«Талабалар»

А.Волковнинг « Йўлсизликка ҳужум» асарида кишиларнинг меҳнати янги йўл ва кўркем бинолар қуриш фаолиятида кўрсатилади. Рассомнинг янги мавзу топиш, замон янгиликларини маҳобатли шакл ва таъсирчан ифодали композицияларда тасвирлашга қилган ҳаракати ва изланишлари 30 йилларда ўзининг самарасини берабошлади. Унинг "Кульмагда" 1931, "Бригада мажбурият олмоқда" 1933, "Илғор бригаданинг далага чиқиши" (1933-34) шундай асарлардандир. Бу асарларда рассом замондоши руҳини, ишчи дехқонларнинг бегараз туйғу ва ишончларини акс эттиради. Асарнинг

кўтаринки колорити, жўшқин композицияси шу туйғуларни ёритишга хизмат қилади. Рассом на фақат қишлоқ ҳаёти билан балки саноат корхоналари, объектлари, ундаги ҳаётга ҳам мурожаат этиб қатор асарлар яратди. Сельмаш, смена 1933, "Чирчик, қурилишида" 1933, ва б. асарларда Ўзбекистонда шаклланиб келаётган саноат корхоналари ҳақида ҳикоя қилади.

Портрет. Беньков Павел Петрович (1879-49)

20-30 йиллар йирик рассом П.Беньков учун ҳам самарали бўлди.

Беньков Қозонда оддий хизматчи оиласида таваллуд топди. Шу ерда Янги ташкил этилган Рассомлик билим юртида тасвирий санъат асосларини эгаллаб кейин Петербург Бадиий академиясининг Олий бадиий билим юртини тугатди(1909). Рассомнинг ижодий шаклланишида машҳур рус рассом ва педагоглари Г.Г. Мясоедов, А.Кардовский ҳамда И.Репинларнинг ўрни катта бўлди. Рассом уларнинг устахоналарида бўлди, насихатларини тинглади. Кейинроқ Парижда бўлиб машҳур Жюльен мактабида малакасини оширди. Кўп хориж мамлакатларида бўлиб у ердаги музей экспозицияларини чуқур ўрганди, Франция, Испания, Германия, Италия шаҳарлари ва бадиий муҳити унинг дунёқарашини шакллантирди. Ижодини 1909 йилдан Қозонда бошлади, шу ерда ўзи ўқиган рассомлик билим юртида дарс берди шу билан бирга ижод билан шуғулланиб манзара, портретлар чизди, Қозон опера театри учун декорациялар ишлади. 1928 йили Беньков биринчи марта Ўзбекистонга келди. Ўлканинг рангдор табиати, шаклларга бой меъморий обидалари, одамларнинг шарқона турмуш тарзи рассомни мафтун қилди. Беньков борлиқни ўзидан катта ўлчамдаги холстларга картиналар ишлашга киришиб кетди. Портрет, маиший-манзара типидagi композицияларини яратди. 1929 йили эса П.Беньков Ўзбекистонга бутунлай кўчиб келди ва умрининг охирига қадар(1949) Самарқандда яшади. Шу ерда Рассомлик билим юртида мураббийлик қилди, портрет, манзара манзара ва тарихиш жанрларда асарлар яратиб ўзбек санъати равнақида ўз изини қолдирди.

Унинг Ўзбекистонга кўчиб келган дастлабки йиллари (1929-32) серрмахсул бўлиб, бу йилларда рассом катта форматли кўп холларда ярим манзара, ярим маиший жанрга хос композициялар яратди. Куёшга чўмган асрий меъморчилик обидалари, сергавжум кўчалари халқ ҳаёти табиат кўйнида ўзига хос колорити билан ажралиб туради. Беньков ўз ижодида классик реализм ва импрессионизм анъаналарига таяниб чуқур реалистик асарлар аниқ миллий борлиқни ,одамлар психологик ҳолатларини очиб бериш билан биргаликда шоирона идрок этиш ва интерпретация қилишга эришди. Бу даврдаги асарларнинг кўпчилиги Бухоро, Хива, Самарканд шаҳар ва унинг атрофидаги ҳаётни акс эттиришга қаратилган. Рассом дастлабки йилларда шовқин ва гавжум бозорларни севиб ишлайди. «Бухородаги усти берк бозор», "Ўзум бозори", "Сабзавот бозори", "Кўча" , "Бухоро бозори" (1929-30 йилларда ишланган) ва бошқа асарларида ҳаёт эркин ва тез ишлатилган куюқ ранг суртмаларида акс эттирилган. Рассом бу йилларда шаҳарнинг гавжум йигилиш жойлари бўлган чойхоналар, м. «Бибахонимдаги чойхона" (1930), Шарқ кўчаларидаги усталар, котиб ва б. ўзига хос меҳнат қилишларини европаликларга хос қизиқиш билан тасвирлайди. М.унинг "Кўча котиби", 1929 ДСМ, асарида котиб олдида ултирган аёл ва эшикдан кўриниб турган кўча тасвирда акс эттиради. Бу асарда рассом рус демократик санъат анъаналарига содиқлиги кўринади. Беньков шарқ кўчасидаги кичик бир лавҳада феодал шаҳарнинг рассом яшаган давр хусусияти жонли талқин этилади. 30 йиллардан П.Беньков замонавий мавзуга алоҳида эътибор берабошлади. Бунга давр талабининг таъсири етарли эди. Ҳаётга кириб келаётган янги урф одатлар, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга жалб этилиши мавзуси рассом ижодидан ўрин олабошлади. " Беньков совет мафқураси, янги замонни тасвирлаш, санъатда долзарб масалаларни кўтариб чиқиш шиорига амал қилиб совет воқелигини акс эттира бошлади. "Хужум" шойи фабрикаси 1931-32. "Регистонда 8 март" 1933, "Хивали ип йигирувчи" 1930 ,Шарқ кўчаси ва б. асарлари шундай руҳда акс эттирилган. Рассом манзара жанрига ҳам мурожат қилди. Бу

мавзуда ҳам ижодкор 30 йиллар ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни азалий табиат кўринишининг инсон фаолияти билан ўзгарб бораётганини акс эттиришга ҳаракат қилади. "Чигирик", "Работ қурилиши" каби асарларида инсон меҳнати, қурилган чигирик, тўғон кўринишларида ифодасини топган. Сув муаммосини примитив ўтмиш кўринишига Янги индустриалашган тўғонлар қурилишини таққослаш орқали кўрсатилади. Табиат манзараларининг улуғвор кўриниши асар эмоционал томонини кўчайтирган. 30 йиллар Беньков идои сермахсул бўлди. Рассом айна шу йилларда ўзининг йирик, композицион тугал асарларини яратишга муяссар бўлди. Булар ичида, "Дугоналар" 1940, композицияси алоҳида ўринни эгаллайди. Икки халқ вакили ўзбек ва рус қизининг учрашувида инсониятнинг орзуси - дўстлик халқларнинг бир-бирига хурмати бадиий ифодасини топган. Асар колорити ҳам ёрқин, бахаво. Албатта, асардаги ҳамма тасвирланган буюм ва образлар бирхил бадиий ечимга эга бўлмаса ҳам, лекии унумли кутаринки руҳи асарга илхомбахш мазмун ато этди.

Ўзбек санъатида самарали ижод қилиб из қолдирган рассом Н.Кашина ижоди ўзбек санъатдаги изланишларни аниқ ифодалайди.

Портрет...Кашина Надежда Васильевна (1896 – 1977).

Пермь(Россия) шаҳрида таваллуд топди. Шу ерда 1917 йили аёллар гимназиясини тугатиб бошланғич синфда ўқувчиларга дарс берди, шу билан бирга шу ерда янги ташкил этилган рассомлик билим юртида ўқишга қатнади. 1921 йили Москвага ВХУТЕМАС (Всесоюзные художественно-технические мастерские – Бутуниттифок бадиий – техникавий устахоналар)га ўқишга кириб дастлаб таниқли рассом Г.В. Федоровда, кейинроқ Р.Р.Фальк устахонасида ўқиди. С.В.Герасимов устахонасида эса қаламтасвир билан шуғулланди. Ўқиш йиллари Кашина Қрим, Сочида ижодий сафарда бўлди, Москва тор кўчаларига махлиё бўлиб уларнинг кўринишларини ишлади. Шу ижодий сафар пайтида йигган материаллари («Қизил майдон», «От пойгаси», «Сув станцияси» ва б.) асосида диплом иши тайёрлаб уни 1927 йили химоя қилди.

Рассом биринчи бор ижодий сафар билан 1928 йили Ўзбекистонга келди. Кейинги йили яна Самарқандда бўлиб шу икки ижодий сафар даврида яратган асарлари билан Москвада кўрғазма ташкил этди. Унинг кўрғазмага қўйилган «Беда», «Шер Дор олдида», «От пойгаси асарлари шу йили Третьяков галереясига сотиб олинди.

Кашинанинг Ўзбекистонда бўлган кезлари дастлабки йилларда яратган асарлари ўлкадан олган таасуротлари асосида яратилган. «Сирдарёдан ўтиш» 1930, «Чақалоқни тақдирини айтиш» (1931) каби асарларида XX аср Европа санъатида мавжуд бўлган примитивизм таъсири экспрессионизм билан уйғунликда ўзига хос янги сирли дунё воқеаларини хис этиш имкониятини берган. Рассом 1930 йили учинчи марта Ўзбекистонга ижодий сафар билан келади. Бу гал у шу ерда қолишга қарор қилади. Самарқанд шахрига жойлашади. Дастлаб Самарқандда, 1932 йилдан эса Тошкентда умрининг охиригача(1978) яшади. Рантасвирнинг турли жанрларида дастгоҳ ва плакат санъатида асарлар яратди.

30 йиллардан Кашина ижодининг янги даври бошланади. У. ҳаёт билан яқиндан танишади, Далварзин чўлларида бўлиб этюд ва қаламтасвирлар ишлайди, шулар асосида бўлажак картиналарнинг эскизларини яратади. Бу даврда яратган асарлари ҳам аввалги йиллардагидек нур ва рангга бой, рассомни аввалгидек нур ва ранг масалалари қизиқтиради. Шулар орқали Ўрта Осиё ҳаётини акс эттиради. «Чойхонада», «Пахта топшириш» каби асарлар шу изланишлари натижаси сифатида пайдо бўлган(Расм.»Пахта топшириш»). 1932 йили Кашина Самарқандда ўзининг шахсий кўرғазмасини ташкил этди. Бу кўрғазманинг муҳокамаси жўшқин ва мунозарали бўлиб мунозара иштирокчилари Кашина ишларига салбий баҳо бериб унинг асарлари ҳаёт ҳақиқатидан узоқ ва ҳаддан ортиқ шакл бузилишларига йўл қўйилганликда айбладилар. Рассомдан расм ишлашда фақат ҳаётнинг ўзига ўхшаш шаклларда ишлаш зарурлигини уқтирдилар. Рассом ижодига бундай салбий баҳо берилиши бежиз эмас эди. 1932 йил қарордан кейин ҳарқандай шакл ва ранг изланишларига чек қўйиш, борлиқни ўзига ўхшаган шаклларда ишлаш талаб этилар эди. Шу ишни амалга оширмаслик сиёсий хато ҳисобланиб ижодкор формализмда айбланиши ва таъқибга учрашиши муқарар эди. Натижада рассом ўз қарашларидан чеккага чиқабошлади. Даврнинг талаби, санъатнинг сиёсатланиши унинг ижодида кўпроқ

натуралистик санъат йўналишини эгаллашга йўналтирабошлайди. Рассом воқеликни аниқ шаклларда тасвирлаш , борлиқни ўзига ўхшаш ва аниқ воқеаларни тасвирни ишлашга ўтабошлайди. Шу ўринда унинг автомобил пойгасига бағишланган асари ҳарактерли. 1932-33 йилларда яратган «Москва Қорақум Москва автопойгаси» асарида автопойга қатнашчиларининг қорақум чўлларидан ўтиш пайтидаги қийинчиликлари реал шаклларда ,фотографик аниқликда тасвирланиб ҳикоя қялинади. 1932 йили Кашина Тошкентга кўчиб ўтди ва умрининг охирига қадар шу ерда яшаб ижод қилди. Эндиликда рассом ҳар бир асар яратиш учун йиллаб материаллар тўплади, кишлоқларга чиқиб ўша ерда оилаб, йиллаб яшаб яшаб эскизлар чизди. Ана шу борасидаги ҳаракати «Москва Қорақум Москва автопойгаси» асарида, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаракатига бағишланган қатор асарларида, уруш мавзусидаги композицияларида ҳам ўз ифодасини топди. Шу ўринда унинг автомобил пойгасига бағишланган асари ҳарактерли. 1932-33 йилларда яратган «Москва Қорақум Москва автопойгаси» асарида автопойга қатнашчиларининг қорақум чўлларидан ўтиш пайтидаги қийинчиликлари реал шаклларда ,фотографик аниқликда тасвирланиб ҳикоя қялинади. «Хотин-қизлар колхозда катта куч»(1936), «Меҳнат ҳуқуқи», «Таълим олиш ҳуқуқи», «Дам олиш ҳуқуқи» триптихи(1937-38) шу зайилда бажарилган.

20-30 йиллар ўзбек санъатида из қолдирган рассомлардан яна бири бу Зинаида МИХАЙЛОВНА Кавалевская эди. 1930 йил Ўзбекистон Илмий техника институти томонидан этнографик ишга таклиф этилган. Шу йилдан бошлаб Ковалевская Самарқанд шаҳрида умрининг охирига қадар(1978)яшади, Самарқанд рассомлик билим юртида дарс берган. Портрет, маиший ва натюрморт жанрларида ижод қилган.

Кавалевская (1902, Вольск ш. Россия – Самарқанд. Рангтасвир устаси, Козон рассомлик билим юртида (1922-27) П.Беньков Н.Фешин кўлида ўқиган «Совун заводи» (1927) номли диплом иши Татаристон давлат музейига қабул қилинган. Татаристонда АХРР бўлими аъзоси. 1926 й. Урал, Сибирь, Красноярскда бўлиб ижодий сафарда маиший жанрда композициялар ишлаган. («Олтин эритиш», «Кир ювувчи татар хотин», «Болалар боғчаси»).

Рассомнинг дастлабки асарлари самарқанд шаҳри ва атрофидаги манзараларга бағишланганни. У катта ҳажмли палотноларда шу кўринишларни акс эттиради 30 йиллар ўртасидан Кавалевская ҳам мавзули композициялар ишлашга катта эътибор берабошлади.

«Ложада», "Велосипед пойгасида ғолиби" (1937) каби асарларида ўзбек хотин-қизларнинг кундалик маданий ва оммавий ҳаётидаги фаол иштироки тараннум этилган. 30 йилларда рассомлар ижоди янги қирралар билан бойиб борди. Деталлар соддалиги ва аниқлиги, силуэтнинг ифодавийлиги, чизик ва ранг ритмининг жиддийлиги уларнинг асарларига ўзига хос жозиба беради. Рассомнинг шу йилларда яратган асарида қизиққан ёшларнинг орзу-истак ва хиссий кечинмалари ифодаланади. Театр соҳасини эслатувчи асарларида ташқи тантанаворлик сезилади. лекин асарлар ўзининг нур ва рангга бойлиги, пластик ечимининг ифодавийлиги билан эса қолди.

. Ўз ижодини 20 йилларда бошлаган Тошкент бадиий техникумининг талабаси Николай Қорахон эътиқод билан янги давр ни куйлашга киришди. «Ўроқчилар қайтишмоқда»(1927), «Батрак ташвиқодчи»(1929), «Сувчи»(1929), «Қишлоқ совети кенгашмоқда»(1930), «Йўл қурилмоқда»(1932) каби асарларида шу давр мафқураси яққол сезилиб туради.

портрет...Қарахан Николай Георгиевич(1900-70) Тоғли Қорбоғда бўёқчи оиласида туғулди. Унинг ота онаси Ўзбекистонга инқилоб арафасида кўчиб келган эди. Қорахон шу ерда, ерда1918-1921 йиллари Туркистон ўлка бадиий мактабида С.Юдин, А.Исуповлар қўлида тасвирий санъат аосларини эгаллади. У ўзининг деярли 50 йиллик ижодий фаолияти давомида рангтасвирнинг турли жанрларида асарлар яратган бўлса ҳам лекин манзарачи рассом сифатида шухрат қозонди.

20-30-йиллар ўзбек маҳобатли рангтасвир, кино-театр декорацияси пайдо бўлабошлади.Жумладан 1926 йили биринчи ўзбек мусиқа театри вужудга келди. У ерда биринчи марта опера қўйилиб(Фарҳод ва

Ширин, Лайли ва Мажнун, Гулсара) унинг биринчи декорациялари ишланди. Шу йили биринчи ўзбек киноси намоиш этилди (Бахт қуёши, (1926), Иккинчи хотин (1927), Америкали қиз Боғдодда (1930), Кўтарилиш, Авлиё қизи (Харикиси 1931). Бу кинолар учун декорацияни тошкентлик рассом Челли бажарди.

Челли Борис Владимирович (1889-19..) *Тошкентда тузилган. Москва рассомлик билим юртини 1910 тугатгач рассом бўлиб ишлади ва 20 йиллардан кино декорациялари ишлаган.*

Кино-театр безак санъатида 30 йиллардан Х. Икромов ва, Ш. Шорахимов ижоди бошланди.

20-30 йиллар ўзбек ҳайкалтарошлигининг тикланиш йиллари бўлди. Бу тикланиш дастлаб ташқаридан келган ижодкорлар ҳисоби билан бошланди. Ўзбекистонда дастлабки ҳайкалтарошлар гуруҳи шакллана бошлади. Улар ўзбек санъатида дастлабки маҳобатли ва дастгоҳ ҳайкалларнинг муаллифларига айландилар. Улар ёғочда, бронзада, гипсда ва битонда ҳайкаллар ишладилар, кўп фигурали композициялар яратдилар. Албатта бу ҳайкалларнинг кўпчилиги бадиий ечими бўш, арзон материалдан ишланган, асосий қисми эса давр мафкураси билан боғлиқлигини эътироф этиш зарур.

Бу давр маҳобатли ҳайкалтарошлиги бевосита шу йиллар қурилиши билан боғлиқ. Шундай композициялардан бири Тошкентдаги Педагогика



университети биноси олд томони учун 1939-40 йили яратилган "Меҳнат" ва "Фан" монументал композиция ҳисобланади. Сунъий кўтаринкилик, важоҳат, қаҳрамонлик ва дунёдан ажралиб узоқларга нигоҳ ташланган гигант ҳайкалларида давр руҳи ўз ифодасини топди.

О.Коржинская.

Бу ҳайкал муаллифи О.Коржинская бўлиб унинг шу йиллардаги ижоди кенг ва рангбаранг. Фавворалар учун эскизлар ишлади, портрет ва жанрли композициялар яратди.

Коржинская Ольга Сергеевна (1900-1976) Петербургда туғилган, шу ерда дастлаб Рассомларни рағбатлантириш жамияти мактаби, сўнг Петербург Олий бадиий техника институтини тугатган . 1920 йилдан Ўзбекистонда яшаб ижод қилди. О.Коржинскаянинг ижоди кенг ва рангбаранг. Фавворалар учун эскизлар ишлаган, портрет ва жанрли композициялар яратган.

30 йилларда Тошкентда шаҳар лоиҳалаш институти қошида ташкил этилган ҳайкалтарошлик устахонаси ҳам шаҳар ва қишлоқлар учун турли мавзуда композициялар ишлади. Бу ҳайкалларнинг кўпчилиги асосан Москва, Петербург ҳайкалтарошлар ишлаган композициядан кучирма эди холос. Шулар асосида гипсдан монументал-декоратив ҳайкалларни ишлаб республика шаҳар ва қишлоқларига тарқатди. Кўча, майдон ва хиёбонлар гипсдан ишланган "Раққоса", "Спортчи" "Парашютчи", "Муסיқачи", "Колхозчи", "Тракторчи", "Матрос" ва шунга ўхшаш ҳайкаллар билан тўлиб борди. Хатто шундай ҳайкаллар хонадонларга ҳам кириб борди. Самарқанда 1929-31 йилларда ташкил этилган "Тасвирий санъат фабрикаси" (ИЗО фабрика) ҳайкаллар ишлаш учун шароит яратди. Бу ташкилот хужаликлар буюртмаси асосида ҳайкаллар ишладилар.

Шу даврда яшаб ижод этган ҳайкалтарошлар шундай «буюртмаларни бажариш билан бирга мустақил ижод намуналарини ҳам яратдилар. Шу йилларда ижод қилган ҳайкалтарошлар Я.Кучис, Н.Кудрявцева, Я.Страздин, Г.Мануйловалар даврнинг «намунали» асарларини яратдилар.

Масалан Г.Мануйлованинг "Икки колхозчи , катта Фарғона канали учун ишланган "Ракс"композициялари(ҳайкалтарош Г.Мануйлова) шу таъсир натижаси бўлиб, унда акс эттирилган одамлар кўриниши Европа ва Осиё типлари омухтаси сифатида идрок этилиши ҳам шундадир.

Мануйлова Ольга Максимовна 1893 йили Нижний Тагилда туғилган. 1912 йили Мюнхенда ҳайкалтарошлар Хоффертер ва Швегерле устахонасида ўқиган, 1917 йили Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик билим юртини тугутган. 1907-23, 1937-38 йилларда Тошкентда яшаган. Унинг "Доирачи", Эркак портрети (ҳар иккиси 1938 йили ишланган) каби асарлари маълум.

Москвадаги қишлоқ хужалиги ютуқлари кўрғазмаси ўзбек пайльони учун ишланган ҳайкал муаллиф Я.Кучис эди.

Кучис Ян Казимирович 1895-1975 Литвада тугулган. 1927 йили Россия Бадий Академиясини тугатди. 1929-48 й. Ўзбекистонда яшаб ижод этган. "Бори Шукуров портрети", "Урол Тансикбоев портрети" маълум.

40-50- йилларда Ўзбекистон санъати

Иккинчи жаҳон уруши(1939-1945) фожиа ва даҳшатлари Ўзбекистонга ҳам етиб келди. Албатта Ўзбекистон урушдан анча йироқда эди, лекин унинг минглаб ўғил қизлари шу жанга тортилди ва кўплари қурбон бўлди. Лекин уруш Ўзбекистонда бошланган янги бадий ҳаётни тўхта олмади. олий ўқув юртларида ўқиш давом эттирилди, янгилари очилди факультет ва бўлимлар ташкил этилди, жумладан Тошкент давлат университет қошида санъатшунослик бўлим ташкил этилди. Шу йилларда илмий тадқиқод ишлари, археологик экспедиция фаолияти кенгайтирилди. Варахша, Афрасиёбда археологик ишлар олиб борилди.

Уруш йилларида миллий тарихий мавзуларда халқ яратган қаҳрамонлар образида озуқа олиб асар яратдилар. Кино санъатида Алишер Навоий, Насриддин афанди, Тохир ва Зухра каби фильмлар суратга олинди, тасвирий санъатда А.Навоий портрети ва ҳайкаллари яратилди, рангтасвир ва графика санъатида миллий қаҳрамонлар Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик Гўрўғли, Авазбек, Алпомиш, Рустамхонлар образларига мурожат қилинди

Меъморчилик. Давр тақозоси билан Ўрта Осиёга, жумладан Ўзбекистонга собиқ Иттифоқнинг Европа қисмидаги бир қанча йирик саноат корхоналари кўчирилиб келтирилиши бу ерда ҳам йирик саноат корхоналари пайдо бўлди. Ҳарбий мақсадлар учун зарур бўлган янги корхоналар қурилди. Бекабоддаги металл ишлаш корхонаси, Тошкентда кабел заводи қурилиб ишга тушди. Фарход ГЭСи электр энергияси билан таъминлай бошлади.

Меъморликда янги технология кенг йўлга қўйила бошланди, маҳаллий цемент ишлаб чиқариш, метални қайта ишлаш, алебастр, ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши шу давр меъморлиги қиёфасига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Меъморий маданий бинолар юзага келди. А.Навоий катта опера ва балет театри лоиҳаси устидаги ишлар давом эттирилди. Муқимий номидаги мусиқали драма театри қурилиб ишга туширилди. у 1943 йили қуриб тугатилди.

Расм. Муқимий номидаги мусиқали драма театри 1943 йил. Меъмор Д.Ҳазанов.

Тасвирий санъат. Уруш йиллари плакат санъати етакчи ўринни эгаллади. Бу санъатда нафқат график рассомлар балки санъатнинг бошқа турида ижод қилган санъаткорлар ҳам фаол иштирок эта бошладилар. Ўзбек рассомлар плакатчи бирлашмалари тузилди. Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси 21 июнь 1941 йилда бўлган тезкор кенгашида эса сўнги хабарлари асосида тезкорлик билан оператив плакатлар чиқариб туриш ҳақида қарор қабул қилинди. 1941 йил сентябрь ойида ЎзТАГ (Ўзбекистон телеграф агентлиги)

ойнаси дастлаб Тошкентда кейинроқ унинг филиаллари Самарқанд, Бухоро, Фарғонада ҳам ташкил этилди. Кенг халқ оммасм учун мўлжалланган тезкорлик билан ишаланган ва трафарет услуби ҳамда нурлантириш асосида кўпайтирилган плакатларда сўнги янгиликларни, бўлаётган энг муҳим воқеаларни акс эттириш шу ташкил этилган уюшманинг вазифасига айланди. Бу плакатлар шаҳар ва қишлоқларнинг энг гавжум жойларида намоиш қилинди. ЎзТАГ ойнаси плакатлари услуб жиҳатидан ҳам рангбаранг. Рассомлар плакатчиликда реалистик формалар билан бирга турли шартли рамзий образлардан фойдаланадилар, ранг, шакл эмоционал имкониятларга муурожаат қиладилар. Шартли аллегорик образларда ўз фикрларини ифодалашга ҳаркат қиладилар. Қахрамонликни куйловчи, жарангдор сиёсий плакатлар билан бирга сатирик плакатларда шу фазилатлар кўринади.

Ватанни химояси долзарб масалалардан бирига айланди. Ватан химоясига халқни даъват қилиш, одамларнинг ижтимоий ҳаётда фаол бўлиш ва бутун куч қудратни душманни енгишга қаратишдек ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган плакатлар шу йиларда муҳим ўринни эгаллади. Жумладан , Баҳром Ҳамдамийнинг "Омон бориб омон қайт" шундай дастлабки плакатлардандир.

Расм. "Омон бориб омон қайт"

Плакатда ўғлининг белига белбоғ боғлаётган ота ва мағрур ўғил кўрсатилган. Ватан туйғусини ошириш ўтмиш жасоратига содиқ бўлишга даъват кўпгина асарлар рассомлар мазмунини ташкил этди. Рассом Б.Жуковнинг "Ватан учун! Рустам, Равшанбек, Авазхонларнинг жасорати сизларга ҳамроҳ, бўлсин!" плакат фонидида йирик қилиб халқ қахрамонларининг жасорати акс эттирилган тасвир, биринчи планда эса ўзбек жангчисининг жанга мардона кириб бораётгани тасвирланади. Н.Кашинанинг "Юрт жангчини чақиради фронтга», сен дугона, ишлашга бор заводи!" плакати ҳам ўзига хос. Унда қўлига милтиқ олиб ғарбга йўл олган йигит ва қўлига болга олиб заводга кетаётган камбинзонли қиз тасвирида урушга жунаётган ишлаб йигитлар ўрнини қизлар эгаллаб завод ва

фабрикаларда меҳнат қилганликлари талқин этилади. В.Рождественскийнинг Ҳамид Олимжонинг шеърига ишланган плакатлари, кишилар фаоллигини оширишга қаратилган. Айниқса, ўзбек хотин-қизларининг ижтимоий ҳаёт ва меҳнатда янада фаол иштирок этишларига даъват этувчи плакатлар кўпгина рассомлар ижодида ўз ифодасини топди. .

Бу плакатларнинг асосий қисми реалистик услубда ишланган. Сўз ва тасвир уйғунлиги, ифода воситаларининг таъсирчанлигини ошириш ранг, шакл ва фактура имкониятларидан фойдаланиш масаласи рассомлар эътиборида бўлди. Шу билан бирга уруш йилларида яратилган плакатларда турли рамзий образларда ҳам фойдаланиш, салбий образлар ишлашганда базан аллегорик образларга ҳам мурожаат қилиш ҳолларини кўрамиз. В.Кайдаловнинг "Душманни аявсиз тормор этайлик"! (1941) плакатида душман қўллари қонга беланган ваҳший образида, В.Рождественскийнинг "Душман аёвсиз. Ҳаво ҳимоя мудофаасига тайёр бўл!" плакатида эса бошига душман каскасини кийган скелети катта бомбани кўтариб ташламоқчи бўлиб турган ҳолати тасвирланган. Плакатни аллегорик ва рамзий образларда ечиш, айниқса, сатирик плакатларда кучли бўлди. ЎзТАГ учун кўплаб сатири плакатлар ишланди. Рождественскийнинг плакатида эмаклаб келаётган чаённинг думини қилич қирқиб ташлаётгани кўрсатилади. Чаённинг тана қисми танкка ўхшатилиб унинг боши ўрнида фашист каскасини кийиб олган улакка калла суяк тасвирланган.

Китоб графикаси. Уруш йилларида китоб графикаси бирмунча сусайиб ҳажм жиҳатидан катта бўлмаган китоб ва рисоаларда рассом меҳнати ўз ифодасини топди. Китоб графикада ишлаган расмлар характери жиҳатидан плкатга яқинлашиб кетади. Рассомлар китоб муқовасига эътибор бердилар. Ҳарф, рамзий белги ва образлар, ранг имкониятларидан фойдаланиб давр руҳига лойиқ китоб беаги яратдилар. Кўпгина китоблар юмшоқ муқовали қилиб иллюстрацияларсиз нашр этилди. Иллюстрациялик китобларда эса реалистик услуб етакчи ўринни эгаллайди. Рассомлар аввалгидек китобнинг энг кульминацион жойларига расм ишлаш ва иллюстрация ғоясини очишда

қўл, гавда, мимик ҳаракатлардан фойдаланиш, воқеани реал муҳитда акс эттиришга интиладилар. Шу йилларда бевосита кузатиш ёки натурадан ишланган суратлар асосида иллюстрациялар яратишга интилиш фазилатлари ишланган иллюстрацияларга давр руҳи киритган. Айниқса жанг воқеалари акс эттиришга бағишланган расмларда шу услуб қўл келиб уларни ишончли ва ҳаётий кўринишига хизмат қилди. 40-йиллардан Искандар Икромов ижоднинг камолат чуққиларига кўтарила бошлади. Миллий ўзига хос китоб безак ва иллюстрациялар яратди. Рассом миллий китоб безатиш санъати анъаналари ҳамда янги давр китоб графикасининг изланишларидан ижодий фойдаланиб ўзига хос оригинал асарлар яратишга муяссар бўлди. Шу ўринда унинг Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" китобига ишлаган муқоваси (1941) характерли.

Расм...

Рассом миллий китоб муқовалаш санъати анъаналарига содиқ ҳолда асар яратди. Бу асарида ёзув ва миллий нақшлар асосида ўзига хос муқова яратилган. И.Лежневнинг "Гитлер ҳақида афсона" китоби учун ишланган ёзув, чизик ва томаётган қон тасвири орқали китоб мазмуни очилади. Икромов бу йилларда табиат кўриниши ва гуллаётган дарахт шоҳлари унсурларини ўзбек нақши билан қўшиб композициялар ишлайди. Кўпинча кўк ранг асарлари колоритини ташкил этади. . Мушельнинг "Сафара" романига (1941), Ю.Фортунетовнинг "Баҳор кунлари" (1943) қўшиғи учун ишлаган безак ва иллюстрациялари ўзининг шоирона бадиий ечими билан эса қолади. Жумладан, "Сафара" учун танланган миллий нақш ва баҳор гуллари тасвири уйғунликда романнинг оптимистик руҳини намоён этади.

Уруш йиллари табиат, Ватан мавзуси кўпгина санъаткорларни ўзига жалб этди. Бу бежиз эмас. Табиат, Ватан тасвири акс этган манзараларни Ватанидан узоқ юртларда жанг қилаётган жангчилар севинч ва соғиниш ёшлари билан қарши олдилар. Шунини чуқур хис этган рассомлар ўз асарларида, китоб безаги ва иллюстрацияларда табиат кўринишларини шоирона талқин этдилар. Гуллаётган дарахт шоҳлари, бепаён кир ва

далалар, осмон ўпар тоғу, шошқин дарёлар рассомлар ижодидан кенг ўринни эгаллади. Зафар Диёрнинг "Муборак" (1941) "Бизнинг оила" (1942), Болалар учун ёзилган "Арча" китобларида шундай безак ва иллюстрациялар ўрин олган.

Уруш йиллари Уста Мўмин (А.Николаев) яратган «XIX» аср охири XX аср бошларида Тошкент халқ миллий кийимлари» (1943) альбоми суратлар бевосита натурадан ишланган. Уларда кичик ёшдан кариягача, кизу-жувонларнинг либослари, бош кийимлари тасвирланган. Документал аниқликда ишланган бу суратларда кийимларнинг мазмуни, «хужайин» ва «фуқаро» кийимларининг характери, тикилиши ёритилади. Суратларнинг кўпчилигига ўзининг енгил ёкимли ечими, чизик ва фактура гўзаллиги билан яхши таасурот колдиради.

Дастгоҳ графика. 30 йилларда мустақил жанр даражасига кўтарилган бошлаган дастгоҳ графика уруш йиллари ўзининг янги қирраларини намоён этди. Унинг мавзуси жанг воқеалари билан янада бойиди. Уруш йилларидаги дастгоҳ графикасини икки йўналишга ажратиш мумкин. Биринчи йўналиш бу мамлакат ичкарасидаги меҳнат fronti, унинг қахрамонлари портретлари бўлса, иккинчиси фронт чизигида, бевосита жанг бўлаётган ерларда натурадан ишланган сурат ва шулар асосида яратилган композициялардир. Лекин ҳар икки йўналишга хос хусусият бу бевосита натурани кузатиш, ўрганиш асосида композиция яратиш тамойиллари етакчилик қилади. Лекин рассомлар шу реалистик санъат принципларига содиқ қолганлари холда давр мазмунини, одамлар интилиши ва руҳини тўлақонли акс эттира оладиган асарлар яратишга ҳаракат қилдилар. Уруш йиллари фронт ичида қолган рассомлар халқ қурилишларида бўлдилар. Кишлоқ ва шаҳарда бўлаётган воқеаларни кўзатиб суратлар чиздилар, илғорлар портретини ишладилар. Буларнинг кўпчилик қисми кўрғазмаларда намоёиш этилди, кейинчалик бу суратларнинг кўпгина қисми "Ўзбекистон рассомларининг "Улуғ Ватан уруши" (1945) альбомида ўз ўрнини эгаллади. Кам нусхада нашр этилган бу альбомда Ўзбекистонда яшаб ижод этган рассомларнинг автолитографиялари

киритилган. Альбом суратлари мавзуси кенг. Унда тематик композициялар билан бирга уруш йилларидаги бевосита борлиқдан ишланган. илғор зиёли аа ишчиларнинг портретлари мавжуд. Уруш йиллари ўзбек дастгоҳ графикасини фронт ичидаги воқеаларни акс эттирувчи суратларсиз тассаввур қилиш қийин.

Урушда бўлган рассомлар эса ўз ижодларини тўхтатмадилар. У ердан кўплаб натурадан ишланган чизги ва сурат лавҳалари ишлаб она юртларига юбориб турдилар, урушдан қайтганларида ўзлари билан олиб келдилар. Шундай қилиб ўзбек санъатида уруш мавзусида асарлар пайдо бўлди. Вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар кўриниши, дўстлари ва қуролдошлари портретлари, ҳарбий техника суратлари уларнинг чизгиларида ўз ифодасини топди. Рассомлар урушдан кейинги йилларда шу тўплаган материалларига асосланиб "Жонажон ерларига қайтиш" график асарлар туркумини яратдилар, суратлар чиздилар, эскизлар ишладилар.

Рангтасвир. Уруш йиллари ўзбек рангтасвири жанг мавзусидаги асарлар билан бойиди. Рассомлар эндиликда миллий қаҳрамонлар образига мурожат қилдилар. Миллий тарихда биринчи бор Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди жасоратини акс эттирувчи композициялар пайдо бўлди.

Уруш мавзусидаги асарлар на фақат ҳаёлдан балки бевосита жанг бўлган жойларда ишланган асарлар билан ҳам бойиди. Ўзбекистонли рассомлар жанг чизиғи яқинида бўлиб урушда вайрон бўлган манзараларни кўриб ўзидан расмлар ишладилар. **Жумладан, ўзбекистонлик рассомлар Рождественский, Б.Жуков, М.Аринин, Ў.Тансиқбоев уруш бўлиб ўтган жойларда бўлиб у ерлардан расм чизиб қайтдилар. Шулар асосида кейинчалик уруш мавзусида асарлар яратдилар.** Жумладан У.Тансиқбоев 1942 йили Москва оstonаларига Ўзбекистонли делегатлар билан бориб жанг бўлиб ўтган майдонларини ўз кўзи билан кўрди, жангчилар билан суҳбатда бўлди, бевосита жанг бўлган жойларда расмлар ишлади. Ўзбекистонга қайтгач чизилган этюдлар, олган таасуротлар асосида «Уруш йилларида» деб номланган асарлар туркумини яратди. Бу туркум 15

полотнодан иборат бўлиб уларнинг ҳаммаси бир бири билан ўзвий боғлиқ. «Озод этилган ерларда», «Душман изи», «Ҳаво жанги» каби асарларида рассом душманни вайронагарчилик келтирувчи офат, унинг пой қадами етган ерлар қабрстон, култепага айланишини кўрсатади. «Озод этилган ерларда» асарида кишиларнинг келажакка ишонишларини куйлайди, бунёдкорликка бўлган зўр иштиёқи қаламга олинган. *Расм. У. Тансиқбоев «Озод этилган ерларда»*

Уруш йилларида майиший жанрда ишланган асарларда фронт ортида бўлаётган воқеалар ўз аксини топган. Уларда рассомлар воқеликни, бўлаётган воқеаларни шарҳловчи репертёр сифатида ифодалашга мойиллик кучли. Юз бераётган давр воқеаси сифатида кишиларнинг кундалик турмуши, уларнинг меҳнат майдонидаги жасорати шу йилларда яратилган майиший жанрдаги асарларнинг мазмуини ташкил этидаи.

Ўз ижоди билан 30 йилларда танилган Л. Абдуллаевнинг уруш йилларидаги ижоди сермахсул. Шу йилларда у "Кузатиш. 1941», «Қизил армия сафига". 1942, «Агитатор Шимолий Тошкент каналида" 1943 каби асарлари билан кўргазмаларда иштирок этди. Бу асарларда ҳикоянавислик, плакатсимон чакириқ руҳи мавжуд бўлса ҳам лекин давр руҳи ўз ифодасини топган ва далилий хужжат сифатида эътиборга лойиқ.

Уруш йилларида ижтимоий ҳаёт, одамларнинг меҳнати ва турмуш тарзи, уларнинг ҳис туёғулари рангасвирда ўзининг ифодасини топди. Рассомлар қурилишларда бўлиб у ердаги ҳаёт билан яқиндан танишдилар, шулар асосида расмлар ишладилар, жасоратли кишиларнинг портретлар, колхозчилар ҳаётига бағишланган композициялар яратдилар. Жумладан М.Новиков, Р.Тимуров канал қурилиши ҳақидаги асарлари, Н.Караханнинг пахта чопиғи, бўғдой йиғимига бағишланган асарлари шу даврнинг махсулидир. П.Беньков нинг бу йилларда яратган асарлари мунгли ўйчанлик ҳукм суради. Асар колоритида бўғиқ кумиш ранг гаммаси етакчилик қилади. "Ўтмиш" 1944, "Кўзги ҳовли" 1944 каби асарларида психологиясида ўзгаришларни, давр руҳининг ундаги аксин

кўрамиз. **Расм. П.Беньков."Ўтмиш" 1944,** Беньковнинг 40 йиллар ўрталаридан яратган асарларида аста яна кувонч туйғулари ўз ўринини эгаллаб борди. Баҳорнинг ёрқин куёши, баҳорнинг нозик яшил майсаси асарларига шу руҳни киритаборди. "Яна она Ватан-да" 1944, асарининг ёрқин колорити шу янги ўзгаришлар натижаси эди.

Уруш йиллари манзара, натюрморт жанрларида ҳам давр руҳи ўз ифодасини топди. Рождественскийнинг «Биринчи май кўчаси.1941 йил». Расм. асаридаги экспрессив ёзув даврнинг драматик ҳолатини очишга қаратилган бўлса. В.Уфимцев натюрмортларида ҳарбий қурол давр ҳолати ва мазмунини ёритишга хизмат қилади.

Расм.«Биринчи май кўчаси.1941 йил».

Урушдан кейинги йиллар асар яратиш тамойиллари уруш йиллари ҳикоянавислик услубини давомидида ўз аксини топди. санъатнинг ғоявий томони социалистик реализм асосини ташкил этди ва ҳикоянавис, биродарлик анъаналари руҳида ишланган асарлар етакчи ўринни эгаллади. Бу хусусият тасвирий санъатнинг ҳамма тур ва жанрда мавжуд бўлса ҳам, лекин маиший жанрда сезиларли эди.

Урушдан кейинги йиллар ўзбек санъатининг дастлабки ютуқ ва изланишлари портрет ва манзара жанрида пайдо бўлди. Санъаткорларнинг ҳаётга, одамларга бўлган ҳурмат ва эътибори, шахсий кечинмалари шу жанрдаги асарларда ўз ифодасини топди. *Шу йилларда А.Волков, П.Беньков, Н.Кашина, З.М.Ковалевская тўлақонли, чуқур мулоҳазали, пластик ечими эътиборли асарларни яратдилар.* Шу йилларда тарихий шахслар портретда асарларни яратишга эътибор ортиди. Шу йиллардан портрет санъатида маҳаллий рассомлар фаол ижод қилиб уни янги ғоявий пластик мазмун билан бойитдилар. Шундай рассомлардан бири Шамсирўй Хасанова (1917--53) 1940 йиллардан бошлаб тарихий портретга мурожаат қилабошлади. Унинг Зебунисо-бегим, шоира Нодирабегим, Шоира Увайсий, Мутрабо портрети ва б. унинг композицион тузилиши, колоритининг гўзаллиги ва

чизик пластикасининг ифодалилиги билан ажралиб туради. Айниқса кашкарли шоира Мутрабо портрети ўзининг шафтоли гулидек нозик, биллурдек тиниқ ранги, чизикларининг мусиқавийлиги билан ажралиб туради шу даврда ишланган ишлар орасида ажралиб туради. бу асарида Ш.Хасанова шарқ миниатюра ва маҳобатли деворий рассомлик санъати анъаналарини европа реалистик санъати анъаналарини уйғунлаштиришга интилиб ўзига хос янги пластик ечимга эришган.

Рангли расм. Мутрабо портрети

Инсоннинг манавий бой оламидан хайратланиш.....

Портрет. **Абдуллаев Абдулҳақ.....** Аброр Хидоятлов, Ойбек, ва б. портретларида ўз ифодасини топди. Бу йилларда портрет санъатида

М.Набиев Беруний портрети...

Монументал санъат ривожланиш босқичига ўтди. Ч.Ахмаров ижодидаунинг илк намунаси яратилди. Меъморлик санъати ютуқлари Ш.Чусев, А.Бобахонов, М.Булатов ва б. етук асарларида намоён бўлди.

50-йиллар санъати

50 йиллар замонавий ўзбек санъатининг янги даврга қтиши учун дастлабки қамал тошини қўйилиши даври бўлди. Бу йилларда рассомлар ўз изланишларини ниҳоясига етказиб янги босқичга қадам қўя бошладилар. Энг тмухими рассомлар профессионал жиҳатидан ўсиб ижод самарасини хис эта бошлаган бўлсалар иккинчи томонда шу йилларда академик таълим олиб қайтган санъаткорларнинг катта гуруҳини кириб келиши бўлди.....

50 йилларнинг иккинчи ярмидан.....

В.Фадеев самарали ижод қилди. илиқ юмор ва тасвирланувчини меҳр билан тасвирланган жанрли портретларини яратди. Улари ўзининг ишланиши ва асарларининг мазмундорлиги

билан ажралиб туради. Рассом тасвирланувчининг руҳий ҳолатини юксак маҳорат билан кўрсатади. «Дурадгор портрети», 1954, "Зулин бува портрети 1958", "Коровул аёл" асарлари илиқ юмор билан сузгорилган. Кўлида милтиқ ушлаган ҳолда теваракка сергак боқиб, омонат тахлаб қўйилган яшиқлар устида ўтиришида, енгил меҳр ва юмор сингдирилган. У ҳозиргина чой ҳўплаб, ўз ўй ҳаёли билан банд бўлиб ўтиргану, эътиборини ён томонда бирор нарса чалғитгандек, шунинг учун у ўша томонга диққат билан тикилиб қолган. Образ композицион ечимининг табиийлиги ва ҳаётийлиги, ишланиш маҳоратининг юксаклиги асарга бетакрор руҳ киритган ва уни таъсирчанлигини оширган.

Манзара шу йилларга келиб унинг ўзига хос томонлари намоён бўлабошлади. Рассомлар бошқа жанр вақлларида аввалроқ шу санъатда ўзларининг интим лирик кайфиятларини ,хиссий кечинмаларини ифодалай бошладилар Шундай ютуқлар О.Татевосян, А.Волков, М.Новиков Тансиқбоев,Қорахон,Р.Тимуров, А.Розиқов каби ижодкорлар асарларда кўрина бошлади ва мукамалликка эришди. .

Тансиқбоев урушдан кейинги дастлабки йилларда кўпроқ колхоз ҳаётига боғишланган асарлар яратди. “Тоғдаги колхоз” 1949, “Пешин. Овқат пайти “ 1949, «Гуруч экадига колхозда» 1949., асарларида ҳаётий воқеаларга кенг ўрин берилган. 40 –йиллар охри 50- йитлларнинг бошларидан рассом ижодида манзара жанри етакчи ўринга чиқа бошлади. Унинг «Вўза суғориш», «Взбекистонда баҳор», каби асарларда ҳаётий воқеаларга кенг ўрин берилган бўлса ҳам лекин асар ғоявий мазмунини табиат кўриниши ўз устига олади. Рассом бу асарларида табиатнинг эрталабки жонланиши пайтини маҳорат билан тасвирлайди. Бу даврдан бошлаб рассом ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган муҳим воқеа ва ходисаларни ҳам манзара жанрида акс эттиришга, она юрт образини яратишга ҳаракат қила бошлайди ва бу борада ютуқларни

кўлга киритиб манзара рассомчилигида таниқли ижодкорлардан бирига айланди. Лиро-эпик планда манзарлар ишлайдиган рассом сифатида танилади. Тансиқбоев 1951 йилда яратган «Жонажон ўлка» асарида Ўзбекистон гўзаллигини, унда тинч, яратувчилик иштиёқи билан меҳнат қилаётган ҳаётини кўрсатади. Асарнинг ёрқин колорити, нур ва ҳавога тўла композиция ва энг муҳими воқеликни янги талқин этиши асарга алоҳида жазиба киритади. Рассомнинг «Жонажон ўлка» асари манзара рассомчилигида юртнинг бадий образини яратиш борасидаги ҳаракатининг дастлабки босқичи бўлди. Бу асар шу давр санъатида мавжуд бўлган ҳикоянависликдан холи эмас. Хаддан ташқари майда деталларга эътибор берганлиги, асар колоритида яхлитлик этишмаслиги кўзга ташланса ҳам, лекин ўша йиллар ўзбек манзара жанри учун катта ютуқ эди. Шу даврдан бошлаб унинг мавзуси янада кенгайиб боради. Ўрта Осиё манзаралари, унинг боғу роғларининг гўзаллиги рассом асарларида ўз аксини топа бошлайди. «Иссиқ кўлда оқшом», «Тоғдаги яйлов», «Тоғда куз» ва б. 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб рассом асарларида ранг, асар колорити аввалгиларга қараганда ёрқинлашиб асар таъсир кучини ошириб борди. 50 – йиллардан Ўзбекистонда ва умуман Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида катта қурилиш ишлари олиб борилди, йирик иншоотлар барпо этилди, асрлар бўйи қақраб ётган чўлларга сув чиқарилди, янги шаҳарлар барпо этилди. Рассом ижодида инсон меҳнати билан ўзгарб бораётган табиат кўринишлари ўз ифодасини топди. Рассом индустриал манзара борасида меҳнат қилар экан шу борада яратилган ютуқларни умумлаштирган ҳолда янги ерларни ўзлаштириш мавзусига мурожат қилади. 1957 йили яратган «Қайроққум ГЭСида тонг» асари индустриал манзарада яратилган энг яхши асарлардан ҳисобланади. Унда кишиларнинг меҳнати билан яратилаётган тўғон орқали янги кўриқ ерларни ўзлаштираётгани, сув чиқараётган халқнинг жасоратини кўрсатади. Асарнинг муҳим томони шундаки рассом индустриал объект кўринишини ишлаш билан

чегараланмай тасвирланаётган объектдан гўзаллик топишга интилади. Ўринли топилган композиция ва нозик ранг тизими асарга алоҳида жозиба беради. Улар саҳар пайтидаги енгил шабадаси завқини киши қалбига олиб киради. Тансиқбоевнинг «Қайроққум ГЭСида тонг» асари Халқаро кўргазмаларда кўмиш ва бронза медаллари билан тақдирланди.

Н.Корохон ижодида образ яратиш, ҳикоянавислик кўчайди. «Жонажон ўлка»(1948) «Қадирдон даллалар» примитив санъат таъсири кучли. **Расм.Н.Корохон «Жонажон ўлка»(1948)**

50-йиллардан бошлаб тоғ манзарараси етакчи ўринга шу борада ўзининг етук асарларини яратиб манзарачи сафатида танилди. «Тоғда оқшом» (), «Гуллаётган водий»(), «Олтин кўз »(1961), «Тоғда кўз» (), «Олтин симфония» (1962) йил ва бошқалар.),

Расм. «Олтин кўз »(1961)

Тимуровнинг урушдан кейинги йилларида яратган асарлари кўпроқ Самарқандга бағишланган. Унинг гулга ўралган ажойиб табиати, шу табиат кўйнида сукут сақлаб ётган ноёб обидалари, ўз юмушлари билан банд одамлар бу йилларда яратган асарларининг мазмунини ташкил этади. Рассомнинг манзарачиликдаги маҳорати ҳам ўсади. У табиатнинг турли пайтдаги ҳолатлари-бўлутли кунларнинг нам ҳавоси, борлиқни ҳаракатга келтирадиган шамол қудрати, уйғониб келаётган табиатнинг ўзига хос томонларини усталик билан очиб беради. “Самарқанд боғлари” (1951, ДСМ), “Булутли кун” (1951, Бухоро ўлкани ўрганиш музейи). Аста рассом лирик кайфиятни бериш ҳаёт тўрисидаги фалсафий ўй дунёқараш ларини лирик талқин этувчи лирик манзара устасига айланиб борди. Унинг “Улуғбек мадрасаси. “Баҳор” (1957), Бибиҳоним майдони олдида», “Самарқанд” (1958.ДСМ) каби асарларда кўриш мумкин.

Р.Тимуровнинг «Самарқанд» номли асарини таҳлил қилинг.

Ашраф Розиков рассомлик маҳорати урушдан кейинги йилларда очилди. Бу йиллардан бошлаб манзара жанрида фаол ижод қилиб ўз

характери жиҳатдан сюжетли манзараларга ўхшаш этюдлар ишлади. Гул ва яшилга бой ўзбек ҳовлилари унинг қатор асарларининг мазмунини ташкил этди. Бу расмларнинг ишлашда устози П.П Беньковнинг таъсири сезиларлидир. Гап шундаки , марказий Осиёнинг табиати , шакл ва рангларга бой меморчилик обидалари доим гуллаш ва ривожланишда бўлган табиати П.П.Беньков учун битмас - уганмас ижод манбаидир. Шунинг учун у табиат қўйнида бўлиб унинг қайтарилмас шу жозибаларнинг ўз асарларида акс эттиришга шошилади. Розиковлар ҳовлиси Беньков учун, ижодий изланишлари учун маъқул бўлгандан, шу ерда бир қанча вақт расм ишлашга сабаб бўлди. Беньковнинг бу ердаги меҳнати расмом Розиковга таъсир этмай қолмади, у ўз устози ёнида туриб, расмлар ишлади. Ана шу йилларда Розиков ижодида ўзбек ҳовлиси туркумида қатор композициялар вужудга келди. Булар ичида ўзбек ҳовлиси , Ҳовли , Беньков этюд ишламоқда, каби асарлар яратди . Шунингдек шу даврдан бошлаб Самарқанд обидалари , унинг нур ва кўёшга тўла серфайз кўчалари ва майдонлари расмом асарларида ўз аксини топа бошлади. Розиковнинг Ҳовличалари да сўзсиз Беньков таъсири сезилади ,бу ҳол мавзу танлашида эркин ранг сурмаларининг дадил ишлатишида кўзга ташланади. Расмом ранг нисбатларини, нозик хис қилади , рангнинг бой психологик имкониятлардан усталик билан фойдаланиши асарларига алоҳида жозиба беради. Урушдан кейинги йиллар манзарачи расмом М.Новиков учун ҳам самарали бўлди. «Кўз»1950, «Баҳор»1953, «Анхор бўйида»1953, «Янги Тошкент» асарлар туркуми, «Ҳукмат уйи», А.Навоий ёдгорлиги олдида», «Пайафзалчилар фабрикаси» ва б. расмом манзарада севимли шаҳри Тошкент сўлим боғлари, меъморий обидаларини меҳр билан тасвирлайди. Майин ранг тизими асарларига алоҳида мазмун бахш этиб лирик туйғулар билан бойитади.

..... **5 май.2008** *Бу йилларда манзара жанрида*
Ган Павел Викторович *реалистик санъат йўналишида, кўпроқ*

биродарлик анъаналарида ҳикоянавис сюжетли композициялар ва манзара жанрига оид асарлар яратган. Рассом ижодида Бўстонлик манзаралари, Тошкент атрофи манзаралари кенг ўринни эгаллайди «Чимён этакларида. Оқшом», «Тог оқшоми», «Шоли ўрими», «Мироб»(1960) шулар жумласидан. Булардан ташқари рассом урушдан кейинги йилларда янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги махсулотларини кўпайтиришга қаратилган плакатнамо, чақириқ руҳидаги асарларни ҳам яратиб давр талабига жавоб беришга ҳаракат қилди. "Тракторлар учунт ёқизли"1947, "Далалар хўжайини"1950, "Янги ерда", 1953, "Тракторчиларнинг тушлиги"1954, "Чирчиқдаги йирик панел заводи",1957 ва бошқаларда рассомнинг маҳорати намоён бўлади. Мухими шундаки, унинг асарларидаги ташқи ҳикоянавислик табиат кўриниши ва ҳолатини ранглар тизими ва чуқур ҳиссий туйғулар билан ечиши асарларига алоҳида куч бахш этади. Табиат ва инсон ўзаро қўшилиб ягона шоирона дунёни яратади. Жумладан унинг "Дала хўжайини" асарида юксак маҳорат билан ишланган баҳор манзараси миробнинг кўтаринки руҳи ва шодлигини ёритиб қолмай таомашабинга ҳам шу кайфиятни беради., унинг лирик кайфиятини кўтаради. Рассом ижодининг шу томонлари унинг "Жўшқин май", "Қаргалар учиб кетмоқда" асарларини яққол кўринади

40-50 йилларда Аринин Чепраков, Боғодухов, Шполянский, Шевяков манзара жанрида самарали ижод қилдилар. Натюрморт Ковалевская, Кашина, Уфимцев, Ш. Хасанова, Татевосян Колибанов

Урушдан кейинги йилларда маҳобатли рангтасвир санъати ўзининг ривожини топди. Миллий ўзига хос маҳобатли санъат таркиб топди. Бу хусусият Чингиз Ахмаров ижодида намоён бўлди. Унинг Алишер Навоий номидаги катта театр деворий расмларида шу изланишлар яққол кўзга ташланади.

Ахмаров

Чингиз

Габдурахманович

(1912.18.08. Челябинск.(Россия)-1995.13.05. (Тошкент) маҳобатли рангтасвир устаси, санъатшунослик номзоди, ўзбек миллий мусаввирлик мактабининг асосчиларидан бири, Ўзбекистон халқ рассоми(1964).1930 йили Пермьдаги(Россия)бадий билим юртини тугатгач Қарши шахрига ота онаси олдига қайтиб келган. Шу йили Ахмаровлар оиласи Самарқандга кўчиб ўтган. Рассомнинг ижодий фаолияти шу ерда бошланди. У рангтасвир ва графикада асарлар яратди, «Муштум», «Машъала» журналларига расмлар ишлади, китоб иллюстрацияси билан шуғулланди,(масалан, Ш. Сулаймоннинг «Ле Чу» китобига(1934) расмлар ишлаган). Дастгоҳ санъат яратган портретларидан «Акам портрети», «Қиз портрети», «Бола портрети» маълум. 1935-42 йиллари Москва бадий институтини тугатди. 2-жаҳон уруши йилларида ижодий фаолият билан шуғулланиб ватанпарварлик руҳида ишланган рангтасвир асарларини намоиш этди. «Ўзбекистон қиличи» триптихи(1942) шундай асарлардан. Уруш йиллари булардан ташқари А.Навоий опера ва балет театр фойеси учун деворий расм эскизларини яратди(1944-1947). 1947 йили Москва бадий институтининг аспирантурасини санъатшунослик номзоди йўналишида тугатди. Ч.Ахмаров ижоди давомида шарқ санъати, айниқса миниатюра ва деворий расм анъаналарини чуқур ўрганиб миллий санъат яратишга интилди. Уларнинг нафислиги, мусиқавийлиги ва майин чизиқлар ўйини, ясси декоратив ранг тизими рассомга илхом бахш этди. Бу изланишлар театр учун Навоийнинг «Ҳамса» асари асосида деворий расм эскизларини(1944-1947) ишлаш пайтида меёрига етиб борди. Шу фазилат кейинги ижодий изланишларининг асосини ташкил этди. Рассомнинг урушдан кейинги йиллар санъати кенг қиррали. Юқорида кўриб ўтган маҳобатли рангтасвир билан бирга бу йилларда портретлар ишлади(М. Турғунбоева портрети), «Р.Тимуров портрети», маиший мавзуларда композициялар(«Бухороча рақс», «Хоразмча рақс», «Хуш келибсиз» ва б.)яратди. Китоб графикасида Ойбекнинг «Навоий» романига(1951),ўзбек халқ достонларидан «Равшан»га иллюстрациялар чизди, М.Шайхзоданинг «Улуғбек фожиаси», спектакли,

«Улуғбек юлдузи», «Икки дил достони фильмлари учун декорациялари ишлади. Ч.Ахмаров қайси соҳада ижод қилмасин, лекин маҳобатли рангасвир ижодида белгиловчи бўлиб қолди. У ... «ер усти қурилмалари ва ер ости қасрларига расмлар ишлади...»(Ч.Ахмаров сўзидан). Ўзбекистон ва ундан ташқарида кўплаб деворий расмлар ишлади. Жумладан 1959 йили Қозон опера ва балет театри, 1960-70 йилларда Тошкентда Навоий номидаги Адабиёт музейи, «Беруний номидаги Шарқшунослик институти», Санъатшунослик илмий текшириш институти, Самарқанддаги Улуғбек меъмориал музейи, «Юлдуз» ресторани учун деворий расмлар ишлади Тошкент метрополитени Навоий бекати паннолари эскизларини яратди, Чинни ишлаш корхонаси лаганлари ва вазалари учун эскизлар чизди. Ч.Ахмаров Ўзбекистондан ташқари Москва метро бекати, Сочидаги «Ўзбекистон» ресторани учун эскизлар яратган. 80-90 йилларда рассом маиший , батал, тарихий жанрларда ҳам қатор асарлар яратди.Мустақилликдан кейинги йилларда Темур, Биби хоним ва Баязидга бағишланган асарлари ишлади «Темур ва Биби хоним», « Темур ва Баязид», «Темур ва дарвиш» ва б. Ч.Ахмаров қаламсурат устаси. Унинг қаламда ишланга кўплаб чизгилари бугунги кунда Ўзбекистондан ташқари Қозонда,шахсий галереяларда сақланади.

Урушдан кейинги йилларда Театр безак санъати жонланди ва давр изланишлари билан бирхил изланишда бўлди. Бу изланишлар Гвоздиков М.А.. Х. Икромов,Т.Шомухиддинов,М. Мусаев ,Вальденберг ва Ушаков,Рифтин,Меленин, Рифтин ижодида ўз ифодасини топди.

Гвоздиков Михайил Адрионович Полтаво , Укра ина 1880- 1954, Тошкент 30 йилларда Ўзбекистонга келган рассом бутун умри давомида Тошкент театрларида театр безагини ишлади . У биринчи ўзбек операсининг Бўрон учун безак ишлади бошлаб кейинчалик рус ва ҳарбий европа классиклар асарларнинг сахналаштирган кўринишларининг безакларининг ишлади . Князь Игор ь Борис Фордунов ва бошқа спектакллар безагининг муаллифи сифатида танилган.

Урушдан кейинги йилларди графика санъати ривожланишида Тошкентда полиграфия базасини кучайтирилиши ҳамда адабиёт ва санъат нашриётини ташкил этиши муҳим бўлди. Нашриёт атрофида истеъдодли рассомлар тўпланаборди. Тасвирий санъатнинг бошқа турларида ижод қилган рассомлар ҳам нашриёт ишига жалб этилди Бу иш урушдан кейинги китоб графикасини услуб рангбаранглиги ортишига хизмат қилди. Ижодкорларнинг ижодий методлари даврнинг муҳим ва ҳарактерли бадиий йўналишини юзага келтирди, Урушдан кейинги йилларда графика санъатида санъатнинг бошқа турларида бўлгани каби ҳикоянавислик тамойиллари кучли эди. Графикасида қора аиварел ёки гуашда, баъзан кўмир ва совусда бажарилган иллюстрацияларбу йилларда кенг ўринни эгаллади. Рассомлар иллюстрация ишлаганларида буюмлар ҳажмли, фазовий кенглик масалаларига эътибор бердилар, уларнинг туслаиши, фазовий перспектива масалалари ҳам рассомлар назоратидан чеккада қолмади. Бундай иллюстрациялар одатда бир бетга мўлжжаланиб ишланган бўлиб тасвирлар майда унсурлари билан кўрсатилар эди. Китобдаги барча иллюстрациялар ўзаро бири билан боғлиқ ечилиб улар ўқувчи кўз ўнгидан китоб зоясяни тасаввур этишига қаратилган эди. Бунда маълум салбий томонлар ҳам бор. Китобнинг поэтик руҳи, кишига берадиган эмоционал хиссм эмоционал томонининг бирмунча сусайиши, ўз пайтида мунақидлар томонидан эътироф этилган эди. Шунинг учун ҳам урушдан кейинги йилларда яратилган иллюстрация расм ишлашда бадиий асарнинг фақат сюжсетини эмас балки унинг ўзига хос поэтик томонини хис этиш, унинг ўқувчига берадиган хиссий таассурат кучини тушуниши ва уни тасвирий санъат тилида шоирона талқин этиш муҳим эди. Шу йўналишида ижод қилган рассомлар эса эамонга мос асарлар яратиш имкониятига эришдилар. графиклари ўз ижодларида ўтмиш анъаналарига мурожаат қилдилар, анъанавий миниатюра ва деворий расм ишлаш санъати, халқ декоратив санъати анъаналаридан фойдаланиб асар яратишга ҳаракат

қилдилар, илғор демократик санъат анъаналари, биринчи галда рус реалистик иллюстрация ишлаш услуби анъаналарига мурожаат қилган холда иллюстрациялар ишлашга ҳаракат қилдилар. *И.Икромов илгариги асарларига хос ортиқча безаклардан воз кечиб ўз фикрини катъий ва аниқ образларда, таъсирчан ифодали безак элементларидан фойдаланиб тугал ва мукаммал китоб ечимини яратишига муяссар бўлди. Нақш ва рамзий шакллар ҳарф композициялар билан уйғунликда ўзига хос асарлар яратди. Бу хусусият унинг классик ва замонавий ёзувчи, шоирлар асарларига ишланган безакларда ўз ифодасини топди. У наққошлик санъатидан китоб безаши санъатида унумли фойдаланиб ранг ва чизиклар ритминини, тасвирий элементларни уларга бўйсиндирди. Айни шу йилларда безаган қалин муқовали китоблар бетига И.Икромов муаллифларнинг бўртма тасвир-портретларини киритабошлади. Қаттиқ босиш асосида муқовасида ҳосил бўлган рельефлар китоб образига ўзига хослик киритиб бошиқа рассом ишларидан ажратиб турди. Ёзувчи Ойбекнинг "Қуёш қўшиғи" (1955) ҳамда сайланма асарининг тўртинчи томи қалин муқоваси юзасига муаллифнинг ён томонидан кўринишининг бўртма тасвири берилган. Алишер Навоийнинг "Фарход ва Ширин" асари янги наишини безашида Икромов кўк-мовий ранг, олтин хал ҳамда кулранг гаммаоли уйғунлигига асарга миллий руҳ бахш этиб унинг қадимий меъморчилик ёдгорликларининг эслатувчи туйғулар уйғотди. И.Икромов ижоди кўпгина рассомлар ижодига самарали таъсир кўрсатди. Левицкий, Ошейко, Кайдалов И.Икромов бошлаган услубдан таъсирланиб янги ўзига хос миллий санъат йўналишига кириб кела бошладилар.*

И.Икромов шогирдларидан бири Р.Левицкий Абдурахмон Жомийнинг мусиқа ҳақидаги рисоласи китоби безашида ўринли топилган формат, ранги ва нақшлар уйғунлиги ҳамда китоб учун танланган нисбат яхлит композиция ташкил этиб китобни кўримли ва гўзал бўлишини таъминлаган. Унинг "Хинд эртаклари" (1956) китоби безаши

ҳам наққошлик услуб етакчилик қилади. Ошейко, Соколов китоб графикасида шу йилларда меҳнат қилиб қатор китоблани беади.

Урушдан кейинги йилларда ишланган иллюстрацияда кўтаринкилик, тантанаворлик руҳи ҳукм сурди. Бу хусусият китоб муқовасининг бадиий ишланишида, унинг фактурасида, танланган ҳарф ва ранглар ҳарактерида намоён бўлди. Бу йилларда ишланган китобнинг фақат ташқи беагига эътибор берилибгина қолмай балки унинг ички мазмунига, унинг образли ичимда иллюстрацияларининг ролига алоҳида эътибор берилди. Китобларга Концовка, заставка, ҳарф гарнитурини ҳарактери ҳисобга олинди, ишланган иллюстрацияларда дастгоҳ графикасига хос фазилатлар ҳам кенг кўлланилади.

Рассомлар бадиий адабиётга иллюстрация ишлаганларида иложини борича китобда бўлаётган муҳим воқеа, унинг муҳитини, ҳарактерли деталларини аниқ ва атрофлича баён этишига эътибор бердилар. Урушдан кейинги йилларда болалар адабиётига беақ берилиши, иллюстрациялар ишлаши, болалар ва укувчиларга мўлжаллаб ўқув-методик кўлланимлар китоб газета журнал графикасининг кенг кўламда ривожланишига ва қатор рассомлар гуруҳини жалб этилишига олиб келди. Рассомлар болалар адабиётига ишланган иллюстрация ва китоб беақини санъатини намуналари билан кўрғазмаларда фаол иштирок эта бошладилар, конкурсларда қатнашдилар. Жумладан, С.Марфин "Алифбе" китобини(1949) беақини ва м иллюстрациялар. Хинд тили" (1950) дарслигини учун ишланган китоб макети, муқова беақини ҳамда иллюстрациялари кенг жамоатчиликка манзур бўлди. Марфин фақат болалар адабиётига расм чизиши, беақини санъатини билан шуғулланиши билан бирга бадиий адабиётларга ҳам иллюстрациялар ишлади, уларнинг беақини билан шуғулланди. Садриддин Айнийнинг "Эски мактаб" китобига иллюстрациялари ўзининг профессионал маҳоратини билан ишланиши ва китоб руҳини сатирик планда образли талқин этилиши билан эса қолади. Китобнинг муқовасини қисмида эски мактаб

кўрсатилган бўлиб рассом серзарда домла ва кўрқа-писа ўлтирган ўқувчиларни бир-бирига таққослаш орқали унинг ҳарактерини ёритади.

Урушдан кейинги йилларда дастгоҳ графикада манзара жанри салмоқли ўринни эгаллади. Акварель, гуашь ва аралаш техникада қалам, тушь ва кўмир қаламда ишланган асарларда янги даврнинг зоявий-эстетик қарашларини акс эттирабошладилар. Литография яна жонланабошлади. Офорт ва линогравюрада асарлар пайдо бўлабошлади. Манзара жанрида яратилган асарларда шаҳар, меморлик ва индустриал мотивлар етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбек ҳайкалтарошлигининг янги босқичи урушдан кейинги йилларга тўғри келади. Портрет жанри композицияларида ҳаётий асарлар яратилди, портретларда руҳий ҳолатни акс этиришга интилиш сезиларли бўлди.

Иванов Алексей Николаевич яратган асарлари бирмунча жонли ва ҳаётий. Санъаткорнинг Тошкентда Биродарлик қабристонини учун ишланган Ҳамид Олимжон ёдгорлиги шоир сиймосини кўтаринки, бирмунча романтик руҳда, жўшқин ҳолатда тасвирланса, А.Навоий катта академик театр фойеси учун ишланган Навоий ҳайкали, жанрли реалистик санъатнинг анъаналарида нозик дид билан ишланган. Мукаррама Тургунбоева ҳайкалида раққосанинг рақс оғушидаги ҳолатини ишонарли талкин этган.

Гришченко Филипп Ивановичнинг(1925-85) илк ижоди ёғочда портретлар ишлаш билан бошлаган. Унинг М.Улуғбек, Пушкин, ишчи Сотболдиев портретлари шу даврда яратилган. Лекин Гришченко жанрли композициялари билан танилди. Унинг "Хунарманд" 1950, "Дурадгор», "Қушлар дўсти" 1954 «Ёш дурадгорлар», «Шаҳарликлар пахта теримида(1982) каби асарларида воқелик лаҳзалари бадиий ифодаланади. Гришченко Тошкент Беньков номли рассомлик билим

юртида ўқитувчи бўлиб ишлади. мураббий сифатида шогирдлар тарбиялаб вояга етказди. Унинг устахонасида М. Мусбоев, Х.Хусниддинхужаев, Д.Рўзибоев, К.Салохиддинов, А.Тоиров ва бошқа реалистик санъат асосларини эгаллаган ҳайкалтарошлар етишиб чиқди.

50- йиллар иккинчи ярми 60 йилларнинг бошларида ўзбек санъати Урушдан кейинги йилларда бошланган санъатдаги жонланиш жараёни 50- йилларнинг иккинчи ярми -60 йиллардан бошлаб янги пағонага кўтарилди. Даврнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар янги демократик қарашлар шабадаси мустаҳкамланди. Бу даврда рангтасвир, графика, ҳайкалтарошликда пластик масалалар тез-тез кўтарила бошлади. Меъморликда ва амалий-безак санъатига янги технологияларнинг кириб келиши санъатнинг тур ва жанрларини янада кенгайтди, унинг янги кўринишлари пайдо бўлди, ёки қайта тикланабошланди. Ўзбек санъатида академик профессионал санъат ривожланди . 50 йилларнинг ўрталари – 60 йиллардан санъатда касбий маҳоратнинг ошиши, яратилган асарларда қуруқ кўчириш, баландпарвозлик ўрнига сокин, кундалик ҳаётни тўлақонли кўрсатиш хусусияти кучайиб борди. Бу бадиий жараёнларнинг қизғин тус олишида 1954 йил Тошкентдаги Театр ва рассомчилик институтининг Рассомлик факультети очилиши ҳам муҳим бўлди. Шу йилларда университет ва институтлар қошида Бадиий графика факультетларини ташкил этилиши, республика шаҳар ва вилоятларда тасвирий санъат ўқитувчилари тайёрлайдиган билим юртларининг очилиши республикада маданий ҳаётнинг жонлантириб юборди. Санъат ихлосмандларининг сафи кенгайди. Бу йилларда санъат тарихи ва назариясини тадқиқ этиш масаласи, археологик ишларни кенгайиши Санъатшунослик илмий тадқиқод ишларини ҳам ҳам жонланиб тадқиқод ишлари кенгайтди. Санъат борасида китоб ва мақолалар чиқа бошлади,

археологик ишлар натижалар бериб қадимги ва ўрта асрлар санъатини ўрганиш борасида самарали фаолият бошланди. Монументал рангтасвиринг витраж, мозайка, сграфитто турлари ҳаётга кириб келди. Бадиий шиша, гобелен, фарфор майда пластика санъати ривожланиб борди. Санъатда пластик масалалар олдинга чиқабошлади риторика, декоратив дабдабазлик ўрнини чуқур лиризм билан сугорилган асарлар эгаллайбошлади. Яратилган сиймолар табиий ҳолда ортиқча безак ва унсурларсиз ишлатишга эътибор ортди. Энг муҳими импрессионистик дунёқараш, борлиққа муносабат билдириш ва таасуротларига таяниш расмий санъат, шу даврнинг ҳукумрон услуби социалистик реализм тақибидан чиқишга қилинган дастлабки ҳаракатлардан бўлди. Бу хусусиятни Кашина нурга тўла асарларида, Ў.Тансиқбоев, Н.Корахон, Р.Тимуровларнинг лирик манзараларида, А.Абдуллаевнинг психологик портретларида, рангга бой Г.Улько асарларида кўриш мумкин. Бу хусусиятни айниқса шу йилларда санъат оламига кириб келган унинг янги авлодлари вакиллари Р. Ахмедов, М.Саидов, Н.Қўзибоев, Т.Оганесов, Ю.Елизаров ижодида сезиларли бўлди.

50- йилларнинг иккпинчи ярмидан ҳайкалтарошлиқдаги жонланиш ва пластик янгиланиш ҳаракати сезилди. Шу йиллардан бошлаб бу санъатга маҳаллий санъаткорлар кириб келди. 1933-35 йиллар Самарқанддаги рассомлик билим юртида ўқиган Кримская Нина Константиновна (1917) 50 йиллар охиридан бадиий ҳаётда фаол иштирок эта бошлади. Тинчлик, ғалаба мавзуларида бирмунча плакатнамо жанрли композициялари билан кўргазмаларда иштирок этди. Намангандаги Чорток дам олиш зонаси учун "Бола кўтарган врач", "Раққоса», "Узумли аёл" каби композицияларни ўрнатди. Чинни заводида майда ҳайкалчалар ишлади. Унинг шу йилларда ишлаган ўзбек аёлларига майда ҳайкалчалари фарфорда бежирим бажарилган. Хореография билим юрти бинноси ташқи девори учун ишланган раққосалар бўртма тасвири ҳайкалтарошнинг етук асарларидан ҳисобланади. Унда санъаткор классик ҳайкалтарошлиқнинг яхши

анъаналарида ижод қилиб пластик жиҳатидан тугал, ҳаракатга бой бўртма тасвир намунасини яратди. **Расм. Раққосалар.**

50 йиллар охиридан бадиий ҳаётда фаол иштирок этабошлади Мусабоев Мухтор Набиевич (1929) шу йилларда "Чўпон", "Мироб», «Рубобча" каби жанрли композициялари билан танила бошлади. Бўртма тасвир (рельефда) композициялар ишлади. 60- йилларда «Мирзо Улурбек" ёдгорлиги танловида иштирок этиб унинг иккинчи совринига сазовор бўлди (биринчи соврин ҳеч кимга берилмаган). Шу асар бугунги кунда Самарқандда Мирзо Улурбек расадхонаси олдига ўрнатилган. **Расм Мирзо Улуғбек ҳайкали.**

Ахмедов Рахим (1921-2008 Тошкент июл) Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Эрта ота онасидан етим қолган Р.Ахмедов болалар уйида тарбияланиб шу ерда тасвирий санъат билан шуғуллана бошлади, Кейинроқ Тошкент бадиий рассомлик билим юртида 1937 – 41-йилларда ўқиб Хикмат Рахмонов ва Малик Набиевлар қўлида малакасини оширди. Уруш йиллари Шимолий Кавказ фронтида харбий хизматда бўлди .У ерда рассом тарғибий ишларда қатнашиб кўплаб портретлар ишлади,ўз махоратини ошириш борди. Уруш тугаб Тошкентга қайтгач ўз махоратини оширишни давом эттирди ва1947 йили Ленинградга(ҳозирги Петербургда) И.Репин номидаги Рассомлик,ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтига ўқишга юборилди. Бу ерда И.А.Серебрянный, А.А. Мильников, Ю.Н.Непринцев каби етук рус рассомлари қўлида ўқиб «Халқ хофизи» номли диплом иши билан 1953 йили институтни тугатди. **Расм «Халқ хофизи»диплом ишининг сюжети, иллюстрацияси тахлили**

Тошкентга қайтган рассом ўз нинг илк ижоди реалистик санъат анъаналари, аввало биродарлик анъаналарига содиқ холда асарлар яратиш билан бошлади. Ўйчан, мулохазали, ҳаётни аччиқ-чучуклигини топган шахслар унинг асарларида ўз аксини топа борди.Р.Ахмедов илк асарларида ўқиш пайтида олган, ўзлаштирган билимларини намойиш этиш билан бирга аста асарларида индивидуал ўзига хослик пайдо бўлабошлаганлиги назарга туша бошлади.Бу хол рассомнинг ранг танлаши,асар композицион ечимининг ва образ характерининг очилишида эди. Яратилган ҳарбир

асарида унинг хис туйғалари, борлиққа бўлган муносабатининг ифодалашга интилиши шу изланишларда муҳим эди. *Ижтимоий гоё ва давр мавкурасидан фарқли ўлароқ ижодкорнинг борлиққа муносабатини ифодалашга интилиши кейинги ишларида янада ривожланиб борди. Бу хусусиятни унинг ўқишининг тугатгандан кейин мустақил ҳолда яратилган асарларни кузатганда яққол сезиш мумкин.* Илк асарларида академия тамойиллар етакчи ўринни эгаллайди. Уларда хис туйғулардан кўра ақл, мантикий фикр юритишга мойиллик кучлилиқ қилади, хикоянавислиқ унинг асарларининг кўп сўзлигида кўзга ташланади. 1954 йили яратган «Биринчи маош» картинаси шу ўринда эътиборга лойиқ. Асар композицион тузулиши рус демократик санъати анъаналарида, энг аввало биродарлик композиция тузиш тамойилларида асосида социалистик реализм методи руҳида яратилган. Асар сюжети содда. Унда ўзбек ишчиси оиласида содир бўлган воқеа, ишчи фарзандининг биринчи маош олган куни қаламга олинган Асарда тасвирланган образлар жонли, хатти ҳаракатлари табиийлиги, уларни нг шу пайтдаги кечинмалари мохирона ишланган...

«Биринчи маош» 1953 иллюстрацияси ва тахлили **“Дала шипонида”** асари ҳам юқоридаги услубда хикоянавислиқда ишланган. **Расм...**

Р.Ахмедов ижодий йўли унинг педагогик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Рассом ўқишни тағатгач Тошкентдаги Театр ва рассомчилик институтининг (Ҳозирги миллий рассомлик ва дизайн институти) Рассомлик бўлимида талабаларга сабоқ бериб ёз ойларида Тошкентнинг сўлим Бурч мулла, Хумсон, Оқтошда дала амалиётини олиб бориш жараёнида у табиатни чуқурроқ хис эта бошлади. Ишлаган композицияларида инсон ва табиат уйғунлигидаги узвий боғлиқлик аксини топа борди. «А. Тоштемиров портрети» (1956) "Кекса колхозчи портрети" (1956), «Она ўйлари» (1956) каби дастлабки жанрли портретларида шу фазилатлар ўз ифодасини топган "Она ўйлар" композициясида (1956) дарахт соясида, ёритилган ховли фонидида ўтирган аёл-она қиёфасида инсон рухий гузаллигини ифода этади Кўпни кўрган бардам хиссиётга бой, жўшқин, ҳаёлотга чўмган инсон гавдаланади. *"Она ўйлари» расм, тахлил...*

"Она ўйлари" (1959) "Ёш механизатор", "Механизатор" портрети 1960) "Далада ҳам солдатда 1960) каби портрет композицияларида шу хикоянавислиқ хусусиятлари кўзга ташланади.

"Оналик тонги" (1962 ДСМ) асарининг қаҳрамони - ёш она сиймоси бўлиб, эрта тонг паддласидаги табиатнинг шоирона холати билан органик равишда куйилиб кетган кўринади.

"Кўшиқ"(1962) асарида мураккаб композиция мазмуний вазифани ҳал қилган.

"Кўшиқ"(Расм)

Бу мураккаблик шундан иборатки автор қаердандир, картина рамаси ташқридан куйилиб келаётган ўзбек классик музыкаси уйини берилиб тинглаётган ифода этишга ҳаракат қилади. Рассом томошабин эъборини картинадаги ифода этилган ҳар бир қаҳрамоннинг юзларидаги психологик нюансларга қаратишга этишади. Аёллар куйини ўйчан, ўтмишга қилган холда ўз ўйи-хаёлига чўмган кўринишда хяжонли самимят билан теран хис қилиб тинглаётганлиги қаламга олинган. Рассом горизонтни юқори кўтариб, ўз асари иштирокчиларини холст юзасида эркин жойлаштирган холда тинч, осойишта муҳит-даги кўринишини юзага чиқаради. Натижада томошабин қалбида ҳам мунгли, хайратли куй эшитилгандай бўлади. Асар ўзининг ранг муносабатларида даструхон атрофида тўпланганларнинг рухий кайфиятини юзага чиқаради. Асардаги янги қирралари асарнинг композицион ечимининг ритмик хусусиятларини кучайтиришда ҳамда ранг тизимида уларнинг декоратив томонини бўрттириш ва яхлик ранг тизими кучидан фойдаланишга интилишида кўзга ташланади.

Расм.Кўшиқ. Бу хусусият кейинги ишларида айниқса Сурхандарё воҳаси бўйлаб қилган сафари чоғида яратган жанрли портретларида янада кучаяди.

Портрет,манзара, натюрмортлар ишлаган. Қаламтасвирлари мустаҳкам ечимга эга.....

Биродарлик асосларини чуқур ўрганиш, профессионал мукамалликка эришиш йўлидаги ҳаракат Манон САИДОВ (1923 -2001) ижодига ҳам хос. Унинг илк асарларида хикоя нафислик натуралистик кайфият, хиссиётдан орқада қолиш унинг яратган асарларида ясамалик, сунийлик , каби холатлар унинг "Нормани бажара олмади , «Мактаб ёпилади» каби асарларида кўзга ташланади. *"Саводсизликни тугатиш.1967 М. Саидов оддий сюжетдан ташкил топган композицияга мурожат қилиш билан баробар, ўз ижодида воқеабанд мураккаб асарлардан ўзини четга олмайди, балки сўнги*

йиллардаги асарлари "Аския" (1969 ГМИ асарларининг янги варианти, «Галати одамлар» (1972) "Бригадир" (1975) да айниқса сезилиб туради.

«Тонг, Оила» композициясидарассомнинг янги изланишлари ўз ақсини топган. Асарда ҳикоянавислик севилмай, биринчи қараганда ишга кетаётган колхозчиларнинг группалари портретга ўхшаб кетади. Аммо асарга диққат билан эътибор бериб қаралса унинг ички динамик хусусиятини ҳис қилгандай бўламиз. Асар ўзининг соф ва тоза колорити билан кишини ўзига жалб қилади. Унда манзарага алоҳида кенг ўрин берилган бўлиб, картина ўзининг барча моҳияти билан бевосита у билан қўйилиб кетади. Шунинг учун ҳам кўп жихатдан манзара асарининг ҳолатини белгилайди. Ёрқин кўкиш яшил ранглар ҳаммаси сокинлик ҳиссиётини ҳавонинг тозаллиги, кўкатларга шаффоф жиловланиши кучайтиради.

Рангли расм. «Тонг, Оила»

Ташқи кўринишидан кўзга яққол ташланувчи замонавийликнинг ўзига хос хусусияти англомасада воқеликни талқин қилиниши ҳақиқий гуманизм гоясининг унга сингдирилганлиги, кишиларга нисбатан их ёётқорона муносабат кабилар асарнинг замонавий хусусиятини кўпайтирган. Замонавий ҳаётни бунай ўзига хос талқин этиш "Олтиариқлик пахтакорлар" асарида ҳам кўринади. Рассом ўз асарида дам олаётган колхозчиларни йирик планда тасвирлаб, деҳқонларнинг ўзига хос характери ва кайфиятини усталик билан очиб беради. Образлари рухий жихатидан кучайтирилган. Хар бир тасвирланган персонажнинг ўзига хос хусусиятини аниқ ёритиш билан колхоз даласи қарамонларининг битта коллективга бирлашгани образларнинг умумий рухий ҳолати воситасида рассом томонидан очиб берилган. Бу киёфадарда ўз ерининг ҳақиқий хужайинлари образи гавдаланади. Неъмат Қўзибоев...Узбойда ва б.. Юнус Ражабй портрети. Қўзибоев лирик рассомлардан у мавзула асарлар жанрли асарлар борасида ишлаган бўлишига қарамай у манзара санъатининг етук вакили сифатида

гавдаланади . Унинг манзаралари хиссиётга бой. Ранг ўйинлари ва тусланишлари нозиклиги билан ажралиб туради.

Расм. Куз манзараси

Юсуф Елизаров... Она портрети. Ш. Бурхонов портрети ташқи ва ички ҳаракатга бойлиги билан ажралиб туради...Т.Оганесов асарлари профессионал маҳорати билан Макаров портрети, Борадин портрети ва б

1950 йиллар охирида китоб графикасида янги сифатлар пайдо бўлабошлади. Рассом ижодий руҳда адабиётда аниқ бир мавзуга қаратиб график расм ишлаганлиги, чизиш услубидаги аниқлик, ёқимлиги, безаш имкониятларидан кенг фойдаланишларида шу хусусият яққол намоён бўлабошлади. Бу йилларда китобнинг ташқи кўришниши яхшиланди: суперобложкалардан кўпроқ фойдаландилар, китоб безашни яхшилаш, ажралиб турадиган ранглардан унумли фойдаланиш, материални, шрифтларни, оригинал композицион қурилишини тўғри танлашга ҳаракат қилдилар. Китобнинг ички безалишида қалам ёки мўйқаламда тез ишланган чизиқ, шакл ритми, экспрессияси ва бошқа эмоционал имкониятлар кўпчилик диққатини тортди.

Анъанавий реалистик услуб бу йилларда ўз ижодини урушдан аввал бошланган рассомлар ижодида бирмунча кенг ўринни эгаллади.

Рассомлар давр тоқозоси билан ўз соҳаси билан ўз соҳаларига танқидий муносабатда бўла бошладилар, яратган асарларининг эстетик томонига эътибор берабошладиларки, булар хатто анъанавий услубда ишланган рассом асарларига ҳам ўзига хослик киритаборди. Ҳис қилинган бадий асар ҳақиқий кучга эга бўлиши мумкин деган тушунчалар шу ҳар бир яратилган образ пластик – гоаявий ечимининг янги қирраларини намоён этишда муҳим мезон бўлиб хизмат қилабошлади. Бу йилларда китоб графикасида «тональ ечимли» ишлашга қарши кураш очик кўрина бошлади. Рассомлар чизиқ , шакл ритми ва пластик имкониятларга ҳам алоҳида эътибор бердилар. Қалам, мўйқаламда

ишланган иллюстрациялардан эркин фойдаланишлари ҳам шу реалистик услубнинг янги давр формаларини юзага келтиради. Бу фазилат бирмунча интенсив бўлиб натижада шу анъанавий услуб қўйнида, янги, экспрессив йўналишлари ҳам юзага кела бошлади. Ижодкор XX аср Гарбий Европа рассомлари услубларини кунт билан ўрганабошладилар, Пикассо, Матисс қаламсуратлари, Мазерел ва Кольвиц каби санъаткорларнинг экспрессив гравюралари, замонавий мексика графикасининг асарларини зўр кизиқиш билан кузатдилар ва илхомландилар. Анъанавий услуб Л.Рейх ижодида ҳам ўзига хос кўриниш кашф этаборди. Унинг В.Янинг «Чингизхон» (1959) китобига ишланган асарлари (иллюстрация ва безаклари) ўзбек халқ эртаклари учун ишланган иллюстрациялар («оҳангробо») ўзининг қаламсуратининг ўткирлиги, ранг тизимининг уйғунлиги рассомнинг нозик эстетик қараш ва ҳар бир асар учун янги даврга мос шакл ва фактура ишлатаолишини кўрсатади. Сўзсиз. Рассомнинг шу йилларда яратган етук аарларидан бири қирғиз халқ достони «Манас» учун ишланган расмлардир. Рейх бу дoston учун безак ва иллюстрациялар чизишга ўтишдан аввал Қирғизистон бўйлаб сафарда бўлди, халқ ҳаёти, урф одати, табиати билан яқинидан танишди. Шулар асосида руҳига мос реалистик услубда ишланган иллюстрациялар, миллий руҳга мос безак ва ассоциатив шакллар топишга муяссар бўлди.

XX асрнинг 60-80-йилларда ўзбек санъати (1964-85)

60-80 йиллар ўзбек санъати тарихида янги босқич бўлиб миллий санъат хусусиятларининг янада мустахкамланиши, санъатда миллий ўзига хосликни излаш билан бирга бу даврнинг муҳим белгиларидан бири бу аста ижтимоий-жамоавий фикрлашдан индивидуал фикрлашга, санъатда панд насиҳат йўналишидан шахсий интим хис туйғуларни ифодалашга ўтиб борилиши билан ҳарактерланади. Бу нарса ўз навбатида услубий рангбарангликни

ошириб тасвири ва ифода воситаларининг кенгайишига олиб борди. Рассомлар фикр баён этиш учун эндиликда турли рамзий образ ва шартли белгилардан, ранг, шакл, чизиқ, фактура имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланишга интилдилар. Ўзбек санъатида авангард санъати белгилари ортиб борди. Бу изланиш ва тажрибалар 50 йилларнинг охири 60 йилларда санъат оламига кириб келган, профессионал таълимни Москва, Петербург, Тошкент олий даргоҳларида олган ижодкорлар белгиладилар. Ўз ижодини анча илгари бошлаган ижодкорлар ижодида ҳам ғоявий-пластик ўзгаришлар сезила бошланди, таъсирчанлик ва ўзига хосликни кўчайишида муҳим ўринни эгаллади. Бу давр изланишлари миллий ва жаҳон маданий меросини қайта баҳолаш, ундан даврга мос йўналишларини қўллаш имкониятларини кидирдилар. Антик дунё, ўрта аср маданияти, Уйғониш дарв санъати анъаналари рассомларни ўзига тортди. Шу билан бирга XX аср санъатида содир бўлган жараёнлар ҳам рассомлар назаридан чеккада қолмади. Бу йилларда витраж, мазаика, гобелен, сграффито санъати рассомларни янада кенгроқ ўзига тортди. Меъморликда шаҳарсозлик, парк-боғ санъати, ҳиёбон ва фавворалар яратиш санъати ривож топди. Шаҳар қурилиши ва меъморликнинг ривожланиши ўз навбатида санъат синтези масалаларида ҳам ижобий ўзгаришларга олиб келди. Қурилган меъморий мажмуаларда рассомлар, ҳайкалтарошлар, халқ усталари ҳамкорлигида санъатнинг ажойиб синтезини яратдилар. Шаҳар ва қишлоқларга асфальт йўллар ётқазилди, биринчи бор Ўрта Осиё минтақасида метро ҳаракати Тошкент шаҳрида йўлга қўйилди, ер ости йўлларида поездлар қатнай бошлади, Тошкент телеминораси қад кўтарди, шаҳардан ташқарида дам олиш зоналари, санатория ва болалар орамгоҳлари ташкил этилиб у ерларда замонавий меъморлик мажмуалари юзага келди. Бу ижобий ютуқлар билан бирга бу йилларда санъатнинг мафкураланиши ва сиёсатлашуви ҳам ортиб борганини эътироф этиш керак. Санъатнинг сиёсатлашуви унинг специфик томонини сусайишига сабаб бўла бошлади. 60 йиллардан бошлаб кенг қўламда турли тантаналар ўтказиш ва унга тайёргарлик йилларида уларга

атаб асар яратиш анъанаси ҳам салбий ҳолатларни келтириб чиқарди. Юбилей муносабати билан шошмашошарликда қурилган кўпгина иншоотлар тезда ўз кўркини йўқота борди. социал заказ бўйича бажарилган ва асосан сиёсий воқеаларга бағишланган, бир бирига ўхшаш композициялар томашабинни бездира бошлади. Санъат ўз хусусиятини сусайтириши музей ва кўргазма заларига келувчилар сонини камайишига олиб келди. Бу санъаткорларнинг ўз қарашларин қайта кўриб чиқишга сафарбар қилди. Санъат янгилашиш ва ривожланишнинг янги қирраларига келиб тақалди.

1.1. XX асрнинг 60-80 йиллари меъморлиги.

60-80 йиллар ўзбек меъморлиги ривожининг янги босқичи бўлди. 1960 йилларнинг бошида республикамиз меъморчилиги услубида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ҳашамдорликдан соддаликка, маънодор декоративликка ўтилди. Бу йилларда янги шаҳарлар юзага келди. Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг бош режа асосида қайта кўриб чиқилди. Қишлоқларда шаҳар типидagi посёлкалар қуриш, уларда коммуникациядан фойдаланиш масаласига эътибор берилди. Навоий шаҳри меъморлик мажмуаси, Чирчиқ, Олмалиқ, Охонгарон шаҳарлари, Тошкентдаги қатор меъморий мажмуалар шу даврда юзага келди. Айниқса 1966 йили Тошкент зилзиласидан кейин шаҳар деярли қайта тикланди. Шу йиллардан бошлаб шаҳарда темир-битон, пишиқ ғиштдан кўпгина бинолар бунёд этилди. Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройи шундай ёдгорликлардан. Расм. Тошкент шаҳрининг бош меъмори С.Р.Одилов раҳбарлигидаги амалга оширилган мазкур лойиха оппоқ мрамар қуёш нурида жилоланиб кўкка отилаётган ўнлаб фавворалар ўртасидаги пиллапоялардан оҳиста сарой эшиклари томон кўтарилиб улуғвор гўзаллик туйғуларини ифодалайди. Мрамар ва гранитдан замонавий руҳда сайқал берилган бино қурилишида халқ усталари унинг ички ва ташқи томонига ўзига хос кўриниш бахш этади.

Бу йилларда барпо этилган Матбуот уйи, Ёшлар уйи ва бошқа энг замонавий бинолар ҳам давр изланишларини ўзида ифода этган. Замонавий архитектуранинг ёрқин намунасини Ўзбекистон халқлар тарихи музейи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, **Расм**. Шон шуҳрат музейи, цирк биноларидир **Расм..** Бу иншоотларда рельефдан, ўйма нақшлардан амалий санъат безакларидан унумли фойдаланган. Республикамизда шаҳар қурилишининг муҳим бир масаласи тарихий ёдгорликлар билан замонавий қурилишнинг уйғунлигини таъминлашдир. Ўзбекистон ҳудудидаги жаҳонга машҳур меъморий ёдгорликлар жойлашган. Тошкентнинг Чорсу майдонидаги Кўкалдош мадрасаси архитектура ёдгорлиги у Чорсу меҳмонхонасининг баланд қиёфаси ҳамда улкан кўришнишдаги бош савдо дўкони бинолари билан контрастликда Ўрта Осиё шаҳар қурилишнинг ҳарактерли хусусиятини ташкил этган.

Меъморилик санъати жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тарақиётига қараб ўзгарб боради.

Тошкентнинг диққатга сазовор жойларидан бири Хадрага жойлашган цирк биносида эски архитектура ёдгорликлари услублари мужассамланган. Расм Тошкент циркида амалий санъат ва декоративлик безакларидан фойдаланилган. Тошкентда қурилган темир йўл вокзалининг лойихаси ўзининг кескин лўндалиги билан ажралиб туради.

1966 йил Тошкент зилзиласидан кейин Тошкентни қайта тиклаш йилларида планлаштириш ва қурилиш усуллари, қурилиш саноатларининг янги ютуқлари синаб кўрилди. Турар жой қурилишда «эркин планташтириш» усули кенг тарқалди. Бу усулдаги қурилишлар биринчи маротаба Тошкентнинг жанубий-гарбий томонидан жойлашган, кўзга кўринган Чилонзор районида бошланган эди. Бу ерда 300 минг киши жойлашган 26 кварталдан иборат 4-5 ва 9 этажли бинолар қад кўтарган. Ялангоч, Қорақамиш, Шимолий-шарқ Кўйлик, Сирғали каби микрорайонлар қурилиши Чилонзор тажрибаси изидан борди .

Бу ўрганилаётган даврнинг муҳим ёдгорлиги сўзсиз Тошкентда қурилган Тошкент метрополитенидир. Расм. Мармар, бронзалар билан ишланган, ўймакорлик нақш рангли нақшлар билан безатилган. Бу йилларда республика вилоятларида ҳам катор муҳим объектлар қуриб битказилди. Навоий шаҳри меъморлик мажмуаси, Чирчиқ, Олмаота, Охангарон шаҳарлари ривожланиб бугунги кўринишини олди. **Расм. Телеминора**

Бу йилларда кенг кўламда чўлни ўзлаштириш ишлари амалга оширилди, канал, ариқлар қурилди. Чўл қўйнида янги боғу-роғлар барпо этилди. Шаҳарлар пайдо бўлди. Шундай қурилишлардан бири Навоий шаҳридир. Бу ерларда замонавий бинолар барпо этилди. Ажойиб ҳиёбону-истироҳат боғлари дунёга келди. Навоий шаҳрининг марказида эса афсонавий қаҳрамон ҳайкали ўрнатилган. У қояларни чопиб чўлга сув чиқараётгани тавирланган. Шу ернинг ўзида Ўзбекистоннинг уч дарёсини Сирдарё, Амударё ва Зарафшон рамзи бўлган кўза ва сувдон кўтариб турган қизлар тасвири ҳамда оғзидан сув отилиб чиқётган аждарлар ҳайкали шаҳар кўркига кўрк қўшган, шаҳарга фақат файз киритиб қолмай кўримли ва энг муҳим хавони ёқимли ва салқин бўлишини таъминлаган. **Расм.** Бу ҳайкални Петербургли ҳайкалтарош Свинин ишлаган. 60-80- йилларда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Кўпвақтли турар жой бинолар, янги пасёлкалар, маъмурий-маданий бинолар қад кўтарди. Нукусдаги Бердах номидаги мусиқали драма театри, мехмонхона ва маъмурий бинолар шулар жумласидандир.

60-80 йилларда графика

Бу санъат ҳам давр изланишларидан чекада қолмади. Дастлаб унда реалистик йўналиш етакчилик қилиб тасвирланувчининг маънавий дунёсини ёритишга интилиш кучлилиги сезилади. Бу йилларда гравюра санъатига эътибор ортиб унинг жанрлар рангбаранглиги билан ҳарактерланади. Сюжетли композиция, манзара, портрет, натюрморт жанрларида яратилган график асарлар ўзининг касбий маҳорат ва борлиқ ҳамда ифода воситаларини янгича эстетик идрок этилиши ва таърифланиши билан

ажралиб туради. Шу йилларда линогравюра (қора ва рангли) кенг ёйилди, офорт, мопотипия, автолитография техникасида асарларнинг яратилди. 60 йилларнинг ўрталарида декоратив эстампага қизиқиш пайдо бўлди, фактурага эътибор ортиди. Қаламчилик ва расмлар кўпчилиги ўзига жалб эта бошлади. Бу йиллардан бошлаб анъанавий графика услублари – тонал, қора акварелда расм ишлашга қизиқиш сусая бошлади. Ўрнини катта форматли, туркумли асарлар эгаллай бошлади.

Графикага қизиқишнинг ортиши унинг ифода воситалари, образли пластик ечим проблемаларини ҳам муҳим муаммоларга айлантирди. Санъат турлари ҳам янгиланиш даврига ўта борди. Муҳими бу даврдан бошлаб ижодкор эркинлиги масаласи кўтарилган сари ишланган ижодкорлар асарларида услубий рангбаранглик орта борди. Бир тоmondан Европа классик санъат анъаналари, ижодкорлар томонидан қабул қилинган ҳолда шу билан бирга миллий санъат анъаналари, жаҳон демократик санъат асослари ҳам кенг ўзлаштирила бошлади. XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган авангард йўналиши бу йилларга келиб ўз умрининг янги даврини бошлади, тўғри бу кейинги йўналиш эътироф этилмаса ҳам, унинг ижодкорлари расмий ҳокимият томонидан таъқиб этилса ҳам лекин у аста ривожланиб санъат тарихида ўз мавҳеини мустақамлаб борди. 1960 йиллар санъати хусусида гап кетганда «жиддий услуб» (суровий стиль) кўпроқ эсланди. Бу бежиз эмас. Чунки айни шу услубда санъатнинг ҳам пластик ҳам гоъвий янгилиги сезиларли бўлди. Кундалик воқеликни романтик руҳда идрок этиш, умумлашма типик ҳолатларни топишга ҳаракат қилиш, кундалик турмушдаги давр мазмунини кўрсатишга интилиш бу янгиланиш даври санъатидаги янги руҳни, янги ҳиссиётни пайдо бўла бошлаганига кўрсатади. 60 йилларда графика санъатида аввалгидек анъанавий графика услублари – тонал сурат, қора акварелда расм ишлаш услубларига қизиқиш иштиёқи камая бориб эстампага қизиқиш ортиди. Ёшу қари шу техникани ўзлаштиришни ўзига эп кўрди. Линогравюрага қизиқиш Чиганов, Ю.Стрельников ижодида линогравюранинг бадиий имкониятларини кенг

кўламда ўрганиш дастлаб алоқида алоҳида график асар композициялардан туркум график асарлар яратишга ўтабошладилар.

Шу техникада К.Башаров ижодий изланишда бўлди. Рассом ишлатаётган чизиклар нафосати, образ силуэтининг яхлитлиги унинг ишларига алоҳида ўзига хос фойз бахш этади. "Узум йиғиш" (1967) асаридаги киз образида шоирона улугвор образни яратади. Асарнинг бадий яхлит ечими воқеликни кундалик турмуш майда чуйдаларидан холи қилиб унга чуқур бадийлик киритади.

Рассом борлиқ воқеалари ва ҳаёлий тасаввурларини тантанали кўтаринки руҳда тасвирлаши унинг ишларининг ҳарактерли томонини белгилайди. унинг асарлари ҳам эртаксимон ҳам ҳаётийдек идрок этилади. Унинг « Халқ ўйинлари» асарида рассом миллий халқ турмуш тарзини ифодалайди. Оддий халқнинг феъл атвори, кайфиятини улар ҳатти-ҳаракатини орқали акс этиради. Асарнинг ифодали учун ҳар бир образни қатий контур чизиги билан белгилаш ҳам хиссини қўшади.

К.Башаровнинг «Пахта барами» асарлар туркумида миллий чолғу асбоблари ритмида рақсга тушаётган ўзбек қизи тимсолида шодлик ва байрам мавзусини ифодалананади. Рассом гравюранинг турли формаларида ижод қилди. Тарихи ва маиший мавзу, портрет борасида ҳам қатор асарлар яратди. 60 йиллар ўрталаридан бошлаб эстамга бўлган қизиш сусая бошлади.

Эндилақда эстамга қизиқиш ўрнини қалами (қалам сурат), акварель, темпера эгаллай бошлади. Булар яратилган образ тизимининг мураккаблашиб боришини таъминлади. Эндилақда яна бир муҳим нарса кўп қиррали кўп қатламли образларга қизиқаш ортди. Бу фазилат деярли ҳамма рассомлари ижодида сезиларли бўлди. Дастгоҳ графикада туркумли асарлар, график композициялар, китоб безак ва иллюстрациялари ҳамда эксбрислари М.Кагаров ижодида ўз ифодасини топди. Унинг «Менинг дўстларим», «Севимли жонажон ўлка», «Ўзбекистон оқ олтини»,

«Автопортрет», «Спорт, спорт, спорт» каби асарлар туркуми билан графикага кириб келди. Унинг илк асарлари 1967 йили Хива бўйлаб қилган сафари пайтида пайдо бўлган. Унинг «Хива таассуротлари» график асарлар туркуми воқеликни аниқ, талқин этилиши билан характерланади. Кагаров линогравюра, офорт, литография, ксилография билан шугулланиб шуларнинг ҳар бирида ўзига хос, ёрқин график асарлар яратган. Агар унинг илк асарларида рассом халқ воқеликни реалистик, бирмунча натуралистик талқин этган бўлса, «Мен яшайдиган уй» асарлар туркумида у аста янги композиция ва фактура имкониятларини излаши сезилади. У фазовий кенгликни эркин, композиция эса кўп сюжетли кўриниш кашф этабошлади. У тасвир ишлаганда фазо ва вақт масаласини эркин ишлатиб бирнеча бир-биридан вақт жиҳатидан узоқ бўлган ҳаётий лавҳалар бир текисликда ўз ифодасини топабошлайди. Масалан, «Менинг уйим» график асарларида рассом уй деворларини шаффоф, тиниқ ойнадек тасаввур қилган ҳолда, унинг ичидаги бўлаётган воқеаларни ташқаридаги муҳит, табиат билан уйғунликда талқин этади. Бу бежиз эмас эди. 60 йилларнинг охири 70 йилларда ўзбек графикасида рамзий, символик, аллегорик образлар орқали фикр баён этишга интилиш, сезиларли бўлабошлади. Рассомлар халқ санъати, лубок санъати услуб ва приёмларидан ижодий фойдаланабошладилар. Кагаров ҳам давр талаби асосида янгича услуб ва приёмлар топишга интилиб турли формалар имкониятининг эмоционал томонини ҳисобга олиб композициялар яратабошлади. Унинг «Мен яшайдиган уй» асарида ана шу фазилат бошланган бўлса, кейинги йилларда яратилган шу фазилатлар янада аниқ кўринабошлади. Унинг "«йил фаслари"» "«Автобиография 1» автолитографияларида ана шу хислатлар янада яққол кўринди. Автобиография 15 варақдан иборат бўлиб унда ўзининг ёшлиги, отасининг урушга кетиши ва қайтиши ҳикоя қилинади. Бу туркум асарлар бир-бири билан қўшилиб кетаётган бир қанча сюжетларнинг бирлашмасидан ташкил топган композицияни ташкил этади. Рассом ёшлик йилларини эслаш, хотирлаш, таассурот замирида шу композицияни ишлайди.

Рассом ана шу таассуротлар аралашиб кетаётган, бир-бирини алмаштираётган, йирик ва майда масштаблар қайтарилиши орқали ўзига хос композиция яратади. Рассомнинг ана шу композиция яратиш принциплари унинг «Менинг жанговор дўстларим»(1975) график асарлар туркумида янада аниқ кўринади. Бу туркум беш варақдан ташкил топган бўлиб, уларнинг ҳар бири уруш йилларида машҳур бўлган кишилар номи билан аталади. Уларнинг ҳар бирида инсон ҳаётида кўшиқ ўрни куйлангани ҳолда асар мураккаб фазовий текстлик, вақт ва замон қоришмалари чегарасида ўзига хос равишда фалсафий мушоҳада юритади. Кагаров гравюра устида иш олиб борар экан унинг мураккаб турлари сирларини ҳам ўзлаштирабошлайди. Рангли литографиялар устида ҳам иш юритабошлайди. Кагаров «Жонжон ўлка» асарлари туркуми аралаш техникада ишланган.

60- 80- йилларда республиканинг кўпгина шаҳарларида ҳам график рассомлар самарали меҳнат қилдилар. Акварел техникасидаги Георгий Шевяков, Константин Чепраковлар асарлари ўзида давр изланишларини намоён этди. Баҳаво. Ранга бой манзаралари музей экспозицияларидан ўрнини эгаллади. Бу даврда санъатга 60 йилларда кириб келган рассомлар ҳам янги пластик ғоялар билан бу санъатни бойитдилар. Шундай рассомлардан бири Марат Содиков графиканинг янги ассоциатив имкониятлар очишга интилиб танилди. У ўз тенгдошлари сингари классик графика анъаналарига мурожаат қилади. Петров-Водкин, гоҳ Маяковский графикаларини ўрганди, 20 йиллар графика анъаналарини ишга солишга интилади. 70 йилларда яратган график варақаларида Ўзбекистоннинг қурилишлари акс эттирилади. Геометрик шакллари аниқ қилиб ишланган асар композицияси лирик-поэтик кайфияти билан характерланади. Унинг «Газли» график асарлари туркуми, Навоий химия камбинатига бағишланган график асарлари (1974) шу хусусият кўринади. 60-80 йилларда хажвий журнал графикаси ўзининг янги ривожланиш даврини бошидан кечирди. Б. Жуков, Н. Леушин, Д. Синицкий, А. Четкаукас, кейинроқ кириб келган Н. Тен. Т. Мухамедовларнинг хажвий расмлари шу давр сатирик

графика санъатининг рангбаранглигини белгилайди. Бир томондан XX аср графикаси анъаналарига содиқ холда асар яратиш жараёнини кузатилса, иккинчи томонда унга янги пластик ғоялар киритиш, миллий санъат анъаналари, биринчи галда миниатюра санъати услубларидан фойдаланиб асар яратишга интилиш шу санъатда самарали якун топди. Бу ечимда тошкентли rassom Телман Мухамедов(1935-1976) катта ютуқларга эришди. Rassom 60 йиллар охиридан графикада хажвий расмлар, китоб безаклари ва муқоваларига тавирлар ишлашдан бошлаб мунаққидлар диққатини ўзига қаратди. Унинг Г.Гуломнинг «Шум бола» китобига ишлаган расмлари энгил бир чизиқли ишлаш усули, образларининг кулгили бўрттирилиши, композициянинг ниҳоятда ихчамлиги ўқувчида фавқулодда шу китобни ўқишга мойиллик уйғотади. Тельман Мухамедов ўзбек халқининг урф – одатини, кийиниш ва уй тутиши, хатто кишиларнинг касбига яраша ўзини қандай тутишини жуда яхши билар эди. Ана шу туфайли Гафур Гуломнинг машҳур «Шум бола» китобига ишлаган расмлари китоб муаллифининг мазмуни ва руҳи билан чамбарчас уйғунлашиб кетган. Т.Мухаммедов Хирот ва Шероз миниатюра санъатини чуқур ўрганди. Шу анъаналарда замон руҳига хос асарлар яратди. Унинг шу услубда ишлаган ишлари ўзининг энгил юмор билан ишлаганлиги, чизилар пластикасининг гўзаллиги, ранг тизимининг ёқимлилиги билан ажралиб туради. У ҳар бир образни гротеск даражасига кўтаргани ҳолда уларнинг руҳий ҳолатини ишонарли талқин эта олиши билан кишини ҳайратлантиради. Rassom истеъдоди «Ўзбек халқ эртаклари»га ишланган (Т., 1976,1980) иллюстрацияларида, заставка , концовкада яққол кўринади. «Фарҳод ва Ширин», «Карнайли йигит», «Бой ва батрак», «Мулланинг боши борми», «Носиркал» каби эртакларга чизган суратлари rassom ижодининг юксак чўққисидир. Rassom ҳар бир тугал композицияси учун шундай детал ва тавсилот берадими бу унинг ҳар бир образига алоҳида ифодалилик ва руҳий тиниқлик бағишлайди. Турли тип ва характерларнинг жонли галереяси асарларининг муҳим томонидир. Эпчил ва мугомбир, доно ва айёр Насриддин афанди, аҳмоқ шоҳ даҳшатли дев ва

пахлавон йигит образлари уларнинг руҳий ҳолатларининг талқини рассом асарларининг муҳим томонини белгилайди, енгил табассум уйғотади. , рассом маҳоратига тасаннолар уйғотади. Унинг замонавий мазмундаги ҳажвий расмлари ҳам ўзининг таъсирчанглиги билан эсда қолади.

Расм. Маданиятсиз қиз.

Расм. Нозик болам.

60-80 йиллар китоб графикаси ҳам пластик ғояларга бой. Рассомлар китобнинг ғоявий-тематик томонидан келиб чиқиб унга тенг келадиган пластик-поэтик ечим топишга ҳаракат қилиш тамойилларининг унинг муҳим томонини ташкил этди. Поэтик талқин этиш ва пластик ечим орқали китоб ғоявий-эстетик томонини ёритишга интилиш, шу мақсадда миллий санъат, жаҳон санъати анъаналарига мурожаат қилиш, халқ санъати формаларидан ижобий фойдаланиш каби тенденциялар шу даврнинг муҳим изланишларининг асоси бўлиб қолди. Китоб графикасидаги муҳим томон энг аввало техник рангбаранглиги, полиграфия санъатининг ривожига билан боғлиқ ҳолда борди. Шунинг учун шу йиллар китоб графикаси ҳақида гапирганда китобга унинг мазмунига рассомнинг муносабати, китобнинг безак ва иллюстрация чизиш муаммоларини яхлит ҳолда кўришга интилишини ҳисобга олиш керак бўлади. Бу тенденция кекса авлод вакиллари ижодида ҳамда санъат дунёсига кириб келаётган янги авлод вакиллари ижодида ҳам кўринарли эди. Чунки бу жараён графика санъатида вужудга келган ва даврнинг илмий-техник ва эстетик тараққиётининг маҳсули эди. Шу хусусиятларни Иван Кириакиди, Энгр Исҳоқов, Низом Ҳолиқов

китоб беаги ва иллюстрациялари китобларига ишланган ишлар ўз бадий ечимининг ифодалилиги, ҳарф композицияларининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Исҳоқов ҳарф графикасида фаол ишлаётган

график рассомлардандир. Н.Ҳолиқов иллюстрациялари поэтик томони оқ-қора чизиклар контрастидаги ўзига хос пластик гўзаллик ва ритмикаси билан ўзига тортади. Ўзбек халқ ижоди туркумига ишланган «Тулпар» китоби учун ишланган линогравюралари рассом табиатни нозик ҳис этиб уни поэтик тасвирлайолишини кўрсатади. К.Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмасига ишланган иллюстрациялари ўзининг композицион тузилиши ва оригиналлиги билан характерланади.

Абдубоқи Гуломов. Ўз фаолиятини «Муштум» журналида бошлаган Абдубоқи Гуломов (1949) 70 йиллар китоб графикасида ўз асарлари билан танила бошланди. Т.Мухамедовдан таъсирлана бошлаган рассом Ч.Ахмаров, Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Бехзод ижоди билан қизиқиб танишган, Гуломов ўтмиш бой меросига ижодий ёндошиб уларни замон руҳи билан бойита олишга эришди.

80 йиллар китоб графикаси санъатида самарали меҳнат қилаётган рассомлар ичида И.Кириакиди, Г.Бойматов, Г.Ашимова, А.Бобров, Т.Сайдуллаев, В.Апухтин, А.Понамарев, ва бошқалар ижодий қарашларнинг рангбаранглиги билан ўзбек китоб графикасини янги босқичи характерини белгилайди. Улар янги бадиий шакл конструкция ва техник приемларининг топишига интилаётганликлари сезилиб турибди. Бу изланишларнинг заминида бир нарса – ўзларининг шу воқеаларга бўлган эстетик муносабатларини билдиришга интилишларидир.

А.Бобров литографиялари альбом варагидаги хомаки чизги ва ҳаётий чизмалар, қаламда ишланган хомаки чизгиларни эслатади. Китобда тасвирланган воқеани натуранинг ўзига ҳаётий лавҳа, портрет ва деталларни чизишга ўхшайди.

60-80- йилларда плакат санъати ҳам интенсив ривожланди.

Шу йилларда плакат санъатида рассомларнинг катта гуруҳи меҳнат қилди. Булар ичида фаол ижод билан шуғулланган А.Балканов, Ф.Кагаров, В.Евенко, Т.Ткачев, Махотин, Н.Тен, М.Калинин, В.М.Громико, В.Думкин каби плакатчиларни алоҳида кўрсатиш мумкин. 1958 йили ташкил этилган

«Жанговор қалам» ташкилоти ҳам шу санъат ривожиди сезиларли из қолдирди.

60-80 йиллар плакат ва хажвий расмлар санъатида танилган рассомлардан бири Фаррух Абдуллаевич Кагаров (1937 – 2000)нинг хажвий расмлари ижтимоий ҳаётдаги иллатлар - кўзбўямачилик, ишёқмасликни танқид қилади. Плакатларининг кўпчилиги эса тинчлик, дўстлик, бунёдкорлик мавзусини қамраб олган. Унинг «Қуролланишга чек қўйилсин», «Биз тинчлик истаймиз», «Табиат сенинг жонажон уйинг» ва б. ўзининг бетакрор композицион ечими, тасвир воситаларининг соддалиги билан ажралиб туради. Ф.Кагаров ўзбек плакат санъатига унинг специфик хусусияти бадиий шаклларида тезкорлик билан таъсир этиш ёрқин ва камсўзлик фазилатларини қайтарган санъаткорлардандир. Унинг плакатлари лаконик, ёзувлар эса плакат композицияси билан уйғунлашиб унинг ажралмас қисмига айланган. «Биз тинчлик истаймиз», «Мен фермада ишлайман», «Табиат сенинг жонажон уйинг», «Болаларга тинчлик» каби плакатлари ранг гаммаси плакатларининг таъсир доирасининг кенгайтирибгина қолмай балки бу ранг гармониясининг ўзи кишини маълум мақсадга интилишга даъват этади. «Табиат сенинг жонажон уйинг» плакатидаги ранглар тизими кишини табиатнинг нақадар гўзал эканини яна бир бор ҳис этишга, уни сақлаб қолиш учун курашишга чақиради. 70-80 йилларда плакат санъатида сезиларли ютуқларга эришилди. Ф.Кагаровнинг тинчликка бағишлаган плакати халқаро анжуманларда нашр этилди. Шу йилларда самарали ижод қилган Михаил Громиконинг шоирона плакатларидаги нафис пластик ечим, мавзунинг бегубор ва майин ранг тизими асарларига ўзига хос жозиба бахш этиб ўзбек плакатчилигининг давр учун етук асарлари даражасида ўринни эгаллади. Унинг «Биз тинчлик истаймиз» плакатидаги икки миллат қизи ва бегубор учрашув ва шу гузалликни очилади.

Бу йилларда Фаргона, Самарқанд, Қуқон, Бухоро, Навои, шаҳарларида ҳам плакатчиларнинг катта гуруҳи яшаб ижод қилди.

60-80 йилларда Ўзбекистонда катта қурилиш ишларининг амалга оширилиши ва ҳарбир қурилган меъморий мажмуани санъат синтезига эътибор берилиши бу давр ҳайкалтарошли ривожда муҳим ўринни эгаллади. 60-80 йилларда меъморчиликда олиб борилган ишлар ўзбек санъатида монументал шаклларига талабни ошириб юборди. Республика пойтахти- Тошкент , вилоят ва туман марказларидаги бош майдон, йирик хиёбон , кўчаларга,корхона майдонлари ташкил этилди, у ерларда сиёсий раҳбар ва маданият ходимларига атаб кўплаб ёдгорликлар ўрнатилди. Тошкентдаги Пушкин майдонига ўртанитган Пушкин ҳайкали(Ҳайкалтарош М.Аникушин)Расм., Жасорат майдонидаги ҳайкал(хайк. Д.Рябичев).



Расм.Самарқанддаги Алишер Навоий ва Ҳ.Ҳусниддинхўжаев ва В.Лунев) Расм.,

Жомий

Навоий шаҳридаги Фарход ва Ўзбекистон дарёлари рамзи бўлган қизлар ҳайкали(хайк. В.Свинин), Расм. Самарқанддаги М.Улуғбек ҳайкали(Ҳайкалтарош М.Мусабоев) Расм. ва бошқаларни шу даврнинг ёдгорликларидир, Шу йилларда айниқса, фашизм қурбонлари хотираси учун ташкил этилган қабристон ва майдонларда ҳам кўплаб ёдгорликлар ўрнатилди.

Мотамсаро она, кўлида автомат билан турган жангчи ҳайкаллари турли малакага эга бўлган ҳайкалтарошлар томонидан бажарилди. Уларнинг кўпчилиги қизил календар кунлари ва юбилейлар арафасида шошмашошарлик билан бажарилдики бу нарса шу даврда яратилга кўпгина ҳайкаллари кўриниши жиҳатидан кўримсиз, ишланиш жиҳатидан бўш, ғоявий жиҳатидан ўта саёз бўлишига олиб келди. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик олиб ташланган.

Бу йилларда декоратив ҳайкалтарошлик ҳам самарали бўлди. Самарқандлик усталарнинг афсонавий аждаҳо, кийик ва кўзичаларилари шу йилларда барпо этилган маданий маъмурий биноларнинг майдонларидан ўрин олди. Дастгоҳ ҳайкалтарошлик санъатида чуқур психологик портретлар яратилди, замонавий рух билан суғорилган жанрли композициялар ишланди. Шу соҳада ҳайкалтарошлардан *Абдумўмин Бойматов, Анвар Шоймуродов, Толибжон Қосимов, Дамир Рўзиев, Яков Шапиро, кейинроқ Илхом Жабборов, ТоирТўлаҳўжаев Азамат Хатамов* самарали ижод қилишди. Қорақалпоқ ҳайкалтарошлигида Жолдсбек Қуттимуродов, Торениязов ижодий изланишлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу йилларда анимал жанри ҳам жонланди Ака-ука П. ва М. Ивановлар шу борада самарали меҳнат қилдилар. А. Бойматов, Т.Қосимов, И.Жабборов ва бошқалар ижодида шу жанрда эътиборга лоик ишлар ишланди. 70 йиллардан И.Жабборов ёғочда ишлаган пластик ишлари билан танилабошлади. Унинг «Хаёл»1971(ёғоч), «Машраб»1974, «Оқшом» ёғоч, шамот аралаш.1980 , «Фалак гардиши «Дам олиш» каби асарлари дастгоҳ санъатнинг ўзига хос кўринишлари эди. Аста ижодкор маҳобатли санъатда меҳнат қилиб Навойи, Машраб, Фурқатга боғишланган асарлари майдонларга ўрнатилди. (*Илхом Жабборов 1945 йили Тошкент вилоятида тугилган, Республика рассомлик билим юрти(1961-65), Тошкент театр ва рассомлик институтида(1966-71) тахсил олган*). Майда ҳайкалтарошлик Ўрганилаётган йилларда майда ҳайкалтарошлик ҳам жиддий ютуқлар кўлга киритилди. Сопол(терракота), шамот, чини, фаянс, ёғоч ва бошқа материалларда ишлар яратилди.

Урушдан кейинги йиллар Самарқандлик уста Жўрақулов, А.Мухторов ва уларнинг давомчилари, бухороллик уста Ҳамро Раҳимова ва давомчилари бу борада самарали ишладилар.

XX асрнинг 60-80 йиллар рангтасвири

60 йиллардан рангтасвирнинг дастгоҳ тури рассомлар изланишининг майдонига айланди. Ўтмиш рангтасвир анъаналари, миниатюра, безак санъати шу изланишлар ечимининг пластик томонини белгилашда муҳим бўлди. Ўзбек санъатида Шарқ ва Гарб анъаналарининг ўзаро таъсирланиши жараёни сезиларли ўринни эгаллади.

Ғайрат ва шижоатига тўла, бунёдкорлик руҳи билан суғорилган Ойбек, Абдор Ҳидоятлов портретлари билан танилган А.Абдуллаев ижодида рангларнинг эмоционал томонининг шакллар экспрессиясининг кўчайганлиги ҳамда тасвирланувчи ички руҳиятни ва вужудга ҳолатни янада таъсирчан бўлишига эришди ("Шахло портрети" К.Яшин портрети(расм), Я.Тўрақулов(19...) портретлари, Самбреро кийган автопортрет (расм) Рассом бу йиллада А.Навоий портрети устида ҳам ўз изланишларида давом эттириб унинг янги вариантларини яратди.

Бу йилларда Н.Кашина аввалги шаклларни ҳажмли фазовий ва манзарада ҳал этган бўлса эндиликда чизиқ ва ранг нисбатларининг мавзули ечимдаги роли ортиб бора бошлади. Н.Кашина ижодида монументал декоратив рангтасвир шакл ва воситалардан фойдаланиш унинг "Тўгарак" 1961, "Чўмилаётган болалар" 1961, "Янги ҳаёт" 1961, асарларида билинади.

Шаклларнинг таъсирчанлиги декоратив жарангдорлигини ошириш, чизиш, ранг суртмалари кучидан умумли фойдаланиш борасидаги изланишлар самарқандлик рассом Георгий Улько ижодида ўз ифодасини топаборди. Унинг "Усто Ҳазратқулов портрети» (1961) "Усто Жўрақулов портрети», «Панжикент деворий расми», 1961,(расм), «Биринчи қаторда», «Сув» каби

ёркин бўёқлар, оригинал композицион ечими билан сара асарлар қаторидан ўрин олган.

Портрет. Улько Григорий Ильич (1925, Ҳарков) Ҳарков бадиий институтни тугатиши арафасида С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм экспедициясида иштирок этади ва шу экспедиция таасуротлари асосида «Изловчилар» диплом ишини ёзиб уни тугатиб (1952 - 58) Ўзбекистон рассомлар коллективига кириб келди. Унинг асарлари қизиқарли, колористик ечими, ифода услубининг образли тузилиши фикрининг аниқлиги деворий расм асарларида воқеани ҳикоя қилиш йўналишидаги анъанавий рангтасвир санъатининг монументал-декоратив рангтасвирга хос экспрессив декоратив шакл билан ўзар уйғунлашиб кетган кўринади.

«Панжикент деворий расм»да археологлар томондан очилган қадимий деворий рассомлик асарининг бир бўлаги (парчаси) кўриниши фонда гўзал нозик қоматли, таъмирчи қиз тасвирланган. Асар маълум даражада декоратив, текис услубда ҳал қилинган. Композициянинг ранг тизими бу хусусиятини юзага чиқаришга ёрдам беради. Кўкиш, ҳира қизғиштсимон рангларнинг ўзаро гармоник муносабати асарга ўзига хос, қайтарилмас жозиба беради. 60-йиллар санъати сюжетли композицион ва пластик ечими жиҳатидан 50 йиллар санъатидан фарқланади Ранг таъсирчанлиги, чизик ва шакл ифодалилиги, фазовий кенглик ечими ҳамда нур-хаво, фазовий кенлик масалалари моҳирона ва таъсирчан ҳолда ечилиши улар яратган асарларнинг муҳим томонини белгилайди.

Чориев (1932 Сурхондарё, Бойсун)нинг асарлари санъатни чизиклар гўзаллиги ва қаламтасвирнинг нафислиги, тасвирни экспрессияси, Пикассо фикр юритиши ҳамда Мексика монументал рассомлигининг руҳи уйғунлашиб кетади. Унинг илк асари "Чилонзор қурувчилари" асарида Европа рассомлиги анъаналари Шарқ санъати анъаналари билан уйғунлашиб К.Бехзодни илк рангдорлиги сезилади. Р.Чориев, дастлабки мустақил асари, аниқроғи диплом ишининг қайтарилган нусхасида "Бухоро амирлигининг тугатилиши асарида рассом реалистик санъат анъаналарига содиқ ҳолда ишланганлиги билан ҳарактерланса аста кейинги ишларида шаклларнинг эгилувчан кўринишининг таъсирчанлиги, воқелик, кундалик ҳаётни тўлақонли ва шоирона талқин этилиши унинг «Келинчак», "Хаёл", "Анорлар гарқ пишган пайт" ва бошқа полотноларида кўзга ташланади.

Г.Чернухиннинг асарлари Орол балиқчилари, колхоз далаларининг қаҳрамонлари, чўпонлар ҳаётига бағишланган асарларида бадий шаклни ифодавий имкониятдан фойдаланишга интилиш сезилади. Унинг "Меҳрат романтикаси" (1976) асаридаги чизиқлар йўналиши шакл ва ранглар ҳолатида қаҳрамонларнинг ҳам руҳий ҳам жисмоний улуғлигини намоён этади. Оқ, жигар ранг ранг тизими- қизил-қорамтир туслар нисбатини асарнинг таъсирчанлигини янада оширган. Рассомнинг "Балиқчилар" асари ҳам меҳнат мавзусида бўлиб, Орол балиқчилари ҳаёти ва характерининг ўзига хос томонлари очилади. "Чашма" (1976) асарида нур ҳаво, томонларнинг жарангдорлиги рангларнинг тўйинган ҳолда олинishi ҳам қаҳрамонларнинг руҳий софлиги, бегуборлиги инсон ва табиат муаммолари шоирона талқин этилади.

Баҳтиёр Бобоевнинг 60 йилларнинг иккинчи ярмидаги ижодий изланишларида ўрта асрларга оид Ўрта Осиё шарқ миниатюраси усталарининг тажрибасидан фойдаланишга интилиш билан баробар, баъзи ишларида А.Денейка ўзининг илк ижодий изланишлари даврида эришган ютуқлардан, баъзан эса "дагал услуб" деб номланган совет рассомлари изланишларидан келиб чиқиб, шу йўналишдаги тажрибаларга таяниб ўз ижодий изланишларини олиб боради. Шу хусусият унинг «Кичик темир йўл бекати», "Фарғона сютаси" асарларида намоён бўлган.

Унинг "Фарғона сютаси" (1970 ДСМ) триптихи "Фурқатнинг Қўқон билан ҳайрлашув", "Ишга", "Риштонлик уста" каби қисмлардан ташкил топган. Асар Фарғона ҳақида, унинг кишилари тақдири ва уларнинг ишлари ҳақида сермазмун ҳикоя қилади. Асар кескин икки қисмга бўлинади. Полотнонинг бирида яъни унинг шоирона лирик қисмида рассом ҳажмли кенг кўламли характердаги ранг-тасвир санъатининг тасвирий ифодавий воситаларига суянган, ундан келиб чиққан ҳолда, бошқа қисм, яъни триптихнинг марказий бўлагида қурилишга кетаётган колхозчиларнинг шахдам қадамлар билан одим ташлаётган панорамаси тобора кенг кулоч ёзаётган қисмида тасвирда қаламсурат таъсири биринчи планга чиқиб олган.

Трип-тихнинг биринчи совуқ ранглар гаммасига бурканган бўлагига нисбатан бу қисмнинг колорити ҳам ёрқин, тоза тусга чулганган. Асар санъатда янги жараён - композиция учун зарурий образ ва буюмлар танланишиши, уларни экспрессив ва содда, аниқ шаклларда тасвирланиши, тасвирланувчиларининг жиддий ички жушқинликда ифодалайди» Шу жиҳатдан Денейко, 60 йилар собиқ совет санъати услуби белгилари кўринади.

"Устанинг тонги" асарида рассом хали кулол устасининг кундалик фаолиятини, эрта тонг палласи кулолчилик ўчоги қошидаги ишлаётган ҳолати қаламга олинган. Бир қараганда бу кўринишда бирор бир одатдан ташқари ҳолат ёз бермаётгандай, лекин - қахрамон қиёфасига киши нигоҳи тушиши биланоқ ҳумдонда сирли ҳодиса борлиги - унда ажойиб кулолчилик буюми мўжизаси дунёга келаётганлигини хис қилаётгандек, шунинг билан биргаликда асарга диққат билан қаралса, рассом эрта тонгнинг шоирона сокин, осойишта» оромгоҳ гўзаллиги қалбни ларзага солганлигини англаб оламиз. Рассом ўз асарига танланган воқеани шундай талқин қиладики, инсоннинг руҳий ҳолати табиат бидан тўла уйғунликда эканини томошабин хис қилади. У ниятдан келиб чиқиб асарнинг ранг жиҳатдан тузилишига ёндошади. Эрта тонг гўзаллиги ҳароратини ниҳоятда аниқ юзага чиқариш учун рассом, совуқ, садафнамо - кумушсимон, юмшоқ-яшил тонлар қоришмасидан фойдаланади. Жиддий услуб таъсири Г.Абдурахмонов, Пашковская, В.Бурмакин ижодида ҳам билинади. Р.Абдурахмоновнинг "Янги хужайин" Бурмакиннинг "Кутаётган аёллар асари пластик ечими ва ғоявий йўналиши жиҳатдан жиддий ва услубий хусусиятларини намоён этади.

Албатта, булар ижодида жиддий услуб белгиларини кўриш, улар ижодини бир кунча торайтирган булар эди. Жумладан, В.Бурмакин ижодида шакл таъсирчанлиги умумжаҳон санъати жараёнлари жумладан, Матисс, Гоген, Сезанн, Ван Гог, Пикассо, Сикейрос каби рассомлар ижодидаги шакл таъсирчанлиги замирида ривож топди ва замонавийлик руҳини

шакллантирди. В.Бурмакин ўзининг илк изланишларидаёқ маъноли ифодавий шакл топишга интилади.

Унинг "Кутаётган аёллар" композицияси ҳаётийлиги, ранг тизимининг таъсирчанлиги билан характерланади. Турли авлодга мансуб кекса, ёш аёллар безовталиги, орзу-умид ва кутишлари кўринишида ижодкор фикри очилади. *Асарда ёш аёл - она образини яратиб унинг фарзандига бўлган-мехри-шижоат билан олдинлаётган гавдаси, безовта қиёфасида ифодаланади.* "Қурилаётган Тошкент" (1972), "Оқ халатли кишилар" (1972) асарлари ҳам таъсирчан, шакл жарангдор, ранг тиниқ шаффоф ва жарангдорлиги билан томошабин томон одимлаб келаётган шифокорлар гуруҳининг руҳий дунёсини очади.. Тасвирланган образларнинг ҳар бири ўзига хос диққат эътиборни ўзини идора қиладиган кўринишда. Рассом юз бераётган воқеанинг жарангдор, ишчан ҳолатини ифода этишга эришган. Аниқ қирралардан ташкил топган гавда ҳолатлари, ёрқин ва жарангдор танланган колорит асаринг умумий ҳиссий мазмунини кўчайтиради. Бу хусусият ўзининг истедодини инсон ҳаётига бағишлаган шу касбга мансуб кишиларнинг муқаддас қасамга садоқатни янада теранлаштириб, кўчайтириб юборади. Ҳаёт қонунлари ҳақида фикр юритиш "Дарахт ҳақида поэма" (1976) триптихда яққол кўзга ташланиди.

Шу йилларда пластик масалалар тошкентлик рассом Евгений Мельников ҳам қизиқтиради. Унинг "Улоқ" асари композицияси чавандозларнинг экспрессив ҳаракати орқали очилади. Бу йилларда Ю.Талдикин ижодида ҳам рангтасвирнинг ифодавий томонларига эътибор кучли бўлди. Инсон ва табиат, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳаёт ва гўзаллик манбаи сифатида талқин этилади.

60- йиллар ўрталаридан ва 70 йиллар санъатида ўзбек санъатидаги изланишлар фақат пластик масалалар билан чегараланмай балки кенг кўламда ижодкорлар ижтимоий мавзуларга нисбатан инсон ўй хаёллари оғушига мурожат қилиш етакчи ўринга ўта бошлайди. Рассомлар кўпроқ

асарларида киши қалбига ҳузур ҳаловат бахш этувчи осудалик эгаллай бошлади, рассомлар табиат олдида фалсафий фикр юритиш, ҳаёт тўрисида ҳаёл суриш, тинч ҳаёт мусикасидан завқланиш хисларини ифодалашги интилишни сезилади. Шу хусусиятлар 60- йиллар охиридан санъат оламига кириб кела бошлаган Шухрат Абдурашидов, Жавлон Умарбеков, А. Мирзаев ва бошқа ижодкорларнинг ривожига кўриш мумкин.

Расм. Ж. Умарбеков Наво

70 йиллар Б. Жалолов ижодининг шаклланиш йиллари бўлди. У ўз ижодини портретларда ўзбек зиёлилари сиймосини яратиши билан танила бошлади. «Рақс тугулиши» «Баҳор» рақс ансамбили раққоса кизлари қиёфасида шарқ ва гарб санъати эстетик қарашларини уйғунлаштиради. Халқ ҳаётининг байрамона кайфияти Алишер Мирзаевнинг ижодий изланишларида кўзга ташланади.

Рассом ўз ниятини юзага чиқаришда рангларнинг экспрессив шаклларида, шиддатли ритмлари тўқимасидан фойдаланишни яхши кўради. Бу хусусиятлар унинг изланишларини ёрқин, алоҳида эмоционал кучини, жарангдорлини оширади.

Садулла Абдуллаев таъсирчан ифода воситалари топишга ҳаракатида аста ўзига хос услуб ярата борди. миллий санъат анъаналари айниқса миниатюра санъати таъсирида ривожлана борди. Булар Темур ва темурийлар даври воқелигига бағишланган асарларида кўринади. 70 йиллардан санъатга кириб келган рассомлар тасвирланувчининг рухий кечинмаларини ифодали ва таъсирчан очиб беришга интилиши сезилади. Шу билан бирга унинг яшаётган муҳит ранглар ўйинида акс эттирилади.

Расмда акс эттирилаётган қаҳрамоннинг феълу атворидаги хусусиятларни, мавжуд муҳитнинг яққол кўзга ташланувчи томонларини ўрнига қўйиб тасвирлаш орқали эришади.

70 йиллар **М. Тўхтаев** “Усто”(1972), “Хирургларнинг гуруҳ портрети”(1977), “Лада портрети”(1977), “Афсоналар тугиладиган ўлка” (1978)

Расм. Усто”(1972)

Расм. “Афсоналар тузиладиган ўлка” (1978)

Расм портрет.Махсуд Маҳмудович Тохтаев 1947 йили Кульже(Хитой халқ республикаси)да таваллуд топган. 1974 йили Тошкент театр ва рассомлик институтини тугатган. П.Беньков , кейинроқ Респблика болалар рассомлик мактаби интернатида дарс берган.

Расм портрет..... Йигитали Турсунназаровни драматик, хаяжонли ҳолатлар кўпроқ изиктиради. Турлича ҳаётий муносабатларга дуч келган одамлар, табиат стихиясига қарши дуч келиб турган дову дарахтларни у ўз асарларида фалсафий мантиқини кўчайтириш мақсадида моҳирлик билан акс эттиради. Рассом кундалик турмушдан олган таассуротларини ифодали тасвир воситалари орқали кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу хусусиятлар унинг илк асарларидаёқ тамошабин диққатини тортган эди. «Ўтмишда», «Сўнгги мактуб», «Ой бориб омон қайт», «Ҳал оғушида», «Сув ҳақида дoston» каби асарлари ўзининг эмоционал ечими билан эса қолади. 60-80- йиллар республиканинг чекка вилоят ва шаҳарларида ҳам етук санъаткорларнинг шаклланиши ва бадий ҳаётда иштироки бўлди.Улар ўз ижодлари билан ўзбек санъати услубий рангбаранглигини белгиладилар.

Е.ИзентаевМ.Ишонов, Б.Серекеев, А.Бакиров, ва бошқа рассомларр тобора актив ҳолатда ўз кучларини рангтасвир борасида синаб кўриши билан баробар, улар воқеликни актив равишда эстетик ўзлаштириши, колористик тузилишини рангларга бой ва асарлар мазмуни пластик ҳолатда ёритиш,бунга тема янги қирраларини очиши

60-80 йилларда республиканинг вилояти ва унинг марказларида ҳам бадий ҳаёт жонланди. Бухоро, Самарқанд, Наманган, Андижон, Қўқон, Сурхондарё, Хоразм ва бошқа жойларда истеъдодли ижодкорлар меҳнат қилиб кўргазмаларда ўз асарлари билан фаол иштирок эта бордилар. Андижондан рангтасвирчи А.Бакиров яратган Ибн Сино портрети, қатор зиёлилар портрети кўргазмаларда намоиш этилиб кўпчилик эътиборини

тортди. Рассомлар Н.Холиов, Р.Ўразов, К.Исабоев, Тошбой Шухрат республика ва халқаро кўргазмаларда намоиш этилди. **Фарғоналик рассомлар** С.Алибеков Ж.Муҳаммаджон Жўрабоев, М.Чурлу, В.Охунов ва ижоди ўзбек рангтасвирда шу йилларда содир бўлаётган жараёнларни ёрқин шаклларда акс эттирдилар. Бухоро рассомлари Баҳодир Саломов, Асад Барноев, Саиджон Зелिमхонов, Музаффар Абдуллаев, Нисон Бобоев, хоразмлик рассомлар Тўра Курязов, Ш.Бобожоновлар ижоди ҳам эътиборга лойиқ ўзгаришларни бошидан кечирди.

70 йиллар охиридан миниатюра санъати кенг ёйила борди. Ўзбекистон рассомлар уюшмаси бадиий фонди тасарруфидан «Усто» халқ санъати бирлашмасига асос солинди. Унга Ч.Ахмаров раҳбар этиб тайёрланди. Шу бирлашма атрофида миниатюра ихлосмандлари тўплана бошладилар. Миниатюра санъати ўзининг янги даврини бошидан кечира боршлади. Мусаввирлар Ниёзали Холматов, Шомахмуд Муҳаммаджонов, Абдубосит Қамбаров, Мунира Сотиболдиева, Ғайрат Камолов жамоатчиликка танилабошладилар.

60-80- йиллар монументал рангтасвир учун ҳам самарали бўлди. Унинг тур ва жанрлари кенгайди, ижодкорлар сафи кенгайди. Деворий рассомлик- ал фреско, витраж, мазаика санъатида асарлар яратилди. Бу йиллар ўз ижодини 40 йилларда бошлаган Ч.Ахмаров Шарқшунослик институти,, Улуғбек расадхонаси, А.Навойи адабиёт музейи, Тошкент метроси ва б. учун асарлари билан шу санъат равноқига хиссасини қўшди А.Ган, В.Жмакин асарлар маданий маърифий биноларнинг деворларидан ўз ўрнини олди.. Бу санъатда Баҳодир Жалолов бу йилларда фаол меҳнат қилди. Унинг бу ижоди Киночилар уйидан бошланди. Ж.Умарбеков билан ҳамкорликда ишлаган мазкур ишида ўзини шу соҳада кўрсатиб танилди. Кейинги Баҳор кино концерт зали, метро бекатлари деворий расмлари ўзининг мусиқий чизиқлар бойлиги билан ханузгача кўзни қувонтиради..

60-80 йилларда кино театр безак санъати давр изланишларидан узоқда бўлмади.Бу йилларда бу санъатнинг катта гуруҳи ижод қилиб шу санъатнинг

пластик ечимида сезиларли ўзгаришлар ясадилар. Г.Визел, В.Рифтин, М.Йўлдошев, Г.Брим, В. Акудин, А.Жибоедов ва б. ижодий изланишлари шу рангбаранглик асосии ташкил этади. Театр ва кино санъати сюжети мазмунига мос рамзий шакл ва сиймолар топишга интилиш, сахна асариэмоционал хусусиятларини шанг, шакл ва рамзий белгиларда ечишга интилиш шу изланишлар натижаси эди.

Савол ва топшириқлар.

60-80 йилларда ўзбек санъатида содир бўлган ўзгаришларнинг мохияти нимада?. Витраж нима ва у ўзбек санъатида қандай ривожланган?. 60- 80 йиллар графика санъатидаги ўзгаришларни санаб чиқинг. 60-80 йиллар ҳайкалтарошлигида унинг қайси турлари ривожланди.Шу даврнинг муҳим ёдгорликларини санаб чиқинг.60-80 йиллар рангтасвир санъати хусусияти ва ривожланиш босқичларини хусусиятини таърифланг.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси санъати

Ўзбекистон мустақиллика эришиши унинг санъатининг янги даврини бошлаб берди. Президент И.А.Каримов бошчилигидаги республика ҳукумати томонидан ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишнинг устивор йўналиши белгилаб берилди. Айниқса Президент фармонида биноан 1997 йили Ўзбекистон Бадий Академиясини ташкил этилиши маданий ривожнинг янги босқичини очиб берди. Муҳими, санъатда мафкуравий назоратни бекор қилиниши натижасида ижод эркинлигини қўлга киритган рассомлар услубий рангбарангликда ижод қила бошладилар.Ўзбекистон

Бадиий академиясининг ташкил этилиши эса шу жараённи янада тезлашишига йўл очди.

Меъморлик. Мустақиллик йилларида ўзбек меъморлигида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Миллий меъморликда янгиланиш содир бўла бошлади. Тошкент ва бошқа шаҳарлар лоиҳаларининг қайта кўриб чиқилди. анъанавий миллий меъморлик санъати анъаналари, жаҳон ва Европа меъморлик санъатининг уйғунлиги асарлар яратила бошланди. Аввалги даврларда қурилган биноларнинг таъмирлаш ва қайта қуриш ва модернизациялаш ишлари олиб борилди. Бу хусусият маъмурий ва маданий бинолар, уларнинг бадиий конструктив ечимида ўз ифодасини топди. Туркистон саройи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Шератон меҳмонхонаси, Меъморий мажмуалар ал Бухорий, ал Фарғоний, Хотира ва кадрлаш, Шоҳидлар хотираси ва б меъморий ёдгорликларда шу меъморликдаги янги жараёнлар ўзини яққол кўрсатди. Бу йилларда Парк - боғ санъати ривожланди. Ўзбекистон миллий боғи, Аква парк, Ҳайвонот боғилари қайтадан ишланди.

Мустақиллик йилларида ижод эркинлиги санъатда изланишлар ва турли услуб ва йўналишларнинг ривожланишига олиб келди. Реалистик санъат(ҳаёт шакллари асосига қурилган санъат) ва авангард - модернизм санъати ўзаро рақобати кучайди. Санъатнинг баҳолаш мезонини ижодкорнинг шахсий интим кечинмалари, ўй ва кечинмалари белгилай бошлади. Мустақиллик йиллари рассомлик санъатининг мавзуси кенгайди. Рассомларнинг миллий тарихга мурожати натижасида янги янги мавзулар, энг аввало миллий тарих билан боғлиқ воқеалар кўпчилик рассомларни

ўзига жалб этди. Санъатда тарихий портрет ва композицияларнинг пайдо бўлди. Амир Тимур, Мирзо Улуғбек, Жалолоддин Мангуберди иконаграфик портретлари учун танловлар ўтказилиши ҳам шу жараёнда муҳим ўринни эгаллади.

Тасвирий санъатда рангтасвир аввалги йиллардагидек етакчи ўринни эгаллаб изланишлар айна шу санъатда олиб борилди. Тарихий мавзудаги асарлар асосан реалистик талқин этилиши билан характерланади. А.Абдуллаев(Навоий), Ч.Ахмаров(Нодира), М.Набиев ижодида тарихий портрет ва композициялар(А.Темур, Бобур портрети, ва б), А.Икромжонов (Улуғбек, К.Беҳзод портрети), С.Рахметов(Ахмад Мирзо), О.Муинов(Тумарис, Бибихоним)портретлари реалистик санъат анъаналарида ишланган. Шунингдек бу даврда халқ қаҳрамонлари Алпомиш, Спитамен, Ж.Мангуберди сиймоларининг портрет жанрида яратилди.Қ.Башаров(Спитамен), Т.Курязов (Ж.Мангуберди), М.Йўлдошев(Алпомиш, Гўр ўғли, Рустам образлари) портретлари кўпчилик эътиборини қозонди.

Мустақиллик йилларида миллий мавзу ва тарихга эътиборнинг ортиши тарихий жанр ривожига катта туртки берди. Темур ва темурийлар даврига атаб шу йилларда айниқса кўп асарлар яратилди. М.Набиев, Ч.Ахмаров, Н.Қўзибоев, Қ.Башаров, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, С.Абдуллаев, Э.Машарипов , А.Алиқулов ва бошқалар шу мавзуда йирик асарлар яратишди. Ҳарбир замон ўз замондошларининг қиёфасини кўришни истайди. Бу табиий. Чунки давр кишиларининг рухий олами, уларнинг борлиққа, табиатга бўлган қизиқишлари шу санъатда ўз ифодасини топади. Шу санъатда ижод қилган А.Икромжонов,

С.Рахметов каби рассомлар шу ижодида шу санъатнинг янги қирраларини кўриш мумкин. Манзарачилик санъати ҳам ўзининг янги қирраларини намоён эта бошлади. Раҳим Ахмедов, Неъмат Қўзибоев, Анвар Мирсоатов манзаралари ўзининг хис туйғуларга бой хислатлари билан янги давр рухини ифодалайди. Мустақиллик йиллари миниатюра санъатининг ҳақиқий ривожланиш даври бўлди. Айниқса, локли миниатюра санъатининг ўзининг камолатига эришди. Ш.Муҳаммаджонов, Г.Камолов, Т.Болтабоев, Х.Назиров, А.Йўлдошев. Б.Йўлдошев, У.Қосимов, Ф.Рахматуллаев, Ш.Шоахмедов, А.Турсунов каби миниатюрачилар ижодида шу санъатнинг ажойиб намуналари яратилди. Бу санъатда НиёзалиХолматовга академик унвони берилди.

Мустақиллик йилларида реалистик санъат йўналиши билан бир қаторда авангард санъати йўналишлари ўзига йўл очиб борди. Ўз ижодини академик санъат йўналишида бошлаб катта ютуқларга эришган Баҳодир Жалолов, Вячеслав Охунов, Акмал Нуриддинов(Акмал Нур), Жамол Усмоновлар авангард санъатининг етук намуналарини яратишга муоффақ бўлдилар.

5 май 2008. Абдурахмонова Галия Жуманиёзова *1956 йили Қорақалпоқистонда туғулган, 1974 йили Ашхабоддаги рассомлик билим юртини, 1992 йили Тошкентдаги Санъат институтини тугатган. Тошкентда яшайди. Борлиқни афсонавий романтик руҳда ташвирилади маъқул кўради.*

Ахмадалиев Файзуллахон *1960 йили Қозогистонда туғилган 1984 йили ТСИни тугатган. Рассом ноанъанавий услубда ишлайди. Ранг тизими, шакллар ритми метафорада ижодкор қарашларини ифодалайди. Латофатли маликалари, , гайри табиий жозузоту паррандалар мажмуасида ўзига хос*

оханг ва фалсафий мазмун ечилади.” Шахзода ва Малика”, 1995, х.м. 110x129 (МБУ галереяси) ”Шарқ аёли” , 1995, х.м. 98,5x70,5 (МБУ галереяси.

Расм. Шахзода ва Малика

Мустақиллик йилларида монументал санъат ҳам ўзининг янги босқичини бошлади. Бу даврда барпо этилган жами маъмурий маданий бинолар санъаткорлар асари билан безатилди. Рассомлар хайкалтарош, ўймакор ва наққош меъморлар билан ҳамкорликда санъат синтезининг ажойиб намуналарини яратдилар. Ландшафт архитектураси, витраж, кошинкорлик, кулолчилик, кандакорлик, бадиий шиша бу санъатда ўз ўрнини топди. Туркистон саройи, Бизнес – марказ, Интерконтинентал , Шератон ва Меридиан меҳмонхоналари, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Олий мажлис биноси, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда қурилган маданий ва маъмурий бинолар янги давр руҳини ўзида мужассамлаштирди.

Мустақиллик йиллари графика санъати техника ва технологиялар билан бойиди. Компютер технологиялари бу санъатга бўлган талабни бутунлай ўзгартириб юборди. Полеграфия ишлари сифат жиҳатидан янгиланди. Плакат, амалий графикада компьютер графикаси ўзининг мустақил ўрнини эгаллади. Бу йиллардан графиканинг қаламтасвир ва босма графиканинг гравюра турлари етакчи ўринни эгаллади. Бу давр графикасида ҳам реалистик ва авангард йўналиш, миллий романтизм хусусиятлари уйғунлиги изланиш майдонида бўлди

Мустақиллик йиллари хайкалтарошлик санъати услубий рангбаранглиги билан характерланади. Дастгоҳ,

монументал, декоратив ва майда ҳайкалтарошликда асарлар яратилди. Лекин бу йиллардан монументал ва майда ҳайкалтарошлик санъатининг етакчи ўринга чиқди. Монументал ҳайкалтарошликда тарихий мавзудаги асарлар реалистик услубда бажарилди. А.Темур, Бобир, Жалолиддин Мангуберди, Фарғоний, ва б. Тарихий шахслар, халқ қахрамонларининг тимсоллари ҳайкаллари масалан Алпомиш яратилди. Ёзувчи, шоир, рассом, бастакаор ва бошқа зиёлилар хотираси учун Меъморий мемориал ҳайкаллар ўрнатилди. Шуниси эътиборлики мустақиллик йилларида ўзбек ҳайкалтарошлари хориж давлатлари учун тарихий шахсларга бағишланган ҳайкаллар буюртмасини бажардилар.

5 май 2008. Маҳобатли ҳайкалтарошлик.

Равшан Миртожиевнинг қатор асарлари кўпгина хориж мамлакатларининг шаҳарларида ўрнатилди.

Булардан ташқари Р.Миртожиев Андижонда Бобур , Тошкентда А.Қодирий, Чўлпон, Жиззахда Она ҳайкалини ўрнатди. Булардан ташқари Миртожиев майда ҳайкалтарошликда ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Маҳобатли ҳайкалтарошлик ҳақида гап кетганда шу даврда фаол ижод қилган Илҳом Жабборов, Эйнулла Алиев , Анвар Рахматуллаевлар ижодини эсламай бўлмайди. Жумладан айни мустақилликдан кейин ҳайкалтарош Илҳом Жабборов Амир Темурга бағишланган маҳобатли ҳайкаллари билан танилди. Унинг Тошкентнинг марказий ҳиёбонига ўрнатган Амир Темурнинг отдаги ҳайкали, Самарқанддаги тахтда ўлтирган холдаги ҳамда , Шахрисабздаги одамлар олдига пешво чиқиб келаётган ҳайкали мустақиллик туфайли майдонга келган ёдгорликлар эди. И.Жабборов Қува ва

Фарғона учун Ал Фарғоний, Хоразм учун ишлаган Жалолиддин Мангуберди ҳайкалларининг муаллифи эканлиги ижодкорнинг қисқа вақт ичида нечоғли катта меҳнат қилганлигини кўрсатади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида яратган маҳобатли асарлардан бири бу Тошкентдаги Алишер Навоийий номидаги миллий бозда буюк мутаффакир, ўзбек шериятининг султона Алишер Навоийий ҳайкали эди. Самарқандлик ҳайкалтарошлар Нодар Бандееладзе, В.Дегтярёвлар Эйнулла Алиев раҳбарлигида бажарилган бу ёдгорлик билан улар ўзбек ҳайкалтарошлигига унинг янги бир қиррасини, ҳайкалтарошликда меъморий-ҳайкалтарошлик мажмуасини олиб кирдилар. Кўшк типидagi меъморий ҳажм ичига одамлар олдига пешво чиқиб келаётган Мир Алишерни тасвирлаб кўшкнинг гумбаз остига эса унинг халққа қарата айтаётган башорати турли тилларда ўйиб ёзилган. **Унда дўстликдан қудратли куч йўқ маъносидаги фикр билдирилган. Бу сўз кейинчалик хорижликлар учун Навоийи ҳайкалини шу сўзми билан уларнинг юртида ҳам ишлаб беришни таклиф этдилар Бу фикрни аниқлаш лозим Н.С.**

XX асрнинг 90-йиллари тошкентлик ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев учун ҳам самарали бўлди. Унинг лойиҳалари асосида Тошкент, Чирчиқ, Навоийи шаҳарлари учун қатор маҳобатли ҳайкаллар яратди. Чирчиқ шаҳридаги Навоийи, Тошкент шаҳрида Мирзо Улуғбек ҳайкаллари (ҳар иккиси 1991, Л.Рябичев билан ҳамкорликда ишланган), Термездаги Алтомиш ҳайкали ҳам ҳамкорликда ишланган, Навоийи шаҳридаги Навоийи ҳайкалини Подосинников билан бирга ишлаган.

Дастгоҳ ҳайкалтарошлик

Тожиҳўжаев Тўлаган 1952 йили Тошкентда таваллуд топган 1975 йили Тошкент театр ва рассомлик институтини тугатган..... Бахт қуши, 1994, Торс, 1993(ҳар иккиси МБУда)

майда пластика

Мустақиллик йиллари ўзбек майда пластикасининг ҳақиқий ривожланиш босқичи бўлди. Қадим пайтлардан Турон тупроғида мавжуд бўлган бу санъат ўтган асрнинг 60-80 йилларида Самарқанд ва Бухорода яна бу йилларга келиб халқ усталари Усто Умар Жўрақулов, Хамро Раҳимова, Абдурахим Мухторовлар ижодида янги ҳаётини бошлаган бўлса, мустақиллик йилларида бу анъаналар тошкентлик ижодкорлар, академик **Шахноза Мўминова**, халқ усталари **Виктор Шурков** ва унинг шогирди Муҳаммаджоновлар ижодида ўзининг янги пластик кўринишини олди.

Декоратив ҳайкалтарошлик

.....

Амалий санъат

Мустақиллик йиллари амалий санъат ривожини Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва ҳукумат қарорлари, уларнинг амалий санъат ва халқ хунармандчилигининг ривожлантирилишига қаратилган тадбирлари белгилади. «Халқ амалий санъати ва хунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қўлтиқлаш тадбирлари тўғрисида»ги фармони, «Ўзбекистон халқ устаси» унвонини таъсис этилиши бу жараёнда муҳим омил бўлди. Амалий-безак санъати ва хунармандчилик бозор иқтисодига мослашиб борди. Унинг тур ва жанрлари бозор иқтисоди билан боғлиқ

холда ривожланди. Шу сохага оид шахсий устахона ва корхоналар ташкил этилди ва этилмоқда, музейлар очилмоқда. Мустақиллик йиллари кулолчилининг етук вакиллари **Акбар Рахимов, Шарофиддин Юсупов, Худойберди Ҳақбердиев, Шариф Азимов**га академик унвони берилди. Мустақиллик йиллари ёғоч ўймакорлиги, унинг маиший ва монументал турларининг кенг ривожланиш ҳақиқий даври бўлди. Маҳобатли ёғоч ўймакорлиги кенг ривож топди. Мустақиллик йилларида барпо этилган меъморий мажмуаларда, айниқса тарихий саналар билан боғлиқ турларида бу санъат ўзининг салмоқли ўрнини эгаллади Бу соҳада меҳнат қилган халқ устаси **Абдуғани Абдуллаев**га Ўзбекистон халқ қаҳрамони унвони берилди.

АДАБИЁТЛАР

- Абдуллаев Н.У. Пейзажная живопись Ўзбекистана.
Г.А.Пугаченкова, Л.И.Ремпель, История искусств
Ўзбекистана с древнейших времен до середины
Искусство Советского Ўзбекистана М. 1976.
Тактош Р.Х. Современная графика Ўзбекистана
Такташ Р.Х. Фарруҳ Кагаров Г. 1985.
Шостко. К.Башаров. Т. 19..
Зиганшина Н. Книжное искусство Ўзбекистана
Зиганшина Н. Георгий Чиганов Г. 1980.
XIX в. М., 1965:
Г.А.Пугаченкова Скульптура Халчаяна, М. 1971;
Г. Кўзмина . Е.Е. В стране Кавата и Афрасиаба, М. 1977